

Шарк Календар

2000

3—4

69-ЙИЛ ЧИҚИШИ

Адабий-ижтимоий журнал

Муҳаррир
Омон МУХТОР

Таҳририят ҳайъати раҳбари
Ўткир ҲОШИМОВ

ТАҲРИРИЯТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Ҳумоюн Акбаров
Асад Дилмурод
Нуриддин Зайниев
Жўра Йўлдошев
Бахтиёр Карим
(Муҳаррир ўринбосари)
Қосимжон Мамедов
Мурод Мансур
Қуронбой Матризаев
Холмуҳаммад Нуруллаев

Абдулла Орипов
Икром Отамурод
Ботир Парпиев
Ихтиёр Ризо
Юсуф Файзулло
(Масъул котиб)
Ислом Шоғулумов
Рустам Қосимов

Адҳам Ҳожи

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АҲБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАМҒАРМАСИ

Журналда беш йил ишладим. Бугун ҳам ўша кунларни, ҳамкасбларни миннатдорлик билан эслайман. «Шарқ юлдузи»даги каби жамоа кам учрайди. Муҳит ўзгача эди. Иштиёқ бор эди. Журналнинг ойлик ададини икки юз етмиш мингга етказган кунларимиз биздан саодатлироқ одам йўқ эди. Ўйлардикки, ҳамма «Шарқ юлдузи»га муштоқ, ҳамма «Шарқ юлдузи» айтганидан улги олади, керак бўлса, «Шарқ юлдузи» дунёни мукамал этишга қодир.

Алданганимизни кейинроқ сездик. «Шарқ юлдузи»нинг адади камайди, ўқувчилари қайгадир ғойиб бўлди, дунё эса эскилигича қолаверди. Кўнгилдаги бир армон шуки, ўша йилларда, каттаю кичик китобхонлик касалига дучор бўлган кезларда, сўзнинг қудрати ўзгача эди, сўз гўёки моддий бир кучдай туюларди. Шунга ишониб яшаш на қадар мароқли бўлганини айтиб ўтирмай.

«Шарқ юлдузи»нинг ўзбек адабиётида тутган ўрнини ўлчайдиган тошу тарози топилмайди. Назарга илинадиган асарларнинг кўпи шу журналда босилган. Ёзувчилар уюшмаси деган ташкилот бўларди. Ўша идорада бўлиб ўтган машваратларнинг барчаси бир тараф, «Шарқ юлдузи»нинг амалий иши — бир тараф. Ўз исмини, исми тагида бир парча шеърни ёки шапалоқдай ҳикоясини кўриб, бир олам масрурлик туйган одамлар буни жуда яхши тушунади.

Ростини айтсам, «Шарқ юлдузи» хусусида ўйлаганимда, ўзимни айбли ҳис қиламан. Агар журналдан кетмаганимда ҳаётим бошқача бўларди. Амал-памал деган нарсаларга, сохта обрў-эътиборга учмасдан, тинчгина ҳикояларимни ёзиб юрардим. Шу маънода атоқли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимовга ҳавасим келади. Миллат вакили бўлиб сайланганида ҳам, парламент кўмитасига раис бўлганида ҳам «Шарқ юлдузи»дан воз кечмади. «Муроджон, агар мен бош муҳаррирликдан кетсам, журнал тамом бўлади!» дея жон куйдирганлари ёдимда. Отасига балли, шундай қилса ҳам бўларкан: бугун Ўткир ака — ҳам маошли депутат, ҳам маошсиз раҳбар бўлиб фаолият кўрсатмоқда. Бизга ўхшаб «Шарқ юлдузи»ни бировларга топшириб қўйгани йўқ!


«Шарқ юлдузи»га содиқ қолиб, журнал ва жамоа билан биргаликда жамики қийинчиликларга, йўқчиликларга чидаб юрган, чидаш на, қаноатдан лаззат топиб юрган ҳамкасбларимни кўрганимда, ўзимга-ўзим «сотқинсан» дейман. Лекин бу юпанч бермайди. Гуноҳимни баттар бўрттиради, холос. Ўн йилча ёзмасдан юриб, кўнглим недир фаоллик туйғусига тўлиқ эрса-да, умримнинг талай қисми бекор ўтганини сезаман. Ўрнини тўлдириш қийин. Журнал ҳақида сўз ёзишимни илтимос қилишганида миямга келган фикр шу бўлдики, менинг, неча йилдирки қисир сигирга ўхшаб шаталоқ отиб юрган одамнинг сўз ёзишга ҳаққим бормикан?..

Лекин кўнгилда яна ўйлаш, яна ёзиш илинжи бордай. Ҳозирча «Шарқ юлдузи»га, унинг одамларига бот ва бот таъзим ва тазарру қилмоқдан ўзга чорам йўқдир. Арзирли нарса ёзсам, уни аввал «Шарқ юлдузи»га элтишим тайин.

Илоё, «Шарқ юлдузи» асло завол топмасин.

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ





Букуннинг гати

Абдулла Орипов,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ФИКРИМИЗ ВА ЗИКРИМИЗ

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан миллий мафкура, миллий ғоя, миллий истиқлол ғоясининг тамал тоши бўлиб хизмат қила оладиган яхлит бир концепцияни ишлаб чиқиш — барча зиёлилар олдига муҳим вазифа қилиб кўйилди. Бу вазифа ҳар биримизда муайян фикр кўзгаб, ўзаро фикрлашиб олишга ундаши табиийдир.

Инсоний тириклик савдо-сотик, замонавий атама билан атаганда «бизнес» асосига қурилган бу оламда аксарият ҳолларда энг арзон баҳоланувчи, аслида энг қимматбаҳо, ҳатто бебаҳо «товар» менимча, фикрдир. Ота-боболаримиздан қолган бир нақл борки, дейлик, мен сиз билан бир сўмни алмашсам, иккаламиздаям бир сўмдан пул бўлади. Агар бир фикрни алмашсам, иккаламиздаям иккита фикр бўлади! Уйлайманки, бу нақлга изоҳнинг ҳожати йўқ. Мақсадга яқинроқ келиб, «мафкура» ҳақида фикр алмашайлик.

Хўш, «мафкура» нима? Асли арабча бу сўзнинг туб луғавий маънолари «якуний фикр», «узил-кесил фикр», «ҳал қилувчи фикр» демақдир. Унга маънодош асли юнонча «идеология» сўзининг туб луғавий маъноси эса «ғоянинг мантиқи, мазмуни, моҳияти, маъноси...»

Ана энди бир пайтлар тилшунослик фанимизнинг улкан ютуғи сифатида тақдим этилган икки жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»ни варақлаб, унда ўзбек тили луғат бойлигининг неча фоизи қамраб олинганини кўя турайлик-да, биргина «мафкура» сўзининг изоҳини кўздан кечирайлик: «Муайян бир синфнинг манфаатларига қаратилган фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий қарашлар системаси, идеология». Изоҳни қаранг! Мазкур «изоҳ»га мисол тариқасида келтирилган сўзларга қаранг: «Пролетариат мафкураси», «Буржуа мафкураси». «Изоҳ»нинг шакл-шамойилидаги оддийгина имловий носозликлар («қаратилган қарашлар» қабилидаги)ни-ку кўяверасиз, мазмун-моҳияти ҳам шўро тилшунослигининг «ҳал қилувчи фикри», яъни, «мафкура»сини аён кўрсатиб турмаяптими? Гўё бу оламда «пролетариат мафкураси, буржуа мафкураси»дан бошқа ҳеч қандай мафкура йўқдек. Гўё «мафкура» ва «идеология» сўзлари пролетариат дохийларининг оламга синфий нуқтаи назар тирқишидан қарашлари билан бирга туғилгандек! Мана сизга «мафкура» — «пролетариат мафкураси», бу «мафкура» билан «пухта қуролланган» тилшуносликнинг «ҳал қилувчи фикри», яъни, чўмичдаги сувни дарё деб тақдим қилиш «технология»си!

Ха, дўстлар, фикр доирасининг торлиги, очиғи, ўтакетган фикрсизлиқ, сўзда пардаланаётган фикрнинг бош-кетига мантиқ кўзи билан жиддийроқ қараб кўрмаслик Шўро даври тилшунослигининг эмас, адабиётшунослиги, ҳуқуқшунослиги, айниқса фалсафасида унча-мунча ақл бовар қилмас даражада қулоч ёзган эди. Марксизм-ленинизм классиклари ва марксча-ленинча фалсафа

ишлаб чиққан «ҳал қилувчи фикр» — таппа-тайёр андоза, қолип ҳар бир «фикрловчи мавжудот»га абсолют ҳақиқат сифатида тикиштираверилгач, бошқачароқ бўлиши мумкинлиги, оддийгина ижрочининг «менда бир фикр бор» дея майдонга чиқиши осонми эди?! Буюк устозимиз Абдулла Қаҳҳорнинг «Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман» деган, бир қарашда беозоргина фикри аслида шўро ҳукуматининг туёғини ҳам, қулогини ҳам зирқиратиб юборгулик даҳшатли фикр эди, ўйлаб қарасангиз. Бу фикрнинг залвори, таннархи-ю қийматини бугун мустақиллик шарофати билан бир қадар тушуниб келаётгандекмиз.

Ўзбекистон Давлат мустақиллиги ва бу мустақилликнинг тўққиз йиллик жаҳоншумул одимлари натижасида биз минг бир машаққатлар билан қўлга киритаётган энг бебаҳо ютуғимиз менинг назаримда, ҳар биримизнинг мустақил фикрлаш лаёқати, фикрни фикрга чоғштириб, янги бир фикрга эга бўлиш салоҳияти, муайян фикр ва бошқа кўпгина ёндош фикрларни она тилимиздаги ҳар бир сўзда мухтасар ифодалаш маҳоратига қайта эга бўлиб бораётганимизда, деб ўйлайман. «Кўра-кўра кўсан бўлдим, сўзлай-сўзлай чечан бўлдим» деганларидек, шоядки энди фақатгина бахши-шоирларимизгина эмас, мафкура жабҳасининг барча жонбозлари, аввало тилшуносларимиз, сиёсатчиларимиз, файласуфларимиз чечанлашсалар. Тарашадек қуруқ бошқотирма гаплар аравасини ким ўзарга олиб қочсалар эмас, мустақил, жонли, тутуруқли, тайинли, бамаъни фикрни сўзда мухтасар ифодалай олсалар, яъни, том маънода чечанлашсалар. Ана ўшанда, ўйлайманки, миллий мафкура концепциясини ишлаб чиқиб, диққат-назаримиз, ақл-шууримиз, куч-ғайратимизни муайян миллий ғояга йўналтириш анчагина осонлашади.

Фалсафага нисбатан яқинроқ қаламкаш сифатида мени бир муаммо кўп йиллардан буён ўйлантириб келади. Бугунги кунда бу жаҳон айвонида, дейлик, «немис адабиёти», «рус адабиёти» ва ё «ҳинд адабиёти»дан мутлақо қолиш-майдиган «ўзбек адабиёти» бор, бинобарин, мазкур сўз бирикмаси эшитган қулоққа эриш туюлмади. Гарчи жаҳоний мавқеларда деёлмасак-да, ҳар қалай, «ўзбек адабиётшунослиги», «ўзбек тилшунослиги», «ўзбек танқидчилиги»... ҳам бор. «Ўзбек давлати»ку, Худога шукур, қад ростиламоқда. Лекин... «ўзбек фалсафаси»чи, «ўзбекнинг жайдари» фалсафаси... борми? «Ўзбек фалсафаси» сўз бирикмаси қулоғингизга бир қадар эришроқ туюлмаяптими? «Ҳинд фалсафаси», «Хитой фалсафаси», «араб фалсафаси», «юнон фалсафаси»нинг ёнида тура олгулик «ўзбек фалсафаси» аслида йўқ нарсами ва ё у «марксча-ленинча фалсафа»нинг тоғдек оғир юки остида босилиб-янчилиб, сарғайиб-синиқиб, ўлар ҳолга келган эдимми?! Агар «йўқ» десак, майли, буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийдан тортиб асримиз бошларидаги Фитрат ва Чўлпондек мутафаккир адибларимиз фалсафасини айтмай кўя қолайлик, Форобий, Беруний, Ибн Синодек том маънодаги файласуф алломаларимиз, Аҳмад Яссавий ҳазратларининг «Девони ҳикмати», Баҳоуддин Нақшбанд фалсафаси... ақалли ўтган йили минг йиллик тўйи умумхалқ байрами сифатида нишонланган «Алпомиш» дostonидаги Ҳакимбек — Буюк Ҳаким... бор-ку? Демак, кўриниб турибдики, «ўзбек фалсафаси» бор! Фақат бу Буюк Ҳакимни ажал чангалидан халос қилиб, жонлантириб, янги нафас, янги куч бағишлаб, олам аҳлига бутун кўлами, жозибаси, оҳанграбоси билан қайта кўрсатишимиз керак. Ана ўшанда миллий мафкура концепциясини ишлаб чиқиш мушкул бўлмайди. Аксинча, файласуф шоиримиз Ғафур Ғуломнинг халқона ибораси билан айтганда, «оддий бир амалдай ҳал қилинади». Фалсафа фанининг ошу нонини ҳалоллаб еяётган олимларимизга бу йўлда қудрат, сабот ва ғайрат-шижоат тилайман.

«Мафкура», яъни «ҳал қилувчи фикр» хусусидаги айрим фикрларимни жамлаб туриб, айтгим келадими, фикр ва сўз имконияти ҳам, мияда пишиб етилган ўзбеккона фикрни ўзбек тилидаги сўзларда мухтасар ифодалашнинг имконияти ҳам оламжаҳон-очун қадар чексиздир. Бу чексиз имкониятлардан мумкин қадар самаралироқ фойдаланиб улгуриш керак, холос. Бас, шундай экан, келинг, кундалик турмушнинг икир-чикирларига ўралашиб қолмай, жиддийроқ фикр-зикр қилайлик.



* * *

Сенинг юрагингда фош бўлмаган ишқ,
Севилмаган қизнинг севгиси қолди.
Менинг қароғимда тош бўлмаган ишқ,
Муррак қалб бегубор сезгиси қолди.

Соғинчлар тош бўлиб қотмас ҳеч қачон,
Оппоқ қор музлатиб қўёлмас гулни.
Қалбимда ўкинчлар солади сурон,
Не қилай, мен, ахир, суйолмам уни?!

Телба яралгани ростдир дунёнинг,
Телба юракларнинг ишқи ҳам телба.
Томиримда оққан қип-қизил қоним,
Ўхшайди пишқириб оққувчи селга.

Керак ҳам эмасди дунёча гуллар,
Керак ҳам эмасди нурлардан қанот.
Сенинг-да бир илиқ нигоҳинг ила
Исинмоқ истарди фақат муҳаббат.

Сенинг юрагингда фош бўлмаган ишқ,
Оппоқ атиргулнинг эгизи қолди.
Менинг қароғимда тош бўлмаган ишқ,
Севилмаган қизнинг севгиси қолди.

* * *

Сен мени ўзингдан воз кечиб севсанг,
Қароқни куйдирса мен кутган ёшлар.
Денгиз бўб оқмишлар мен ютган ёшлар,
Мен йўқда ҳижрондан туз ичиб севсанг.

Ёлғизлик туйганда сенсиз мен эсам,
Кўзларинг эласам кўнглумда чақин.
Нафасинг ёнимда бунчалар яқин,
Ойдинда сочларим зор қучиб севсанг.

* * *

Ўтдилар кунлару ойлар бесаноқ,
Ёзилиб кетдилар неча сатрлар.
Неча нозик қўлчаларни қучади бармоқ,
Кўзингиз олдида неча юз хурлар.

Нигоҳлар жунбушга келар энтикиб,
Кузатиб қоласиз хаёллар аро.
Сўзлайсиз, бир гўзал кулар кўз тикиб,
Сочлари қоп-қора, зулматдай қаро.


Менинг-чи, кўнглумга чўкади зулмат,
Тоғларга боғланиб кетган юрагим.
Дардимга малҳамим вақт эрур фақат,
Армондир қалбимнинг тиргаги.

Оғуши маст айлар юлдузли туннинг,
Жунжикиб лабларим исминг такрорлар.
Ёнимда ухлагич эшитмас уним,
Тун эса кўнглумга оралаб борар.



Шаҳрибону

КЎЗЛАРИНИ
ЭСЛАСАМ
Кўнглумда
ЧАҚИН



* * *

Деразининг у ёғи ўзга бир дунё,
Бу ёғида қолган бетоқат кўзлар.
Оппоқ хаёл терак, шамолда сузар,
Кўк денгиздай чексиз, осмон бепоён.

Қайтмоққа йўл излаб толдим изимга,
Ўрилган саф сочлар қитиқлар елкам.
Оқ елканли кема елларда елган,
Мен хаёл дунёсин эрка қизийдим.

* * *

Булулларим сузгич, ёмғирли самом,
Қайтларингга қор бўлиб инмасман бугун.
Кечаги гул вужудли менмасман бугун,
Нечун мендан кечдинг, эй сағир дунём?!
Эртакларда қолган тор бағир дунём...

* * *

Сизни деб баридан кечиб кетолмам,
Ишқимнинг калити денгиз тубида.
Тақдирдан лаҳзада қочиб кетолмам,
Мен сизни соғиниб кетсам-да жуда.

Йироқда қоялар нени билишсин,
Сойда сув югурик умримга ўхшаш.
Истайман мунгли ул қўшиқ тинишин,
Менинг энг қайғули кунимга ўхшаш.



Гулчехра Раҳимова

БИР-БИРОВА БИЗ ЎНДАМИ ТУШ

* * *

Яра бўлди ёниб юракдаги чўғ,
Беқарор бу йўллар кимдан қочади?
Алдамчи баҳорнинг битта лафзи йўқ,
Ишониб ахийри ишончим чарчади.

Бўлганмас юлдузлар, ой ҳам сирдошим,
Битта ёлғизликдан излаб минг чора.
... Ахир, энди менинг умр йўлдошим,
Шахсий буюкликдан қашшоқ бечора.

Қолдим сўнг, эгасиз уйга босилиб,
Бахтли бахтсизларга бўйим тенг эмас.
... Умиди — кетаётган вақтга осилиб,
Бекатда йиғлаган қиз ҳам мен эмас.

Сабр бўлиб яна бу сабрмас — тоқат,
Чиқмаган бош олиб, дилдан ҳайдалиб.
... Умидим йўлларда жон берар фақат,
Кўзлари кетаётган вақтга қадалиб...

* * *

Севгига доғ тушса, кўз ёш юволмас...

Асқад Мухтор

Чеки йўқ андиша дилни боғласа,
Кўзингдан айланай, нега йиғлайсан?
Тўлғониб вужудинг, кўз йўл пойласа,
Ўтмас пичоқ билан ўзни тиғлайсан.

Яхшиям бу йўллар «кар», «лол», индамас,
Унинг тор кўксига ҳали сиғмайсан.
... Бўлиб сен безовта фақат тундамас,
Кундуз ҳам бахтни туш кўриб ухлайсан.

* * *

Ёлғизлатиб қўймас илойим,
Сигмай ичга, кўзларда тошсам.
Ахир, кўкда сен борсан, ойим,
Қоронғу йўлларда адашсам...

Йиғлашни ёмғирдан ўргансам,
Кўрсам ғамга ер қонганини.
Дунё бўлиб, бир сен кўргансан,
Қувонч бўлиб қувонганимни...

* * *

Нечук яшашингни ўзинг билмайсан,
Асрар ёмон кўздан кимнинг тоқати?
Дунёда сен кўзи очиқ ухлайсан,
Кутавериб туннинг кўзи оқарди.

Кулавер, камаймас юздаги ажин,
Бу йўллар манглайга тортилган чизиқ.
... Кузатар четда лол қолган таажжуб,
Қолар дея оғир ўйловда тўзиб.

Сўнг, ўтди қуёшга ойдаги ёғду,
Кўз тутар интизор йўлингга борлиқ.
... Кўтарсин деб чўккан кўнглунгни
тоғдек,
Илашар изингдан беғуборлик.

Кўша қарир осмон ой бахти билан,
Ўсар кунга қараб заминнинг бўйи.
Бошга тушса кулфат, жон-жаҳди билан
Олиб чиқолмайди ёпинган ўйинг...

* * *

Бир-бировга биз ўнгдаги туш,
Орзу бўлиб кулмаган умид.
Қалбдан чиқар бир синиқ товуш,
Ёшин яшаб бўлмаган умид.

Бўлса далда юракка таянч,
Бўлмас топиб йўқотган изни.
... Кўзлардаги ноумид ишонч,
Ора йўлда қолдирган бизни.

Қон қус яна ичимга ютай,
Қолган занглаб ичдаги сўзни.
... Тушмасин деб кўз-кўзга, нетай,
Кесиб ташлай олмасак юзни...

* * *

Куйиб-куйиб сарғайган бағрим,
Йўқликлардан изласа макон,
Косадаги охирги сабрим,
Тилимни тишлашга бер имкон.

Фикру зикрим бору йўқдамас,
Ғам, ташвишдан бўшайман ерда.
Осмонўпар анов кўкдамас,
Мен кўкдамас, яшайман ерда.

* * *

Бўлар деб ўйладинг менга жуфт қанот,
Йўлингга кўз тиккан оҳу-зорларни.
... Сўнгра, ой, йиллардан кутдим мен
нажот,
Сени деб сарғайган кўп баҳорларим.

Кўз юмсам, барибир, сени ўйлайман,
Гина-қудрат ва рашк мўл керагидан.
... Қайси юз билан мен сени сўрайман,
«Сўра дейсан мени тош юрагингдан?»


Умидим — кўкдамда ниш урган майса,
Йўқ нарсалар бари бўлаверса бахт.
Сен қандоқ унутиб, унутолмайсан,
Кўз юмиб яшадинг мендан ҳаммавақт.

Дилни ўзиники қилмас пушаймон,
Ҳар ким ўз қалбига бера олса эрк.
... Кўрмайман, куймайман ва бош урмайман,
Осмонда қанотсиз қолган қушлардек.

... Бўлар деб ўйладинг менга жуфт қанот,
Йўлингга кўз тиккан оҳу-зорларни.
... Кўп кўрди сени менга бу гўзал ҳаёт,
Ичимга ютсам ҳам бор озорларни.



Шойим Бўтаев



Бир кунлик меҳмон

Қисса

*... Бу — ҳақиқат, чингур сўзларинг,
Каттароқ оч фақат кўзларинг.*

Ҳёте. «Фауст»

БИРИНЧИ ҚИСМ

Эргалаб, ҳавонинг рутубати тарқамаган бир пайтда Холмўминнинг тепалиқдаги тўрт томони шох-шабба, тиканлар билан чала-чулпа тўсилган, лекин бу тўсиқларни ҳар қандай маҳлуқ назар-писанд қилмай ўтиб кетса бўлаверадиган ҳовлисида ердан чиқдими, осмондан тушдими — номаълум, қирқ-қирқ беш ёшлардаги новча, озғин бир киши пайдо бўлди.

Холмўмин — тоғ одами.

Қачон бўлмасин, турли сабабларга кўра унинг уйига кимдир келавериши мумкин — биров йўқолган молини излайди, биров тўй хабарга хабарчи-жарчи жўнатади — қишлоқчилик.

Лекин, кийинишию турқи-тароватидан бегоналиги, туёқ туғул туёқ изиниям кўрмаган шаҳарлик эканлиги шундоққина билиниб турган ҳалиги киши истаб-қидириб базўр топиб келганига қарамай, талмовсираниб, ҳақиқатан ҳам шу уймикан-бошқамикан, дегандай иккиланиб, қир бошида ёлғиз ўзи сўппайиб-қаққайган кўримсиз уйга яқинлашишни ҳам, яқинлашмасликни ҳам билолмай турарди. Туни билан поездда йўл юргани учун унинг шаҳар муҳитига ўрганган вужуди қалт-қалт титрар, тоғ ҳавоси эт-этидан ўтиб кетмоқдайди.

Бу етмагандай, остона остида ётган эшақдай келадиган малла итнинг ҳайбати унинг ўтакасани ёриб юбораёзди. Ишқилиб, шу итнинг кўзи менга тушиб қолмасин-да, деган таҳлика-хавотир кўнглини эгаллагани унинг юз-кўзидаги аянч ифодалардан алайно-ошкор кўриниб турарди. У, энди нима қилсам экан, дегандай, ранги ўнгиб кетган портфелини кўксига босганча, уёқ-буёққа олазрак бўлиб тургани, ногаҳон эшик шарақ этиб очилди ва ичкаридан ўн икки-ўн уч ёшлардаги бир бола ўқдек отилиб чиқди.

Ит безовталанди, лекин, ўрнидан қимирламади, бир уюм жунни шабада енгилгина тортқилаб кетгандай таассурот қолдирди.

Бола бош яланг, оёғида қайиқдай бўлиб турган каттакон эски калиш, эғнида калта беқасам чопонча бор эди. Енги шу қадар калта эдики, чилчўпдек қоп-қора қўллар нақ тирсагигача чиқиб турарди; чамаси, у чопончани суннат тўйида эғнига илганича, ҳали ҳам ташламаганди. Бола орқа-олдига қарамай, уйнинг ортига ўтди-да, кенг яйдоқликка қаратганча чоптира кетди. Чоптириб бўлгач, нафас ростлаб, яна шаталок отишга чоғланаётувди, келган киши овоз берди:

— Ҳой бола!

Бола ялт этиб ўгирилди. Башанг кийинган амакига уни томошалаётгандек анқайиб қаради. Амакининг эғнидаги узун плаши, бошидаги шляпа, дазмолланган шим, қора ялтироқ пойафзал унинг ҳавасини келтирдими, ажаблантирдими — қора кулча юзига бир қарашда, ажратиш мушкул бўлган ифодалар қалқди.

Қишлоқда ҳар хил бўлган-бўлмаган воқеа-ҳодисалар — бировнинг уйини ўғри ургани, кимнингдир сигири тўсатдан йўқолгани, алакимнинг боласини авраб ўғирлаб кетмоқчи бўлишгани-ю, агар ўғирлаб кетишганда эвазига қанча пул талаб қилишлари мумкинлиги ҳақидаги миш-мишлар боланинг қулоғига ўрнашиб қолганди. Бола қиш куни ҳовлида илиқишиб юрган тўда-тўда итлардан, от олиб қочишидан, далада бирор ёввойи маҳлукқа тўқнашишдан ҳеч-ҳеч ҳайиқмайди-ю, бегона одамнинг туйқус дуч келишидан жон-пони чиқиб кетарди. Одамларнинг ёвузликлари, найранглари ҳақидаги боягидақа гаплар унга алақачон таъсир этиб, қандайдир ёввойилаштириб қўйган эди.

Боланинг туси учиб кетганининг боиси ҳам шундан эди. У орқа-олдига қарамай, чунонам қочиб қолдики, келган кишиям кифт қисидан ўзга илож тополмади.

Аммо икки-уч дақиқа ўтиб, эшик қайта очилди.

Соч-соқоли патила-патила, болакайга ўхшаб калта беқасам чопон кийган бир одам пайдо бўлди. Атрофга олазрак қаради. Ўзини ердан бир нима олаётганга ўхшатиб кўрсатганча энқайди ва эғасининг ҳаракатини кузатиб ётган итга дўқ урди:

— Тур-е, падарнаълат!

Ит эринчоқлик билан кўзғалди. Ортига қарай-қарай беш-олти қадам юрди-да, қулай жой топиб, яна ётмоқчи эди, эғасининг қони қайнаб кетди:

— Ҳэ, ҳаром ўл, кет нари!

Ит энди хўжайиннинг кўзига ташланиш бефойдалигини сезиб, лўкилаганча ҳовли этагига жўнади.

«Қари экан...» — ўйлади келган киши.

Лекин, уйдан чиққан одам орқасидан:

— Текинхўр! — дея сўкинганга қараганда, ит оч ҳам эди, шекилли.

Бола уйга кирган заҳоти ранги ўчганча, тили тутила-тутила номаълум одам ҳақида ваҳима қилган, унинг қиёфаси-ю сўзлаш тарзидан отасининг ҳам ўтакаси ёрилаёзганди.

Буни отанинг итга муомаласидан билса бўларди.

«Бу Холмўминники эмас, шекилли», — ўйлади ўзича ҳалиги киши ва уй эғаси этиб келишини кутди. Орада уч-тўрт қадам қолганда, шошилиб салом берди:

— Ассалому алайкум, амаки...

— Ваалайкум... — уй эғасининг овози ҳирқираб чиқди. — Келинг, миймон...

— Холмўминники шуми? — ноумид сўради киши.

— Шу-у... Келинг.

Киши ҳайрон бўлди.

— Ўзи... қаерда?

Уй эғаси аянчли илжайди.

— Мана-а... биз-да... Холмўмин! — деди у гўё Холмўмин бўлганлигига афсус чекаётгандек бир оҳангда.

Келган киши астойдил зингил солиб, таниш белгилар топишга уринди. Ахийри, топди шекилли, юзи ёришиб:

— Физика-математика факультетини битиргансиз-а? — деб сўради.

Холмўмин физика-математика факультетини битирганини унутиб юборгандай бир зум иягини қирт-қирт қашиб турди-да:

— Битирганди-ик... — деди. Бу гапни шу тарзда айтдики, ўша битиргани жуда-жуда афсусланарли бўлгандек, ҳали-ҳануз у пушаймондек афти бужмайиб кетди.

Меҳмон ажабланди:

— Ишлайпсизми, ахир?

— Иш қатта? — Холмўмин қўл силтади. Кўз остларида, юз ифодаларида ўзи учун энг қадрли нарсасини йўқотиб қўйиб, ўзини уни унутишга мажбур қилаётган, унутолмаётган, ичи куйганидан талвасага тушаётган кишининг изтироб-қайгулари ҳам соя солиб ўтиб кетди. Йўқотган гавҳарини ёдига туширгани учун меҳмондан норози бўлгандай, унга қаттиқ тикилиб қолди. Ва шу чоқ кўзларининг туб-тубида қандайдир учкун йилтиллади.

— Си-из... — дея, давомига нима деярини билмай тўхтаб қолди.

Келган кишининг шаҳарда оқлиги унчалик билинмайдиган юзи ҳозир қирқ устида, айниқса, Холмўминдай бўйсўнақай бир одам кўзи билан қараганда заҳил кўриниб кетди. Ўқий-ўқий косаси ҳеч оқармагани учунми, аксарият ўзи сингари одамларда бўлгани каби Холмўмин зиёлиларни хушламай қўйганди; бу табиий ҳол эди — масалан, биз ҳам институтда ўқиганимизда биринчи курсда ҳамма шеър ёзарди, бора-бора қўлларида келмаслигини билиб ташлаб юборишди ва охирги курсда ҳамон ёзаётган ҳақиқий шоирнинг қаттол душманига айланишди; шу даражага етказишдики, боёқиш шоир диплом ҳам ололмай шоирлигича ўқишдан ҳайдалиб кетди. Бўларкан-да!

Келган киши ўзини ўнғайсиз сеза бошлади.

У, ўзи ишлайдиган идорадан меҳнат таътилига чиққач, туйқусдан йигирма йил аввал битириб кетишган курсдошларини эслаб қолган, ҳозир нима қилиб юришибдидийкин, дея қизиққан, ёшлигини эслаб хўрсинган, қандайдир ички эҳтиёж туфайли йўлга тушганди. Беш-олти кун туриб келаман деб, сафарини олис қишлоқдан — Холмўминларникидан бошлашга аҳд қилган, тўсатдан кириб борсам зўр бўлади, деб ўйлаган, хом хаёлларга берилганди.

— Ме-ен... Саид... Саидмуродман... — деди келган киши Холмўминнинг қандай ҳолга тушишини кўргиси келиб.

Холмўмин... бир лаҳза кутилмаган меҳмонни кутиш ташвишидан саросималаниб қолди.

Сўнг ўзини қўлга олди.

Иршайди:

— Э... Алимиф?!

Келган киши бош ирғади.

Холмўмин кучоқ очди:

— Бормисиз... Келинг-да!

Кучоқлашишди.

Холмўмин Саиднинг озғин елкаларига шапиллатиб уриб-уриб қўяркан, ичида: «Қуруқ жасаднинг ўзи қопти-ку! — деб ўйлади. — Каттароқ мансабдор ёки бизнесмен бўлмаса, шаҳарда яшашдан ҳам наф йўқ дейишади, тўғриёв! Жуда бўлмаса, меласада ишласа тузук эмиш. Кап-катта олимларнинг ойилигигаям битта эчки бермасмиш. Тўғри-да, меласа қўриқлайди, олимдан нима наф? Эски китобини варақласаям-варақламасаям ҳаёт ўтаверади...»

Холмўминнинг тарвақайлаб кетган вужудидан қий, жун ва яна аллақандай ҳидлар гуркираб турганидан Саиднинг димоғи ёрилгудай бўлди.

* * *

Отаси билан келган одамнинг кучоқлашиб кўришаётганини кўриб, супада ҳайкалдек қотиб турган ҳалиги болакайнинг юзига қувонч дориди, ортга бурилганча уйга қараб югурди. Эшикни тарақлатиб очганча:

— Миймон келди, уйимизга миймон келди! — деб қичқирди.

Уй ичи бир пасда тўс-тўполон бўлиб кетди.

Беш-олтита паст-балаң болалар умрларида меҳмон кўрмагандай ўзларини ташқарига уришди. Остонада тирғалишиб, бир-бирларини итаришиб, келган одамни кузата бошлашди. Кўзлари ҳаминиша нимадандир қўрқиб-ҳайиқаётгандек пирпираб турадиган, бир елкаси тушиб энгаги олдинга туртиб чиққан, озғин аёл — Холмўминнинг хотини ҳам болалари ортидан мўралаб, келган кишининг анча-мунча жайдари одамлардан эмаслигини кўрди. Унинг олифта кийими, шляпаси, қўлидаги портфелининг ўзи аёлни эсанкиратиб қўйди. Шоша-пиша яқинда уйлантирган ўғли билан келини ўтиришган хонага кирибди:

— Туринглар-туринглар, миймон келипти. Тез бўлинглар, жой қилинглар, аҳволимизга кулиб кетмасин, — деб валдирай бошлади.

Келинчакнинг юзига норозилик аломати югурди.

Ким келса, унинг уйига кираверадими?!

Менинг уйим, дерди келинчак.

Ҳозир эри билан ширингина суҳбатлашиб ўтирувди.

Шу чоқ... қайнона кўзига алвастидай кўринди!

Истар-истамай уйдан чиқаркан:

— Ким экан? — деб тўнғиллади.

Қайнона норози қараб:

— Билиб ўтирибманми? — дея чимирилди. — Амакингининг ошна-офайнисидир, таниш-билишидир?

Келинчак минғирлаб:

— Товба?! — деб қўйди.

Бирпасдан кейин Холмўмин Саидни бошлаб кирди.

Бутун оила аъзолари нариги уйга қамалиб олишган, чурқ этган товуш чиқмас, уй кимсасиздек эди. Лекин йўлақда бирталай оёқ кийимлари сочилиб ётарди.

Холмўмин ичида: «Падарлаънати, йиғиштириб ҳам қўймайди!» деб ўйлади. Лекин ўзи бирон марта огоҳлантирмаганини эсигамай келтирмади. Унинг бу тартибталаблиги шаҳарлик меҳмон туфайли эди, лаҳзада унутди.

— Кираверинг... — Холмўмин ўзини хушчақчақ, дўстининг ташрифидан боши осмонда эканлигини кўрсатмоқчидай бўлса-да, қандайдир ўнғайсиз аҳволда қолганлигини ҳам яширолмаётганди.

Саид иккилана-иккилана ичкарига қадам босди.

Йўлакнинг ифослиги, пол қилинмай, ҳатто оддий шолчаям тўшаб қўйилмаганлиги, қолаверса, кўчадан фарқи йўқлиги уни ажаблантирди. Пойафзалини остона остига ечиб, дарҳол ичкарилади.

Ҳали танча қурилмаган, хона совуққина эди.

Ечинишга эҳтиёж тугилмади.

— Биз томонларга ҳали газ келмаган, — Холмўмин узр сўраётгандай минғирлади. — Яшашимиз ибтидоий...

Ана шу сўзгина Холмўминнинг бир маҳаллар олий ўқув даргоҳида таҳсил олганини англагандай бўлди.

— Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўп кетади, — Саид бу ҳол учун негадир ўзини айбдордек ҳис этди.

— Худо хоҳласа, — деб қўйди Холмўмин ҳам унинг иборасини қўллаб; бироқ, гапига тариқча ишонмаганлиги юз-кўзларидан аён эди. — Қани, тўрга ўтинг...

Холмўмин пойгакка чўқди.

Омин қилишди.

— Зап кепсиз-да! — деди Холмўмин елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлиб, енгил нафас олганча. — Бемалол, ўз уйингиздай, оёқни узатиб ўтиринг. Мен ҳози-ир... — шундай деб, Холмўмин ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Ташқарида гўнғир-гўнғир товушлар эшитилди.

Гап меҳмонни қандай кутиб олиш, дастурхонга нималар қўйиш хусусида бораётганини, уйда бир пайсаям гўшт йўқлигидан йиғламсираб шикоят қилаётган хотинига Холмўмин мушт дўлайтириб, овозини чиқармасликка ундаётганини Саид хаёлигаям келтиргани йўқ.

У ўзи ўтирган хонани қизиқсиниб томоша қиларди.

Деворларга турли-туман латта-путталар осиб ташланганди.

Келинчакнинг ялтир-юлтир қўйлақлари борми, пальтою рўмоллари борми, барибари латталарга тўгноғич билан қадаб қўйилган эди. Уй шифтига етай-етай деган ёғоч дорга ҳам кийим-бошлар ташланган, хонадон соҳибаси худди кийимларини кўз-кўз қилиб, мақтанишга жаҳд этганга ўхшарди. Саид коса-товоқлар қалаштириб терилган токча тепасига алақандай суратлар ёпиштириб қўйилганлигини ҳам кўрди-да, бориб суратларни томоша қила бошлади. Улар орасида Холмўминнинг талабалиқда тушган, четлари титилиб кетган сурати ҳам бор эди.

Саиднинг кўнгли ғалати бўлиб кетди.

Эшик очилиб, қўлида икки шиша ароқ билан Холмўмин кирди.

Унинг ортидан дастурхон кўтарган, бошига тўр ташлаб олган келинчак кўринди. Остонада туриб, бошини уч бора эгиб, салом қилди.

Расм-русум бўйича, бундай маҳалда ҳаёда бериш керак эди. Саид буни хаёлига ҳам келтиргани йўқ.

Келинчак иккиланиб туриб қолди.

Кейин қайнотасининг имоси билан тезгина дастурхон тузаб, ортига тисарилатисарила чиқиб кетди.

Холмўмин кўриб-билиб турган бўлса ҳам:

— Суратларни томоша қиялпсизми? — деб сўради.

— Ҳа... студентликда тушган суратингиз бор экан, — деди.

— Э-ҳе... Қани, у вақтлар? — деди Холмўмин лоқайдлик билан истар-истамас. Унинг бу ҳолати Саидни ларзага солгандек бўлди. Нима деярини билмай, томоқ кириб қўйди.

— Қани, ўтинг-чи, — деди Холмўмин меҳмонни ўтиришга қистаб. — Юзта-юзта отайлик. — У сўзлашга арзимайдиган нарсалар ҳақида бош қотиришнинг нима ҳожати бор, дегандек қўшиб ҳам қўйди. — Бир арава сурат бор эди. Ўзим тушаверган эканмиз-да! Мундоқ-оқ ўйлаб қарасам, ўша суратларга кетган пулларга эндиги кунда қўшга қўша бўладиган яхшигина ҳўкиз ёки от бераркан.

Унинг сўнги сўзидан меҳмон лол қолди.

Улар ўз жойларига ўтириб, ёнбошлашди.

Холмўмин пиёлаларни тўлатиб-тўлатиб ароқ қуйди. Унга узатаётиб:

— Кўришганимиз учун! — деди.

— Кўришганимиз учун!

Ичиб сузмадан ялашди.

Ана шу бир пиёладан кейин Холмўмин ўзгариб қолди.

— Ким экан, дебман! — дерди у оғзининг таноби қочганча. — Ўзим ҳам энди ташқари чиқмоқчи бўлиб турувдимки, ўғилча кириб қолди. — Супрақоқдимиз-да! Ранги ўчган, дағ-дағ титрайди. Нима гап десам, айтмайди, айтолмайди. Жаҳлим чиқиб, онасига, ҳо-ов, бунингни бетига сув-пув ур, жин-ажина чалмадимикан, дедим. Аял-да, кўриб-билиб турсаям, нега унақа дейсиз, худо сақласин, деб мендан домангир бўлиб ўтирибди. Ўғилча анави ерда, анави ерда, деганидан билдимки, ташқарида би-ир гап бо-ор! Чиқиб қарасам, жин-ажинамас, посон кийинган бир киши турибди, важоҳатидан министрға ўхшайди...

Саид кулди:

— Ў-ҳў...

— Рост, рост! Бир министр бўлса шунчалар бўлар-да. Ҳозир қаердасиз?

— Вазирликда.

— Ана! Мен билиб айтибманми!

— Ҳа.

Холмўмин ўзининг топқирлигидан ўзи қувониб кетди:

— Биз ҳам бир нарсани биламиз-да, билмасак гапирамизми!

Саид эътироз билдирди:

— Фақат сиз ўйлаганча эмас, мен вазирликнинг бир бошқармасида кичкина вазифада, инспектор бўлиб ишлайман, — деди каттароқ вазифада эмаслигидан ўзи ҳам афсуслангандек.

— Секин-аста каттасигаям кўтариласиз, вазир ҳам бўласиз, — кўпириб-тошди Холмўмин, собиқ курсдошининг вазир бўлишига заррача ишонмаган ҳолда ўзини бунга ишонаётгандек кўрсатиб. — Билимингиз етарли, бунинг устига, олижанобсиз, одамларга яхшилик қилгингиз келади... Фақат... — Холмўмин санаганларидан ташқари яна бир фазилат етишмаслигига писанда қилаётгандай, сукут сақлади.

Саид бу сўзларни қизиқиб тинглаётганди, шу боис:

— Нима фақат? — дея, фикрининг давомини кутди.

Холмўмин деҳқонларга хос тўпорилик билан:

— Сиз ҳам ёлғиз йигитсиз-да! — деди. — Суянчингиз йўқ. — Кейин шипшиди. — Бизда Абдуллаҳўжа ака деган окамиз борлар, шу киши ҳамиша бир гапни такрорлаб турадилар...

— Қандай гап экан?

— Ё зар, ё зўр!

— Йўғ-э?! Жа-а, унақа эмас...

Холмўмин тиржайди:

— Сизга кўрсатиб қилишмайди-ку!

Чекка бир жойда мол боқиб юрган одамнинг фикри Саидни ажаблантирди:

— Сиз нечук буначалик аниқ хулоса чиқармоқчи бўлялпсиз?

Холмўмин Саиднинг дурустроқ вазифада эмаслигини тушуниб етгандай:

— Ўзимиздан қиёс-да! — деб қўйди. Кейин пиёлаларни тўлатди. — Қани, бир нима денг.

Саид пиёлани қўлига олди:

— Нимаям дердим? Мана, битирганимизга йигирма йилдан ошипти. Отпускага чиқиб эдим, шу дўстларимдан Холмўминни бир кўриб келай дедим.

— Қулук, — Холмўмин қўлини кўксига қўйиб, бош эгди. — Қазрдормиз.

Кейин галма-гал пиёлани бўшатишди.

Орқасидан сузма ялашди.

Холмўминнинг жағи тинмас, Саид жилмайганча унинг сўзларини тингларди. Суҳбат асносида собиқ курсдошининг таржимаи ҳолига оид талай маълумотларни билиб олди. Маълум бўлишича, Холмўмин диплом олгач, кела солиб уйланибди. Аёлининг исми Хатча экан.

Саиднинг оғзи очилиб, анг-танг бўлиб қолди.

— Халиги-и... — деди тутилиб. — Адабиёт факультетидаги Хатчами? Билла-билла юрардингизлар...

Холмўминнинг юз-кўзларига аллақандай армон кўланкалари тушиб, бир муддат жим қолди. Ўзини зўрлаб, кулди.

Кулиб айтди, бошқаси экан. Ўзларининг қариндоши. Исми уйқаш экан, холос. У Хатчани хотин қилиш Холмўминнинг хаёлигаям келмаган экан. Бу гапни эшитиб боёқиш қизининг ўзиям ҳайрон қолибди. Шунақа, тақдир Холмўминга у Хатчани эмас, бунисини раво кўрган экан. Иккаласиям Хатча бўлса-да, ораларида еру осмонча фарқ бор эди. Мактабни чала-чулла битирган, рўзгорбоп бу Хатча Холмўминни осмондан тушириб олибди. Мол-ҳол қилишга ундабди, пишак офтобга чикмайдиган маошни бошингизга урасизми, деб ҳатто жанжал қилибди. Холмўминнинг айтишича, жудаям тўғри қилган экан, йўқса, бунақа шарт-шароитда очлиқдан ўлиб кетиш ҳеч гапмаскан. Очлиқдан ўлиб кетиш унчалик кўрқинчи эмаскан-у, бунинг исноди авлод-аждодига етиб ортаркан. Шунақа. Эл-юрт олдида шармандай шармисор бўлишига бир баҳя қолган экан. Хотинининг қистови билан мактабни ташлаб, деҳқончиликка ўтибди. Деҳқончилик четдан қараган одамга дурустдай кўринса-да, аммо, буям косани оқартирмайдиган бир машғулот экан. Бошқа илож топмагани учун, Холмўмин бу ишнинг этагидан маҳкам тутибди. Мол-ҳол қилибди. Молнинг мол бўлиши учун молга мол бўларкансан, бўлак илож йўқ экан. Шундай қилиб, Холмўминнинг калласида физика-математикадан ҳеч вақо қолмабди.

Саид беихтиёр:

— Бекор қилибсиз, Холмўмин, бекор қилибсиз! — деб юборди. — Ахир, сизнинг қобилиятингиз чакки эмасди.

— Ёнбошланг, — деди Холмўмин бепарво.

Кейин пиёлаларга яна ароқ қуя бошлади.

— Бу қурғурни шаҳарликлар ичсин-да, оз-оздан, майдалаб. Э, биз нима билемиз, — деди қўл силтаб.

— Бу ёқда-чи? — деди Саид.

— Ажратишмайди. Ҳамма дўконча очиб, ароқ, сигарет сотиб ётипти. Тозаси бўлсаям майли экан.

— Яна-чи? Нималар сотишади? — деди Саид.

— Жевачка! — деди Холмўмин. — Қурут, писта, топиб олишгани шу.

Холмўминнинг катта ўғли бир тарелка қип-қизил олма келтириб, дастурхон ўртасига қўйиб кетди.

Холмўмин уни Саидга таништираётиб, узрхоҳлик қилиб қўйди:

— Тўйида хабар етказолмадик! Шошилинч бўлиб қолди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Саид, шошилинч бўлмагандаям ўзига хабар етмаслигини билиб.

Лекин у ҳозир хафа бўлиб қоладигандек, Холмўмин ўзини оқламоққа тушди:

— Келиннинг бир кампир бувиси бор. Касал ётавериш шаптоли қоқидай қуриб кетган, бу дунёдами, нариги дунёдами эканлигини ўзиям фарқи-сарқига бормади. Ана кетди, мана кетди бўлиб, ўша кунлар бизни анча шоширди. Мана, уч ой ўтди ҳамки, ҳалиям ўша-ўша етиши, кетгани йўқ, — сўнги сўзини у афсуслангандай айтди.

Саид «бу галги тўйларингизга, албатта, келаман» деб унга тасалли бергач, Холмўмин ўтган тўйнинг таъриф-тавсифига тушиб кетди:

— Ўша кунлари пулгаям сотиб олиб бўлмайдиган ҳаво бўлди-да! Заксинг ўзига олтита енгил машина қаторлашди, денг. Бу хумпар ўғилчанинг пешонаси экан-да! Видйого олган, ҳали бир томоша қиласиз...

«Пешонаси ёруғ» ўғил кирди.

— Ота, овқатни келтирайми?

— Опке.

Ўғил чиқиб кетаётгани, Холмўминнинг ёдига нимадир тушиб, чақирди:

— Тиркаш!

— Ҳа, ота.
— Гизиллаб бориб, дўхтир бовангни чақириб ке, овқатни кейин сузасизлар. Отамнинг шаҳардан ўртоқлари кепти де. Тез юринг экан, де. Уқдингми?

— Ҳа.
— Жўна.

Тиркаш жўнади.

Ташқарига чиққанда онаси:

— Ҳа, сузаверайлик эканми? — деб сўради.

— Йўқ, аввал бориб дўхтир бовани айтиб келарканман.

Аёл пастки лабини тишлаб, бошини кескин-кескин чайқади, тирноқлари билан юзини юлаётгандай қилиб кўрсатди:

— Шўрим қурсин! Туппа-тузук одамнинг олдига ўша алкаш, мурдашўйни чақира-дими? Ундан кўра қудасига одам юборсин.

Ўчоқ бошида чўнқайиб, чойдиш остида тутаб-бурқсаётган тезакни ўт олдиришга уннаган келин панг товушда:

— Дўхтир бова турганда мани отамни чақиршни ўйлармидилар? — деди.

Аёл айтиб-саннаб турганидан дарров тонди:

— Ҳо-ой, келин, нега ўйламаскан? Ўйлайди. Айтиб келишади. Ё, эрингизни юборайликми? Эрингизни юборсак, уят бўлмайдими? Одамлар бир ой-ярим ойдаям қуда чақирдини ўтказиб юборишяпти, бир-бирлариникига кириб-чиқиб юришипти. Мани ўғлим бўлса... ҳалиям қайнотасидан қочиб, пусиб юрибди... — аёл сал бўлмаса, кўз ёшларини шашқатор қилиб юбораёзди.

— Ким буларни айтиб келсин деяпти? — деди келин. — Анави кичкина болалар борсам бўлаверади, мани отам араз-гина қилиб юрмайдилар...

Қайнона келинчакнинг нимага шама қилаётганини билолмай бир гапдан қола қолди.

Бу чоқда Тиркаш тепалиқдан эниб, ўйдим-чуқур қишлоқ кўчасига тушиб келарди. Қайнона-келин ўртасидан ўтган гап-сўзлардан кўнгли ғаш эди.

У гайрихитиёрый равишда кўлларини силкий-силкий, катта-катта қадамлар ташлаб кетаверди.

Йўлда унга каллакунжарани биллагига илиб келаётган қирқ-қирқ беш ёшлардаги чилаширдай озгин одам дуч келди.

Тиркаш уни кўриб, қувониб кетганидан:

— Ассалому алайкум, жаноби олийлари, — деб юборди.

Жаноби олийлари асли беозор киши, унинг исмини ҳамма унутиб юборган, хатто хотиниям жаноби олийлари, деб чақиради.

— Ваалайкум... — Жаноби олийларининг боши осмонга етиб, оғзи ялоқдай очилиб кетди. — Йўл бўлсин, Тиркашвой?

— Уйимизга шаҳардан миймон келиб эди.

— Миймон — атойи худо, — деди жаноби олийлари қироат билан.

— Катта ишда ишларкан.

Жаноби олийлари Тиркашга ишонқирамаётгандай, юпқа лабларини чўччайтирди:

— Бэ-э?!

— Ўшанга дўхтир бовани чақиргани кетяпман.

Жаноби олийлари каллакунжарани нариги биллагига олди.

— Катта ишда ишласа, олдига Райим жиннини айтиб борсанг бўларди.

Тиркаш хафа бўлди:

— Нега бунақа дейсиз?

Жаноби олийлари тушунтирди:

— Райим жинниям бир вақтлар, жинни бўлмасдан аввал шаҳарда катта ишда ишлаган. Мошин олиб юрган. Катталиқдан тушгач, жинни бўлиб қолган — катталиги миясига уриб кетган-да.

— Йўғ-э?!

— Ўшани айтиб борсанг, жуда ўрнига тушарди.

— Отам айтмадилар, — деди Тиркаш.

— Отанг ҳам пухта: дўхтир бовада спирт бор-да, шунинг учун чақирган. — Шундай деб жаноби олийлари лўкиллаб жўнаб қолди.

Йўл четидаги култўдалар, чиқинди гўнглар узра гўнглашшалар гўжгон ўйнади. Девор тагида каттакон қора каламушни кўриб қолибоқ, Тиркаш энқайди. Пайпаслаб, ердан чоғроқ тош топди. Мўлжаллаб отганди, мўлжали хато кетди. Тош бориб «пўп» этиб деворга тегди. Хавфни сезган каламуш кўздан йўқолди.

Девор устидан баргини тўккан олма, жийда шохлари, кўчада нима гап экан, дегандай чиқиб туришарди.

Деворнинг орқа томонида, ҳовлида туйқусдан бақир-чақир бўлиб қолди.
«Тош отганим учунмикан?» деб ўйлаган Тиркаш жуфтакни ростламоқчи эди,
жанжалнинг ўзига тааллуқли эмаслигини сезиб, деворга яқинлашди.

«Ҳэ-э, онагинангни, — дерди кимдир гулдираган товушда. — Мен сенга неччи марта айтдим! Жонимни ҳиқилдоғимга келтирдинг-ку!»

«Зуннун бақироқ хотини билан уришяпти, шекилли, — ўйлади Тиркаш, — ёки болаларидан битта-яримтасининг қулоғи тагида шовла қайнаптимикан?»

Зуннун бақироқ кимни, нима учун сўкаётгани билан Тиркаш жуда-жуда қизиқиб қолди.

«Едирдим, ичирдим, шунча боққаним етмасмиди? Ўзингдан ўзинг буғдой қоғи-ни тешипсан, етказган фойданг шуми? Пешайвонда сенга нима бор? Уйгаям ки-риб боравермапсан-да! Сен галварс, қишга аталган шутгина буғдой эканлигини бил-майсанми? Мен сендан сўраяпман, биласанми-йўқми? Қайдан билардинг! Ҳамманг берсанг ейман, бермасанг ўламансанлар! Анаву падарлаънатлар мени ёз бўйи ал-даб, қўйнимни пуч ёнғоққа тўлғазади, сенлар эса борини ҳам ўмарасанлар. Бир-гад келади эшикни тақиллатиб: ҳо-ой Зунун ака! Ҳо-ов, нима дейсан? Шудгор суғоришга чиқинг! Шудгорингдан нима наф дейман. Чиқаверинг, эрта кузда хур-санд бўласиз. Ана-а, хурсанд бўладиган бўлсак, кетдик-да! Зуннундан бошқа одам бу дунёда қуриб кетгандай эртасига яна келади эшикни тақиллатиб: ҳо-ой Зуннун ака! Ҳо-ов, нима дейсан? Илтимос, уруғ сепишга қарашворинг. Илтимос-пилтимо-сингни, чиройли гапларингни, қуруқ ваъдаларингни пишириб ейманми, хумпар, менга нима нафи бор, шундан келсанг-чи? Чиқаверинг, ерда қолдирмасмиз. Ана-а, ерда қолдирмасанг, кетдик-да! Ўримда-чи? Ўроқда йўқ, мошоқда йўқ, ҳамма шляпали, бўйинбоғли олипталар хирмон бошида ҳозир нозир! Ҳэ, онагинангни... — Зуннун бақироқ кўпол сўкиниб, товушини авж пардаларга чиқариб, давом этади. — Биргадним бир тийинга олишмайди, раисиям ўшаларнинг буйруқчиси холос-да, кўлидан нима келарди? Ўртада жарақ-жарақ пул ўйнайди. Ҳо-о-о... Зуннунни га-ранг деб ўйлайсилари, шундайчанги кўрингани билан ҳамма нарсани кўриб-билиб турибди. Йиртиқ чопон, яғир дўппи, эски калиш кийган деб устидан кулаверсан-ларми! Эндиям кулдириб бўпман — кўр ҳассасини бир марта йўқотади, билиб кўйларинг! Ўзимники ўзимга етади-ку. Кўриб-билиб турсаям, бир этак боласини етаклаб, ҳар икки куннинг бирида Ҳанзура (Манзура) сийним кўзининг сийдиги-ни оқизиб келади. Ҳо-ой, кўзингни ёшини оқизма, кўзёшга тоқатим йўқ, десам, нима қилай, акажон, отаси турмада қамалиб ётипти, жиянларингиз оч, раҳмингиз келмайдими, дейди. Раҳм... раҳм... раҳм... раҳм... кўлимдан нима келарди, қайга борардим? Ўзи йиғиб қўйганим ана шу бир қоп буғдой, қопни тешиб, униям расвосини чи-қариб ўтирибсан. Ҳу-ўв отагинангнинг гўрига... — кимгадир таёқнинг отилгани, дарахтга бориб теккани, тапир-тупиб товушлар оқибатини Тиркаш илҳақлик би-лан кутарди. — Аслида-ку, ўзи битта сийним. Ичим ачимай ўлишманми? Қўли қис-қанинг ақлиям қисқа бўларкан. Сабзи экиб, картишка тикиб, куёв рўзгорини қимир-латиб турувди, икки туп кўкнор сепиб кетти-ворди, икки туп кўкнор жонингга аро кирармиди? Эккан одам муни эплаб, гектарлаб экмайдими? Каттасидан-кичи-гигача оғзини боғлаб ташламайдими? Ана-а, энди кўрадиганингни кўравер! Сени чиқариб олишга пул қайда? Ўзларича ҳў-ўв палончи-пистончилардай бўламан деб ўйлаганлар-да!.. Ҳо-ов... ҳо-ой... падарлаънат, қаёққа? — Зуннун кимгадир яна таёқ отиб, кучининг борича бақира бошлади. — Бо-о-ош! Бо-ош дейма-ан!.. Ҳа-ай чу-у!.. Бош-а, ҳаром қотгур!..»

Ҳовлидаги тапир-тупурлар Тиркашни қизиқтирмай қўйди.

Кап-катга одам, эсини еганми?

Дардини сигирга айтса-я.

Тиркаш ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади-да, кета бошлади.

Кўчанинг адоғида, муюлишда пешайвонли эски бир уй бор. Илгари қайсидир бойнинг уйи эди, дейишади. Бир маҳаллар колхоз идораси бўлган. Кейин-кейин уни чойхона деб аташди. Бу ерда самовар қайнаганини, ақали иккита одамнинг чойхўрлик қилганини биров кўрмаган бўлсаям, негадир чойхона дейишаверади. Кичкина пешай-вонда ўқтин-ўқтин уч-тўртта бекорчихўжа уймалашиб, чекиб-ичиб ўтиришади. Карта ўйнашади. Ёқалашишлар ҳам бўлиб туради. Бу ёқалашишлар баъзан тез тарқаб кетади, баъзан икки-уч кунлаб давом этади. Кўчанинг нариги томони билан бериги томони солишишади, кўчама-кўча бўволишиб уришишади. Гоҳида иккита мишиғини эпла-маган болачанинг жанжали шу билан тугайдикки, бунга аралашмаган одамнинг ўзи қолмайди. Соқоли киндигигача тушган қарияларгача бир-бирларига таёқ кўтариб югуришади. Хотинлар аралашиб қолишса борми, ишнинг пачаваси чиққани шу. Улар ҳеч нарсадан тойишмайди. Тирноқларини пешлаб, аввал ўзларининг бетларини юли-

шади, сочларини ажинанинг супургисидай тўзфитишиб, нақ алвастига айланишади-да, бир-бирларига човут сола бошлашади. Фирт қиёмат-қойим кўпади.

Тиркаш чойхонада ҳеч кимни кўрмади.

Муюлишдан чапга бурилиб, икки-уч ҳовлини босиб ўтса, дўхтир бованики.

У энди бурилаётғиб эди, ортидан овоз эшитилди:

— Тирка-аш!

Тиркаш ўгирилди.

Чойхона ортидан Абди чиқиб келмоқда эди.

Оғзи қулоғида.

У ўзи сал телва-тескарироқ.

Ёши қирқ бешларда.

Сочи тикандай қаттиқ, Тор пешонасини, қулоқларининг супрасигача жун босиб кетган. Соқоли ўсиб, ёввойи одамдай бўлиб юради. Бўй баланду елкаси букчайганроқ. Гапирганда шушулаб, фикрини базўр англади. Илгарилари чўл томонларга бориб, мардикорчилик қилиб юрарди. Ишнинг оғир-енгилини танаб ўтирмасди, пишилаб бажараверарди. У бироз муддат тракторчилик ҳам қилди. Ҳозир ишининг тайини йўқ.

Унинг эликларга кирган акаси бор.

Абдига ўхшамайди.

Ўрта бўйли, гирдиғум. Қаҳратон совуқдаям кўксини очиб юради. Сержаҳл.

Улар норасида эканликларида оталари қамалиб кетган.

Ўзиям кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишни қилган экан.

У пайтда колхозга бўлак юртдан раис келган экан. Шу раис айтганим айтган, деганим-деган деб юриб, бир куни даладан сомон қошлаб, эшакка ортиб келаётган Абдининг онасини ҳэ йўқ, бэ йўқ, ҳақорат қилиб қолибди. Қопни эса, пичоқ билан тилиб, ёриб ташлабди. Аслида Абдининг онаси сомонни ҳосили ўриб-йиғиб кетилган, пода туёғи остида топталган майдондан сидириб олиб келаётган экан. Шунинг учун, у раисни қарғабди. Уйга келгач, бор гапни эрига айтиб берса, эри индамабди. Қанақа эркаксиз, гаплашиб қўймайсизми, деб хотини хиқилайверган. Эри яна индамаган. Нималарнидир ўйлаб, чиқиб кетган. Идорага борган, раисни қидирган, тополмаган. Нима ишингиз бор эди, деб сўраган қоровулга арзимаган ишим бор эди-да, деб қўя қолган. Кечкурун яна келган. Раис хонасида ўтирган экан. У, ярим соатча бизга мушайт беришмасин, деб кириб кетибди. Роппа-роса ярим соатдан кейин қайтиб чиққан. Қўй сўйган одамдай пичоғини алақандай қоғозларга арта-арта бамайлихотир чиқиб келаверган. Бу қоғозлар раиснинг раислик қоғозлари экан. Абдининг отаси қоровулга бориб, раисингни йиғиштириб ол, деган-да, чиқиб кетган.

Ўша куниёқ қотилни олиб кетишади.

Хотини эса, жинни бўлиб қолади.

У хамиша, хоҳ кўча-кўйда, хоҳ уйда бўлсин, ўзини ўзи қарғаб валдирар: шундай йигитнинг умрини бир қоп сомон деб хазон қилдим, дея уввос солар; эрининг жўмардликларини, фазилатларини айтиб-айтиб, сочларини юлар эди. Шундай бўлса-да, қишлоқ аҳли унинг ҳурматини жойига қўйишарди. Унинг оғзидан чиққанини муҳайё қилишга, буюрганини елиб-югуриб бажаришга уринишар, жиндаккина ёрдамлари тегиб қолса, ўзлариди йўқ суюнишарди.

Онаси уввало ялинмасин, бир челақ сув олиб келишга эринадиган чурвақалар ҳам унга қўшчелақлаб, чопқиллай-чопқиллай хизмат қилишар, буни бир-бирларига гурурланиб айтиб юришар, кайвони хотинлар тўдалашиб бирор жойга меҳмонга борғудай бўлишса, уни онабоши қилиб олишарди. Тўй-маъракаларда ҳамма бирданига уни эслаб қолар:

— Авлиё онага ош юбордингизларми? — деб сўрай кетишарди.

— Гиройнинг хотини эсдан чиқиб қолмасин-а?

Авлод-аждоди етти ухлаб тушида кўрмаган обрў-эътиборни бу аёл кўриб кетди. Ўзиям маъракасига тоғ қишлоқларининг бари кўчиб тушди, тобути талош бўлиб, қабристон одамга тўлди.

Жаноза ўқиб бўлингач, мулла:

— Марҳума қанақа аёл эди? — деб сўради панг овозда.

Ҳар тўданинг овози йўғонлари:

— Жаннатий, жаннатий! — деб дўриллашди.

Мулла ўзининг овозидан уялиб қолди.

Хитоблар тингач, чийилдоқ товушда қичқирди:

— Ҳеч кимда қарзи йўқмиди?

Ҳар тўданинг бўйни йўғонлари жавоб қилишди:

— Биз қарздор эдик, биз қарздор эдик!

Қишлоқнинг оғзаки солномачилари қайд этганларидай, марҳуманинг азамат эри катта тарихий хизматни уддалаб кетдию бу ерга уларнинг ўзидан раис қўйиладиган бўлди.

Кўрми, шолми, оғзи қийшиқми — ўзиники-ўзиники-да!

Абди отасининг гиройлигию онасининг авлиёлиги билан фахрланармиди-йўқ, бу ёғи бизга қоронғи. Аммо, шуниси аёнки, аждодларининг обрў-эътиборини аҳён-аҳёнда у суиистеъмом қилиб турарди.

Абдининг ҳовлиси чойхонадан сал ўтгач, сўпининг дарвозаси рўпарасида.

Сўпи кекса киши. Қолаверса, бадастур одам.

Унинг майин-майин гапиришидан тортиб, то иш тутишигача шу нарса аёнки, у гиройлик кўрсатиб, ном қолдириб кетгандан, уч-тўрт кун бўлсаям ошиқча яшаб қолишни хуш кўради. Шу уч-тўрт кун тигиз ўтиб кетаётганидан уф тортиб юради.

Сўпининг сўфиликка дахли йўқ.

Унга бу лақабни ким, қачон, нима сабабдан қўйгани ҳам маълум эмас. Киноя тарзида тиркалганга ўхшайди. Лекин шу қадар мос тушганки, унинг асл исми барчанинг ёдидан кўтарилган.

Беш-олтита намозхонга қўшилиб қолса, сўпи уларнинг қаватида эгилиб-тураверади.

Муқаддас каломларни ичида-да, ташида-да, такрорламайди.

Улар зиңдиқларни ёмонлаб қолишса, сўпиям қўшилишиб ёмонлайди.

Зиңдиқларга қўшилиб қолса, сўпиям ўқимайди. Мабодо улар муллаларнинг гўрига гишт қалагудек бўлишса, сўпиям кўмаклашиб юборади. Ўзи ёлғиз қолган кезлардаям сўпи ажина деганлари, бот-бот таҳорат олиб туради, бир маҳаллар бавосил касали билан оғригани учун шуңдай қилади.

Ярим йил бўлдики, сўпи тегирмон очиб олган.

— Тегирмоннинг чангиям уч-тўрт кишини боқаркан, — дейди.

Одамлар бўлса, сўпи шу тегирмонхонани бекор очди, дейишади.

Кўролмасликданмикан?

Бу жойлар илгари ажинахона бўлган, дея ўз фикрларини маъқуллаштилади.

Ўзи ажина деганлари тегирмонхона, жувозхона, чойхона каби жойларга ин қўйиб олиб, кейин билган ишини қилавераркан шекилли.

Сўпининг рўзғори кўп катта эмас.

Касалманда хотини, қомати тик, кўзлари чаросдай келини, мўмин-қобилгина ўғли бор.

Кетмон ёки белкурак керак бўлиб қолса, Абди сўпининг ҳовлисига индамай кириб келиб, сўраб-негиб ўтирмай кўтариб кетаверади.

Бу асбобларнинг қаерда сақланишиниям яхши билади. Сўпи ёки ўғли керакли нарсаларни топишолмаса, кўп ҳам безовта бўлишмай:

— Ҳа-а. Абди опкетган кўринади, — дейишади.

Ҳақиқатан ҳам, маълум бир вақтдан кейин бу нарсаларнинг жой-жойида турганлигидан Абдининг опкетганлиги аён бўлади.

Абди олган нарчасини қайтариши, хасгаям хиёнат қилмаслиги сўпига маъқул. Ўрни келганда, сўпигаям бўйинчами, арқонми, паншахами зарур бўлиб қолса, Абдининг ҳовлисини бемалол айланганча олиб чиқиб келаверади. Сўпиям олган нарчасини қайтарарди. Майда-чуйда, масалан, от тақаси, айилнинг ҳалқаси, пордум қайиши, сичқонга қўйиладиган қопқоннинг тахтачаси, мих, гулмих, этикнинг пош-наси, ишлатиб ташланганига қарамай яна ишлатса бўладиган пилик каби нарсаларини топиб олса, сўпи қайтариб ўтиришни ўзига эп билмасди. Сўпи олса-олмаса, бу нарсалар Абдининг ҳовлисида ўз-ўзидан йўқолиб, тупроқ остида қолиб кетиши мумкин эди.

Сўпиникида Абдига эътибор беришмасди.

Абдиникида ҳам сўпига эътибор беришмасди.

Иккаласиям ўз ҳовлисидай бемалол айланаварарди.

Паншаха баҳонасида сўпи майда-чуйда, ташландиқ нарсаларни ўмарарди.

Кетмон баҳонасида Абди каттароқ нарсани мўлжалларди.

Сўпи липпасига қистириб олиб чиқиб кетгач, илжарди.

Абди олиб чиқиб кетмасаям илжаяверарди.

Олиб чиқиб кетмай шодлантирадиган нарсани топиб олганди у.

Бу...

Сўпининг кўзлари чаросдай қоп-қора шаддод келини эди.

... Абди Тиркашни имлаб чақирди:

— Бери ке!..

Тиркаш борди.

Абди унинг нима қилиб юрганини, қаёққа бораётганини сўраб-негиб ўтирмади.

Дабдурустан:

— Қалай бўляпти? — деб сўради.

Тиркаш англамай:

— Нима-а? — деб анқайди.

— Келин билан-да.... — Абдининг ҳеч қандай маъно ифода этмайдиган юз-кўзларида нималардир «йилт-йилт» этди. — Чарчатиб қўймаяптими, ишқилиб?

— Э, боринг-э!

— Бир хил хотинлар кучли бўлади, — деди Абди шушулаб, тиржайганча.

Абдининг хотини қоп-қора, чиллаштирдай озгин, биров билан иши йўқ, овози чиқмай юрса-да, беш-олтита чурвақани қаторлаштириб ташлаган.

Тиркаш, беихтиёр, ўша аёлни кўз олдига келтириб, нимаси кучли экан, деб ўйлаб қолди.

— Сўпининг ўғирчасини олувдик, — деди Абди сирли қилиб. — Ҳозир олиб чиқсам, келини дастаси қани, дейди. Билмасам, дедим. Ўғирча сизга, менга дастаси керагийди, дейди. — Абди ҳиринглади. — Майли, ўғирча қолаверсин, дастасини кечқурун опчиқаман, дедим. Қалай бўпти?

Тиркаш ажабланди.

Кифт қисиб қўйди.

Йўлда анча ушланиб қолгани хаёлига келди.

Отасидан таёқ ейишдан кўрқиб, қуённи сурворди.

Абди:

— Тиркаш-аш! — деганича қолаверди...

* * *

Темир дарвоза.

Бир маҳаллар бўялган. Бўёғи кўчиб тушавериб, олапеста айланган.

Бир тавақаси қийшайиб ётипти.

Тиркаш ичкари ҳатлади.

Уёқ-буёққа аланглади.

Ҳовлининг нариги томонида томига гўзапоя босилган бостирма.

Бостирма тагида биров қўлидаги курак билан молларни ура-ура, бир четга ҳайдаб, уларнинг туёғи остидаги гўнгни тўдалаётибди.

Тиркаш чақирди:

— Дўхтир бова!

Ҳалиги киши қаддини тиклади. Куракни бир четга қўйиб, бостирма остидан чиқди. Кафтини пешонасига равоқ қилганча дарвоза томон тикилди.

— Тирка-аш! — деди

Тиркаш эшитмагандек, «лаббай» дейиш ўрнига:

— Дўхтир бова! — дея яна кекирдагини чўзди.

«Дўхтир бова»ям жойдан қимирламаган қўйи бўйинини олдинга чўзиб:

— Тиркаш-аш! — деб қаттиқроқ чақирди.

Тиркаш индамади.

Дўхтир бова энди унинг «Тиркашлигини» аниқ билгандек:

— Сенмисан? — дея овозига зўр берди.

— Ҳа-а...

— Нима гап?

— Бизникига юринг экан...

Эгнида увадаланиб тушай деб қолган пахталик чопонини ечиб, дуч келган жойга улоқтирганча Дўхтир бова Тиркашнинг олдига келди. У ўрта бўйли, кўзлари қип-қизил, юмалоқ башарасини тиканақдек соқол қоплаган элик ёшлардаги қоп-қора бир киши эди.

Тиркашга сартапо назар ташлаб:

— Аянг яна ўсал бўлиб қолдимми? — деб сўради.

— Йў-ўқ...

— Кўк дорига келган бўлсанг, тамом бўлувди. Йод бор. Йод ҳам яра-чақага тузук. Йод етишмаса, одам бўқоқ бўларкан. Ош тузининг қопчадагиси йодланган бўлади. Анаву кўчага қумдай ағдариб кетиб, сотиб ётишган тузлари йодланмаган, бўқоқнинг отаси ўша тузлар.

— Энди ҳамма бўқоқ бўладими? — сўради Тиркаш.

— Буни худо билади, — деди Дўхтир бова донишмандона қиёфада. — Разки, бандасига раво кўрибдими, йодга чўмиллиб чиқсаям бўлаверади. Хўш, нима хизматлари бор эди?

Тиркаш товсиллаб, айтайми-айтмайми, дегандек:

— Миймон келди... — деди.

«Миймон» сўзини эшитгач, Дўхтир бованинг юзида кутилмаган шодлик ифодала-ри барқ урди. Ўзини лоқайд кўрсатишга уриниб, қайтариб сўради.

— Ким?

— Миймон.

— Миймонликка миймонку-я. Ким ўзи?

Тиркаш кифт қисди.

Кейин:

— Шаҳардан келган, — деди.

Дўхтир бова учун бу кутилмаган янгилик эди.

Қўлини дарров иягига юбориб, кафти билан қаттиқ-қаттиқ ишқади. Ва Тиркаш-дан:

— Соқол ўсиптими, жиян? — деб сўради.

— Доимо шундай юрасиз-ку, — Тиркаш унинг ниятини пайқаб, соқол олишини кутиб ўтиришга эринди.

— Ҳарқалай... шаҳарликнинг олдига... кулиб юрмасин тағин.

— Кулмайди, — ишонтирди уни Тиркаш. — Дадам ҳам сиздан баттар бўлиб ўтириптилар.

— Бизни дорихоначи номимиз бор, устига устак ҳамма дўхтир дейди. Қалай бўларкин?

Эзмалик қилишдан маълум бўлдики, Дўхтир бованинг ўзиниям соқол олишга хоҳиши йўқ: устара қай гўрларда ётипти, сув иситиш керак, совун борми-йўқми, ким билсин. Соқол олишнинг ўзи бўладими?

Тиркаш қисталанг қилди:

— Овқатни сузмай, сизга қараб ўтиришипти.

— Менга-я?

— Ҳа.

— Даданг маладес-да. Ҳеч нарса тайинлаб юбормадими?

— Йўқ.

— Анавунақа шишалардан борми?

— Бор эди.

— Даданга доим запас туради. Қани, анаву обдастани олиб ке-чи. Би-ир қўлга сув қуйиб юбор. Одамбашара бўлволайлик. Оҳ-оҳ-оҳ! Э, яша! Сув яхши-да. Одамни бурқсаб кегичдан асрайди. Лекин, оғизнинг сассиғини сув кетказолмас экан, эй. Қани, юр кетдик. Ҳо-ов онаси, мен Холмўмин ошнамникига кетдим. Миймон кепти. Шаҳардан миймон кепти. Ошнам катта ўғлини юборипти. Битта-яримта бемор кўк дори сўраб келса, йўқ деб айт, тамом бўлган. Йод бор де. Хоҳласа, йод бериб юбор. Ишлатсин. Йод яхши дори. Яра-чақагаям бўлаверади. Бўқоққаям даво. Шамоллаган-ниям кеткизади. А? Келарман-да! Сен ҳам эҳтиёт чорангни кўриб қўй. Миймон уч-тўрт кунга келган бўлса, уйга таклиф қиламиз. Ҳовли-жойларимизни бир кўриб кетсин-да!

Дўхтир бова қишлоқдаги дорихонанинг хўжайини.

Аптекачи.

Ҳақиқий дўхтир туман марказида бўлгани, у ерга етиш душворлиги учун улар-нинг ҳаммасининг вазифасини ана шу дорихоначи ўзига олиб қўя қолган.

Дўхтир бовалиги шундан.

Ойда-йилда туман марказига тушиб туради. Маош олармиш. Олармиш-у, бир чақаям қолдирмай ўша ердаги катталарга едириб-ичириб қайтиб келаверармиш. Бунинг эвазига кўк дори, йод, бинт сингари зарур нарсаларни бир халта қилиб кўтариб келади. Нозарурларини, масалан, тутмача дориларни, хапдориларни, ичи-ладиган дориларни унга зўрлаб тиқиштиришсаям олмайди, бир-бири билан ара-лаштириб юбориб, битта-яримтасини ўлдириб қўйсам, балога қолиб кетаман, дейди.

Спиртдан кўпроқ кўтаради.

Келибоқ, спиртни майда-чуйда идишларга, масалан, йод солинадиган шишачалар-га, елим халтачаларга бўлиб, ковак-жириндиларга яшириб қўяди. Ўзи олмаса, бошқа искабтопарлар минг уринишмасин, топишолмайди. Кўк дори тугайдими, йод тугай-дими, пахтаю бинт қолмайдими, бу нарсалар дўхтир бовани унчалик безовта қилмай-ди, лекин спиртнинг адоғи кўринди дегунча бўлмай ташвишга тушиб қолади. Оёғини қўлга олиб, пойу пиёда бўлсаям туман марказига равона бўлади. У ҳали бирорта беморни оёққа турғазиб юбормаган. «Дўхтир бова» деб унга киноя тарзида айтилган-га ўхшайди.

Дўхтир бова олдинга тушиб олди.

Тиркаш эргашди.

— Миймонни зериктирмаслик керак, — ваъз ўқиб борарди Дўхтир бова, Тиркаш уни эшитяптими-йўқми, бунга эътибор ҳам бермасди. — Баъзи бир юртларда миймонни хў-ўп қадрига етишади-да! Ўзларига каттаниям бошқа юртлардан олиб келиб қўйишади. Гирой бованинг кўрсатган гиройлигидан кейин катта шаҳарлардан келадиган миймонларнинг ўтакаси ёрилиб, қадами узилиб қолди. Бизга ҳеч ким қиё боқмай қўйди. Шу яхшими? Яхшимас-да!..

Чойхона ёнидан ўтишаётганда қуруқ ерга чордона қуриб ўтирган.

Абди салом бериш ўрнига:

— Ҳа-ай, Дўхтир бова! — деб бақирди.

— Ҳа, Абдивой! — деб қўйди Дўхтир бова.

— Маишатакан-да?

— Миймон кепти.

— Кимга миймон, кимга маишат! — шушулади Абди ва ўз-ўзича қиқир-қиқир кула бошлади.

Узоқлашишаркан, Дўхтир бова норози тарзда бош чайқаб қўйди.

— Тентак! — дея гўлдиради.

Кейин:

— Аялларгаям ҳайронсан! — деди негадир. — Сўпининг келини шу сўтакнинг нимасига учаркин?

Кейин яна:

— Тф-у сўпигаям! — деб, қўпол сўкинди.

Уйга етишгунча Дўхтир бова чурқ этмади.

Тиркаш унинг гапини, «сўтакнинг нимасигадир учган» сўпининг келинини ўйлаб борди.

Абди билан сўпининг келини ҳақида пичир-пичир гап-сўзлар анча вақтлардан бери юрарди. Етти яшардан етмиш яшаргача, ҳамманинг қулоғига етганди. Хотин-халажлар ён-верига қўшиб-чатиб, бўрттириб, жуда ваҳимали қилиб юборишганди. Уларнинг сўзларига қулоқ солинадиган бўлса, Абди мусичадай бегуноҳ, девонагина, ҳеч балонинг фаҳмига етмайди, ҳамма айб бўйнинг узилиб, таккинангда қолгур қорақош келинчақда! Абдигинани хаёлигаям келмайдиган қилиқлар билан у мегажин тамоман ўзига оғдириб олган. Ҳамманинг оғзида юриб, қулоғига етган гапнинг Абдининг хотинию сўпининг оиласидагилар эшитмаганлиги ғалати эди.

Сўпини ўғлининг Тиркашдан ёши катта. Лекин, кўрган одам унинг ёш болалигиниям, катта одамлигиниям фарқига бормади.

Ранги заҳил, катта-катта кўзлари ҳамиша йўл кўраётгандай бўлиб туради. Гапирётганда сўзларни ярим-ёрти қилиб, базўр англатади. Узунқулоқ гап-сўзлардан Тиркашга аён бўлишича, у болалигида ҳамиша девор тагида ўтирар экан. Девор остини чўқилаб, ҳовуч-ҳовуч тупроқ ер экан. Сўпи урушиб-сўксаям кор қилмаскан. Зўрлик билан уйга ўтказиб қўйишса, чирқиллаб йиғлайвераркан. Ўқитиб, чиллаёсину кўч-кўч қилишсаям таъсири бўлмабди. Шунда нафаси ўткир мулалардан бири сўпига кўп ташвишланмасликни, ўғли бора-бора бу қилиғини тарк этишни айтибди. Ва дунёдаги жамики бандаи мўминларнинг ҳам тупроқдан бино бўлганини пеш қилиб, бу норасидадан келгусида хислатлик одам етишишини башорат этибди. Уни етти-саккиз ёшларида «тотош-тотош» қилишиб, базўр оёғини чиқариб олишган экан. Ёши етганда аскарликка олишмабди.

Сўпи:

— Ўғлимиз ёлғиз бўлгани учун аскарликка олишмади, — деб баҳона кўрсатган шунда.

Сўпининг бу гапини ҳамма маъқулларкан, маъқуллаб айтишарканки, ҳукуматнинг инсофи бор, ёлғиз фарзандларга индашмайди. Отанинг кўнглини кўтаришаркан. Сўпи бўлмаган чоқларда бу ҳақда сўз кетса, ҳукуматда инсоф нима қилади, инсоф бўлса ҳукумат бўлармиди, фалончининг биттагина етимчасини олиб кетди-ку, дейишаркан. Сўпининг ўғли сийғоқ, кечалари кўрпани хўллаб қўяди, лекин бу гапларни сўпининг ўзи эшитмасин, дейишаркан. Сўпи ўғлининг бошини иккита қилиш учун кирмаган эшиги қолмабди, ҳатто, яқин қавму қариндошлариям ҳар хил важ-карсонлар кўрсатишиб, уйларида соч тараб ўтирган ажиналарини беришни раво кўришмабди. Ахийри, сўпи ўғлини олиб дарё бўйидаги қишлоқларга қараб кетибди. Бир қишлоқда мана шу ҳамманинг юрагига ўт ёқиб юрадиган офатижонни топибди. Йигит билан қиз бир-бирларини ёқтириб қолишибди ва сўпи катта тўй-томошалар билан қизни ҳовлисига тушириб келибди. Ҳамманинг ҳаваси келибди, тўйни, анжому аслаҳаларни кўриб, илгари қиз бермаганлар ичларидан афсусланишибди...

...Тиркашинг аяси билан хотини овқат сузолмай, илҳақ бўлиб туришган экан.

Келинчак эрига зимдан, янигандай ола қараб қўйди.

— Миймон қуллук бўлсин, — оғзи қулоғига етгудай бўлиб тиржайди Дўхтир бова.

— Ўзингизгаям... — минғирлаб қўйишди қайнона билан келин. Дўхтир бованинг анча-мунча кайвонилиги бор эди.

«Миймонга нима овқат қиялпсизлар? Пиёзни ундоқ қовуринглар, гўштни мундоқ солинглар» деб аралашиб кетаверарди. Ҳозир ҳам кайвонилиги бир тутди-ю, қайнона билан келиннинг авзойидан уларнинг ўртасида қандайдир гап қочганлигини пайқади ва ўзини аралашидан базўр тийиб, ичкарига қадам босди.

Бу чоғда меҳмон билан мезбон бир шишани думалатишиб, иккинчисини яримлатиб қўйишганди. Иккаласи тумшүқма-тумшүқ бўлволишиб, бир-бирларига гап маъқуллашарди: инчунин, меҳмон мезбонга ҳадеб талабалик йилларини эслатишга уринар; эсингиздами, фалон вақтда фалондақа иш қилувдик, кейин фалон бўлувди дер, мезбон эса, эслаш нари турсин, қулоқ солишнияма истамай, қишлоқчилик борди-келдилари ҳақида ўз гапини маъқуллар, ҳадеб яқинда ўтказган тўйини айтиб, мақтанарди.

— Ассалому алайкум! — хитоб қилди Дўхтир бова қучоғини кушод очиб.

Иккалови чайқала-чайқала ўринларидан кўзғалишди.

Дўхтир бова аввал меҳмон билан қучоқлашиб кўришди.

Сунг «Ке, сен билан ҳам анчадан бери кўришганимиз йўқ» деб, Холмўмин билан ҳам қучоқлашди.

Холмўмин Дўхтир бовани кўриб суюниб кетди.

Қучоқлашаётганда иккала юзидан чўлпиллатиб ўпди.

Ҳаммалари ўтириб, юзларига фотиҳа тортишди.

Холмўмин Дўхтир бовага меҳмонни таништирди.

Дўхтир бованинг кўпдан кўп фазилатлари қаторида гап олиб қочиш хислати, айниқса, бўлакча эди.

— Э, Саидмурод сизми? — деди ўтирган ўрнидан қайта тураркан, меҳмонни ҳам шунга мажбур қилганча. Кейин уни астойдил бағрига босиб, — Сиз ҳақингизда Холмўмин жўрам билан кўп гаплашганмиз, — деди.

Холмўмин Дўхтир бовани ўзига яқин тутгани билан унинг тилёғламалиги хусусида кўп ҳолларда чиқишолмай юрарди.

Айниқса, озгина ичиб олган кезларида куфри кўзгаб кетарди.

Шу боис:

— Қачо-он? — деганича тили гўлдираб, Дўхтир бовага кўзларини олайтириб қаради.

Дўхтир бова анойиларданмасди.

— Майли, кайфчилик-да, эсингда йўқдир, — деди, ҳамма айбни ароққа тўнкаб.

— Мен кайфмасман, — рад этди Холмўмин, қип-қизил кўзларини ошнасига тикиб. — Гапинг рост бўлса, қасам ич!

Дўхтир бованинг ранги оқариб кетди.

Кулимсираб ўтирган меҳмон вазиятнинг кескинлашаётганини пайқаб, ўзи таклиф қилди:

— Қани, оғайнилар, кўришганимиз учун юзта-юзта олайлик-чи!

Бу таклиф, айниқса, меҳмондан чиққани учун ҳар иккала мезбонга мойдек ёқиб тушди.

Дўхтир бовага «штрафной» деб шопиёлани тўлдиришди.

У рад қилмади.

Шодланди.

Шўрва олиб келинди.

Кейин шўрванинг ичида пишган ноз-неъматлар: гўшт, шолғом, сабзи, картошка бир товоқда ўртага қўйилди.

Базм қизиди.

Туну кунлаб давом этадиган ароқхўрликларга Дўхтир бованинг суяги йўқ эди. У бир гапга тушиб кетса, бир-икки соатга чўзар, ўрта-ўртада юзта-юзта қуйиб қистаб қоларди. Бу гал қанча уринмасин, фойдаси бўлмади.

Меҳмон чарчади.

Чиллаширбашара экан.

Бир-икки ташқарига чиқиб келди.

Қайд қилган кўринади, ранги кўкариб кетипти.

— Энди-и мундо-оқ қиламиз, — деди вазиятни тўғри пайқаган Дўхтир бова. — Миймон бизга бир-икки кунлик эмас. Дарров чарчатиб қўймайлик. Далаларни бир-икки соат айланиб, тоза ҳаво олиб келайлик.

Меҳмон бош ирғаб, маъқуллади.

Ташқарига чиқишди.

— Тиркаш, миймоннинг қўлига сув қуйиб юбор! — шовқин солди Дўхтир бова кайвонилиги тутиб.

Меҳмон илиқ сувга қўл ювиб, оғиз чайди.

Дўхтир бова Холмўминни чеккага имлаб, чақирди.

— Ароқ борми? — сўради у.

— Бо-ор.

— Битта тутунчага озгина сузма, битта нон, битта ароқ олвол. Далада бошқача бўлади Холмўмин маъқуллади.

Индамай ошхонага кириб кетди.

Дўхтир бова ҳовли четида ётган итнинг олдига бориб:

— Мана, энди ишлар бошқача бўлади, ошна, — деди.

* * *

Фалакни қиямалаб ўтаётган офтобдан ёқимли илиқлик тараларди.

Холмўминнинг уйи орқасидан, бироз юрилгач, пастликка, жарга қараб тушилади Дўхтир бованинг айтишича, ёғингарчилик пайтларида жарликдан катта-катта селлағ ҳам келиб тураркан. Буни Дўхтир бова айтмасаям, жарликнинг ўзи айтиб турар, ҳақ жой-ҳар жойда жар ўпирилиб тушгани, сувнинг пастқам жойларга уриб кетиб кичик жарликлар ҳосил қилгани кўзга ташланарди. Дўхтир бованинг маълумот беришича, сел келган пайтларда бу ердан от-уловда, машинада ўтиб бўлмайди. Улағ кўприк қуришиб, бу муаммони ўзларича ҳал этмоқчи бўлишибди. Ёз бўйи кўприк қуриб битказилгач, куздаю қишда йўловчиларнинг дуоларини қабул қилиб ётишипти. Кўкламда би-ир тошқин бўптики, би-ир тошқин бўптики, кўприқдан ном-нишон ҳам қолмапти. Хайриятки, ўшанда кўприкнинг устида ҳеч ким йўқ экан. Акс ҳолда, қарғишга қолишлариям, судма-суд жавоб бериб юришлариям турган гап эди. Ана шунақа судма-суд юришга суяги йўқ, буни ҳатто, касбга айлантириб олганлар ҳам топилиб тураркан. Шўролар пайтида Сангин деган муаллим бригадир билан жиқиллашиб қолипти. Жанжал арзимаган нарсадан, бир челақ сасиган олманинг устидан чиқипти. Сангин уни олиб кетаверса бўларкан-у, бригадир зикналик қилиб, калхўзнинг мулки, депти. Иккаласиям ўз ҳақларини билишмапти. Сангин, тилининг остига бир кафт нос ташлаб, бой-е, депти, шанга кўйшатиб кўймасам Шангин отимни бошқа кўяман, депти. Қўлингдан келганини қил, депти бригадир. Куйшан, депти Сангин носни жаҳл билан тупуриб. Кейин бригадирнинг устидан районга ёзипти. Калхўзнинг, яъни давлатнинг мулкни беш-олтита оғзи катталар еб-ичиб, талон-тарож қилиб ётишганини қўшиб юборипти. Бу гап райондагиларга тегиб кетиб, хатта эътибор беришмапти. Сангин бўш келмай, райондагиларнинг устидан областга ёзипти. Областдагилар шундан қутулиб қўя қолайлик деб, бригадирни ишдан бўшатишибди. Лекин, бу пайтда Сангиннинг яраси каттариб кетган экан. Райондагиларга чора кўришмади, деб, областдагиларнинг ҳам устидан республика пойтахтига шикоятнома юборипти. Кейин Масковга ёзипти. Сангиннинг бошқа ёзувчилардан фарқи шунда эканки, ёзган хатининг ортидан ўзиям ўша идорага етиб бораркан. Хат ҳам столга тушиб туравераркан, Сангин ҳам хонага кириб боравераркан. Мана шу йўлда у мол-ҳолини, ҳовли-жойини сотиб, хотинидан, бола-чақасидан ажраб, хонавайрон бўпти. Бу ишларни чакки қилдингиз, сизга нима кераги бор эди, дейишсаям бўш келмай:

— ООНга ёзаман, ООНгача бораман! — деб чиранаркан.

Сангиннинг эси кирди-чиқди бўлқопти.

Ҳозир сал ўзига кела бошлаган эмиш.

— ООНга ўзимиз ҳам аъзо бўлдик, энди ҳақиқатни топаман! — деб юрганмиш.

Меҳмон ажабланиб, кифт қисди:

— Бунақасини энди эшитишим.

Дўхтир бова билафонлик билан:

— Кимдир ҳақиқат учун курашиши ҳам керак-да! — деб қўйди.

Меҳмон «ҳақиқатни сиз қандай тушунасиз?» деб савол бермоқчи эди, аммо баҳсга ўзида рағбат сезмади. Индамай қўя қолди.

Дўхтир бова, гапни нимадан бошлаганини эслаб, кўприкни уч марта қуришганини, учовиниям сел олиб кетганини айтди. Дўхтир бова айтмаса-да, зийрак одам жарда думалаб ётган бетонлардан, қувурлардан буни ўзи билиб оларди.

Меҳмонни жар бўйида ўтлаб юрган эшакларнинг кўплиги ҳайратга солди. Уларнинг бўйинларида на бошвоқ, оёқларида на тушов бор эди.

Меҳмон:

— Улар ёввойими? — деб сўради.

Дўхтир бова жиддий тарзда:

— Йўқ, маданий! — деб сўнг қўшиб қўйди: — Ҳозир иш кам, эгалари қўйиб юборишган!

Меҳмон бош ирғади. Аммо балониям англагани йўқ.

Жарнинг деворларида дову дарахтларнинг, ковул, шувоқ каби ўсимликларнинг томирлари чивикдай осилиб турарди. Меҳмон деворнинг энг қалтис, на тепадан тушиб, на пастдан чиқиб бўладиган жойларида қандайдир ковакларни кўриб ангайди.

Қўли билан ишора қилиб, Дўхтир бовадан сўради.

— Анавулар нима?

— Қайси, қайси? — Дўхтир бова меҳмоннинг ёнида турса-да, ҳарчанд тикилма-син, унинг кўрсатаётганини кўрмасди.

— Ҳў-ўв каваклар-чи?

Дўхтир бова билгичлардан эди. Айни дамда, кавакларни кўриб турган бўлса-да, уларнинг нима эканлигини билмаганидан, ақли бовар ҳам этолмаганидан ташвишланиб қолди. Кафтини пешонасига қўйганча, калласида мутлақо бошқа ўй-хаёллар билан тикилиб турди-турди-да:

— Кавакларда, тамом-вассалом, — деб қўя қолди.

Меҳмон кулимсиради.

Бу гап-сўзларга, жарликлару қандайдир кавакларга ўзининг ҳеч қандай алоқаси йўқдек бир четда тутунча кўтариб турган Холмўмин тўсатдан кулиб юборди.

— Нега куласан? — қақчайди Дўхтир бова.

— Гапинга-да! — деди Холмўмин. — Уларнинг каваклигини миймоннинг ўзлари-ям кўриб турибдилар-ку!

— Билсанг, айт, — жаҳланди Дўхтир бова.

— Мен биламан деяётганим йўқ.

— Билмасанг, кулма.

— Бўпти, хафа бўлма, ошна, — юпатди Холмўмин. — Мен ҳам анигини билмайман, эшитганимни айтаман.

— Қани айтинг-чи, — қизиқиб қолган меҳмон вужудини қулоққа айлантириб эшитишга чорланди.

— Айтишларича, бу ерларга бир маҳаллар жуда кўп қушлар ин қуришган экан...

— Ўзим ҳам шундай бўлса керак деб ўйловдим, — минғирлади Дўхтир бова.

— У қушлар қандайдир бошқача, одатда ана шундай жойларга ин қўядиган мусича ёйинки кўк каптарларга ҳеч-ҳеч ўхшамасмиш. У қушларнинг кўзлари иккита зангор мунчоқдай экан, қанотлариям зангори рангда товланармиш.

— Зангор қушлар экан-да, — сўз қўшишдан ўзини тиёлмади Дўхтир бова.

Холмўмин эътибор бермади. У қандайдир бошқачароқ бўлиб қолгандай эди. Меҳмон ҳам буни пайқаган, бир маҳаллар бирга ўқиган ошнасини энди-энди таниётгандай эди.

— Кундузлари қушлар уясининг оғзи ҳозиргидай қорайиб тургани билан, кечалари ичкарида чироқ ёқиб қўйилгандай ёришиб кетаркан.

Дўхтир бова яна ўзини тиёлмади:

— Афсона!

Меҳмон унга норози тарзда қараб қўйди.

Холмўминнинг ҳозирги ҳолати, юз-кўзидаги ифодалар, сўзлаётган сўзлари меҳмонни илгариги пайтларидагидек ўзига жалб қилмоқдайди.

— Уларнинг уялари остидан ўтган одам қандайдир муаттар ҳаволарни туяркан. Бутун ғам-аламлари ёзилиб, унутилиб кетаркан...

Дўхтир бова кулиб:

— Жин! — деди.

— Улар муқаддас қушлар экан, — сўзини яқунлади Холмўмин. — Қандайдир сабаб билан бу ерларни тарк этиб кетишган экан...

Бу гаплардан илгарироқ хабардор бўлиб қўймагани учун Дўхтир бова ичида афсусланди. Меҳмонга у айтган қанчадан-қанча гап-сўзлардан кўра Холмўминнинг чўпчаги кўпроқ таъсир қилгани кўриниб турарди.

Дўхтир бова таърифини қилган кўприк ёнидан от-эшак, мол-қоллар, пиёдалар ўтавериш ёлғизоёқ йўл ҳосил бўлган эди. Ана шу йўл билан ўтилаётганда, уч марта қурилиб, уч мартаям сел оқизган кўприк яна эсланди.

— Қувурлару ёғочларни одамлар ташиб кетишди, — деди Дўхтир бова пастда думалаб ётган, кран билан кўтариб олмаса қимирлатиш ҳам мушкул бўлган бетон-

ларни кўрсатиб. — Анавуларни ҳам олиб кетишга кучлари етмади, беш-олти кишилашиб ҳам уринишди, эгашолмади. Лекин, эгалик қилиб қўйишган: анаву қувурни Шойимқул сариқ оламан деган — унга нима керак экан, Худонинг ўзи билади; ҳў-ўв бетонни жаноби олийлари молларнинг охурига ишлатаман деб одамларнинг олдида айтиб қўйган; Сўпям бир-иккита шунга ўхшаш нарсаларни Абди иккаламизники деб белгилаб кетган.

Меҳмон соддадиллик билан:

— Ҳукумат олиб кетмайдими? — деб сўради.

Холмўмин гап қўшди:

— Ҳукумат ҳам, ҳукумат одамлариям бу кўприк устидан оладиганларини олиб бўлишган. Шу яқин ўртадаги қайси каттакон икки-уч қаватли уй қурмоқчи бўлса дарров кўприкни эслаб қолади. — Холмўмин туйқусдан қизишиб, сўзида давом этди. — Фалон-пистон қишлоқлар ўртасидаги муҳим алоқа йўлидаги кўприк қурилиши деб елиб-югуришади. Сангинга ўхшаган ҳақиқатчиларни уларнинг ўзларигаям асл ниятни билдирмайгина ишга солиб юборишади, улар «туя гўшти еган кўприк» деб идора-ма-идора изғишади, бор-будларини сарфлашади, ёзишади, ахийри мошин-мошин қурилиш материаллари ундирилади. Кўприкнинг ёнидан ҳам ўтмай ҳалиги каттанинг уйига ташилади. Сангинларга эшакнинг турмуғия тегмайди. Ишларини битириб олишгач, уларни ёмонотлиққа чиқаришади. Ёзғувчи дейишади. Сасиган олмаю бир боф пичан ҳақидаги ҳар хил бўлмағур гапларни ўйлаб топишади, — шу гапларни айтаётиб, Холмўмин кутилмаганда меҳмонга ташланиб қолди. — Биз-ку, қишлоқда қолиб кетдик. Мингта диплом кўрсатсак ҳам, гапимиз бирон жойга ўтмайди, кўлга қарашади, пул бўлмаса, минг алломай замон бўлсанг ҳам одам ўрнида кўришмайди. Сизларчи? Каттакон шаҳарда, вазирликда ишлайсизлар. Газит ўқийсизлар, телевизорда гапирасизлар, аммо-лекин, кўр одам ҳам пайқаб турган ҳодисаларни кўрмайсизлар, нақ осмондан келасизлар. Пуч, сафсата гапларимизни одамлар эшитаётибди, деб ўйлайсизлар, гўрларингга фишт қалаштириб ўтиришганини билмайсизлар, чунки, ҳаётдан узоқсизлар. Йўқ-йўқ, ҳаммасини биласизлар; кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка оласизлар. Қатор-қатор мошин миниб, қўша-қўша уйлар солиб, гаштини сураётганларнинг ҳаммасиям ишбилармонми?

Холмўминнинг нафаси ичига тушиб, илкис тўхтади.

Ошнасининг бунчалик жиддийлашганини кўрмаган Дўхтир бова анг-танг бўлиб қолди.

Кейин секингина:

— Бор экансиз-ку! — деб қўйди.

Кўнгил учун ошнасининг сўзларини тасдиқладек туюлди.

Меҳмон нима деярини билмади.

Ноқулай аҳволга қолди.

Холмўмин пайқади, шекилли, ер остидан меҳмонга хижолатпазлик билан назар ташлаб, гуноҳқорона товушда:

— Кечирасиз... — деди.

— Ҳечқиси йўқ... — меҳмон жилмаймоқчи эди, бўлмади, лаблари жийрилиб кетди.

Меҳмон, ҳозир собиқ курсдошининг нечоғли ҳақ-ноҳақлигини ўйламасди. Унинг қалбига қандайдир мавҳум, англаб бўлмас сиё ёпирилиб келмоқда эди. Собиқ курсдоши билан орадаги узоқ айрилиқдан сўнг кўришишни ўйлаб, уникага отланганидаги орзиқиб-интиқишлари, поездда кўзига уйқу инмай ўйлаган ўйлари — барча-барчаси тўзғиб, қолган-қутганларининг ҳам сиртини ўша мавҳум сиё қопламоқда эди. Собиқ ҳамхонасини, ҳатто ўзини ҳам таниёмай қолаётганди, наҳотки, шу қадар ўзгариб кетган бўлсак, ўзи қанақа одамга айланиб қолдик экан-а? Ошнани унга бегонами ёинки у ошнасигами, англаёмай қолаётганди. Туйқусдан у ўзининг ичига қандайдир оғир, одамни емирадиган, адо қиладиган ёмон бир нарса кириб қолгандай ҳис этди.

Жарлиқдан ўтиб, пича юришгач, баланд тепалик бошланди. Ҳар жой-ҳар жойда бадандаги тошма ярадай қўтир тошлар яккам-дуккам учрарди.

Меҳмон, тошларни бу ерга биров келтириб қўйган бўлса керак, деб ўйлади, шекилли:

— Ажабо! — деб қўйди.

— Булар ўсиб келаётган тоғлар, — деди Дўхтир бова ҳеч иккиланмай. — Минг йилми, милён йилми ўсишади, кейин ҳў-ўв тоғларга ўхшаб қолишади.

— Ўша тоғлар ҳам шунақа бўлганми? — сўради меҳмон, Дўхтир бовани синаётгандай.

— Ҳа, — тасдиқлади Дўхтир бова қандайдир ишончсизлик билан.

Холмўмин ошнасининг жиғига тегмоқчидай:

— Қайдан биласиз? — деди.

— Биз ҳам эшитганмиз-а! — қочириқ қилди Дўхтир бова. Тепалиқда ҳаво енгил, майин шабада эсар, куз бўлишига қарамай ҳаммаёқ кўм-кўк эди.

Улар қиямаликка ўтиришди.

Водийга сочилган қишлоқлар бу ердан кафтдагидек кўриниб турарди. Бора-бора бу қишлоқлар кўкиш туманлик орасига сингиб кетишар, ундан у ёғини кўз илғамас эди.

Холмўмин кўрсаткич бармоғини олдинга чўзганча қишлоқларнинг чегараларини кўрсатиб, уларнинг номланишини айтиб бера бошлади.

— Анов Оқмўйин, буниси Қорамўйин, у ёқдагиси Дўрмон, Манғит...

Маълум бўлдики, кўп қишлоқлар уруғларнинг номалари билан аталар экан. Сўл томондаги буғдойи ўриб олинган майдон қўтирлаган теридай тақир бўлиб кўринарди. Майдоннинг ўртасида кафтдаккина жой кўм-кўк эди, у ердаги дову дарахтларнинг шовуллашини киши узоқдан ҳам ҳис этиши мумкин эди. У ер саҳродаги сароб янглиғ ҳар қандай кишини ўзига жалб этарди.

Меҳмоннинг ўша томонга тикилиб қолганини кўрган Холмўмин тушунтирди:

— У ер бир работдир. Чўпон-чўлиқлар, ўткинчилар кеч қолгудай бўлсалар, кўниб ўтишади. Ҳеч ким муқим яшамайди. Битта кичкина кулба. Атрофида дову дарахтлар ўсган ҳовуз бор. У ерда бир маҳаллар авлиё бир одам яшаган дейишади.

— Ҳовузга сув қаердан боради? — сўради меҳмон.

— Ҳў-ўв анаву ерларда одамлар деҳқончилик қилишади, ортиб қолган сувни ҳовузга ташлаб юборишади...

Меҳмон бош ирғаб қўйди.

* * *

«Инсонлар йўлнинг болаларидир».¹

* * *

— Оҳ-оҳ, ҳавони қаранг-а! Бундай ҳавони шаҳарда топиб бўлармиди, миймон, — деди Дўхтир бова ниманидир назарда тутиб.

— Топиб бўлмайди, — хўрсинди меҳмон. — Бу ерда осмон ҳам бўлакча. Очиқ, кенг, тоза.

— Ошна, тугунингизни очмайсизми, — мақсадга кўчди Дўхтир бова. — Шундай ҳавода юзта-юзта қилмасак...

Холмўмин тугунчакни очиб, ароқни Дўхтир бовага узатди.

— Шу ерда ичмасак ҳам бўларди, — иккиланди меҳмон.

Дўхтир бова шишанинг қопқоғини тиши билан очаётиб:

— Бу ерда гашти бўлакча! — деб ишонтирмоқчи бўлди.

Меҳмон индамади.

Пиёла битта экан.

Холмўмин фўлдираб сўкиниб қўйди.

Дўхтир бова пиёлага тўлдириб ароқ қўйди-да, негадир бир кўзини қисганича:

— Аввал ўзимиздан бўлсин-а? — деди.

— Ўзингиздан, ўзингиздан! — баббаравар тасдиқлашди мезбон билан меҳмон.

Дўхтир бова меҳмоннинг шаънига баладпарвоз гаплар айтди: унинг келгани жуда яхши бўлганини, одам одамни ана шундай йўқлаб турмаса, яшашнинг қизиғи йўқлигини, донолар йилқи искашиб топишади, инсон сўзлашиб, дейишганини оҳан-жомали сўзлар билан ифодалаб:

— Бо нияти шифо! — дея томчи қолдирмай сипқорворди.

Кейингисини меҳмонга узатди.

— Кўп-ку? — меҳмон пиёлага кўз қирини ташлаб, оғрингандай бўлди.

— Нимаси кўп? — Дўхтир бова ҳам ажаблангандай бўлди. — Нарси борса, битта пиёлача-да! Улфатлар йиғилганда буни косалаб ичиш керак, миймон, олинг-да, хур-матингиз бор.

Меҳмоннинг бўлак иложи қолмади, олди.

— Айтинг! — давранинг пешвоси бўлиб қолганидан Дўхтир бова гул-гул очилиб кетганди. — Аз таҳи дил бир нарсалар денг.

Меҳмон нима деярини билмагандай, ўнғайсизланганча туриб:

— Ана шу жарликлардаги уяларига муқаддас қушларнинг қайтиб келиши учун, — деди қандайдир шоирона бир кайфиятда.

¹ Мавлоно Жалолоддин Румий.

— Зўр гап бўлди, ammo-лекин, — танглайини тақиллатди Дўхтир бова. — Қани, олинг!

Холмўмин ўзига-ўзи гапираётгандек, эшитилар-эшитилмас:

— Улар қайтишмайди! — деди.

— Нега ундай дейсан? — Дўхтир бова давранинг пешвоси сифатида ҳеч қандай нохушлик бўлишини истамасди, шу боис, дарров норозилик билдирди. — Ноумид — шайтон. Қайтишса қайтишаверади-да, — дея, ичида, ўзи у қушларнинг бўлган-бўлмагани ноаниғ-у, қаёққа қайтади, деб ўйлади.

— Бизнинг ерларимиз ҳам, ўзимиз ҳам бузилиб кетдик, ошна, — деди Холмўмин айбини тан олишдан ўзга иложи қолмагандек. — У қушлар тоза жойларни маскан тутишаркан, улардан таралган нур, муаттарлик шундан экан...

Меҳмоннинг кўнгли ғаш бўлди.

Улар қиямалиқда бир соатча ўтиришди.

Куюёш ҳам уфққа етай-етай деб қолди.

Шам сўниши олдидан бор қуввати-ла қаттиқ аланга олгандай, ҳадемай бу олам билан видолашаётган куюёш ҳам қолган-қутган барча нурларини дуч келган жойларга сочарди. Унинг нури илашган парча-парча булутчалар қонли этакларини йиғишти-ролмаётганга ўхшардилар. Сосяи узунлашиб кетган қўтир тошлар устида майда-чуйда ҳашоротлар фаоллашганди. Шафақ қуюқлашиб, алангаланиб турарди. Еру осмонда шодликдаги ғусса, висолдаги ҳижрон, ёруғликдаги зулмат, яшашдаги ўлим тантанаси бошланаётганга ўхшарди.

Дўхтир бова бўш шишани улоқтириб юбораркан:

— Қани, кетдик энди, — деди.

Улар дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўринларидан туришди.

Тепалиқдан эниб, пастдаги сокин оқаётган ариқ ёқалаб кетишди.

Меҳмон чўнқайиб сувга кўлини тикди ва дарҳол тортиб олди:

— Вой-бў, мунча совуқ?

— Тоғдан келади-да! — деди Дўхтир бова. — Булоқларнинг суви, тармаларники йиғилиб, катта сой ҳосил бўлади, кейин қишлоқларга бўлинади.

— Тарма нима? — меҳмон бу сўзни илк бор эшитиши эди, ҳайрон бўлди.

— Тарма ҳў-ўв чўққиларда абадий сақланадиган қорлар, — Дўхтир бова билгичлигини намойиш қилиш имкони туғилганидан хурсанд бўлиб кетди. — Саратондаям эримайди. Тураверганидан қуртлаб кетади. Бошмолдоқдай-бошмолдоқдай қизғин қуртлари бўлади. Тармаларни ғалвирдай тешиб юборишгани учун, улар бирданига эриб кетмайди, аста-секин, бир меъёрда эрийди.

Меҳмон:

— Табиатнинг ўзи бир мўъжиза-да! — деб қўйди.

Пича юришгач, яна бир «мўъжиза»га дуч келишди.

Аслида, бу у қадар «мўъжиза» ҳам бўлмай, йиғирма-ўттиз чоғли одам ариқ бўйи-да тўпланиб туришарди.

Бироқ, улар шунчаки тўпланишмаганди.

«Мўъжиза»лиги шунда эди.

Бу ерда сув жанжали бўлаётганди.

Холмўмин, бир учини чиқариб, сал-пал қистириб ўтгандай, ҳар хил баҳоналар билан тез-тез жанжаллар бўлиб туриши чин эди.

Жин урсин, шу жанжаллар бўлмаса, ҳаёт жуда зерикарлидай туюларди, одамнинг ичини сиқиб, қонига ташна қилиб юборарди, юрагини касал қилиб қўярди.

Ер жанжали, сув жанжали, ҳашак жанжали, подани қаерларда боқиш жанжали сингари катта-кичик жанжаллардан мироб сайлаш жанжали, бригадир тайинлаш жанжали, подачи жанжалариям қолишмасди. Бундай жанжаллар икки-уч соат эмас, икки-уч кунлаб, ҳафталаб, ойлаб, ҳатто йиллаб давом этарди; бобою бобокалонлари даврида ўтган жанжалларни соғиниб, аллақачонлар ўчиб-сўнган чўғнинг кулини титкилаб, кўзгаб юрадиганлар ҳам топилади. Йўл жанжаллари кўнгилихушлик учун бўлаётганга ўхшарди. Тўйдаги жанжаллар айниқса, қиёмат бўлар эди. Азадаям, албатта, бир жанжал чиқаришар эди. Ошпазлигу нонвойлик, ҳатто, гўрковликкача жанжал билан битар эди. Бундай жанжаллар орасида одамни зериктирмаслик учун кичик-кичик жанжаллар ҳам чиқиб турарди. Эр-хотин жанжали, кайнона-келин жанжали, қўни-қўшни жанжали шулар сирасига кирарди ва бундай жанжалнинг томошабини ҳам кўп бўлмасди, нари борса, ўттиз-қирқ чоғли одам тўпланишарди ва ўшалар ҳам уч-тўрт соатдан ортиқ жанжал кўролмай, шуям жанжал бўлдими, деганча хафа бўлиб кетишарди, йўлда бир-бирлари билан жанжалашиб хумордан чиқишмаса иложи бўлмасди.

Қавму қариндошлар жанжалини одам қандай жанжаллар жумласига киритишга

хам ҳайрон бўлар эди. Нега деганда, атиги икки соатгина фингиллашишган қавму қариндошлар бир-бирлариникига абадий кирмай кетишарди, остонангни кўрмай, дейишарди. Мабодо, улардан бирови, масалан, бир йил ёки икки йилдан кейин тўй-маърака қилиб қолса, иккинчиси бормасди. Тўй-маъракага бош-қош бўлишга чоғланган элнинг оқилу донолари, катталари маслаҳат паловини еб бўлгач, бармоқларининг мойини соқол-мўйловга, махсига сурта-сурта айтишардики, фалон-пистон қариндошинг тўй-маъраканга келмаса бўлмайди, уятга қоламиз, бошимизни кўтаролмаймиз, дея уйда араз уриб ётган қариндошнинг номини тилга олишарди. Унинг номини эшитиши биланоқ тўй-маърака ўтказаетган қариндошнинг фигони фалакка ўрларди, мени унақа уругим йўқ, деб аюҳаннос соларди. Тайсаллай-тайсаллай, ахийри, ўзларингиз биласизлар, дея, шунақа вақтда тўй-маърака ўтказаетган ўзини ўзи чангитиб сўкканча, қўл силтаб нари кетарди. Элнинг катталари араз уриб ётган қариндошникига бирорта элчи-хабарчи жўнатишади. Элчи-хабарчиликка ҳамма ҳам яравермайди: гап кўтарадиган, ўрни келганда, таёқ ейишга ҳам тайёр одам керак. Маслаҳатдан бохабар бўлганлар шу боис, элнинг катталари назарига тушмаслик учун қочиб-пусиб юришади, уйларига кириб яшириниб олишади. Худо назар қилмаса эшак бозорига даллол бўлмасмиш; элнинг катталари назаркарда одамлар — кимни юборишни билишади. Ўзлари мўлжаллаган одамни қайси қавак-жириңдига яширинган бўлсаям топиб келишади, қорнини тўйғазишади, айтиши лозим бўлган гаплару айтиши лозим бўлмаган гапларни ўргатишади; кейин, бардам бўл, дея йўлга чиқариб юборишади. Араз уриб ётган қариндош элчи-хабарчини тариқчайм менсимайди, элнинг катталари ўргатиб юборган гапларни эшитишни ҳам истамайди. Очиқдан-очиқ, бор йўқол, деб бетига эшикни ёпади. Элчи-хабарчи асабийлашади. Кейин, бор-э, менга нима, бир-бирингни гўштингни емайсанми, деб изига қайтади. Кела-келгунча қавму қариндошларниям, элнинг катталариниям орқаворотдан ношоён сўзлар билан болохонадор қилиб, авра-астарини ағдариб сўқади. Шундай қилса, бош оғриги босилади, етиб келганда бип-бинойи бўлиб қолади, бўлган воқеани оқизмай-томизмай етказишади, ўрта ичида ўзининг жабр тортиб қолганини пеш қилиб кўяди.

Бор, дамингни ол, дейишади элнинг катталари.

Элчи-хабарчи қозоннинг бошига қараб кетади.

Ошпаз унга илик узатиб, нима бўлди ошна, дейди. Элчи-хабарчи иликнинг катта-кичиклигига қараб нима гап-сўз бўлганини айтади.

Энди ўзинг бор, дейишади элнинг катталари тўй-маърака эгасига.

Тўй-маърака эгасининг жон-пони чиқиб кетади, одам юбордим, туваги олтиндан бўлсаям ўзи келсин-да, деб аюҳаннос солади, тайсаллайди ва охир-оқибат катталарнинг сўзини икки қилолмай, бундан ташқари қадимдан қолган удум шундай бўлгани учун, йўлга тушади.

Қадимдан қолган удум қандайлигини араз уриб ётган қариндош ҳам яхши билади, барча қонун-қоидасини келиштириб адо этади. Ўша аввал бошланган жанжалнинг давомига бир-икки соат қўшилади, холос. Тўй-маърака эгаси, ана-а, айтмадимми, ана, айтмадимми, деганча қон босими ошаётгандай бошини чангаллаб қайтиб келади. Шундан сўнг элнинг катталари ўринларидан туришиб, қуруқ бормайлик деб, бир-бирлари билан маслаҳатлашганча, тугун тугдиришади. Тугунда хомидан гуруч, гўшт, сабзи, пиёз каби нарсалар бўлади: пишганидан варақи, сомса, патир. Ширинликлардан майиз, ёнғоқ, бодом, қорғозлари чиройли-чиройли конфетлар танлаб олинади. Араз уриб ётган қариндошнинг уйи узоқда бўлса, борадиганлар йўл-йўлакай мана шу нарсалардан еб ҳам кетишади. Элнинг катталари ҳурматли одамлар, айниқса, алоҳида-алоҳида юришганда ярим чақага қимматдай кўринишса-да, қўшилишиб, бир-бирларига «сиз юринг, сиз юринг» деб илтифот кўрсатишганда ҳавас қилгулик. Шундай бўлса-да, араз уриб ётган қариндош элнинг катталари олдига дафъатан тушиб келавермайди, таомилга кўра, беш-олти соат гапни чўзади, даставез-дастурхонга киё боқиб қарамайди, келтирган нарсаларингизни итта ташланглар, дейди камситиб. Ахийри, ноилож қолгач, тўй-маъракага эл қатори бирров кириб ўтишга розилик беради, кейин аразини яна давом эттиришни айтишни ҳам унутмайди. У ёғи сизнинг ишингиз, дейишади элнинг катталари, элнинг назаридан ўтинг, у ёғига бир-бирларингизни чавақлаб ташласаларингиз ҳам аралашмаймиз.

Булардан ҳам майдароқ жанжаллар шундан иборатки, бировнинг мевали дарахти шохлаб қўшнининг деворидан ошиб кетади. Ва пишганда ана шу мева туфайли қўшнилари жикқамушт бўлишади; бировнинг томорқасидан оқава сув бошқасиникига ўтиб кетсаям жанжал кўтаришаверарди. Аммо, булар жудаям майда жанжаллар бўлиб, каттароқ одамлар томоша қилишга уялишади, ёш болалар кўради уни. Борди-ю, мурти ўсиб қолган йигитчага «сен гапирма, ҳали ёшсан» деган гапни айтмоқчи бўлиш-

саям, тўғрилиқча айтмай, «сен гапирма, фалондақа жанжални кўр» деб ўша энг майда жанжалларни пеш қилишади.

Бу жанжаллар йилда бир марта бўлади, бироқ, хотинларнинг даҳанаки жанглари на кеча-кундузни, на фаслни ажратади. Йил — ўн икки ой, исталган вақтда бошланиб, исталганча давом этади. Бундай даҳанаки жанглarning иштирокчиси бўлиш учун ёшнинг аҳамияти йўқ, албатта, аёл киши бўлиши шарт, холос. Агар бу жинсдагилар туйқусдан бир-бирларига чанг солишиб, юмдалашиб кетишса, буни даҳанаки жанжаллар сирасига киритиш қийин. Айтиша-айтиша юлишишяпти-ку, деб ўйлашингиз мумкин, лекин адашасиз.

Икки аёл нураган деворнинг икки томонида туриб олиб, қўлларини тўлгай-тўлгай, чунонам айтишишадик, томоша қилаётганлар гоҳ лабларини тишлашар, гоҳ балоғатга етмаган ўғил-қизларини ҳайдаб солишар, гоҳ рўмоллари билан юзларини беркитиб олишарди.

Даҳанаки жанжалларни бадиҳағўйликнинг олий намунаси деб айтса бўлади. Ҳомер уларнинг олдида ип эшолмайди. Ота-бобоси замонидаги гаплардан эртага бўладиган гапларгача, ҳаммаси айтилади. Мана шундай жанжалларнинг бирида иккита аёл уч кечаю уч кундуз тинимсиз айтишиб, силлалари қуриб қолибди, ҳушдан кетишиб, гуппа-гуппа қулашибди. Шундай бўлса-да, уларнинг тиллари алланималарни гўлдираб ётганмиш.

Улар баъзан айтиша-айтиша чарчаб, тирикчиликларининг ортидан кетадиган бўлишса, калишларининг бир пойини девор устига қолдирганча кетишади. Бу томондагининг калишининг учи у томонга, у томондагининг калишининг учи бу томонга қараган бўлиши шарт. Бу белги даҳанаки жанжал ҳали давом этишини бидиради. Мабодо, биттаси калишини қолдириб, иккинчиси қолдирмасаям, барибир, иккинчиси келиб, биринчисининг сўкишларини эшитишга мажбур. Шу боис, кечалари кўп деворларнинг устида бир пой калиш турганини учратиш мумкин.

Ҳозир меҳмон устидан чиқиб қолган сув жанжали бир ҳафтадан буён давом этаётган эди. Шунинг учун суръати анча сусайиб қолган экан.

Қулоқ бошида турган одамлардан бирининг ҳирқироқ овози эшитилар эди:

— Сен мени ким деб ўйлаяпсан?.. Ким деб ўйлаяпсан?! Чавақлаб ташлайман! Мана шу ариққа чимдай бостириб юбораман! Индамаган сайин бошга чиқиб кетдиларинг-ку! Навбатим келдими, сувни бер-да! Катта холангдан қолганми ё?

Иккинчисиям бўш келадиганлардан эмаскан, овози «ғав-ғав»лаб чиқар эди.

— Ўзинг мени ким деб ўйлаяпсан?.. Ким деб ўйлаяпсан!.. Ўзингни чавақлаб, шу ариққа чимдай бостириб ташламай!

— Сен босиласан!

— Ўзинг босиласан!

— Кўрамиз!

— Кўрсак кўраверамиз!

Кетмонларнинг шақир-шуқури эшитилиб қолди.

Бир-бирлари билан гаплашиб туришган томошабинлар ҳам дарҳол суҳбатга чек қўйишиб, оғизларидаги носларини шоша-пиша четга тупуришиб, дупурлашганча уришаётганларга жипсроқ келишди.

Меҳмоннинг ранги оқариб кетди.

— Ажратиш керак, — деди қандайдир ваҳимага тушиб.

— Ажратиб бўлмайди! — Дўхтир бова кескин бош чайқади.

— Бир-бирларини ўлдириб қўйишса-чи?

— Ажали етган ўлади, — тушинтирди Дўхтир бова.

Меҳмоннинг аралашгиси бор эди, яхши-яхши гап-сўзлар билан уларни муросага келтирса бўлар, деб ўйларди.

Дўхтир бова томоша қилиш иштиёқида ёнарди.

Бироқ Холмўмин «кетдик, кетдик»ка тушиб қолди.

Қайтишаётганда, Дўхтир бова тўсатдан:

— Ишқилиб, чарчамадингизми миймон? — деб сўраб қолди.

Кўнгил учун, албатта.

Меҳмон жуда толиққан эди.

Дўхтир бованинг кўнгил учун сўраганини билди.

Дарҳол:

— А, йўғ-а?! — деб кулимсирашга уринди. — Нима иш қилдикки, чарчаймиз.

Дўхтир бова суюнди.

— Яшанг, миймон! — деб уни мақтади. — Ўзимизга ўхшаган йигитнинг гули экансиз!

Сўнг:

— Одам ичса охиригача ичсин, бўлмаса оғзига олмасин, — деб, ҳикоясини мазмунли қиладиган мисолларни топиб айта бошлади. — Бизнинг қишлоғимизда уч-тўрт кун ўтириб ичадиганлар бор-у, аммо, бир ҳафта-ўн кунга етказадиганлари жуда кам. Мирқобил деганимиз бор, ўзи озгин, паканагина, лекин бир ичишни бошласа, ўн-ўн беш кун ҳам ўтириб ичаверади. Ухлаб қолсам, ёнбошлатиб, пиёлани қўлига тутқазсангиз бўлди, ичаверади. Кўр одамлардай пайпаслашиб, дастурхондан газак ҳам топади, денг, ё товба. Қўшни қишлоқдагилар билан ичиш борасида баҳс бойлашган одам, ана шу Мирқобилни олдига солиб олиб бораверади. Баъзан белим оғрияпти, оёғим оғрияпти, деб тихирлик қилса, эшакка миндириб олиб боришади. Уни олдига рақибини олиб келишлариям мумкин. Ароқни баҳс бойлашганлар қуяди. Гаров ўйнайдиганлар кундан-кунда кўпаяверишади. Тўрт томонга қўланса ҳид тарқатиб ётган ичувчилардан кунора хабар олишади, яқин доримай, узоқдан «бардам бўл, бўш келма, одамнинг юзини ерга қаратма, хонавайрон қиласан мени» деб бақиривади-да, уфунатдан бошлари гангиб қочиб қолишади. Мирқобил ҳеч мағлуб бўлмаган. Фақат бир гал унинг ароғига уйқу дорини аралаштириб бериб юборишганда, Мирқобил тахтадай қотган. Нафас олганиям билинмай бир ҳафта ухлаган. Нариги дунёга кетипти, шекилли, деб уни энди кўймоқчи бўлиб турганларида, уйғониб қолган. Тушида фаришталарни кўрганини айтиб, ичишни яна давом эттирган...

Меҳмоннинг ранги паға бўлиб кетди.

— Унақа ичишдан худо асрасин, — деди.

Дўхтир бова ўзини эшитмаганга олди.

— Бугун тўйга борамиз, — деди кафтларини бир-бирига ишқаб.

— Қанақа тўй? — ҳайрон бўлди Холмўмин.

— Назар чўпон кичигини уйлантиряпти...

— Ҳа-я.

— Тошкентдан катта артистлар келармиш.

Холмўмин ўғлини уйлантирганда вилоятдан артист чақирганди, ичи сиқилди, лабини буриб:

— Бэ! — деб қўйди.

— Миймон тўйларимизни би-ир кўрсинлар-да! — деб ҳовлиқди Дўхтир бова.

— Назар чўпон жарчи юбориб, айттирган бўлса, борамиз, — деди Холмўмин.

— Бизнинг эшигимизга борди, — деди Дўхтир, ҳозир ўз уйига ўзининг оёғи тортмай турарди.

Ҳовлига етиб уни томошалаган бўлишди.

Дарахтларни кўришди. Этақда икки туп жийда, ўртада бир туп беҳи, супа ёнида уч туп қоратол бор эди.

Холмўмин қоратолни мақтади.

— Сояси зўр бўлади-да, — деди.

Дўхтир боваям қўшилди.

Экиндан бир-икки жўяк шолғом бор экан.

— Шўрвага сайрайди, — деди Дўхтир бова. Кейин Холмўминнинг ҳафсаласини мақтади. Холмўмин тиржайди:

— Бу йил маккажўхори экканман, думбулини болалар қўрда пишириб ейишадди, — деди.

Қўшкарнайнинг овози эшитилиб қолди.

— Айтдими? — сўради Холмўмин супада анқайиб турган хотинидан, карнай товуши келаётган томонга ишора қилиб.

Хотини бош ирғади:

— Айтди.

Холмўмин Дўхтир бовага қаради:

— Айтипти.

— Айтдим-ку, — деди Дўхтир бова, — бир нарсани билмасам гапирармидим.

— Кетдикми?

— Кетдик.

Холмўмин сал ортда қолиб, хотинига учаласи учун ўрин-тўшак солиб қўйишни буюрди.

— Анаву уйига кетмайдими? — сўради хотини кўзининг қири билан Дўхтир бовага ишора қилиб.

Холмўмин мужмал оҳангда:

— Қолади, шекилли, — деб қўйди.

Хотин лабини бурди:

— Ўлси-ин.

Меҳмон чарчади.

Меҳмоннинг оёғи тортмай-тортмай иккаласининг ортидан эргашди.

Назар чўпон, қавму қариндоши, қўни-қўшниси билан... дарвоза олдида баковулик қилиб туришарди:

— Келинг, келинг.

— Ўтинг, ўтинг.

— Хуш кепсиз, хуш кепсиз.

Баковулар ўзаро пичирлашарди:

Холмўмин билан Дўхтир бовани қаерга олишни билишади. Бироқ, анаву шаҳарлик меҳмон... ким бўлдикин?

Ичкарига олишсамикан?

Арзирмикан?

Ичкарида уч-тўрт соатдан бери маишат қилиб ўтирган катталар инжишмасмикан?

Катталар: ферма мудир, хашак бригадири, участка мелисаси, раиснинг ёрдамчиси эди ва яна бит дори билан таъминловчилар бор эди. Булардан-да каттаконлари бўлса бордир, бироқ, Назар чўпон бошқаларини тан олмайди, шулардан баландда каттачилик иши гапбозликка айланиб кетади, деб ўйлайди.

Назар чўпон пешайвонда тик турган қорақозонларни қўли билан имлаб чақирди, ишора берди: «Меҳмонни ичкарига олинглар».

Бир баковул Дўхтир бовани чақирди.

Яна бир баковул Холмўминни.

Олиб келишган меҳмонлари баҳонасида ичкарилаб, катталарнинг таъбларини тирриқ қилишмасин, деган аңдишага боришди.

Дўхтир бовани чақирган баковул спиртнинг тозасини қаердан топса бўларкин, деб сўради.

Холмўминни чақиргани, носинг борми, деб қўлини узатди.

Меҳмон, қорақозонларнинг ниятларини пайқади.

Рад этмоқчи бўлди.

Очиқ ҳаво яхши, деди.

Очиқ ҳавонинг яхшилигини қорақозонлар ҳам тан олишди.

Қани, энди юринг, деб икки қўлтиғидан олишди.

Даҳлизда пойафзаллар қалашиб ётарди.

Хашак бригадири калиш-маҳсида юргани боис, калишини ечиб кирганди. Калишнинг бир пойи даҳлизнинг у бурчиди, бир пойи бу бурчиди балиқчининг қайиғидай бўлиб турарди. Балиқчининг қайиғидай ичим хас-хашакка тўла эди, оёқ бу ердан қаңдай жой топа олиши мумкинлигини ақл бовар қилмасди. Бит дори билан таъминловчи каттакон «платформа» деб аталадиган, бир замонлар урфга кирган, шайтоннинг оёғидагидан нусха олинган пойафзалини деворнинг таккинасига, бир четга батартибгина ечиб қўйганди. Ҳар замон-ҳар замонда нос тупуриш баҳонаси билан чиқиб, «платформа»сидан хабар олиб қўярди. Пойафзаллар орасида кўксини роздай кериб турган; остига нағал қоқилган, ўзиям ҳақиқий чармдан ишланган солдатча бир ботинка бор эдики, даҳлиздаги барча оёқ кийимларини сотиб, шунга олишса бўларди. Унинг саргузашти қизиқ эди. Янгилгида совет армиясининг Н. шаҳрида жойлашган 33-ўқчи дивизиясига, тўғрироғи, бир омборчи-прапоршик қўлига келиб тушган эди. Прапоршикнинг қўлига тушган янги нарсаларнинг шўри қурирди, хилват-хилватларда чанг босиб ётаверарди ёинки қора бозорга чиқиб кетиб, бирорта чўчқабоқарнинг ювилмаган сассиқ оёғига илинарди, солдат оёғини тушда кўришдан бўлак илож тополмасди. Омборда навбатчиликка туришадиган солдатларнинг ҳар замон-ҳар замонда феъллари айнаиб, қўллари қичиб қоларди. Шундай дамларда прапоршик хонасидаги эшикнинг кулфини минг найранг билан очишиб, «лаънати жухуд» деб сўкинганча хонани ағдар-тўнтар қилиб чиқиш одатлари бўларди. Айниқса, совет армиясининг оддий солдати Верний қаердаки, нимагаки кўзи тушса қулай қилиб кетаверарди. Ана шундай тинтуварларнинг бирида Верний ботинкани кўриб қолади ва уни дарҳол қўлтиққа уради, олиб чиқиб кетади. Уйда ўтиришган каттаконлар ичидаги участка мелисаси ўша чоқда оддий солдат эди. Верний билан ошначилик қиларди, иккаласиям ўғирлаган нарсаларини қартага тикиб, аслида ютқазилса-да, фирром ўйнаб ютишарди. Ўғирликларининг баракасини бериб, кўпайиб бораверарди, шундаям улар фирромликларини қўйишмасди. Бора-бора аҳвол шу даражага етдики, бу шаввозлар билан ҳеч ким қарта ўйнамай қўйди. Иккисининг қораси узоқдан кўринди дегунча гаплашиб турганлар ҳам пардай тўзғийдиган, улар ўтиб кетишгандан сўнг чўнтақларини пайпаслаб қўядиган бўлишди. Аввалига бошларини уёқ-буёққа уриб кўришди, бўлмади. Кейин, шунгаям бош

қотириб ўтирағизми, деб, ўзаро ўйнай бошлашди, иккаласиям бир-бирларидан қолишмасликлари боис, гирромлик қилаётганликлари ҳам билинмай кетди. Верний ўша куниёқ ботинкани ошнасиға ютқазди, кейин иккаласи ўлғудай ичишиб, қўшиқ бошлашди:

Фунти-мунти
Ту-ту-ту
Биз азамат ўғлонмиз.
Фунти-мунти
Ту-ту-ту
Биз Ватанни севағиз.
Фунти-мунти
Ту-ту-ту
Онамиз — сен, отамиз ким?

Хизмат тугағандан сўнг ботинка яшириб қўйилган жойидан олиниб, чемаданга тикилди, чамадонда бунақа нарсаларнинг бисёрлиги ва ҳар бирининг ўз тарихи бўлганлиги учун ажралиб қолмади. Шу-шу бу ботинка участка мелисасиға ҳамроҳ, ўқтин-ўқтин меҳмондорчиликларға, тўй-ҳашамларға кийиладиган бўлиб азизланган, прапоршиқни, Вернийни, айниқса, совет армиясини эслагиси ҳам келмайди.

Меҳмон ана шу пойафзалларнинг орқароғиға ўзининг туғлисини ечиб қўйди, жангта кираётгандай «уф» тортганча остонадан ичкари ҳатлади.

Ўн бир болорли, вассажуфт уй эди.

Токчаларға қақир-қуқурлар, чойнак-пиёла, коса-товоқлар териб қўйилганди.

Тахмон.

Тахмоннинг икки томонидаги токчалардан кўрпачалар, лўлаболишлар, парёстиқ-лар пастга туширилган.

Уй ичини ис босганди.

Ароқ, сигарет, овқат, тер ислари... аралашиб кетганди.

Етти-саккиз киши.

Ёнбошда.

Дастурхон устиға ўқтин-ўқтин энқайиб, ўзлариға ёққан устихонни кўтаришади.

Товоқлар гўштта тўла.

Раис ёрдамчиси илигини қоқиб олган суякнинг тешиғиға, яна қолдимикан, дегандай, бир кўзини қисиб қараганча, участка мелисаси томонға ёнбош уриб, унға латиға айтмоқда эди, қолганлар кавшанганча жон қулоқлари билан тинглашмоқда эдилар:

— Бир шарти келиб, парти қолган чол уйланмоқчи бўлиб, ўзини даволаётган дўхтирға биронта ёшроғини, ўттиздан ошмаганини топиб бер, депти, — раис ёрдамчиси илиқдан ҳам мазалироқ нарсени кўриб қолгандай суякнинг тешиғиға диққат билан тикилганча сўзида давом этарди. — Дўхтир, ичида чолнинг устидан кулиб, унақа бўлса бирорта гирдиғум мардикор ҳам керак бўлар, депти. Керак бўлади, мардикориниям топ баччағарни, депти чол. Улар шунға келишишибди. Дўхтир чолни бир йилдан кейин кўриб қолипти. Қалай, сўрапти дўхтир. Яхши, депти чол, олиб берган аёлинг куни кеча эғиз туғди, депти. Гирдиғум мардикор-чи, ичида кулипти дўхтир. Унинг ҳам иккиқат, депти чол...

Раис ёрдамчиси қўлидаги суякни дастурхон четиға қўйиб, қаҳ-қаҳ урди.

Участка мелисаси:

— Оббо, чол-э! — деб, қорнини ушлаганча қаҳ-қаҳлади.

Ҳаммалари кулишди. Хашак бригадириғина тишини оқиниям кўрсатмади.

Меҳмоннинг кириб келиши шу маҳалға тўғри келиб қолди.

Каттаконлар «нотаниш катта»ға кўз ёшларини арта-арта қараб қолишди.

Унинг ранги ўчинқираб турарди.

Савлат-салобатдан ном-нишон кўринмасди.

Ориқ...

Каттаға менгзашмади.

Ўринларидан туришни лозим кўришмади.

Сал-пал қимирлаб қўйишди.

— Келинг, миймон, ана, тўрға ўтинг, — дейишди.

Лекин, тўрдагилар тўрни бергилари келмади.

Меҳмон тўрлаб ҳам, пойгаклаб ҳам кетмади.

— Овмин! — раис ёрдамчиси латифаниям, дуойи фотиҳаниям ўз ўрнида қотириб қўядигандек жиддий қиёфада кафт ёзди. — Ҳаммани тўйға буюрсин!

— Овмин!

— Овмин!
— Қани, меҳмонга ароқдан қуй!
— Олинг, миймон!

— Йўқ дейиш йўқ бизда.
— Қани, бирор нарса деб юборинг.

Меҳмон, келин-куёвнинг қўша қаришини тилади.
Бу тилак даврадагиларга қаттиқ таъсир қилди.
Томчи қолдирмай ичишди.

Пиёлаларини тўнкариб-тўнкариб кўрсатишди.

— Яшанг, миймон!

— Отангизга раҳмат!

— Дастурхонга қараб ўтиринг!

Бит дори билан таъминловчи:

— Қурғур чол-э! — деганди, яна кула бошлашди.

Хашак бригадирнинг ҳовоғи баттар осилиб кетди.

— Ҳэ қиззини!.. — деб юборди.

— Бўлмаган гап!

— Ахир бу латифа-ку?!

— Барибир.

Бит дори билан таъминловчи чидолмаганидан бўлса керак, чинқириб юборди:

— Ҳо-ой инсон, бу қулдириш учун тўқилган латифа... латифа-а... тушундин-гизми?

— Ҳэ, қиззини... латифаси нимаси?

Бит дори билан таъминловчи қисталанг пайтда бўшангандай чуқур уф тортди.

Раис ёрдамчиси ўқтин-ўқтин «баччағар» сўзини ишлатса, хашак бригадири оғзидан чиқаётган шоён-ношоён каломларни «ҳэ, қиззини...» деган сўз ила безарди.

Хашак бригадири бир пиёла ароқ ичиб, товоқдаги энг катта иликни танлаб олди, ейишга тушди. Шундай қилиш учун ўзининг жаҳлини ўзи жўрттага чиқарганга ўхшаб кўринди.

Даврадошлар ағдан-бағдан суҳбат қурган бўлишиб, гап оралатиб-гап оралатиб меҳмоннинг кимлиги, қайдан келганлиги, иши-хизмати билан қизиқишди. Қизиққанларини юз-кўзларида билдиришмади, шунчаки сўрагандай бўлишди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас бирови:

— Ҳа-а! — дея хўрсинди. — Катта шаҳарда фақат ойлик билан тирикчилик қилиш қийин.

Меҳмонга ғамхўрликдай туюлди бу гап.

Ундай эмасди.

Одамларнинг иши тушмайдиган, демакки, пора-ришва ҳам узатилмайдиган мир-куруқ бир жойда ишларкан-да, деган маъно-хулоса бор эди бу гапта.

Тағмаънони бошқа биров:

— Ҳа-да! — дея тасдиқлади.

Бошқаси калласини чайқай-чайқай:

— Айтдингиз-қўйдингиз-а! — деб, меҳмондан ҳафсаласи совутанини англади.

Тумшайиб ўтирган хашак бригадири андиша-пандишани йиғиштириб қўйиб, ваъз ўқий кетди:

— Ҳэ қиззини... у ердагилар ҳам жа-а пишиб кетишган. Биззи миймон бовамизга ўхшаганлар минг ақли, қиззини... минг паҳлавон бўлишмасин, ҳозиргидагисига ўхшаш кичкинагина иш бериб қўйишади. Ҳэ қиззини... мандан қайдан биласиз деб сўрама, қишлоқдан бир қадам ташқарига чиқсам нафасим бўғилади, аммо-лекин ҳаммасини билиб-сезиб тураман. Далада подачи билан чой ичиб ўтирганда оғзимга келганини қайтармай гапиравераман, уям қойил қолади. Айтаётганларингизнинг бари рост, шундайчанги ишлар бўляпти экан, дейди.

Остонада Назар чўпон кўринди.

— Хуш келибсизлар! — деди у қўлини кўксига босиб.

Ўтирганлар сал-пал ғимирлаб қўйишди.

— Э, келинг!

— Қани, биз билан юзта олинг!

Назар чўпон бошига кўкиш матодан салла ўраган, саллапечи елкасигача тушиб, уни улуввор кўрсатарди. Патила-патила бўлиб ўсиб ётар соқол-мўйлови ҳозир тўй баҳонасида кузалган, ҳатто у нурли бир қиёфа олганди. Ана шундай қиёфа олишини билганида Назар чўпон ўлақолса соқолига тиф теккизмасди.

— Мулла бўп қоптилар-у, юзтадан гапирасизлар-а! — ҳазиллашди кимдир.

Назар чўпонга бу таъсир қилди.

Дастурхон устидан шопиёлани олиб, соқий томон чўзди:

— Тўлдирсинлар!

Кейин «қўша қаришсин» деб кўйди-да, оқ урди.

Чор тарафдан олқишлашди.

Назар чўпон нафас ростлаб, раис ёрдамчисига савол назари-ла қаради:

— Раис бова кўринмайдилар?

Раис ёрдамчиси хушёр тортди:

— Раис бова теннис ўйнагани кетганлар! — деди.

Чамаси, бу гап янгилик эди.

Икки-уч киши келишиб олишгандек, баравар сўрашди:

— Раис бова теннис ҳам ўйнайдиларми?

Кайфи ошиб қолган хашак бригадири, булар тагин қанақа латифа бошлашди экан, дегандек атрофга олазарак қаради. Ҳеч ким кулмаётганди. Билгиси келди:

— Ҳэ қиззини... теннисни нимаси яна?

Даврага нокулай жимлик чўқди.

Бит дори билан таъминловчининг ранги паға бўлиб кетган, у билинар-билиномас титраётган қўлларини қаерга қўйишни билмаётгандай эди.

Назар чўпон недандир огоҳ бўлгандек, секингина тисарилиб орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Бу ҳолат меҳмонни ҳайрон қолдирди. Тенниснинг нималигини билишмагани учун хижолат чекишяпти, деб ўйлади. Теннис ҳақида қулоғига чалинган гапларни айтиб бермоқчи бўлди.

— Теннис французча «тенназ» дегани, яъни «ўйнанг» дегани экан. Ўрта асрларда қироллар, уларнинг аъёнлари, оқсуяклар бўш вақтларини шу ўйин билан ўтказишар экан.

Хашак бригадири тўсатдан:

— Раис бовамиз оқсуяк эканлар-да! — деб хулоса чиқарди-ю, бундай бўлиши мумкинмаслигини шу заҳоти англаб қўлини ҳавода тўлғади: — Йўқ, йўқ! Раис бова-мининг оқсуяк эшонларга йўқ, бўлса, мана мен, билар эдим. Оталари болшавой ўтган, ўзлариям ҳақиқий коммунист. Ҳақиқий коммунистлар бунақа йўлларга юришмайди. Раис бовамиз оқсуякларнинг бунақа бемаза ўйинларини азал-азалдан ўйнамасдилар, — сўзлаш асносида хашак бригадирининг кайфи бошига уриб кетди, шекилли, тез-тез кифт қиса бошлади. — Ҳэ, қиззини... ҳиҳқ... қиззини... раис бова-миз фарансузларниям, уларнинг қироллариниям... ҳиҳқ... қизлариниям сўкиб юрардилар. Уларнинг ўйинларини ўйнамасдилар. Фақат шашка ўйнардилар, шундаям шунчакимас, гарнов боғлашиб ўйнардилар. Чойхонапаловга ўйнардилар. Паловни ошаб, райанга майлисга борардилар. Майлиснинг ўрнига чиқиптиймишми бу ўйин... ҳиҳқ...

Хашак бригадири атрофга мастона қараб, бир қўлини дастурхон томонга базўр узатиб, манзират қилди:

— Олингла-ар!..

Унга ҳеч ким эътибор бермади.

Ўзларини эътибор бермаганликка олишди.

Раис ёрдамчиси ўзига-ўзи юзига фотиҳа тортиб:

— Мен ҳози-ир! — дея минғирлаганча ташқарига чиқиб кетди.

Хонадагилар бир зумда ичбуруф касалига йўлиқиб қолганга, шундан безовтала-наётганга ўхшардилар.

Беш-ўн дақиқа аввал нафасларидан ўт пуркаб ўтиришган одамларнинг юзларига ҳадигу қўрқув бу қадар тез муҳрланаётганига ишониш қийин эди.

Раис ёрдамчисидан сўнг участка меласасининг ёдига туйқусдан муҳим бир иш тушиб қолиб сакраб турди-да, хайр-маъзурниям насия қилганча жўнаворди.

Шу тариқа, ҳаял ўтмай, меҳмону хашак бригадирини истисно этганда, хонада ҳеч ким қолмади.

Хашак бригадирининг чиқиб кетмаганлигининг сабаби ўртада бўлаётган гап-сўзлар оқими қаёққа қараб кетаётганлигини англамаганлигида эди. Қолаверса, бир қўлида чала ражигилган сўнганки чангаллаганча ухлаб ҳам қолганди. Ўқтин-ўқтин босинқираб нималарнидир гўлдираб қўярди. Меҳмон эса ҳарчанд уринмасин, унинг темирдай қўлидан сўнганки олиб қўя олмасди. Энди-энди ажратдим деганда, хашак бригадири:

— Э, кўйингла-ар! — дея гўлдирарди-да, уни баттарроқ чангалларди.

Остонада Холмўмин кўришди.

У хонани бир сидра назардан ўтказиб, тўдаланиб-ғижимланган атлас кимхоб кўрпачаларга кўз қирини ташлаб кўйди. Дастурхон устида бўшаб-бўшамаган товоқлару ражигилган суяклар, бурда нонлар ап-аралашиб ётарди. Хонанинг оғир ва дим ҳавосидан базўр нафас оларкан, кўриб-билиб турса ҳам, меҳмондан:

— Булар кетиб қолишдими? — деб сўради.

— Кетиб қолишди, — деб минғирлади меҳмон бунга ўзи айбдордек.

— Юринг, ташқарига, — Холмўмин қимир этмай ўтирган меҳмонга ажабланиб қаради. — Тўй энди бошланади...

Бу чоқ хашак бригадири ёстиқ кучоқлаганча базўр нафас олмақдайди. Меҳмон уни қўриқлашнинг кафилигини олгандай:

— Бу киши-чи? — деди.

Холмўмин тиржайди:

— Э, унга жин ҳам урмайди, ҳузурини бузманг, юринг, биратўла чироқни ўчириб чиқамиз.

Меҳмон толиққанди. Хашак бригадирига ўхшаб, шундоққина ёнбошласаму уйқута кетсам, деб орзуларди.

У эснаганча хўрсиниб ўрнидан турди.

Ҳовли чароғон эди.

Ҳар жой-ҳар жойга чойнақдай-чойнақдай лампочкалар осилганди.

Давранинг гирдогирди сўрилар билан ўралганди. Бу сўрилар қишлоқнинг ўзига тўқ хонадонларидан йиғиштириб келинганди. Бошқа хонадонларда бундай сўрилар бўлмасди. Улар топган-тутганларини шолча устида еб-ичиб, худога шукр қилиб кетаверишарди. Фақат тўйдан кейин бу сўриларни эга-эгасига етказиб бериш осонмас. Тўйдан аввал «якши ўтказинг» деб индамай беворишган сўри эгалари энди нағмани бошлашади. Бозордан бузоқ ёйинки эшак харид қилаётгандай, ўзларинининг тахталарини, темир суянчиқларини обдон кўздан кечиришади. Бирови тахтасини алмаштириб келибсиз, бу ўзиники эмас, деса, иш пачава: тўй эгасини худо урди деяверинг. Тахтани қўлтиқлаганча ҳалоқунинг итидай уёқдан буюёққа, буюёқдан-уёққа югуради, тарқатган ва тарқатишга улгурмаган сўриларнинг тахталарини бирма-бир солиштириб чиқади, унисини буниси билан, бунисини униси билан ўлчади. Натижа шундай бўладики, тўй эгаси барча тахталарни айқаш-уйқаш қилиб юборади, ана ундан кейин боши балодан чиқмайди. То бошқа биров тўй қилиб, тахта можароси бошқа бировнинг бошига тушмагунча бу балодан қутулиш қийин.

Ҳозир сўриларнинг ортидаги ранг-баранг гиламлар кўзни қамаштирарди. Бундай гиламлар камдан-кам одамларда топилади. Шўро замонида отаси магазинчилик қилган Шойзоқда бундай гиламлардан иккитаси бор, отасидан қолган. Шойзоқ бу гиламларни отасидан қолгани учун ҳам жуда қадрлайди, биров сўрасаям шунчаки бермай, прокатга беради. Тўйнинг ҳашаматини, обрў-эътиборини белгилашда ана шу гиламларнинг ҳам аҳамияти беқиёс. Масалан, бир тўй қилган одам йигирмата гилам осса, кейинги тўй эгаси, албатта, уларнинг сонини, ҳеч бўлмаганда иккитага кўпайтиришга уринади.

Уч-тўрт киши қаторида Дўхтир бова ҳам ўртада артистларнинг ашқол-дашқолларини ўрнатишга кўмаклашмоқдайди.

Артист масаласи сўрига гиламдан ошиб тушади. Аввало, узоқ жойдан — пойтахтдан ёйинки вилоятдан артист олиб келиш керак. Ўзларидаги, қўшни қишлоқлардаги артистларни чақирмиш расмга кирмаган, чунки, улар пул олишмайди; пули тўланмаган артист... артистми? Озиб-ёзиб бир тўй қиласанми, пойтахтдан опке-да, майли, овози бизга деса эшакникидай бўлмайдами, дейишади. Бир марта келган артистни қайтиб йўлатишмайди.

Артистлар ўзлари учун алоҳида безатилган сўри олдида куймалашмоқда эдилар. Уларнинг артист эканликлари кийимлари-ю, босган қадамларидан билиниб турарди.

Артистлардан бири меҳмоннинг кўзига жуда иссиқ кўринди.

— Анаву қизил костюмли йигит «Қарайсан» гуруҳидан эмасми? — деб Холмўминдан сўради.

У кифт қисди:

— Билмади-им... Исми Мастоно экан.

— Мастоно Тўхтаев! — хитоб қилди меҳмон. — Бу артистнинг шаҳарда доврўғи баланд. Унча-мунча одам тўйига олиб боролмайди.

— Кўрамиз! — минғирлади Холмўмин ғайирлик билан.

Сўрилар тўлди.

Хотин-халажлар пешайвонда мусичалардай тизилишиб туришди.

Бола-бақралар томларга, дарахтларга чиқиб кетишди.

Пастдаги чурвақалар сўрилар оралаб, даврага суқилиб киришга уринишади. Очо-патлари дастурхондан бирон нимани қия қилишни мўлжаллашади. Уларнинг барча ҳаракатлари зое кетади. Даврани айланиб юрган шопмўйловли баҳайбат одам хўп

зийрак махлуқ экан, пайқаб қолиб, чурвақаларнинг дуч келган жойларига тол хивич билан тушириб қолди.

Етмагандай:

— Ҳайда, ҳайда! — дея гўлдиради.

Бир-биридан қолишмайдиган ўн беш чоғли гардани йўғон одамлар даврага кириб келишди.

— Полвонлар! — шипшиди Холмўмин.

Уларни сўриларга таклиф қилишиб эди, ишташмай, қуруқ ерга шолча тўшаттириб, яққават кўрпачалар устига чордона қуришди.

Дастурхончи уларнинг олдида дик-дик сакраб, дастурхон тузарди.

Полвонлар унинг:

— Ҳо-ой, нон опке!

— Ҳо-ой, чой опке! — дея қорақозонларга бераётган фармойишларига бепарво кулоқ тутганча, бундан бу ёғи нима бўларкин, дегандай кутиб туришди.

Дастурхончи полвонлар томон энкайиб, бир кўзини қисганча:

— Сўраганнинг айби йўқ... қиттай-қиттай... а-а-?! — дея қийшанглади.

Полвонлар бир-бирларига оғир-оғир қараб олишди.

Кейин кескин бош чайқашди: «Бизга бўлмайди».

Полвонлар бир-бирларининг олдларига нон ушатиб қўйишди-да, «олинг-олинг» деб, бир-бирларига манзират қилишди.

Қийшангламай, ҳиринглашмай, одоб сақлаб ўтиришди.

Меҳмон, Дўхтир бова, Холмўмин ва яна тўрт киши бир сўрига жойлашишди. Нотанишлардан бирининг Холмўмин билан ошначилиги бор экан, меҳмоннинг ташрифи уни роят қувонтириб юборди.

— Биз ҳам мактабда ишлаймиз, — деди у мақтангиси келиб.

— Ўқитувчимисиз? — деб сўради меҳмон. — Қайси институтни битиргансиз?

— Биз ҳеч қайси институтни битирмаганмиз, — деди ўқитувчи. — Бизники худодо илм. Бир куни похол йиғишга чиқиб, кечаси далада қолиб кетдик. Туни билан уйку қочиб, осмонга термулиб ётдик. Қарасам, баъзи бир юдузлар жойлашувви бир-бирига ўхшар экан. Шу-шу, қизиқиб қолиб, ундан сўраб-бундан сўраб, анча-мунча илм йиғдик. Мактаб диркторига айтиб эдик, аввалига у кулиб тан олмади. Сўнг худо кўнглимизга солган нарсаларни бир-бир айтиб ташловдикки, оғзи анг-танг очилиб қолди, сизга худо берибди-ку, деб, астрономия деганидан дарс берди. Энди-и ҳамма айтганларимиз китобда ёзилганига тўғри келмасаям, болалар бизнинг илмимизга қизиқишади. Э, ўша китобни битганлар ҳам осмонга чиқволиб, ҳар юдузнинг думини кўтариб текшириб қайтмагандир, ахир. Ҳали сиз билан бемалол гурунг қиламиз, миймон, қани, олиб ўтиринг...

Давранинг тўрида ҳашаматли, мустабид ҳукмдорлар ўтирадигандек баланд тахтиравон, тахтиравонда куёв... зар чопонда, бошида оқ салла, мустабид ҳукмдорнинг ўзгинаси эди.

Меҳмон ўша томонга қараб-қараб қўяркан, Дўхтир бова томон энкайиб:

— Келин қани? — деб сўради.

— Келинни чимидикдан чиқаришмайди, — тушунтирди Дўхтир бова. — Илгарилари бир-икки дафъа келинниям куёвнинг ёнига ўтқазиб қўйишганди, тўғри келмади. Бир гал уруш чиқиб, келин-куёвнинг олдидаги столни ағдариб юборишди, келиннинг ўтакаси ёрилиб, анча вақт дўхтирма-дўхтир, табибма-табиб юришга мажбур бўлди. Шундан сўнг келинни чимидикдан чиқармай қўя қолишди. Куёвнинг ўтирган ўрнини кўряпсизми? Баладдигига қаранг. Муштлашув бўлса ҳам зиёнзаҳмат етмайди.

Катталар жуфтакни ростлаб қолишгани сабабли даврани мункиллаб қолган бир чол очди.

У қалтироқ товушда:

— Олинглар, болаларим, еб-ичиб ўтиринглар, артистлар ашула айтишсин, — деганди, чапаквозлик бўлиб кетди. Дарахт шохларидан, томлардан узун-қисқа ҳуштаклар янгради.

Мастона Тўхтаев бошлиқ «Қарайсан» гуруҳи саккиз чоғли артистлардан иборат экан. Ҳаммалари кўк шим, қизил кастўм, зангори кўйлак кийиб олишганди.

Мастона Тўхтаев овозига олифта тус бериб, тўй эгаларини табриклади. Кейин ўз гуруҳига таъриф бера бошлади. Кимдир қичқириб қолди:

— Йиғиштирсанг-чи бекорчи гапларни, бошла-да ашулангни!

Барча овоз келган томонга гурр ўгирилиб қаради.

Убайдулла чавандоз экан.

У ҳамманинг ўзига қарашини кутмаган экан, хижолат чекиб:

— Рост-да! — деб гўдраниб кўйди.

— Бошлайвер, жиян! — деди аллаким машҳур кўшиқчига далда бериб.

Мастона Тўхтаев уёқ-буёққа норози назар ташлади. Кейин қатор туришган музикачиларга ишора бергани, улар аллақандай тасур-тусур куйни бошлаб юборишди. Назар чўпон, унинг қавму қариндошлари турнақатор бўлиб чиқиб кетишди. Назар чўпон аввал артистларнинг бошига дўппи кийдирди, кейин шу дўппининг остига пул суқди. Қавму қариндошлар ҳам пул қистиришгач, кўрдиларингми, дегандай гердайишиб чиқиб кетишди.

Мастона Тўхтаевнинг руҳи кўтарилиб, тетиклашди. Ҳалиги беписанд гапларни унутди.

Атрофини ўраган оломоннинг барчаси турнақатор бўлганча унга пул қистирадигандек туюлиб кетди.

Артистлигига бориб куйга монанд оёқ-қўлларини саланглатди ва кетларини қимирлатди.

Чийилдоқ товушда ашула бошлади:

*Жоним, сузилиб қарайсан,
Жоним, тикилиб қарайсан.
Сузилиб-сузилиб қарайсан,
Тикилиб-тикилиб қарайсан.*

Полвонларнинг нигоҳлари ер чизди.

Полвонлар уялиб-қизаришди.

Зимдан пешайвонга, аёллар томонга нигоҳ отишди.

Аёллар пиқир-пиқир кулишди. Эркаклар устидан ғолиб келгандай мағрур тортишди.

Дарахт шохларидаги, томлардаги болалар ҳуштак чалишди.

Бўрон полвон дегани чиқолмади. Назар чўпоннинг тўйи бузилмасин, деган андишани ҳам йиғиштирди.

— Ҳой бола, қилиқ қилмай айтсанг-чи? — деб тўнғиллади.

Полвоннинг норозилиги давранинг у бошида тутаб ўтирган Аҳмад подачига юқди.

— Бошқаси йўқми? — деб бақирди у.

Кўшиқчи аланглаб қолди.

Воқеан, тўнғиллаётган, бақираётган шинавандаларнинг товушлари унинг овозига қараганда юз чандон кучли, ҳирқираган, ҳаётга ташна эди.

Мастона Тўхтаев подачи томонга қараганда бўриқиб кетди. Кўзлари ола-кула бўлди. Ўзини базўр босди. Музикачиларга нимадир деб шипшиди. «Бошқаси»ни бошлашди:

*Жоним, ўзингсан,
Ёрим ўзингсан.
Сўзлари асал,
Тиллари асал.
Асалим-болим,
Борим-жаҳоним...*

Полвонлар адоий тамом бўлишди.

Аёллар томонга нигоҳ ташлашнинг-да, ҳожати бўлмади.

Аёллар пиқир-пиқир этганча, бир-бирларини турта-турта эркакларни кўрсатаётгандек бўлишарди.

Сал бўлмаса, аёлларнинг бошвоғи қўлдан кетаёзувди.

Сал бўлмаса...

Аҳмад подачи ўрнидан ярим кўтарилиб:

— Э, бошқасини, тузукрофини сўраяпман, — дея кекирдагини чўзди. — Микрофони кўй, микрофонсиз айт...

Мастона Тўхтаев эркатой кўшиқчилардан эди.

Ўзи айтмоқчи, оҳангига гап йўқ эди.

Шеърларни ҳам унинг учун машҳур шоир махсус ёзиб берар эди.

«Мастона Тўхтаев» деса бутун халқ ўзини томдан ташлашга тайёрдек кўринарди. Давраларда ҳамма ўйинга тушиб кетаверарди. Унинг чаккасини, кўйни-кўнжини пулга тўлғазиб ташлашарди. Мана бу исқирт махлуқлар эса... Яна микрофонсиз айт эмиш?

Мастона Тўхтаев микрофони беихтиёр Аҳмад подачи томон отиб юборди. Хайрият, сими калталиқ қилиб, микрофон подачига етиб бормади. «Тўп» этиб ерга тушди.

Аёлларнинг ранг-туслари ўчиб кетди.

Наҳотки?!

Наҳотки, эркаклари индамай ўтиришса?

Шунгаки индамай ўтиришса... бундай эркакнинг боридан йўғи!

Аёллар қалт-қалт титраб қолишди.

Аммо, насиб этган экан, эрлари яна ўзларига қайтишди.

Полвонларнинг бири Мастога Тўхтаевнинг тумшуги тагига етиб келди. Бундан, ҳатто, кўшиқчининг ўзи ҳам беҳабар қолди.

— Се-ен тирранча, кўлингдаги темирингни халқнинг юзига отадиган бўлдингми? — пишиллади полвон унга ғазаб-ла ўқрайиб.

Мастога Тўхтаев нима гаплигини дарҳол пайқади. Ранги ўчинқираб, каратэ ўйнаётган ҳолга кирди ва:

— Мен билан ҳазиллашманг, ўн йил шуғулланганман, — деб полвонни огоҳлантирди.

— Юз йил шуғулланмайсанми? — деганча полвон тап тортмай унга яқинлашаверди.

Мастога Тўхтаев уста каратэчи ҳолатига кириб, «ия-ия» деганича алақандай ғалати овозлар чиқара бошлади. Лекин, полвон бу хитобларга парво қилмади. Қулочкашлаб, башарасига бир туширганди, Мастога Тўхтаев коптоқдек улоқди. Улоқаетиб, полвоннинг елкасига телиб кетган экан, полвон бир қалқди. Нима гаплигини англомай қолди. Мастога Тўхтаев тўпиллаб тушган еридан мушукдай сакраб туриб, полвонга отиди. Полвон қулочни каттароқ очиб, ўқдек учиб келаётган кўшиқчини бир уришда учириб юборди. Қолган етита «қарайсанчи»лар полвонга ташланишганда, яна учта полвон туриб келди. Жудаям кўпайиб кетишдан номус қилишди. Қий-чув бўлиб кетди. Ҳақиқатдан ҳам тахтиравонда ўтирган куёвдан бўлак биров-бировни танимас эди. Куёв ҳам жим ўтирмай, олдидаги олмалардан олиб оломон орасидан полвонларни мўлжаллаб урарди. Олмалар ақли бордек полвонларга тегмай, гоҳ артистларга, гоҳ орага тушганларга бориб тегарди. Бундан куёвнинг алами чандон зиёда эди. У «Қарайсан» гуруҳи деса, ўзини томдан ташлар, отасининг «йўқ-йўқ» дейишига қарамай, қисти-бастига олиб ўшаларни деганди. Отаси «Қарайсан» гуруҳининг осмончу фалақдаги нарх-навосини тўлаб қайтгач, ўғлиниям, ашулачиларниям етти пушти қолмай авра-астарини ағдарганди.

Орага тушганлар ҳам гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан калтак еб қолишавергач, илож тополмай ўзларини четга олишди. Шунда даврага кексалар тушишди. Уларнинг бир имоси билан полвонлар пусиб, одоблигина бўлиб, жойларига қайтиб боришди. Бу чоқда «Қарайсан» гуруҳининг қарайдиган ҳоли қолмаганлиги аён кўринди. Бировининг кўзи кўқарган, бировининг юзи шишган, бирови белини кўтаролмас, яна биттасининг қулоғидан шариллаб қон оқарди. Қонни кўриб, Дўхтир бованинг бурчи эсига тушиб қолди, шартта остидаги янгигина духоба кўрпачаниннг бир четини шафқатсизларча йиртиб бир ҳовуч пахта суғуриб олди. Сўридан тушаётиб, пахтани ароққа ботириб олишга улгурди. «Қарайсан»чилар калтак зарбидан пўла қилиб ташланган бўлсалар-да, Дўхтир бовани ўзларига яқинлаштиришмади, алоҳа, қаршиларида турган маймуннинг дўхтирлигини бовар этишолмади. Улар оломон орасидан мелиса қидиришди, аммо, якка-ю ягона участка мелисаси жуфтакни ростлаганди, қолганлари фуқаро кийимида, ўзларининг мелисалиklarини билдирмай, басма-бас пиёла бўша-тишиб, ароқ ичиб ўтиришарди.

Ўртага тўй эгаси — Назар чўпон чиқиб келувди, «қарайсан»чилар туйқусдан олов олишди, унга ёпиша кетишди.

— Сизни судга берамиз, — чийиллади улардан бири.

— Ҳуқуқий-демократик жамият кураётганимиздан хабарларинг йўқлигини кўрсатиб қўйишади, — қўшилди иккинчиси.

Назар чўпон кафтини оғзига қўйганча йўталди. Оғзини ёпгани билан кўзу қошидан, қиёфасидан шу нарса аён эдики, у бунақа дўқ-пўписалардан кўрқиб нари турсин, парвойига ҳам келтирмасди.

Фақат, ўзигагина эшитарли қилиб:

— Райим жинниям шунақа гапиргич-да, — деб қўйди, ажаблангандек кифт қисиб. Аҳмад подачи деганлари жуда астойдил экан, шунча гап-сўз ўтганига қарамай, кекирдагига зўр берди:

— Назар ака, артистчаларингизга айтинг, жимгина ўтиришаверсин. Ўзимизнинг катта ашулачиларимиз — Абдужалил тоға билан Ҳамиджонлардан эшитаверайлик...

Бу таклиф полвонларга мойдек ёқиб тушди.

— Ҳа-а, Абдужалил тоға билан Ҳамиджонлардан бўлсин, — дея бир овоздан тасдиқлашди.

Томлардан, дарахт шохларидан хуштак эшитилди.

Аёллар яна мусичалардай бўлиб қолишди.

Абдужалил тоға деганлари тракторчи, полвонкелбат, шопмўйловли бир киши экан. Унинг оёғида кирза этик, эгнида қора чопон, бошида солдатча эски теллак бор эди. У ўзини ўртага судрашаётган уч-тўрт кишининг қўлидан юлқиниб чиқишга ҳаракат қилар, ҳадеб, мен ашула айтишни ташлаганман, дер, бунга сайин судраётганларнинг хираликлари ортиб борарди. Ахийри, Абдужалил тоғани даврага олиб чиқишди. Қар-сак, қийқириқ бўлиб кетди.

Ҳар томондан:

— «Қурбон улам»дан олинг, «Қурбон улам»дан! — деган товушлар чиқа бошлади.

Баъзи бировлар «Уландан сўр»ни талаб этишарди.

Абдужалил тоға давранинг ўртасида қоядай қад ростлади. Шу чоқ олифта кийинган, узун бўйли қотма йигит — Ҳамиджон ҳам тик туришган одамлар орасини понадек ёриб, Абдужалил тоға томон интилди. Ҳамиджоннинг олифта-фаранг бўлиб юришида асос бор эди. У туман марказидаги мусиқа мактабида дарс берар, консерваторияни битирган эди; шунча фазилатларига қарамай, қайси даврага Абдужалил тоғани олиб чиқишса, у ўзини тарозига солиб ўтирмай дарров унинг ёнига бориб сомеъ бўлиб турарди.

Абдужалил тоға томоқ қириб қўйди.

Ҳамиджон чошиб бориб иккита тарелка олиб келди.

Даврага сув қуйгандек жимлик чўқди.

Абдужалил тоға тарелкани пича силкитиб турди-да, йўғон овозда бошлади:

*Ке, кел, эй моҳилиқо, ҳуснингга қурбон улам,
Ҳалқаи зулфи паришонингга қурбон улам.
Чашмаи масту лаби хандонингга қурбон улам,
Офтоби руҳи тобонингга қурбон улам,
Қагду шамшоги хиромонингга қурбон улам.*

Абдужалил тоғанинг ҳирқироқ овози даврани сеҳрлаб қўйгандай эди. «Қарайсан»чилар ҳам еган калтакларини унутгандай оғизларини ланг очганча, мусиқасиз, микрофонсиз барчани лолу ҳайрон қолдирган товуш эгасига қараб қолишганди. Полвонлар бўлса... нуқул бош силкишарди.

Абдужалил тоға бир зум нафас олди.

— Во-ой, дод! — бўкиришди полвонлар.

— Оҳ-ҳ, жонингдан! — Аҳмад подачининг ўқдек товуши даврани тилди.

Аёллар бир-бирларининг пинжларига тиқилишди.

Лаҳзалик голибликларини тантана қилганликлари учун қизариб-бўзаришди.

Ҳар бири ўзича, қай йўсинда узроҳлик қилиш кераклигини ўйлаб кетишди.

Э, аёлининг юзига қаролмайдиган эркаклармиди булар?

Булар — голиб, голиб, голиб!

Ҳамиджон чийилдоқ товушда мухаммаснинг кейинги икки қаторини такрорлади:

*Офтоби руҳи тобонингга қурбон улам,
Қагду шамшоги хиромонингга қурбон улам.*

Ҳамиджоннинг бўйин томирлари ўқловдай-ўқловдай сакраб чиқиб, кучанар, нолаю фарёдлари билан, мен ҳам Абдужалил тоғадан кам эмасман, деяётгандай бўларди. Барибир, у Абдужалил тоғанинг нафас ростлаши учун зарур бўлган танаффусни тўлдириб турувчи хонанда эканлиги аён кўриниб қоларди. Ҳамиджон нима деди, қандай айтди, Абдужалил тоғанинг парвойига ҳам келмагандай эди. Ўз навбати етганини пайқаб, олдингисидан ҳам баландроқ, ширалироқ товушда давом этди:

*Икки қошинг қаламу, икки кўзинг чашмаи нур,
Барқ уриб ойнадек сийнайи софинг кўринур,
Бу сани гарду фироқинг мани жонимга хузур,
Йўқ назокат ичига сен каби гурдонга дур,
Қагду наврастаи ларзонингга қурбон улам.*

— Во-ой, дод-ей! — полвонларнинг кайфлари тобора бошларига уриб бораётгандай эди.

— Оҳ-оҳ, жонингдан! — Аҳмад подачи қўшиқ завқини ўзгаларнинг юрагига ҳам жойламоққа жаҳд қилгандай эди.

Ҳамиджон танаффусни тўлдирди:

*Йўқ назокат ичра сен каби гурдонаи гур,
Қагди наврастай ларзонингга қурбон улам.*

Абдужалил тоғанинг товуши тобора очилиб бормоқда, аҳён-аҳёнда қорақозонларнинг уёқдан-буёққа, буёқдан-уёққа ўтиб қолишларини ҳисобга олмаганда, қимирлаган жон йўқ, овқат овқат ўрнида, ичимлик ичимлик ўрнида қолган эди.

*Тишларинг гавҳару ҳар бир суханинг оби ҳаёт,
Пистадек икки лабингдан тўкилуру қанду наво.
Ёзилур саҳфаи девонингга юз минг ҳасанот,
Гул юзингдан менга бир бўса бериб айла закот,
Мен сени рўйи гулистонингга қурбон улам.*

— Вой, дод!

— Оҳ, тилингда бол!

Ҳамиджон Абдужалил тоғанинг нафас ростлашига имкон берди:

*Гул юзингдан менга бир бўса бериб айла закот,
Мен сени рўйи гулистонингга қурбон улам.*

Абдужалил тоға сўнгги бандни авж пардаларда ижро этаркан, кўзларини юмиб олган, теварак-атрофни, ўзини, тракторчилигини, турмушнинг оғир-машаққатли ташвишларини... барчасини унутгандай, нолалари зулматга чулганган самодан боққан ойу юлдузлар зиёсига йўғрилиб кетаётгандек бўларди:

*Қўлларинг панжаи хуршид, белинг мурчамиён,
Кўйлак ичра баганинг соф эруру обиравон.
Раҳм қил, кел мени оғушима, эй офатижон,
Қагди бастингга тасагдуҳ, бу Фузулий қила жон,
Қагди шамшоду хиромонингга қурбон улам.*

Абдужалил тоға, балки, ўзи ҳам сезмаган-билмаган ҳолда даврадагиларни бошқа бир оламга етаклаб киргандай эди. Ҳатто, полвонлару Аҳмад подачиям ҳаяжонларини ошқор этишга мажоллари етмай қолди.

Сўнгги икки мисрани Абдужалил тоғанинг ишораси билан Ҳамиджон иккаласи жўровозликда айтишди. Ҳамиджон бор кучини аямас, шундай буюк зот билан қўшилишиб ашула айтаётганидан фахрланаётгандай эди:

*Қагди бастингга тасагдуҳ, бу Фузулий қила жон,
Қагди шамшоду хиромонингга қурбон улам,*

деб, ашулани бажамжиҳат адоғига етказишганда, қарсак, қийқириқ бўлиб кетди. Айрим аёллар, негадир, пиқ-пиқ йиғлашарди, ашула таъсиридан ҳам кўра ўз эркакларидан фахрланаётганликлари учун шундай қилишарди. «Қарайсан»чилар ҳам жароҳатларини унутишиб, қарсак чалишди. Пул қистириш бошланди. Уйларида қоққани қозиғи, оспани хурмаси бўлмаганлар ҳам чиқиб пул қистиришди: аллақайси жиринди-кавакларга яшириб қўйганларини сочиб юборишди. Ашулачиларнинг қўйни-қўнжи пулга тўлиб кетди. Улар ўзларига сариқ чақа ҳам қолдирмай, барини «қарайсан»чиларнинг олдларига тўкишди. Чунки, улар тўйма-тўй юрадиган артист эмасдилар, кўча-кўйда биров «артист» деса ёқалашидан ҳам тоймасдилар: бирови қораёққа ботган тракторчи, иккинчиси оддий ўқитувчи эди.

Аҳмад подачи даврага чиқиб келиб, Абдужалил тоғанинг устидан бир даста пул сочди. Ҳамиджон «қарайсан»чиларга имлаган эди, улардан бирови келиб, подачи сочган пуллари териб кетди — ош бўлсин!

Подачи тракторчини кучоқлаб олди:

— Жуфт бўлсин энди, — деди эланаётгандек.

Абдужалил тоға Ҳамиджонга қаради.

Ҳамиджон ерга қаради.

— Жуфт бўлсин, жуфт бўлсин! — деган қийқириқлар янгради.

Пулни кўриб, руҳлари кўтарилган, жароҳатларию гина-кудуратлари батамом унут бўлган «қарайсан»чилар ҳам:

— Жуфт бўлсин! — деб қўйишди.

Абдужалил тоға кўп қисталанг қилмади.

Лабининг терини қуритаётгандек тарелкани оғзининг олдида елпий бошлади ва туйқусдан бошлаб юборди:

*Шифойи васл қагрин ҳажр ила бемор ўландан сўр.
Зулоли завқ-шавқин ташнаи гуйдор ўландан сўр.*

— Во-ой, до-од! — завқлари тошиб кетди полвонларнинг.

— Оҳ-ҳ, жонингдан! — кўзларини юмиб олган эди Аҳмад подачи.

Ҳамиджон улаб кетди:

*Лабинг сиррин келиб гуфтора мандан ўзгадан сўрама,
Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан сўр.*

Абдужалил тоғанинг нафасини ичидаги доғи пишитиб, товушини товлантириб турган экан, дардлари билан сўзлар чунонам ҳамоҳанг тушдики, бу мисралар эндигина таваллуд топаётгандай эди:

*Кўзи ёшлуларнинг ҳолин на билсун мардуми ғофил.
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.*

— Вой-ей!

— Оҳ-ей!

Ҳамиджоннинг ингичка, чийилдоқ овози бора-бора Абдужалил тоғанинг беқиёс товушига мослашиб, шунга сингишиб, шунинг бир қисмига айланиб кетаётгандай эди:

*Ғамингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шами ҳижрон манумла ёр ўландан сўр.*

Абдужалил тоғанинг товушини энди кўриб, ушлаб бўлар даражага етди.

Сўзларнинг бўй-басти кўринди энди.

Сўзлар доналади энди.

Сўзлар шаклу шамойилланди энди.

Сўзлар ёнди энди.

Кўнгил доғи... Кўнгил доғи... Нафасни пишитди, пишитиб сеҳрлантирди:

*Хароби жоми ишқам, нарғиси мастинг билур ҳолим,
Харобат аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.*

Полвонлар ўз дунёларига фарқ бўлишди.

Аҳмад подачиам ўз дунёси-ла бўлди.

*Муҳаббат лаззатиндан беҳабардур зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр,*

деб Абдужалил тоға билан Ҳамиджон ашулани баҳамжиҳат тугатишганда, давранин оғир сукунати портлади. Қарсақ, қийқириқ. Дарахт шохларидаги, томлардаги чурвақалар ҳам шу қадар ҳуштаквозлик қилдиларки, бу ҳуштаквозларни йиғиб ўнлаб гуруҳлар тузса бўларди. Дунёнинг ҳеч қайси жойида бундай ҳуштаквозларни топиб бўлмасди. Улар Амриқою Италиягача, Фарангистону Олмонияларгача бориб, у жойлардаги кофиру мўминларни ўз ҳуштаклари билан қойил қолдириб келишлари мумкин эди. Бу гал аёлларнинг ҳаммаси пиқ-пиқ йиғлашди, ҳатто эрга тегмаган наврасти қизларнинг томоқларининг остини бир нимадир тирнаб-тилиб ўтди, яна пул қистиришлар бошланди. Дўхтир бовада чўғи камроқ экан, яқин ошнаси Холмўминдан пича қарз олди. Меҳмон ҳам сўридан тушиб, пайпаслаганча пойафзалини излаб топди-да уларнинг ортидан кетди. Дарвоқе меҳмон куй-қўшиққа, ўйинга жиддий қарамас; бу нарсалар одамларни фикрсизликка, онгсизликка элтувчи, уларни қарахт қиладиган ижтимоий ҳодисаларга бефарқ кишиларга айлантирадиган найранглардир, деган қарашларни қўллаб-қувватларди, холос. Ҳатто, мусиқани, ўйин-кулгини ҳаддан ортиқ тарғиб қилишни ёқтирмасди...

Ҳозир бўлса...

Унинг чарчоқлари қайгадир маҳв бўлганди.
Кўнгли қандайдир ғалати хисларга тўлганди.
Ёрқин туйғулар... қачонлардир кетиб қолишганидан афсус чеккандай яна ташриф буюришганди.

Меҳмон, юраги бақувватлашаётганини пайқаганди.

Шунинг учун, миннатдорчилик сифатида ўртага чиққанди.

Абдужалил тоға билан Ҳамиджон тушган пулларнинг барчасини пойтахтдан келишган артистларга беришгач, даврани секингина тарк этишди. Ерга сочилган пулларнинг «қарайсан»чилардан бирови териб олди — касблари шу бўлгач, уларга уяти йўқ; «кўшигим қўшиқ, томоғим тешиқ, бурда нон учун, айтаман қўшиқ», қатағанлик Ўсар тегиримончи айтганидай, уларга дуо кетган!

Абдужалил тоға билан Ҳамиджон даврани тарк этишгач, полвонлар омин қилишиб, ўринларидан туришди. Улардан бири «қарайсан»чилар ўтиришган сўрига яқинлашиб:

— Мана-а энди бемалол айтаверинглар, биров «ғинг» деса, мана-а биз биноват! — деди-да, лўкиллаганча шерикларига етиб олди.

Аҳмад подачиям уларнинг олдига келиб:

— Яшанглар, иш деган бундоқ бўлипти! — деб, уларни кўкка кўтарди. — Сизлар бор экансизлар, шунча ашулаларни эшитдик! — у энкайиб, артистларга шипшиди. — Ҳаммаси сизлар туфайлик укачалар, ҳа-а, сизлар туфайлик! Йўқса анаву нокасларни ашула айттириб бўлармиди? Қайда! Нозу фиروفини кўрмайсизларми?

Шуларни деб, Аҳмад подачи кафтини тўлдириб носқовогидан нос тўқди, кафти билан лабидаги пашшани ураётгандай носни отди ва нари кетди.

Дарвоза олдида кўл қовуштириб туришган Назар чўпону бошқа баковулларга раҳмат айта-айта, кафтларини кушод ёзиб узундан узок дуо ўқий-ўқий тўйхонани тарк этаётганлар:

— Яшанг, Назар бова! — дея тўй эгасини олқишлаб қўйишарди.

Пешайвон бўшаб қолиб, чурвақалар дарахт шохларидан, томлардан тушиб кела бошлашди.

— Энди турдик! — деди Холмўмин ҳам ҳаддини билиб.

Дўхтир бова кафтининг орти билан лабларини артаркан, қаноатбахшлик билан:

— Майли, турсак турайлик, — деди.

Бу чоқда «қарайсанчи»лар асбобларини тинғирлатиб, яна даврага тушмоқда эдилар. Энди уларнинг ҳам ўз мухлислари бош кўтаришиб, алақачон уй-уйларига етиб олишган полвонлару Аҳмад подачини орқаваротдан ғийбат қилмоқда эди. Булар, асосан, ўн етти-ўн саккиз яшар йигитчалар эди. Пешоналарию ёноқларини хуснбазар бежаганди, кўзлари олма-кесак тераётгандай аланг-жаланг қиларди. Улар орасига Абдига ўхшаган битта-яримта ёши каттароқлари ҳам қўшилиб қолишганди.

Улар сўриларни эгаллашди, қолган-қутган ароқларни қўйиб ичишди.

Пешайвонда тўй эгасининг қариндоши бўлган уч-тўртта аёллар қолишган, қариндош бўлмаганлардан сўпининг келинигина бор эди. Бундай вақтларда бундай жойларга у ўзини яқин олиб, уруғ-қаёшидай киришиб кетаверар, майда-чуйда юмушларни бажонидил бажариб кетавериши билан ҳатто мақтовгаям сазовор бўларди. Ҳозир ҳам у пешайвонда тик турганича, бирови менга иш буюриб қолмасмикин ёки ол, мана бунга еб ол, дея кўлимга бирон нарса тутқазмасмикан, дегандай ён-атрофига олазарак қараниб олар, кейин даврага бақрайиб тикилганча, артистларнинг кийим-бошларини томоша қилар, ёнидагиларни туртиб, анавунини қўйлагини, анавунини кастўмини... деб гап қотар, ўзича ҳиринглаб куларди. Эри носқовогини йўқотган бангидай талмовсираниб шу томонга келаётиб эди, у:

— Ҳа-а, нима қилиб юрисиз бу ерда, хотинларнинг холаси бўлиб? — дея чимирлиди.

Эри зўр ҳазил эшитгандай беўхшов кулди.

Кейин:

— Кетамизми? — деб сўради.

— Кетамизми? — масхаралади эрини у. — Қаёққа кетамиз?

— Уйга.

— Томоша энди бошланармишу...

— Кеч бўлди-да...

— Кетгингиз келса кетаверинг, ёш бола эмасман-ку, мунча этагимга ёпишиб олмасангиз? — Шундай деб у беихтиёр қўйлагининг этагини кўтариб қўйди.

Эр этакни кўриб, хотинининг ёш бола эмаслигига инонди.

Ўзи кетди.

(Давоми келгуси сонга.)



Икром Отамурод

ЁБОНДАҒИ ЁЛҒИЗ ДАРАҲИ

Достон

... Ёбон чексиз...
Масофа — УМИД...
Масофа — ХОТИРА...
УМИД — ХОТИРА туфроғи...
ХОТИРА — УМИД томири...
УМИД чарчаб йиқилган

масофада
кўкара бошлайди
ХОТИРА...

... Ёбон чексиз...

* * *

Қаердадир ҳаво очилиб,
қаердадир санқийди буйуқ.
Қаердадир орзу лочири,
қаердадир армондил уйуқ.

Қаердадир осмон настлашиб,
қаердадир юксалар замин.
Қаердадир дўстлар қасдлашиб,
қаердадир сирлашар ғаним.

Қаердадир сакрайди ҳаво,
қаердадир димиқар шамол.
Қаердадир ғудранар жавоб,
қаердадир жилмаяр савол.

Қаердадир югурар тошлар,
қаердадир тин олади йўл.
Қаердадир сўл ўннга бошлар,
қаердадир ўннга бошлар сўл.

Қаердадир пишқиарар туфроқ,
қаердадир қатрон ялар сой.
Қаердадир соч ўрар саққоқ,
қаердадир зулматга ем ой.

Қаердадир савсан ғамбода,
қаердадир яйрайди чағир.
Қаердадир сўлғин шаббода,
қаердадир қалдирғоч сағир.

Қаердадир найсонлар боғич,
қаердадир тайрилар сунут.
Қаердадир йиғлайди соғинч,
қаердадир барг ёзар унут.

Қаердадир нурайди қўрғон,
қаердадир буй чўзар ярзақ.
Қаердадир тўр тўқир ёлғон,
қаердадир бағри тилик Ҳақ.

Қаердадир ҳижрон гиргирон,
қаердадир висол тақриби.
Қаердадир йўртар сирсирон,
қаердадир сукут қақради.

Қаердадир вақт тилин қотираар,
қаердадир макон сени тахт.
Қаердадир қадим хотира —
ЁБОНДАГИ ЕЛФИЗ ДАРАХТ.

Қа... ер... да... дир... рр...
... ЁБОНДАГИ...
... ЕЛФИЗ...
... ДАРАХТ...
...қ...а...е...р...д...а...д...и...р...

* * *

...Ёбон чексиз...
Кўрганинг,
билганинг,
ҳис қилганинг —
сен таниган дунё
шулардир фақат,
фақат шулардир юрагингда намоён —
аксин топар
у ёки бу тарзда.
Қолган барча нарсалар сенга бегона —
юрагингдан ташқари яшар...
... Ёбон чексиз...

* * *

Айтишади...Қачондир
бир УТГУВЧИ, савобгар
ўтаётиб бегидир
ёбонга солган назар...

Сукутга чўмган ёбон,
уч-қириғи йўқ яланг.
Чўкиб борар онма-он
мункайган кўҳна аланг.

Ёбон — жисзғанақ савол —
тақрон ўраган ўрма.
Жавоб қийнаган ҳавор —
заррот тўраган тўрми?!

Қангтуда ўсиб ҳиммат,
дили туйиб бир аҳдни —
экан экан беминнат
ўшал зотким, дарахтни.

Ўтган-қайтган салқинлаб,
соялар деб бир фурсат,
экан экан қалқинлаб,
юраги тўлиб қурса...

Сўнгра, ўзи йўл юриб,
кетган, ортга қайтмайин.

Ўтган неча бор қариб
йиллар карвони тайин.

Лаби қувраб неча бор
жавзо келгандир, қақраб?!
Зам қилгандир неча бор
қиличин қайраб ақраб?!

Либос алмашлаб қайтган
кўклам неча бор, балким?!
Неча бор хайр айтган
тирамоҳ, билмас ҳеч ким?!

...Тоқат танига пайвас,
вужудин силар сабр.
Бардошдан сириққан сас,
қаноат тиккан қадр.

Таппот чанглари — сепки,
тикон — самумлар тоши.
Жонига бўлди эпкин
ёмғир — осмоннинг ёши.

Парвои палак, тезоб,
ҳалиқиб чопар дайир.
Дарахт ёбонда азот
ўсди, буй тортиб байир.

* * *

... Ёбон чексиз...
Кўзигуллар келди ёбонга,
ёбонга келди қизғалдоқлар.
Таради ҳаволар тароват.
Яшнаб кетди тап-тақир ёбон.
Кўзигуллар ҳидидан сархуш,
қизғалдоқлар жамолига маҳлиё
тўрғайлар
сирларини айтди
живирлаб

ЁБОНДАГИ ЁЛФИЗ ДАРАХТга...
... Ёбон чексиз...

* * *

Тўкилсанг, ўзинг ўзингга тўкил,
ўзинг — тўкилган қайғунгга жома...
Сўкилсанг, ўзинг ўзингга сўкил,
ўзинг сўкилган дилингни яма...

Бўзласанг, бўзлагил ўзингга ўзинг,
ўзинг — бўзларингга тақин...
Сўзласанг, сўзлагил ўзингга ўзинг,
ўзинг — сўзларингга оқим...

Айттинсанг, ўзинг ўзингга айттин,
ўзинг кўксинг ғамларин сила...
Қайтинсанг, ўзинг ўзингга қайтин,
ўзинг руҳинг руҳига белан...

Суянсанг, суянгин ўзингга ўзинг,
ўзинг оғирингга елка тут...
Куйинсанг, куйингин ўзингга ўзинг,
ўзинг бағирингга сукут...

Тингласанг, ўзинг ўзингни тингла,
ўзинг — имкон таянган тоқат...
Анғласанг, ўзинг ўзингни англа,
ўзинг топил ўзингни фақат...

Ташласанг, ташлагил ўзингга ўзинг,
ўзинг юкинган юкингни кутар...
Бошласанг, бошлагил ўзингга ўзинг,
ўзинг ўзингни соғиниб кутар...
Ўзинг...

ўзингни...

соғиниб...

кутар...

* * *

... Ёбон чексиз...
Меҳрга тўла эди

ЁБОНДАГИ ЁЛФИЗ ДАРАХТ...

Ўзи меҳрга зорузор бўлган,
жовдираб-жовдираб кўз тутган
ёлғиз дарахтнинг
ёбондан ўтгувчи
ва
қайтгувчиларга
бирдай
меҳр кўргузгувси келарди мудом...
Ўтгувчилар утарди кўниб,
баҳра олардилар соясидан.
Паноҳ бўларди қайтгувчиларга —
жазирама иссиғдан жонларин сақлаб.

Қишда,
яна пана берарди,
юпун ёбондан
ўтгувчи ва қайтгувчиларга.
Изи узилмай ўтар ўтгувчилар,
қайтгувчилар қайтар изи узилмай,
йиртиқ чориғиңи судраб ёбондан...
ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ меҳрини ичиб...
... **ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ**...
Тонгларни севарди...
Ойли, юлдузли тунларни севарди...
Ёмғирларни севарди...
Қушларни севарди...
Утгувчи, қайтгувчиларни севарди...
Ёбонни севарди ҳаммасидан ҳам...
... Шундай меҳр билан яшарди...
Шундай меҳр билан тонглар отарди

бағрида,

шундай меҳр билан кунлар ботарди...
... Кун чиқари — ёбон ёлғиз дарахтнинг...
... Кун ботари — ёбон ёлғиз дарахтнинг...
... Меҳрга тўла эди **ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ**...
... Ёбон чексиз...

* * *

... **ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ**...

Туфроғи меҳрдан яралганди унинг,
меҳрдан яралганди борлиғи.
Шамс — ҳасрати шошаётган куннинг,
қамар — имиллаган туннинг зорлиғи.

Чарх уради йўллар тўрт томон...
Ёбонга сочилган рахтнинг
урчуғлари йигирган паймон —
меҳрига дўнди дарахтнинг...

Шундан кўрса, нодармон, долқад,
мададга сойинган сойишни.
Меҳрин тутди авайлаб, алқаб:
аямади хойишни.

Чарх уради йўллар тўрт томон...
Ёбонга сочилган рахтнинг
урчуғлари йигирган паймон
меҳрига дўнди дарахтнинг...

Шундан кўрса, аёзлар нуқиб,
ночор титраб турган кимсани,
меҳридан иссиқ чопонлар тикиб,
кийдирди шафқатли нимсани.

Чарх уради йўллар тўрт томон...
Ёбонга сочилган рахтнинг
урчуғлари йигирган паймон —
меҳрига дўнди дарахтнинг...

Шундан кўрса, тиғ ялаб офтоб
забтга олган жизғанақ жонни,
соя берди келтириб шаффоф,
томчи сув бўлди топиб имконни.

Чарх уради йўллар тўрт томон...
Ёбонга сочилган рахтнинг
урчуғлари йигирган паймон —
меҳрига дўнди дарахтнинг...

... Туфроғи меҳрдан яралганди унинг,
меҳрдан яралганди борлиғи.
Шамс — ҳасрати шошаётган куннинг,
қамар — имиллагаң туннинг зорлиғи...
... **ЕБОНДАГИ ЕЛФИЗ ДАРАХТ...**

* * *

... Ёбон чексиз...
Гулханлар ёнади...
Тутунни бошига кўтарар олов...
Гуруллаган ўтдан узилган,
ҳаволанган тутунни
ҳар йўсинга йўрғалатиб,
ҳар йўриғда ўйнатар шамол,
хоҳлаган йўлига салади шамол,
хоҳлаган томонга олиб кетади шамол...
... Ёбон чексиз...

* * *

Дил ўзига ягона,
дил ўзига мардон...
Дил ўзига бегона,
дил ўзига қадрдон...

Дил ўзига мискин,
дил ўзига изҳор...
Дил ўзига таскин,
дил ўзига ёр...

Дил ўзига чирой,
дил ўзига кўз...
Дил ўзига ой,
дил ўзига бўз...

Дил ўзига гадо,
дил ўзига шоҳ...
Дил ўзига адо,
дил ўзига оҳ...

Дил ўзига пайзо,
дил ўзига бут...
Дил ўзига жавзо,
дил ўзига ҳут...

Дил ўзига борлиқ,
дил ўзига сайр...
Дил ўзига зорлиқ,
дил ўзига хайр...

Дил ўзига қарийм,
дил ўзига шайт...
Дил ўзига ичкари,
дил ўзига таш...

Дил ўзига сахт,
дил ўзига тобон...
Дил ўзига дарахт,
дил ўзига ёбон...

* * *

... Ёбон чексиз...
Ўлжа қидирар очкўзлик,
ўлжа қидирар нафси ҳакалак отиб...
Мўл бўлса,
оғзини очиб қападек
танлайди эринмай, шошилмай, қоникмай,
танлайди узоқ,
беписандлик билан очкўзлик...
Оз бўлса,
кўзларига қўйилиб ваҳм,
ёпишиб олади канадай
дуч келган нарсага очкўзлик...
... Ёбон чексиз...

* * *

Ёбонга қўш тиккан кўп бўлди, эҳ-ҳе,
кўп бўлди ёбонга эгаман, деган.
Шамол каби ўтди сийрилиб не-не
олғир, маккор, ҳийлагар, чечан.

Бирига оқибат айлади чинакам,
эктивор келтирди — мисли биродар.
Оқибат айлагани чиқди муттаҳам,
чиқди устаси фаранг иғвогар.

Бирига сиғинди ёбон, ҳаттоким,
сиғинди — эътиқод билдириб ботил.
Кажрафтор ўйини тузлаб кетдики,
эътиқод қўйгани — телба ва қотил.

Бирига ишонди имони бут деб,
елиб-югуришига ишонди боз-боз.
Миш-мишлар урчиди вақт-соати кеб,
ишонгани эмиш учар, лўттивоз.

Бирига дил берди.
Яқинроқ борди,
тутди яғир бўлиб кетган елкасин.
Ижирғаниб тепди.
Силтаб юборди,
дил бергани кибор, шухрат эркаси.

Неча бор алданиб,
неча бор куйган
ёбон пешонасин очилмас тарки.
Оёқ ости қилган ким?
Ким меҳр қуйган?
Содда ёбон англамас фарқин...

Ёбон — майдон.
Муроди — тўроққа ўтиб
олгувчи чопқирлар от солар сарахт.
Ёбон қадрин кўтарар жонида тутиб,
аслида, фақат **ЁБОНДАГИ ЁЛФИЗ ДАРАХТ...**

* * *

... Ёбон чексиз...
Қайрилган буттага тирноғин санчиб,
ғижимлаб қайрилган буттани,
ёлғиз дарахтга термулар калхат,
кўз узмай термулар ёлғиз дарахтга.
Ёлғиз дарахтга қўнган қушчаларни
кўзлайди калхат,
мўлжаллар қилади минг хил мақомда.
Имкон пойлаб термулар калхат,
фурсат пойлаб термулар калхат,
илож пойлаб термулар калхат...
... Ёбон чексиз...

* * *

Сароблар жимирлаб-жимирлаб, вале,
ёбонда нотавон чоки сиринар.
Ёлғиз дарахт —
уммондаги кема мисоли
узоқ-узоқлардан кўринар...

Узоқ-узоқлардан тортар нигоҳни,
узоқ-узоқлардан бир меҳригиё.
Узоқ-узоқлар ютади оҳни,
узоқ-узоқлар хўрсинар қиё.

Узоқ-узоқларнинг олиб хаёлин,
узоқ-узоқларнинг тарзин йўриқлар.
Ёбонни тўзғитиб, силкитиб ёлин,
шовур олиб елар асов тўриқлар.

Узоқ-узоқларга етар сояси,
узоқ-узоқларга мадаккор, ҳамдам.
Ёлғиз дарахт —
саховатнинг адл қояси,
ёлғиз дарахт —
тимсоли мурувватнинг ҳам.

Ёлғиз дарахт меҳрин ниҳояси йўқ,
адоғи йўқ хоксор шафқатин.
Хусумат, ғийбатга дил очмади, йўқ,
йўқ, учмади таъмага таъти.

Қушлар ғужғон,
ёлғиз дарахт бошида,
эркалашиб, чарх урар гал-гал.
Ёлғиз дарахт.
мен соғиниб келаман қошинга,
узоқ қолиб кетаман ҳар гал...

Сароблар жимирлаб-жимирлаб, вале,
ёбонда нотавон чоки сиринар.
Ёлғиз дарахт —
уммондаги кема мисоли
узоқ-узоқлардан кўринар...

* * *

...Ёбон чексиз...
Тез келди тошиб-тошиб ёбонга сел...
Яйралди —
ҳар ёққа қулоч ёйди тез...
Тез келди...
...Ва шашти тушди тез...
Тез қуриди...

ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТга етолмай...

Тез келди...
Дариғ...
Тез қуриди...
Дариғ...
...Ёбон чексиз...

* * *

.....
.....
.....
.....

* * *

... Ёбон чексиз...
ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ атрофида
гириллаб айланар тўзон.
Алам билан увиллар,
нуъла тортар томоғин йиртиб,
ҳарчанд уриниб-уриниб
ёлғиз дарахтни
жойидан қўзғатолмаган тўзон...
Ёлғиз дарахтни
жойидан қўзғатолмаган тўзон,
зоқ-зоқ югурган тўзон
ёбон билан битта қилиб сочар
янтоқларни,
зоқ-зоқ югурган тўзон
қўзигуллар жамалагин ямлар ютоқиб...
... Ёбон чексиз...

* * *

Дунё ўтар экан-а,
МЕҲР йитар экан-а.
МЕҲРга бағир очган
ситам ютар экан-а.

Дунё ўтар экан-а,
ФУРУР йитар экан-а.
ФУРУРига суянган
ғамлар ютар экан-а...

Дунё ўтар экан-а,
СУБУТ йитар экан-а.
СУБУТига содиқ эр
дашном ютар экан-а...

Дунё ўтар экан-а,
ЯХШИЛИК йитар экан-а,
ЯХШИЛИКка дил берган
афсус ютар экан-а...

Дунё ўтар экан-а,
ҚАДР йитар экан-а.
ҚАДРини туғ билган мард
қонлар ютар экан-а...

Дунё... ўтар... экан-а...

... Вужудда ўсган жоҳиллик уруғи —
очофат нафс,
маккор ёлғонлар.
Мункийди канглумнинг йўриғи,
МЕҲР хиёнатдан панд еган онлар.

Худбинлик томирига сув пуркаган —
қирриқ кибор,
мақтанчоқ кибор.
Шул — СУБУТнинг рангин чуркаган,
Шул — ФУРУР танига қадалган табор.

Дилни тилимлаган нодон тааммул —
нихин ёрган хушомад йўниғи.
ЯХШИЛИК жонига тиғ қайраган — шул,
шул — ҚАДРнинг бутланмас синиғи.

Руҳим майдонида ҲАҚЛИК йиғиниб,
руҳим майдони ҲАҚЛИКка инар.
Дунё— армонлардан тикланган сағана,
дунё— армонларни ютгувчи канор...
Дунё—
армонларни
ютгувчи
канор

* * *

...Ёбон чексиз...
Бир кун... Бир кун... Бир УТГУВЧИ...
ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТни қора тортиб
келди ёнига.
Ўтирди. Жони жол топди олис йўлдан сўнг.
Ёлғиз дарахт соясида ҳузур олди,
мириқди роса...
... Узига бино қўйган бир ўтгувчи,
босар-тусарини билмаган бир ўтгувчи,
қўлтиғида тарвуз кукарган бир ўтгувчи,
қаердан келаётганини,
қаерга бораётганини
билмаган бир ўтгувчи...
ҳамма нарсани эрмакка йўйган бир ўтгувчи...
Йўлга тушмоққа чоғланди... Ва...
Кетаётиб, эрмак учун ёқиб ёлғиз дарахтни,
эрмак учун қилди томоша...
Ва... йўлига кетди муроди ҳосил...
Ҳолига ҳайрон турарди дунё...
Ўтгувчи, қайтгувчиларин таниёлмай
турарди ғам ютиб дунё...
... Ёлғиз дарахт ичдан эзилди —
танига ўрмалади титроқ...
Ёлғиз дарахт пойига чўзилди
ингроқ...
Ёлғиз дарахт ўксинди,
вужуди титилди чок-чок...
Камидан сирқинди, йўқсинди —
ингроқ...
... Ёмғирлар келди... Ёмғирлар келди... Кечикиб...
... Ёбон чексиз...

* * *

ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ
юрагим тўкилиб кетди,
йиғладим,
ащқларим — миңг қуроқ.
ЁБОНДАГИ ЁЛҒИЗ ДАРАХТ
канглумни маконлар этди,

ЁБОНДАГИ ЁЛФИЗ ДАРАХТ —
канглумга санчилган ингроқ.
Мен сени соғиндим, мен сенга чопдим —
ЁБОНДАГИ ЁЛФИЗ ДАРАХТ.
Мен сенга оғиндим, мен сени топдим,
лаҳза — гунг, лаҳза — тилин тишлаган карахт...
... Лаҳза — миттигина тугманинг кўзи.
Заминдай кичикдир.
Самодай ҳадсиз.
Митти ва ҳадсиз бағрида унинг
воқеот,
ҳодисот белини букиб,
терга ботиб чопар
қарри,
улкан Вақт...

ЁБОНДАГИ ЁЛФИЗ ДАРАХТ,
қаршингда танглар қолдим, мен,
қотиблар қолдим, мен, сени танимай.
Сенга тикилдим, мен,
нигоҳ солдим, мен,
ёбондаги ёлғиз шўрликкинам-ай...
Ёбондаги ёлғиз суянч пайкони —
илигини армон сўрган эй чайир хилқат;
юлдузлар қўнган бутоқларинг қани,
қани тунлар ёнбошлаган шохларинг қат-қат?!

Қани кунлар ҳовур олган бастинг,
ҳалиққан қушлар паноҳи —
баргларинг қани?
Кўзигуллар интилиб,
ҳавас билан растин
ростлаган бўйларинг қани?
Қани изғиринлар пинагин бузмай
қийғос очилган норғул ғунчалар?
Қани чопқиларда тўзғимай, тўзмай
новдаларинг қучган уйчалар?
Қани йўллар билан сирлашиб,
тўлғанган
узоқ-узоқлардан кўринган тирғоч?..

... Ҳайҳот!... ..
ЁБОНДАГИ ЁЛФИЗ ДАРАХТ оташда ёнган...

... Ҳайҳот!..
ЁБОНДАГИ ЁЛФИЗ ДАРАХТ — қатқалоқ қирмоч...
Калавасин учин йўқотиб қўйиб,
танғу тор ўлтирган тўқувчи мисол
турибман, шикаста бағримни ўйиб,
сендан кўзларимни узолмай... завол...
Ичимни куйдирар,

сенга очкўз, оч
идашган, тутацган, чирмашиган олов.
ЁБОНДАГИ ЁЛФИЗ ДАРАХТ,

сенингмас,
менинг дилим қовурмоч,
ЁБОНДАГИ ЁЛФИЗ ДАРАХТ,
сенингмас,
менинг дилим ёнгандир лов-лов...

* * *

... Ёбон чексиз...

.....
.....
.....
.....
.....

... Ёбон чексиз...

* * *

Дарахт жим —
 яфроғлар шивирин туш кўрар.
 Дарахт жимликка тобин,
 дарахт жимликка ўрам...
 Дарахт жим —
 афеус, пушмон хардлари.
 Дарахт жимликка бичим,
 дарахт жимликка дардланди...
 Дарахт жим —
 чуқур қудуқ — чўкиртақ қаъри.
 Дарахт жимликка разим,
 дарахт жимликка наъра...
 Дарахт жим —
 еллар бефарқ, бетаъсир.

Дарахт жимликка ҳоким,
 дарахт жимликка асир...
 Дарахт жим —
 ғам саҳроси ўптонлар.
 Дарахт жимликка тасим,
 дарахт жимликка ёнлар...
 Дарахт жим —
 борлиқ тўқийди ғафлат.
 Дарахт жимликка маҳқум,
 дарахт жимликка — нафрат...
 Дарахт жим —
 ёбон ночор бўзланди.
 Дарахт жимликка — ин,
 дарахт жимликка юзланди...

Д.....Ж.....
 А.....И.....
 Р.....М.....
 А.....
 Х.....
 Т.....

* * *

... Ёбон чексиз...
 Юмронқозиқлар уясидан чиқди,
 қарашди,
 теварак сув қуйгандек жимжит.
 Жимлик ёстиғига ёнбошлар ёбон.
 Сезилмас зигирдай хавотир хавфи.
 Бир-бирига кўз-кўз қилиб геришишди,
 геришишди,
 бир-рр ўзларин эркин қўйиб,
 қадларин кериб,
 гердайишди, чунон...
 ... Ёбон чексиз...

* * *

Армон, сенинг насибанг — сағир,
 армон, сенинг неъматинг — қайғу.
 Хўрсинаман — куяди бағир,
 хўрсинаман — ғажийди тайғу.

МЕҲР бериб,
 оғу симирган.
 Бардошимнинг тоқати тўлур —
 йиқилади сабримнинг уҳи...
 Ё...б...о...н...
 ...б...и...т...м...а...с...
д...о...ғ...и...н...ғ-...а...
б...ў...л...у...р...
 ёлғиз дарахтнинг чирқираган руҳи...

Умидимнинг кипригида нам —
 канглум деворлари йиқик.
 Мени комига тортади бир ғам —
 қуриган ўзан айлайди ҳақиқ.

Совуқ илжаяди дайди хиёнат —
 нигоҳида фириб семирған.
 Отаида жингиртоб диёнат —

Армон, сенинг насибанг — сағир,
 армон, сенинг неъматинг — қайғу.
 Хўрсинаман — куяди бағир,
 хўрсинаман — ғажийди тайғу...

* * *

... Ёбон чексиз...
 Йўл билмаган мўрчалар
 адашиб кетар,
 узилса гар
 қавми саф тортган издан...
 ... Ёбон чексиз...

* * *

Ёлғизлик — сен руҳимнинг гули,
 руҳимнинг қароғи сен — ёлғизлик.
 Ёлғизлик — сен руҳимнинг йўли,
 руҳимнинг садоғи сен — ёлғизлик.

Ёлғизлик — сен руҳимнинг нарғизи,
руҳимнинг оҳи сен — ёлғизлик.
Ёлғизлик — сен руҳимнинг дар изи,
руҳимнинг ёҳи сен — ёлғизлик.

Ёлғизлик — сен руҳимнинг доши,
руҳимнинг қадри сен — ёлғизлик.
Ёлғизлик — сен руҳимнинг ёши,
руҳимнинг адри сен — ёлғизлик.

Ёлғизлик — сен руҳимнинг ниҳони,
руҳимнинг ҳасрати сен — ёлғизлик.
Ёлғизлик — сен руҳимнинг синони,
руҳимнинг масради сен — ёлғизлик.

Ёлғизлик — сен руҳимда яшнаган хазон,
руҳимда қуриган мўғжа сен — ёлғизлик.
Ёлғизлик — сен руҳимда севилган азоб,
руҳимда чириган фуржа сен — ёлғизлик.

Ёлғизлик — сен руҳимда чатнаган томир,
руҳимда мум ютган забон сен — ёлғизлик.
Ёлғизлик — сен руҳимда ёғилган ёмғир,
руҳимда кўз тутган сабон сен — ёлғизлик.

Ёлғизлик — сен руҳимда оғриган яра,
руҳимда қотилган дармон сен — ёлғизлик.
Ёлғизлик — сен руҳимда толеи қора,
руҳимда битилган армон сен — ёлғизлик.

Ёлғизлик — сен руҳимда йиртилган ёбон,
руҳимда тўраган тўр сен — ёлғизлик.
Ёлғизлик — сен руҳимда чуркаган тобон,
руҳимда йўраган нур сен — ёлғизлик.

Ёлғизлик — сен руҳим йўқотган савоб,
руҳим топган гуноҳ сен — ёлғизлик.
Ёлғизлик — сен руҳим сабри — чингиртоб,
руҳим тўкилган туфроқ сен — ёлғизлик.

Ё
Л
Ғ
И
З
Л
И
К

* * *

...Ёбон чексиз...
... Тўппоққина кул тепасида
 учиб-қўнар,
 учиб-қўнар бир қушча...
Ниманидир излар бир қушча...
Чирқирайди, чирқирайди бир қушча...
Тўппоққина кул тепасида
 учиб-қўнар,
 учиб-қўнар бир қушча...
Чирқирайди, чирқирайди бир қушча...
Ниманидир излар бир қушча...
...Ёбон чексиз...



Наби Жалолiddин

Ковак

Қисса

ТУШ

Тошдан-тошга сакрай-сакрай кечувдан ўтиб бораркан, унинг мясиди биргина ўй бор эди — иложи борича пойабзалини ҳўл қилмаслик. Унг пойининг тағчарми ейилиб кетган, бир томонга қий-шиқроқ босганидан таги тугмадеккина тешилиб қолган эди. Уша жойдан озгина сув кирди дегунча пайпоғи жиққа ҳўл бўлар, кузнинг охиrhoғи эмасми, оёғи анча-мунча совқотарди. Тўғри, бу ҳозир хавфлимас, аммо бугун билинмаса ҳам, кейинча — ёш ўтганда бўгин оғриғи азоб бериши мумкинлиги-ни ўйлар ва эҳтиётланишга уринарди. Аслини олганда, ўзи ҳали ёшми ёки йўқми, бунни ҳам аниқ айтолмасди. Ҳар тугул ўттиз еттини қоралабди, бу ёшда одам эртасига астойдил қайғура бошлайди.

Кечув — сойнинг энсизроқ ва саёзроқ жойи. Аслида-ку ҳозир сой суви анчагина озайиб кетган-а. Буёғи энди кузчилик-да, кузда у қуримоқдан бери бўлади. Майда-чуйда тошларни ҳам кўмолмай, шилдираб-шилдираб оқади. Қирғоқларида нами қочган тошлоқ-майдонлар ҳосил бўлган, нарироқда, баҳорда уввос солиб, тўлиб-тошиб оққан тўлқинининг кескин-кескин талвасаю бебошликларидан юза-га келган пичоқда кесилгандай тик жарлик уч-тўрт одам бўйи бўлиб, гердайиб турибди. Ёз кўёшида беаёв тобланган қизғиш тупроқлари қиздирилган тандирни эслатади. Тошлоқ эса, қуритиш учун офтоб-га ёйиб қўйилган ёнғоқлар каби қадам тегар-тегмас шалдирайди, фақат тошлар шалдираши қўполроқ, оғирроқ эшитилади.

Қисқаси, у тешик ботинкасига сув киргизмасликка уринади. Ҳар одимда атайлаб териб қўйилган-дай турган, ҳажми ҳийла катта, лекин оёқ тушавганидан япалоқлашган тошлар, узунасига бир чизик билан қаралганда илон изини эслатар, у ана шу илон изи бўйлаб қарийб сакраб-сакраб борар. баъзан йиқилгудай тебраниб кетар, мувозанатини сақлаш учун бир қўлини посонги қилиб, бир оз туриб қоларди. Шилдираб оқаётган тип-тиник сув баъзи тошларнинг икки ёнбошини айланиб ўтса, баъзиларининг устидан ошиб ўтишга интилар ва шапалоқдек жой қолганда шашти етмай, яна икки ёнига сирпаниб тушиб кетарди-да, ўз ўзанига қўшиларди. У оёғини ҳўл қилиши мумкин бўлган ана ўша тошларга ҳадик аралаш қараб кўярди...

Ва ниҳоят бу қирғоқдай тошлоққа етиб олди. Худди шу кечув жойидан уч-тўрт қадам нарида — жар ёқасида қийшайиб ўсган улкан қари ўрик дарахти бўлиб, анча жойга соя ташлаган эди. Ўрик остида ярмини жар тупроғи кўмган харсанг ётар, бир қарашда унинг тупроқ ёки тош эканлигини ажратиб бўлмас ва у қари ўрик соясида ғалати қорайиб турарди. Жар тагидан юрган одам унга биринчи бор рўпара келса, ногоҳ сесканиб, ваҳимага тушиши ҳам мумкин эди.

У кечувдан ўтиб, ана ўша қора тошга беихтиёр лоқайд тарзда бир нигоҳ олди-да, кўм-шағални шалдиратиб юра кетди. Шу пайт бир нарса жуда қаттиқ ванғиллади ва ўнг қўлтигининг орқа қисми «жиз» этиб ачишди ёки аввал ўнг қўлтигининг орқа қисми ачишиб, сўнг нимадир ванғилладими, нима бўлганда ҳам у чап тарафга силтаниб кетди. Шу пайт мясидан, милтиқ отилдими, деган ўй яшин тезлигида ўтди ва ўша силтаниш асосида ёнбошга икки-уч қадам довдираб кетди. Боши бир томонга қийшайди...

ЎНГ

У кечувдан ўтиб бораркан, ҳозирги бирдан-бир ташвиши пойабзали ўнг пойидаги тешикни сувдан эҳтиёт қилиш эди. Яхшики ҳозир сув чап тарафидан оқмоқда, яъни шилдираб оқаётган муздек сув ўнг оёғининг чап ёнбошига урлади, тешик эса ўнг томонда. Демак, сув кириб кетишдан бемалол сақла-ниш мумкин. Аммо бир тошдан иккинчи бир япаски тошга сакради-ю, мувозанатини йўқотиб, йиқили-

шига оз қолди, яхши ҳамки икки қўлини икки тарафга посонги қилиб улгурди ва ўзини ўнглаб олди Чап қўлидаги думалоқланган эски «умумий» дафтарни ўнгига олиб, қаттикроқ қисди. Худди жилмаяётгандай кўринувчи хиёл қисиқ кўзларини тип-тиниқ сувга тикди. Тош устида турган кўйи беихтиёр чўнкайди, қулоқларини ёқимли овоз сийпалади. Бу сув овози — одатда киноларда ариқлар худди шунақа шилдирарди. Жудаям тиниқ, жарангдор овоз, бошқа бирон бир товуш кўшилмаган. Таваб намунча зилол? Нега шу пайтгача эшитмаган экан? Ё эътибор бермаганми? Шунақа бўлса керак-да. У қўлидаги дафтарини тиззалари билан қорни орасига қисиб, кафтларига сув олди. Сув жуда совуқ эди Шу қадар муздекки, кўллари бир лаҳза ҳам бардош қилолмай тўкиб юборди. Аслида у сув ичмоқчи эди тиниқлигидан завқланганди. Совуқлигини билгач, эти сесканди. Дафтарни қўлтиғига қистириб, ўрнида турди, кўлларини шундоқ ҳам ялтираб, ягирлангандай кўринувчи костюмига артган бўлди. Дарвоқе костюм ҳақида: ҳозир эғнида таранг тортилиб, тугмалари узлиб кетгудай турган ва ҳар бир тугма тўғрисида икки биқинга томон тарам-тарам «ариқчалар» кетган бу костюм қачонлардир янги бўлган албатта. Бу туричи (аслида бундан бошқача ҳам бўлиши мумкин эмасди-да, зеро, унинг ичидан кийилган пахталик камзул ва унинг ичигади қалин жемпер костюм жониворни шунақа «пўрим» қилиб юборганди) хийла аянчли ва бир оз кулгили кўринса-да, бир пайтлар эгасига бахш этган нашъунамонининк оинкор этишга изн бермайди. Илло унинг эгаси бир пайтлар костюм-шимларини пичоқ тигидай ялтиратиб киярди. Қишлоққа келди-ю... Йўқ-йўқ, қишлоққа ўрганиб, бола-чакаси кўпайди-ю, ўзига унча қарамай қўйди. Эҳ-ҳе, бир замонлар — талаба бўлган йиллари барча тенг-тушларини курсдошлари унга ҳавас қилишарди. У ясан-тусанда биринчи, қадди-қоматда биринчи ва ниҳоят қош-кўз борасида ҳам биринчи эди. Қизлар уни деса «ўлиб» қолишарди, бир лаҳза ёлғиз қўйишмасди, ҳатто кечалари ҳам қувлаб юришарди. У физика-математика факультетининг юлдузи, шоири эди. Нима жин урдию институ-тда қолишни истамай, қишлоғига жўнаворди. Ҳамма лолу ҳайрон қолди, институтини тартатган шундоқ йигит қишлоғига, янаки тупканинг тубидай ерга кетворса-я. Ким билади, балки у геоблатта ботган чекка қишлоғини уйғотмоқ ташвишидами? Балки... Лекин мана, йигитлик умри ҳам чекинмоқдаки, шу жойларда қолиб кетди ва эзгу ниятларини аллақачон унутиб юборди. Боринги, қўли калта экан.

Яна костюм ҳақида: буни тўрт йил бурун янги ўқув йили арафасида олганди. Ушунда бу кийоий либос билан қишлоқнинг олди домласи бўлганди, ўзиям либосга қўшилиб очилиб кетганди. Шимини хотинига ҳар кунни дазмоллариди, бечора, қўли чиқиб кетгани боис, қийнала-қийнала гўдрана-гўдрана дазмоллар ва шу бўлмағур, кераксиз юмушни деб зарил ишлари қолиб кетаётганидан нолирди. Эр эса дазмол бостиришдан чарчамасди. Лекин маданийлаштириш жараёни атиги икки ойча давом этди, зеро, ичидан камзул ва жемперлар кийилгач, костюм кўркини йўқота бошлади — пахта тикилган қопга ўхшаб қолди. Дазмол ҳам ниҳоят яна эски сандиқ тагида ўқ-узоқ ётадиган бўлди. Тез орада костюм жонивор измолари кенгайиб, ёқалари тепага қайрилиб қолди. Энди у ҳамшира шундан нолийверади: нега костюми текис турмайди, шимининг тиззаси икки қунда жижи бола калласидай думалоқ бўлиб қолаверади? Нега унақайкин-а? Нима, пешонасига фақат ёқаси бужмалоқ костюму тиззаси думалоқ шим кийиш ёзилганми? Э-э, аслида одам кийим танлайдими ёки кийим одамни? Унингча, либос одам танлаши тўғри бўлса керак. Акс ҳолда нега энди туппа-тузук костюм-шим ҳам менга нолойиқ бўлиб қолди? Мана, масалан, мен пахталик (фуфайка дейишадими) кийволсам жуда-жуда ярашса керак. Чунки шунга муносиб одам эканлигим аниқ.

Навбатдаги тошга эндигина ирғимоқчи бўлганда, ҳозирги ўтиб келган нариги қирғоқдаги жар остида ўсган буталар орасида кўриниб турган кичикроқ пақир оғзидек ковакка кўзи тушди. Мўлжалидаги тошга кўниб, ҳалиги ковакка тикилганча туриб қолди. Эрталаб ишга бораётганида ўша тешикка нимадир кириб кетгандай бўлувди. Каттароқ мушукдекми ёки кичикроқ итдекми келадиган ўша жониворнинг нима эканлигини билолмай қолувди. Ранги ё қорайди, ёки оқимтир эди. Балки бутунлай бошқа рангларди. Нима бўлгандаим ўша ковакка нимадир кириб кетганди. Эҳтимол, тулқидир? Йўғ-ей, тулки бунақа жойга уя солмас, яна ким билади.

Эрталаб бир кўриниб йўқолган жонзод нималигини билишни жуда-жуда истаб қолди. Ҳатто ортига қайтиб, тешикни яқинроқдан астойдил кўздан кечириш, ичига мўралаб қарашни ҳам ўйлади. Лекин эринди. Йўқ, эринмади. ортига қайтса ботинкасига сув тегиши эҳтимолини ўйлаб, текширувни бошқа пайтга қолдирди. Хаёлига ўрнашган «нимадийкин-а?» деган саволни такрорлаганча тошдан-тошга сакради. Хайрият, оёғи ҳўл бўлмади, акс ҳолда намиқиш азобини дарвор сезарди. Оёғи совқотмасида, пайпоғи чилпиллаб, гашига тега бошларди.

Ва ниҳоят қуруқ жойга ўтиб олди-да, тошларни шалдириб икки-уч қадам юрди. Сўнг улкан ўрик остидаги кўкимтир-қора харсанга қаради. Нигоҳи билан тош савлагини чамалаб, энди бояги тешик томонга қайрилди. Костюми чўнтагини пайпаслаб, шисасини топди. Кафтга нос солиб, тили остига ташлади-да, лабини қимтиб, кўзларини қисганча тошга тикилиб қолди. Бунинг устига ўтирволиб, ковакни бирпас пойласамикин? Уша ерда паналаган жонивор нима бўлсаям вақти келиб ташқарига чиқар-ку! Эҳтимол ҳозир ташқаридадир, ҳадемай уясига қайтар. Беихтиёр жунжикди. Кузнинг совуқ шамоли таъсир қилдими ёки қорни очганидан эти юпқалашдими, ҳартугул маънос тортиб қунишди. Кейин ўзини иситишга урингандай у ёқ-бу ёққа қимирлаганди, оёғи остидаги тошлар овоз берди. Аста энгашиб, тухумдан кичикроқ биттасини қўлига олди...

ТУШ

Боши бир томонга қийшайиб бораркан, ким отган бўлиши мумкин, деган фикр миясига урилди-да, ногоҳ зардала савол қайтди: «Айбим нима?» Сўнг, бу фикру саволлар эсидан чиқди ёки айтиш мумкинки, жуда тезликда унутилди. Аслида уни чинданами отишдими, бояги вангиллаган ёки гумбурлаган овоз ҳақиқатан милтқиқнимиди, ҳали у тузукроқ англаб ҳам етмаганди. Тўғрироғи, ўша ўнг қўлтигининг орқа қисмига, дейлик, биқинининг тепароғига урилган кучли зарбдан силтаниб кетгач, ўтган шу бир неча лаҳза ичига ўйлашга ёйинки англашга фурсати етмаганди. Аввалига ўша зарб билан танасига нимадир қаттиқ суқилганини сезгандай бўлди ва ўша жой бир оз ачишгандай ҳам туюлди. Ёнбошга бир-икки қадам довдираб кетиб, боши бир томонга хиёл қийшайиб бораркан, туйдики, ўша зарб теккан жой энди ачигасам, қизмасам, аксинча, бутун танаси совқотиб, музга айланаёзган эди. Бир зумда музлаш қабоқларигача етиб бордики, бундан кўзлари толиб, қум тикилгандай ачишди. Оғзини ўзгача бир таъм қамради, яъни баҳорда бир-икки дона гўра есангиз, тишларингиз қамашиб, оғзингиз шунақа чучмаллашадими, гашингиз келади ёки тиш суғуришдан олдин қилинган уқолдан сўнг ҳам тилингиз шу хил таъмин туюди. Қамашик тишларини бир-бирларига босиб, ютинмоқчи бўлди, лекин уддасидан чиқолмади. Чунки, энди сўлаги қочиб, томоғи қуруқшай бошлаганди. Қолаверса, бутун танасини чуллаган музлаш ҳиқилдоғига ҳам етиб боргандики, бу ютинишга имкон бермасди.

Худди шу лаҳзада, яъни астойдил совқотиб, боши бир томонга қийшайиб бораётганда, ағдарила бошлаган қорачиқлари атрофга қарашга ҳам улгурди. У ўша аснода улкан ўрик остидаги харсангга, балки, унинг ортига назар ташлади. Энди миясидан: «Шу ёқдан отишди шекилли?» — деган ўй ўтди ва бу фикрнинг кетидан келган «Нега?» сўзидан иборат аламли калом ҳам хаёлигича калласида қолди ва тезликда «Отишдими ўзи?» деган хотиржамроқ саволга айланди. У ўша қаршида харсанг ортида ёки катта ўрикнинг устида ҳеч кимсани кўрмади. Лекин буни эслаб қололмади, қорачиқлари тамом ағдарилди. Ниҳоят, оёқлари қалтираб, ҳолсизланди ва чап тиззаси хиёл букилди...

ЎНГ

Қўлидаги тошни бармоқлари билан бир-икки у ёқ-бу ёққа айлантирди, қаттиқ силтаниб, ковак томонга отди. Қўлини кескин силтаганидан ўнг елкаси қўлиги билан қўшилиб оғриб кетди. Аммо шунчалар жон куйдириб урингани билан тош ковакка етиб бормади. Бир оз берига — тошлоқ устига тушиди. Хаёлан яна бирон марта отмоқчи бўлди-ю, елкаси оғригани боис, шаштидан қайтди. Қайрилиб ўз йўлига кетаркан, оғзидаги «пишиб» қолган носни ёнбошига туфлади. Лабларини кафти билан артиб, юриб бораркан, яна ковак томонга қаради ва беихтиёр тўхтади. «Ҳозир кутганим билан нималигини билолмайман шекилли, яхшиси, бошқа бир кун атайлаб пойлайман», — дея ўйлади ва сўнг йўлида давом этди. Шунча вақтдан бери ковакка кўзи тушмагани қизиқ. Аввал ҳам бормиди ўзи? Бу ердан, айнан шу кечувдан қарийб ҳар кун ўтади. Неча йиллардан буён ўтади. Рўпарадаги қир ортида кичкинагина қишлоқча бор, болалари тўртинчи синфгача чалдевор мактабда ўқишади. Улар олис йўл босиб, бу бетдаги катта мактабга келишмайди-да. У ана ўша мактабда ҳам ҳисобдан дарс беради. Бундаги тўртта синфнинг ҳар бирида саккиз-ўн нафар бола таълим олади, ҳолос. Аҳоли оз-да. Аввалига у, институтни аяёлга битирган одам, олий маълумотли ўқитувчи чекка бир қишлоқнинг қора-сувоқ мактабда «ман-қа-санқа» талабаларга дарс беришни ўзи учун ҳақорат деб юрди. Лекин кейин кўникди, балки тақдирга тан бергандир. Қолаверса, ҳаёт деганлари, тирикчиликнинг ўйдим-чўқурлари одамни аста-секин кирчимол қилиб бораверади шекиллида, бўлмаса, институтнинг олди йигити эди, юлдузни бенарвон ураман, дерди. Энди эса костюмининг ёқаси тепага қайрилганигаю шимининг тиззаси жижининг бошидек бўлиб дўппайиб қолганига ҳам унчалар эътибор беравермайди, эҳтимол умуман парвосига ҳам келмас. Яна шуниси борки, бу чекка мактабда у билан биронинг иши йўқ — бўлар-бўлмас раҳбарчалардан қутулган. Хоҳласа дарс ўтади, хоҳламаса, биронта элчилроқ болага китобни ўқитиб қўйиб, бир кафт носни урволади-да, кичкина деразанинг доғ-дуғ кўзидан ташқарига термилиб, хаёл суриб ўтираверади. Хаёллари эса чексиз-чегарасиз, эҳтимол шунинг учун ҳам хаёл суриш уни хуш ҳисоб. Шундай қилиб, уч-тўрт соат дарсни бир нави эплайди-да, уйга қайтади. Бир пайтлар чекка қишлоқни гафлат уйқусидан уйғотмоқчи бўлган ҳов ўша кўзлари чақнаб тургувчи йигит энди йўқ. Унинг эскирган сурати қолган, ҳолос.

У тошларни шақирлатиб босиб бораркан, ковакни бошқа бирон куни албатта пойлашни кўнглига туғиб қўйди. Балки эртага пойлар, ахир, эртасига дам олиш кунини-ку. Ҳа, эртага пойлай қолади. Битта ҳалигиндан олволса, совқотмайроқ ўтиради. У жонивор нимакин-а ўзи? Бир «лип» этди-ю кўздан йўқолди-я...

У сой ичидан тепага кўтарилиб, йўлга чиқиб олди. Буёғи энди ҳадемай маҳалла бошланади, шу билан унга хуш ёқадиган ёлғизликдан ҳам пугур кетади. Тавба, яқиндан бери ёлғизликни истайдиган бўлиб қолди-я, кўнгли негадир жимликни тусайверади. Авваллари бунақамасди, нуқул ўша шовқин-суронли жойларга ўзини уради, тўполонларни, гавжум ерларни яхши кўради. Энди эса... Нима, ёшинг ўтган сари шунақа бўлиб қолармикансан-а? Наҳотки қариётган бўлиб? Уттиз етти ёш аслида катта ёшми ёки кичикми? Ҳар ҳолда ёш бола эмас-да. Мана, катта қизи тўққизинчи синфда ўқияпти. Худо берса, ҳадемай кувёлик бўлади. Демак, қарий бошлабди... Лекин аслини олганда, бу жуда унақа катта ёш эмас-ку. Бу-ку эркак киши, ахир, ҳар кун телевизорни тўлатиб ётган ҳалиги эллик-олтмиш ёшли хотинларга қарасанг сўқинг кироди-ю. Ё улар осмондан тушганмикан-а? Йўғ-е, пардоз-андозлари жойида, ҳолос. Тўғриси, ўзбек эрта қарийди шекилли. Бўлмаса, ким уни кўриб, ўттиз еттига кирган, дейди. Йўқ деганда эллик берар. Хотини-чи, хотини? Нима, тўртта туққан хотин осмондаги ой бўлармиди?..

Суяр тракторчи уйи олдида қантарувли трактори ичини астойдил ковларди. Устида қора мойдан яғирлаб кетган қоржма, иккала қўли ҳам қоп-қора, ҳатто юз-кўзига мой теккан, айниқса, бўрнига чаплаган қорадан кулгили кўринарди. У тиззалаб олиб, трактор остидаги қайсилар мурватни бурарди, шу ўтиришда гўё дунё билан бутунлай иши йўқдек туюларди. Лекин у ортидан ўтиб бораётган одамни сойдан чиққандаёқ кўрганмиди, ўз ишидан кўз узмай, баланд овозда деди:

— Ҳа, домла, хаёл суриб қолсиз?..

Домланинг хаёли тўзғиди. Ростданам, ўзи билан ўзи овора бўлиб Суярнинг олдидан индамай ўтиб кетишига оз қолган экан. Секин бурилиб, Суяр томон юраркан, зўраки жилмайди.

— Ҳорма, Суярвой, ҳорма! — Лекин кулгиси ўнгиб кетган матодай кўринувчи зюига сираям ярашмади. — Шу... ҳалиги ковакни ўйлаб... — сўрашмоқ учун Суярга қўл узатганди, у тиззалаган кўйи ўнг қўлининг тирсагини тутди.

— Энди-и, Мамарасул ака, биз кичкина одам, кўпам кўзингизга кўриनावермаймиз-да, — Суяр ўрнидан туриб, домлага ҳазиломуз тиржайди. Чамаси у тракторини куткилайвериб роса зериккану ҳозир рўпарасидаги одам билан бирпас ҳангомалашига уринарди. — Тагин алланақа каваклар ҳақида ўйлаб юрибсизми-ей. Одам ҳақида ўйлаш керак, акам, одам ҳақида!..

Мамарасул «бунинг доимги гапи-да», дегандай, пича индамай турди. Сўнг:

— Сойнинг қирғоғидаги ковакка кўзинг тушмовдимиди мабодо? — дея сўради, муҳим гапни аниқлаётгандай қиёфада.

— Қайси сойнинг? — деб сўради Суяр ҳам бепарво, яна ўз ишига киришаркан.

— Ий-е, қишлоғимизда ўзи нечта сой бор, хумпар?

Суяр тиржайди.

— Ҳа-я. Ўша сойнинг қаерида дейман-да...

— Урик бору... — энди Мамарасул астойдил тушунтира кетди, — ўша ўрик рўпарасида, сойнинг нариги томонида. Шундоққина қирғоқнинг оғзида.

Суяр бепарво «ҳм-м», деб қўярди-ю, ўз иши билан овораиди. Бундан Мамарасулнинг ҳафсаласи пир бўлди. Сўнгги илинж билан гўлдирлади:

— Ҳалиги сербута ер бору...

Суяр ялт этиб унга ўтирилди.

— Хуш, ўша ковакда нима бор экан? — дея сўради, шу нарсага росаям қизиқаётган одам қиёфасида.
 Домла яна жонланди:
 — Уша ковакка биннаса лип этиб кириб кетувди. Нималигини сира билолмаепман, қайтиб сира кўзим тушмади. Балки сен биларсан деб...
 Суяр домлага ҳайрон бўлиб бирпас тикилиб қолди, унинг бу қарашада бошингни оғритиб нима қиласан, деган маъно бор эди.
 — Аа-а... — деди у чўзиб, яна ишга киришаркан, ўзича домлага ақл бўлди. — Балки тулки-пулкидир-да.
 Мамарасул куюниб кетди:
 — Эй-й, қирғоқда тулки нима қилади, баҳорда сув ювиб кетади-е!
 — Бўлмаса, сувкаламушдир.
 — Балки...
 Яна Суярнинг энсаси қотди-да, чапаниларча деди:
 — Эй-й, Мамарасул ака, у ерда нима бўлсаям сизга нима? Сизга оғирлиги тушаяптими?
 Домла бош силкиб жилмайди:
 — Билгим келяпти-да, ука. — Кейин, кетиш учун бир-икки қадам ташлади-да, яна тўхтаб, Суярга ўғирилди. — Эртага нима қиласан?
 — Манавини ковласам, бекорман, — деди у тракторига ишора қилиб.
 — Пойламаймизми?
 — Нимани?
 — Ковакни-да.
 — Эй-й, бошқа ишим йўқми, ака! — Суяр шундай деди-ю, бир ҳолда жиддийлашди. — Агар ҳалигидан бўлса... — дея домлага маъноли қаради.
 — Бўлади, ука, бўлади! — деди севишиб кетган Мамарасул қўл силтаб.
 — Унда эрталаб бораверамиз.
 — Бўпти, эртаминан чақираман.
 Мамарасул шундай дея уйи томон юра кетди...

ТУШ

Унинг чап тиззаси хиёл букилиб, кўз қорачиқлари ағдариларкан, бутун гавдаси бир томонга аста-секин оғиётганини сезди. Шу пайт афти тиришиб, вужуди музлаб бораётганиданми ёки оғриқданми, инграб юборди. Йўқ, аслида энди танаси музламаётганди, аксинча, ўнг қўлтигининг ортидан бошлаб бутун вужуда қизишга тушганди. Айниқса, зарб теккан жой лов-лов ёнарди. «Отишгани рост шекилли?» — деган ўй ўтди ҳали хиралашиб улгурмаган миясидан. Бу фикр ортидан яна ўша савол кўндаланг бўлди: «Нега отишади, ахир? Айбим не?!» Турган гапки, бу саволга ҳеч қандай жавоб бўлмади, айни чоғда бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Энди ағдарилган кўзлари хиёл ўнгланди-да, катта-катта очилиб, бутун танаси оғаётган тараф — ерга тикилди. Қорачиқлари кенгайиб-кенгайиб кетди. Шу маҳал ичида нимадир куч билан қалқиди-да, бўзги томон отилди. Оғзи қуруқшаб қолган эди ва шунинг учун ичидан отилаётган нарсанинг зўридан қаттиқ ўқчилдики, томоғи қирилиб, ачишиб кетди. Оғзига нимадир чилпиллаб ёпишди. У нарса иссиқ бўлиб, чучмал таъми бор эди. Одам йўталгандан сўнг албатта тамшанади, чучмал таъми ана ўша тамшанишдан кейин фаҳмлади. Ҳамон қувватини йўқотмаган онгида яна бир савол қўзғалди: «Қон қусдимми?..» Аммо у бу фикрни ортиқ давом эттира олмади. Ичидан яна бир бало қалқиб, бўзгига урилди ва қаттиқ силтаниб кетди. Мункайганича қорнини ушлаб, нафаси қисаётгандай хириллаб қолди, довдираб, икки-уч қадам ташлади. Лекин йиқилмади. Қорнини чангаллаб, мункайганидан боши ерга, тўғрироғи, оёғи остидаги тошлоққа тегай-тегай деб қолган эди. Нафас етмаганидан бутун вужуди зўриқиб кетганидан юмилган кўзлари яна очилди ва гўё хира парда ортида, узоқда сон-саноксиз оппоқ тухумларни кўргандек бўлди. Бора-бора парда йўқола бошлади ва тухумлар у томон яқинлашаверди. Улар яқинлашаркан, каттағайи борардилар. Шу асно мовий осмондаги гуж-гуж оппоқ булутларга айландилар ва суза бошладилар. Бундан унинг кўзлари тинди ва бундан қўлишиш учун уларни қаттиқ қимтиди, жону жаҳони зулматга бурканди. Энди у қоронғуликка ҳам тоқат қилолмай кўзларини яна очди, очди-ю, сон-саноксиз улкан оқ тошларга рўпара бўлди. Тошлар унинг кўзлари томон оқиб бораркан, тобора кичирардилар. Гўё бу сонсиз тошлар кўзларидан кириб, тўппа-тўғри миясига урилардилар. Бундан боши айланди. Шу ҳолда ҳозир-ҳозир ерга ағдарилишини англаб, бор кучини тўплади-да, қаттиқ наъра тортганча, қаддини тиклади. Тагин довдирайи-совдирайи бир-икки қадам ташлади. Кескин кўтарилган боши энди гавдасининг орқасига қайрилди ва юзи осмонга қараб қолди. Бояги тошлар оқимидан толиққан нигоҳи кўкимтир осмонга қадалгач, унинг олисдалигидан ҳийла ҳаловат топди, ҳар ҳолда осмон ҳозирча кўзларига қуламасди.

ЎНГ

Мамарасул ўйдим-чуқур йўлдан одимлаб бораркан, ҳамон ўша ковакни ўйларди. Тавба, шу пайтга-ча кўрмаганига ҳайрон-да. Суяр ҳам билмаскан. Унга айтиб бекор қилди-да, энди ҳаммага етказиб масхараламаса бўлди. Йўғ-ей, Суяр унақа боламас, оз-моз ҳазилкашлиги бору бировни масхара қилмайди. Гапирини ўшанақа-да. Бўлмаса, икки-уч ёш кичиклигига қарамай, Мамарасулнинг тенгқурлари уни ўзлари билан улфатчилик қилишга қўйишармиди. Агар масхаралаганини сезиб қолса, оғзини ёпиб кўяр. Ҳалиям унда бир йигитнинг кучи бор... Ишқилиб бутун чироқ ўчмадимкин? Агар ўчмаса, бу кеча хотини билан би-ир... У билинар-билинамас хўрсиниб қўйди. Уйига етиб келган бўлса ҳам сабри чидамай, кўчада ўйнаётган болакайлардан сўради:

— Ҳов, болалар, свет ўчмадимми?

Болалар кетма-кет бақиргудек бўлиб «ёниқ, ёниқ» дейишди.

Хайрият, деб қўйди ичида, ишқилиб қоронғи тушгунча ўчиб қолмаса бўлди...

Хотини молхона томонда уймалашаётган эди. Дарвозадан кириб, бўсага бўйлаб юраркан, у тарафга бир-икки қараб қўйди-ю, индамади. Хотини ҳам уни кўрган бўлса-да, бирон сўз демади. Аслида иккаласиям бир-бирларидан гап кутмаганди, гўё кўпдан бери бирга яшаб, гапиргулик гап қолмагандек эди.

Қишлоқ ҳовлилари қишга яқин анча кўримсиз бўлиб кетади. Айниқса, девору саҳни пардоз-андоз

кўрмаган хонадонлар кўзга совуқ кўринади. Мамарасул ҳовлиснинг ҳозирги манзарасини жуда ёмон кўради, уйга кирди дегунча бир нарса бўғиздан олгандек бўлаверади. Ҳовли олди-орқаси оёқ тушаверганидан ўйдим-чуқур бўлиб кетган, оёққа илашиб кўчган лойлар юздаги ярадек сочилиб ётар ва хонадонга қамалиб олган рутубатга баттар рутубат қўшарди. Бир пайтлар турли ёғочлардан амал-тақал қилинган сўриток ҳодалари ҳам қору ёмғирда ва кўёш тигида қорайиб-қотиб кетган, барги сидириб ташланган тоқларни елкасига олиб, қийшайиб турибди. Ҳовлидаги дов-дарахтлар ҳам аллақачон кийим-бошини ечишиб, тунги аёзларда изиллаб тўқ кўкимтир тусга кирган ва умуман ҳозир бутун ҳовлиннинг ранги бир хил — кулрангга монанд қора бўёққа бўялгандек кўринарди.

Учоқда қозон қайнарди. Бу орада айвонга ўтиб келган Мамарасулнинг хаёлидан «нима овқатийкин?» деган фикр қочди ва оқаганидан озги сўлакка тўлди. Гилқиллаб ютинди-да, даҳлизга кирди. Дафтари уч-тўртта китобу дафтар турган бурчаклиги тоқчага иргитиб, ташқарига қайтиб чиқди. Бу маҳал молхонадаги юмушини тугаллаб қайтган хотини сўриток устуни остидаги кўралан сув қуйиб, қўлини юварди.

— Нима овқат қиляпсан? — дея сўради, нима қилишни билмай, чўнтақларини пайпаслаб нос шишасини чиқараркан.

— Шўрва, — деди хотини ҳиссиз оҳангда, унинг юзига қарамай.

Мамарасул хотинига нимадир деб танбех бермоқчи бўлди, лекин «чиройли» жавоб қайтишини ўйлаб, индамади. Бир кафт нос отиб, дарвоза томон юрди.

— Қаёққа кетяпсиз? — дея сўради хотини унга зардали қараб. Аммо гап оҳангидан эрининг қаёққа кетаётганлигини жуда яхши биладигандек туюларди.

Дарвозагача индамай борган Мамарасул, ниҳоят тўхтади-да, бошини буриб хотинига қаради.

— Шўрвайни ичишим керакми, ахир? — дея бир заҳарли жилмайиб қўйди-да, кўчага чиқиб кетди.

Болалигидан суяқ овқатга, айниқса, шўрвага тоқат қилолмайдди. Топган пулига ҳозирги замонда нонни эпласаям катта гап, суяқ овқатга мазза киргизадиган гўшт-ёғ ҳисоби хонадонда анчайин қаттиқ, Тузукроқ гўшт-ёғ солинмаган шўрва қайнатилган қизғиш сувдан бошқа нарса эмас-да. Аслида-ку, ҳозирда тақдирга тан бериб, жуда унақа овқат танламай қўйган-а. Балки шунинг учун ҳам ўзи сабаб тобора суяқлашиб, қозоннинг тагини-да ёпмай бораётган овқатни ичиш ёйинки ейиш ўйида гузарга чиқиб «иштаҳа дори»дан уриб қайтар. Мана, ҳозир ҳам кўчага чиқди-ю, чапга — қишлоқ гузари томонга бурилди.

Энди оламга кўзнинг кечки совуғи ҳукмронлик қила бошлаган эди. Ҳеч қанча фурсат ўтмай бурнию қулоқлари билинар-билимас ачишишга тушди. У қўлларини қадрдон костюмининг чўнтақларига солиб, елкаларини қисиб, қунишганча борарди. Ҳадемай асфальтланган йўлга чиқиб олди. Мамарасул озгидаги носни туғлаб ташларкан, лабларини кафти билан артди. «Бугун чироқ ўнчасами, — дея ўйлади, — бир мазза қиле-еб Москвадан кино кўрардим. Москва қўядиган киноларнинг ҳаммасиям яхшида. Кейин...» У чуқур бир ўрсинди-да, чўнтагини қовлашга тушди. Увадаси чиққан майда пулларни йиғиб, эринмай санади. Битта винога етадиганини ажратиб, қолганини яна қайтариб чўнтағига солди.

Мана, гузарга ҳам етиб келди. Гузар деган битта озиқ-овқат дўкони, сартарошхона ва битта кичкинагина тижорат дўкончасидан иборат эди. Бу тижорат дўкончасини шаҳарда алламбало каттакон бўлиб ишлайдиган бир одам мактаб ёшидаги ўғилларига очиб берган. Ушалар ҳамқишлоқларига пуфак-муфак, арақ-парақ сотиб ўтиришади. Мамарасул мана шу дўконга келди дегунча бир нарсани албатта ўйлаб қўяди: бу дўконни ҳамма «тижорат» дейди, масалан, «фалон нарса магазинда йўқ экан», дейилса, «тижоратда бор», деб қўйишади. Ахир тижорат савдо деган маънони беради-ку. Демак, барча дўконларни тижорат дўкони деса ҳам бўлаверади. Буларда эса фақат манави ёғоч қўтини тижорат дейишади.

Мамарасул ана ўша «тижорат»нинг олдига борди. У ерда бир-иккита ўсмир болалар ва Мутал деган синфдош оғайниси туришарди. Ўсмирлар домласи билан сўрашиб, нари кетишди — ҳар ҳолда уялишиди шекилли.

— Ҳе, бормисан, Расул? — дея шанғиллади Мутал, у билан икки қўллаб, силтаб-силтаб кўришаркан.

Мутал деганлари кунда-шундалар тоифасидан. Ўзи бир жойда ёлчиб ишламаган, бир амаллаб уйда икки-учта мол-ҳол қилвоган-у, ўшаларни боқиш, кўпайтириш билан овора. Бўйи паканагина жиккак бу одам эски чопонни кийволиб, бошига спортчилар қалпоғини кўндирганича, гузарда мингирлаб кезгани-кезган. Гоҳ у дўконга кирадди, гоҳ бу дўконга, баъзида сартарошхонада ўтирволади. Хуллас, кўпинча бекорчилик билан кунни кеч қилади. Бу орада уйига бир-икки бор кириб, мол-ҳолидан хабар олиб чиқади. Мамарасул тегишиб, «Хотинбой ака» деб атайди уни. Чунки, унинг хотини амбулаторияда ҳамшира бўлиб ишлайди ва, айтиш мумкинки, у қишлоқнинг олди зиёли аёлларидан ҳисобланади. Кийинишда бошқаларга қараганда анча пўрим, олифталикни ҳам келиштиради. Шунинг учунми, ростданам ақдими, номальум-у, Муталвой ҳар икки гапнинг бирида, «хотиним айтдики», «хотиним фикрича», «хотиним маслаҳатига кўра», деб керилгани-керилган.

Мамарасул қўлини юлқигандек тортиб оларкан, деди:

— Ҳа, Мутал полвон, жа, кайфинг тарақ?

Мутал ишшайиб жавоб қилди:

— Мени кайфим ҳамшира тарақ, ошна. Агар ҳозир сен битта қуйсанг вабше тарақ бўлади-да!..

— Боре-е... Пул йўқ. Сенам бирор марта қуй, хумпар! — деди Мамарасул ярми ҳазил, ярми чин қабилида.

Мутал сурбетларча тиржайди:

— Буни текин ичсанг, маст бўлмайсан, омма кайф қиласан. Тагин хотиним айтдики, текин нарса, одамни умрини узайтирармиш.

Мамарасул жилмайиб, «қойил-е» дегандай бош силкиди-да, дўкондор болага деди:

— Винангдан битта ол-чи!..

ТУШ

Бир оз ўтгач, осмон ҳам айлана бошлади. Аввалига секин, худди ариққа ўрнатилган чархпалак сингари айланди-да, асталик билан тезлашди. Ахйир, шу даражага етдики, циркчининг чўпига ўрнатилган ликобчадек чириллай кетди. Бу шафқатсиз манзара кўзларини тиндирди, бундан халос бўлиш ниятида кўзларини юмганди, боши ҳам гувиллай бошлади. Ҳамон телага қараб турган боши энди «шилқ» этиб ерга қаради ва оёқлари чалишиб, довдираб кетди. Тиззалари мажолсизликдан букилган

бўлса-да, йиқилмади, у ёқ-бу ёққа гандираклар, яна ўзини ўнглаб олди. Тагин мясига «Ким отган бўлиши мумкин?» — деган ўй урилди. «Наҳотки Нигора бўлса? Ушанда қишлоққа қайтаётганимда у нима девди? Мени ташлаб кетаяспиз, энди сизни ўлдираман, деб пўписа қилувдимиз? Наҳотки Нигора?... Ишониш қийин. Эҳ, Нигора!..» У ёки оғриқдан, ё эзгин хотиралардан инграб юборди. Балки иккисининг ҳам зўридан инграгандир. Ингради-ю, бошини силтаб, тепага қўтарди. Ўша силтаниш асносида юзини улкан харсанг тарафга бурди, кўзлари катта-катта очилиб, ўша тарафга қаттиқроқ тикилди. Хира тортган кўзлари лаҳзалик хиралашидан сўнг яна аниқ-тиниқ кўра бошлади. Гавдаси у ён-бу ёнга лапанглаб, нигоҳи харсанг атрофида тентиради. Нигорани изладими? Авваллига тош ёнбошидан бир одам бошию милтиқнинг учи кўрингандай бўлди ва милтиқ унинг айнан пешонасини мўлжалга олиб тургандек туюлди. Ё Оллоҳ! Наҳотки аввалгиси кам бўлса?! Наҳотки энди нақд пешонасидан отса?! Кейин нима бўлади? Бошининг томи учиб кетадими? Оғрися керак-а? Тавба, нега энди буларни ўйлапти? Анови одам ким? Ростданам Нигорами? У шарпага бошқатдан разм солди. Шунда бош каттара бошлади ва соҳибжамол бир қиз ўрнидан турди. Кўзларини унга ёвузона қадаганча, оғзини баралла очиб, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Кулаверди ва қасосга ўч ёвуз кўзлари унга томон яқинлашаверди. Ана, ўша қаҳри улкан бир жуфт кўз уни ютиб юбормоқчи бўлади. Йўқ, дея ҳайқирди унинг ичида нимадир ва бу ҳайқирёқ беихтиёр тилига ҳам кўчи-да, «йў-ўқ!» дея бақириб, кўлларини силкиганча, кўзларини юмиб олди. Шу лаҳза биқинида кучли оғриқ турди-ю, кучаниб ингради ва биқинидан бутун танасига таралаётган югурик оташ яна бўғзига урилди-да, тагин ўқиб кетди, тили оша лабларига иссиқ қон урилди. Букчайганча нафас олиш илинжида кетма-кет тамшанди ва, тамшана туриб, танасидаги оташ тафтида хиралашган кўзлари рўпарасида жимирлаётган сойнинг тип-тиниқ сувиغا тушди. Сув тўлқинчаларини яққол кўрди ва унинг чайқалиш пайтида пайдо бўлган овози қулоқларига урилди. Шилдираш ҳудди кинолардагидек жаранглаб эшитилди, яна-да кучлироқ акс садо берди. Шунда унинг бўғзига муздек, майин бир нарса урилди-да, ютоқиб нафас олди ва «ғилқ» этиб оғир ютинди. Кўзлари яна ярақлаб очилди ва у ўша томонга талпинди. Иккинчи оёғини ҳам судраб тортаётган пайтда каттароқ тошга қоқилиб, мункиб кетди, ўзини ўнглаш учун бир-икки қадам ташлаб, чап қўли билан бир бор тираниб, йиқилишдан сақланиб қолди.

ЎНГ

Болакай бир шиша винони иккита истикон билан домлага узатди. У бир қўлида «шиша»ни, бир қўлида истиконларни ушлаганча дўкон ёнбошидаги мижозлар учун атайлаб қилинган ёғоч ўриндиқ томонга ўтди. Мутал ҳам дўкондордан тўртга қурут олиб, ошнасига эргашди. Бир-бирларига рўпара ўтирдилар. Мамарасул иккита истиконга вино қуйиб, бирини писандисизлик билан Муталга узатди. У бир қўли билан истиконни оларкан, иккинчи қўлидаги бир жуфт қурутни улфатига узатди:

— Закиска, — деб қўйди тиржайиб.

— Ҳе, овсар, совуқ чойгаям закиска қиладими? — дея тўнғиллади Мамарасул истиконни оғзига олиб бораркан. — Қани!..

Бирин-кетин сипқордилар. Мутал қўлидаги қурутдан бир тишлаб, лабларини чапиллатиб, деди:

— Хотиним айтишича, қурут жуда фойдали нарсайкан. Кўпроқ еб турсанг жиғилдонинг қайнамаскан.

Мамарасул ҳам оғзини чапиллатиб қурут сўраркан, бир нарса эсига тушиб, кўзлари чақнаб, деди:

— Ҳа, айтгандай, Мутал, менга қара!..

Мутал бировга кераклигидан қувонган одам қиёфасида бит кўзлари билан ошнасига қаради.

— Ҳалиги... Кечув бору... сойдаги, — Мамарасул қандай тушунтиришни билмай, чайналди.

— Ўзимизи сойдаги? — дея далда берди Мутал.

— Ҳм-м. Ўша ерда сойди нариги бетидagi ковакка кўзинг тушумовдимиз?

— Қанақа ковак?

— Ковакдақа ковак-да... Манавиндай, — Мамарасул кўллари билан ковакнинг ҳажмини кўрсатди. — Шундоқ сойди қирғоғида.

Мутал анқайганча тураверди.

Унинг башарасига қараб, Мамарасулнинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Кўрмовдингми?

— Йў-ўқ... Нимаиди? — деди Мутал жовдираб.

Мамарасул «Эй-й» деди-ю, винонинг қолганини иккита бўлди-да, бирини ўзи олиб, иккинчисини Муталга имлади.

Индамай ютишди. Сўнг, нафас ростлашди-да, жим ўтирганча қурут ямлашга тушишди. Уларнинг бу ўтириши шундай маъно ҳам аңлатардики, Мамарасул шаробга нафси қонмаганидан ва рўпарасидаги «Хотинбой ака»нинг тенгма-тенг улфатчиликка қурби етмаслигини билганидан ижирганиб, зардали хўрсиниб-хўрсиниб қўяр, Мутал эса яна бирор пиёла уриб қолиш илинжида ҳамшишасига мўлтирарди.

Ахийри Мамарасулнинг чинакамига зардаси қайнаб кетди:

— Сенам бундоқ қуясанми-йўқми, хўй? — деди жеркиб ярми ҳазил-ярми чин оҳангда.

Мутал доимгидек зўраки хафа бўлди:

— Пулим йўқ-да, ошна, пул бўлса-ю...

— Хотининг пул бермаптими?

Мутал тиржайди, ўз бачканалигини кулги билан оқламоқчи бўлди:

— Бугун кечқурун пул оладиган куним, ошна. Эртага қуяман.

— Бўлмаса насияга ол, — дея тўнғиллади ростмана жаҳли чиқа бошлаган Мамарасул.

— Битта қарзим бор-да, насия бермайди.

Мамарасулнинг қовоғи уюлиб, чўнтагини ковледи ва пул чиқариб, Муталга узатди.

— Ма, битта ол...

Мутал яйраб кетди.

— Ҳе, боракансан-у ошна!.. Мен, Худо хоҳласа, эртага эрийман.

У бир шиша вино олиб очди-да, иккала идишга қуйди. Бирини хушомадгўйларча тиржайиб Мамарасулга узатди.

— Қани!..

— Бўлмаса... — дея гап бошлади Мамарасул, энди овозига атайлаб салобат бераркан. — Эртага сойга иккита оборасан. Ўша ерда ўтирамыз. Суяр ҳам борлади.

— Нимага энди сойда? — дея сўради ҳеч нарсага тушунмаган Мутал.

Мамарасул истиконни бўшатиб, қўлида қолган бир дона курутни тишлади.

— Ковакни пойлаймиз. Эрталаб ўша ковакка нимадир кириб кетувди. Нималигини илғамай қолдим...

— Бир ҳисобда у жой ҳам яхши, — деди Мутал бўш қолган идишларга шароб қуяркан. — Тоза ҳавода би-ир маза қилиб келамиз, а?..

Атрофни гира-шира қоронғулик чулғай бошлади. Мамарасул мана шу манзарани жуда ёмон кўради, яъни кеч куз ва кишининг шом маҳалини ёқтирмайди. Айниқса, қишлоқда. Шундоқ ҳам ҳаммаёқ қоронғуга ўхшайди: дарахтлар япроқсиз — қоп-қора, ер ёғин-сочиндан қорайган, осмон ҳам тунд, янада яйдоқлашган қишлоқнинг игнаги изғиринларидан одамларнинг юзлари-да қорайиб кетгандек туюлади. Тағин бунинг устига бутун борлиқни зулмат қопласа — чидаш мумкинми? Бундан Мамарасулнинг юраги увишиб кетарди...

Шаробнинг қолган-тоқганини ҳам ичишгач, Мамарасул ўрнидан турди. Энди ошқозони ёқимли «куй» чала бошлаган, томоғида ачимсиқ бир таъм пайдо бўлгандики, бу ҳам ўзига хуш ёқар. Бошини мастона бир жимирлаш аллалар ва у ўзининг мана шу ҳолатига аксил таъсир қилувчи ҳар қандай нарсадан эҳтиёт бўлишга ҳаракат қилар, ҳаттоки шуурининг аллақериди ўша нохуш нарсанинг рўпая келишидан беихтиёр ҳадиксираб ҳам кўярди. Ҳозирги энг ширин орзуси — ошқозоннинг мана шу куйи остида, томоғидидаги иштаҳани қитиқловчи таъм таъсирида ва асосийси, ўзида пайдо бўлган хуш кайфият билан хотини тайёрлаган, қандайдир ном билан аталувчи, аслида номига номуносиб қуюқми-сууюқми овқатни тезроқ еб олиш эди. Шу иштаҳа билан овқатни еб олса, кайфияти янада кўтариларди. Кейин...

Мамарасул ҳамшишаси билан номигагина хўшлашди:

— Бўпти, эртанимиз ўнларда кўришамиз.

Бугун ҳам ўз रिқиқ-насибасини тоганидан хурсанд бўлган кайфи тароқ Мутал «бўпти-бўпти» деди-ю, шипиллаганича уйига жўнади.

Мамарасул гузардан бир чақиримча наригача чўзилган асфальт йўлдан бораркан, совқотмаётган бўлса ҳам қўлларини костюмининг чўнтагига солиб, ўз одатига қўнишиб олди. Ишқилиб бугун чироқ ўчмасин-да, деган фикр ўтди хаёлидан ва беихтиёр атрофга аланглади. Уйлариинг дарчаларида ўйнаган қизғиш ёруғларни кўриб, кўнгли таскинланди. Ҳозир уйга киради-ю, мазза қилиб овқатланади, сўнг хотинига бугун болаларни эрталоқ ётқизгин, дея шипшийдди. Бу гапни мастона жилмайиб айтади, хотини ҳам «Ҳе, суйилмай ўлинг!» — дейди-да, ёқимли жилмаяди. Жуда чиройли жилмаяди, худди келинлик пайтларидагидек жилмаяди. Агар чироқ ўчмаса, уйнинг совуқлиги унча биланмайди, ҳар ҳолда сандал бор, ювиниб бўлгач, сандалга кирсанг, бир пасда исийсан. Қишлоқда совуқ пайтлари пайдо бўладиган энг катта муаммо — ювиниб олиш. У шу гапларни хаёлидан ўтказди-ю, ёқасини бироз кўтариб, ўз танасини ҳидлади. Сасиб кетмадими ишқилиб? Шу гап хаёлидан ўтганиданми, бурнига ёқимсиз ҳид урилгандай бўлди. Беихтиёр четга қайрилди-да, томоқ қоқиб, ёнбошга туғлади. Бу юришда сасиб ҳам кетасан-да! Газ бўлмаса, чироқ дегани ҳар куни ўчаверса. Ишқилиб бугун ўчмасин-да. Баҳона-да ҳар тугул ювиниб ҳам оларди.

У дарвозадан кириб, чироқ чарақлаб ёниб турганини кўриб, кўнгли ёришди. Бир-икки томоқ кўриб, айвонга кўтарилди. оёқ кийимини ечаркан, уй эшигини очди. Тўрт боласию хотини сандал атрофида тизилшиб олиб, овқат ичишарди. У юзи гул-гул очилиб, жилмайиб кириб келди.

— Қалай, лашкарим, яхши ўтирибсанларми? — дея ҳазиллашди овози жаранглаб.

Болалари юзларига ҳам табассум балқиди. Кенжатоё ўғли тўрға чиқиб олган эди. Даласи киргач, жойни бўшатмоқчи бўлди, лекин Мамарасул қўймади:

— Қимиллама, иккаламиз ўтирамыз.

— Яхши, овқатиз совмай келдиз, — деди хотини бўшаган косасини сандал устига қўяркан.

Ҳозир Мамарасул фарзанлари билан тўлиб-тошиб сўйлашгиси келди. Аммо, соқов — нима десин?

— Мактабам бошланай дедими, ахир пахтаям тугади-ю? — деб юборди беихтиёр қизига қараб.

— Билмадим, — деб қўйди қизи секингина.

Қизининг гап оҳангидан у мулзам бўлди, ахир, домла бўла туриб ўқиш қачон бошланишини сен билмайсан-у, бу қаёқдан билсин, деган гап ўтди хаёлидан. Лекин бу ҳолатни билингирмади.

— Бугун молди боқдингларми, Асилбек? — дея сўради катта ўғлидан.

— Ҳмм... — деди ўғли бошини силкиб.

Хотини бир коса шўрва олиб кириб, унга узатди ва:

— Қалампири ичида, — деб қўйди изоҳ бергандай.

— Ҳе, яхасин!.. — Мамарасул овқатни кўрпанинг нотекислигидан ўйдим-чуқур бўлиб турган

сандал устига бир амаллаб ўрнатиб қўйди-да, нон синдирди. — Би-ир шўрваҳўрлик қилайлик-а? — Бир тишлам нонни овқатга солувди ҳамки, «лип» этиб чироқ ўчди. Бутун вужуди титраб кетди, ичидан бир наъра отилиб келдики, хўнграб йиғлаб юборишга сал қолди. Болаларидан истиҳола қилдими, борлиғи силтаниб, «уф» торта олди, холос.

То хотини мойчироқни ёқиб келгунча зулматга чўмган уйда кўзларини юмганча индамай ўтирди. Бояғи асабий силтанишдан қони кўпириб, икки чаккаси лўқиллай бошлади. Томирларида қон юраётганини аниқ ҳис қилгандай бўлди.

Хотини мойчироқни тоқчага қўяркан, гўдранди:

— Улсин-ей, нима бўляпти ўзи? Тинмай ўчади-я савил қолгур!..

Ҳалигина дунёдаги энг ширин таомдай туюлган шўрваси захар-заққумга айланган Мамарасул нонни асабий чайнаркан, сўкиниш оҳангида деди:

— Қишда одам кераймас-да давлатга!..

Шўрвани хўриллатиб ича бошлаган эр орадан бир оз вақт ўтиб, хотинига зимдан назар ташлади.

Хотини мойчироққа орқа қилиб ўтиргани учун юзи аниқ кўринмади-ю, кўзлари йилтиралади. У шу қоронғуликда ҳам бу кўзлардаги мунгни сезгандай бўлди. Энди ундаги ҳалигина жунбушга келган асабийлик ва жаҳлнинг ўрнини ўқинчли алам эгаллади. Қанақа чиройли эди-я хотини! Ҳа-ҳа, жуда чиройли эди. Ҳатто Нигорадан ҳам гўзал эди. Энди эса не аҳволга тушиб қолди. Иссиқроқ юриш илинжида қават-қават алламбало матоҳларга ўраниб олган. Қўлларидан устидан сут, мол ва гўннинг қоришиқ ҳиди келади. Наздида, у ҳатто аёллигини ҳам унутиб қўйгандек. Қачон қарама иш билан овора — гимирлагани-гимирлаган. Даладан келди дегунча ўчоқ бошигаю молнинг тағига юғурлади. Хотини бу аҳволга тушишига у ҳам айбдор эмасми ахир! Одамларга ўхшаб кўпроқ пул топишга ҳаракат қилса бўлмайди!?

Мамарасул шўрванинг сўнгги қултумини жуда қийналиб ичди. Сўнг, орқасидан чўзиб уф тортди. Қўлларини фотиҳа қилгандай юзи томонга бир силтади-да, кучаниб ўрнидан турди.

— Эртага гўзая беришаркан, — деди хотини писанда қилгандай.

У тик турган кўйи жеркиди:

— Нима қилай?

— Эртага дам олиш кунийиз, бориб ўзингиз олармикинсиз девдим-да. Биласиз-у, роса талаш бўлади.

— Ўзинг боравер! Эртага мени ишим бор, — дея тўнгиллади-да, эшикка юрди.

Хотини дийдиёсини бошлади:

— Бирон тузукроқ иш қилса кошкийди. Болаларга апанди айтишдан бошқа иши йўғу!..

Мамарасул эшикни тарақлатиб ёпиб, ташқарига чиқиб кетди.

Хотини алам билан сандал четига мушт соларкан, йиғламсираб гудранди:

— Ер ютсин сендақа эрни!.. — У ҳозир сандал устидаги идишларни синдириб юборишга тайёр эди, у мўлтираб ўтирган болаларига ўшқирди. — Сенларам ёт энди, эртага ташвиш тўлиб ётибди!

Мамарасул айвондан тушиб, атрофга тикилди, бағрини тўлдириб нафас олди. Нафасини кўксига ушлаб турди-да, кескин чиқарди. Бағри ҳийла юмшагандай бўлди. Кафтига нос солиб, тили остига ташлади. Тили билан қаттиқ-қаттиқ эзса ҳам негалир ҳозир носнинг аччиқлиги билинмади.

ТУШ

У йиқилмади. Букчайганча тураркан, оғриқдан ингранди. Юмуқ кўзларини очиш асносида яна ортига — улкан тош томонга ўгирилди. Хира тортган нигоҳи билан ҳалигина қаҳқаҳа отаётган ваҳимали каллани, тўғрироғи, юзини, янада аникроғи, Нигорани излади. Лекин энди у йўқ эди, аммо даҳшатли кулгуси қаерларандир элас-элас эшитилгандек бўларди. Наҳотки Нигора отган бўлса?! Ушанда наҳотки рост айтганди? Унда, шу қизнинг кўлидан нима ҳам келарди, дея писанд қилмаганди, айтган гапларини ўшандаёқ унутиб юборганди. Демак, у ҳазиллашмаган, демак, шунча йил давомда пайт пойлаб яшаган. Ҳа-ҳа, фақат пайт пойлаган. Бўлмаса, шунча йиллардан бери кўзи тушган бўларди, унга дуч келарди. Лекин бирон марта учратмади. Ушанда қишлоғига қайтди-ю, унутиб юборди. Унутиб юборди?!.. Ростдан-а? Йўқ, ҳеч қачон унутмаган — юрагининг аллақеридга оғриқли бир оҳ ҳамиша яшаб келган. Бироқ, у сезишни истамаган, холос, тўғрироғи, ўша оҳни сезаётганини тан олишни хоҳламаган. Миясининг ҳам қаеридадир «кетаман» деган армонли бир истак ҳар замонда «йилт» этиб қўярди-ю, турмуш ташвишлари чанғалида учиб қолаверарди. Аммо, у қаёққа кетишини билмасди, эҳтимол, бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмагандир. Балки у ўзидан қочмоқчи бўлгандир..

Демак, Нигора отган! Умр йўлининг аллақайси бекатида унга рўпара келган ўша ёқимтойгина қиз ўз сўзида туриб, ниҳоят қасос олган.

Ушанда имтиҳонларни топшириб, диплом ишини ҳам ёқлаб бўлган, ўқув юртининг олди-бердиларидан ҳам кутулиб, ҳужжати қўлига текканди. Мамарасул ётоқхонадаги кўч-кўронларини йиғиштириб, қишлоғига отланганди. Шунда бирдан Нигора пайдо бўлди. Тун бўйи йиғлаганиданми, кўзлари шишиб кетган, кишига маънос боқадди, юзи сўлгин ва гамгин.

— Кетяпсизми? — деди у Мамарасулга ёлворгандай тикилиб.

Йигит кўзларини олиб қочиб, нима биландир машғул бўлаётгандай тутарди ўзини. Чунки у бундай-йин сўроқ-саволлардан безиб кетганди, бир кўнгли қизга ачина-да, ҳатто у билан қолишни истаётган эса-да, нима қилиб бўлса ҳам уни ўзидан йироқлаштиришга уринарди. Аммо, нега шундай қилаётганини ўзи ҳам тузукроқ тушунамас, англамас, фақат қишлоғига кетиши кераклигини аниқ биларди, холос. Унда онаси ҳам ҳаёт эди, ҳар сафар уйга келганида «қайтиб келгин» дея зорланарди. Балки шунинг учун қишлоққа ошиқармиди?..

— Сиздан сўраялман, эй! — дея жеркиди энди зардаси қайнаган Нигора.

— Ҳм-м...

Йигит гудраниб, жим қолди, нигоҳини яширди.

— Менга қаранг, Расул ака! Ахир институтда қололмаганлар қанча. Сизни бўлса олиб қолишмоқчи. — Қиз унга яқинлашиб, уйчан кўзлари билан унинг нигоҳини таъқиб қила бошлади. — Қолинг, ахир!.. Қола қолинг, Расул ака!

— Иложи йўқ!

— Мен-чи?!

— Хоҳласангиз мен билан кетасиз, хоҳламасангиз!..

Қизнинг кўзларига ёш тўлди. Асабий титради, овози бўғилиб, деди:

— Яшолмайман!.. Яшолмайман ўша киндик-ковагингизда, яшолмайман!.. Сизга рўпара қилган тақдирга минг лаянат!..

У кўзлари билан юзини тўсиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Йигит бу гапларни аввал ҳам эшитганди, шунинг учун унчалик таъсирланмади. Индамай ерга қараб тураверди.

Кўзёш тўкаётган Нигора йигитга бирров қарали-ю, бирдан қадини кўтарди, шиддат билан ёноқларини сидирди, унга мардона тикилди. Қорачиқлари ёвузона чақнади.

— Демак, бу ерда қолмайсиз-а?

Мамарасул бош силкиди.

— Унда мен сизни ўлдираман! Эсингизда бўлсин, барибир ўлдираман!..

Қиз жаҳл билан бурилиб, чиқиб кетди.

Ушанда қизнинг бу гапларига парво қилмаганди, демак, у ҳазиллашмаган экан. Мана, отди, айтганини қилди. Энди у ўлади. Мана бу тошлар устига ҳозироқ қулайди-ю, жон беради. Фақат... Фақат, қанийди ҳозир Нигорани бир кўрса, гўзал чехрасига тикилса, охири марта унинг сочларини силаса. Нигора чиндан ҳам жуда гўзал эди. Нега унинг қадрига етмади-я?!..

Унинг кўзлари тинди, оғриқдан ингранди. Бир лаҳза кўзларини юмиб, яна ёнбошга оғаётганини сездди. Энди боягина, бир кўришни истаётгани, соғингани — Нигоранинг ёди ва хуруж қила бошлаган оғриқдан сўнг хира парда ортига инган сиймоси ғашини келтириб, уни ёмон кўра бошлади. Ёнбошга оғиб бораркан, кўзлари ичига ботиб, унга милтиқ ўқталиб, йўқ-йўқ, еб юборғудай ўқрайиб қараб турган қизни болохонадор қилиб сўқди. Овозини фақатгина ўзи эшитди ва ўша сўкиш ортидан ҳижжа-лаб «қанн-жиққ» деб ҳам қўйди. Худди шу пайт кўзлари ўз-ўзидан очилиб кетди, тўғрироғи, ўзи шуни истадики, ҳар ҳолда улар очилди. Қарасаки, шўрлигига ўзи ҳам бутунлай амин бўлган пешонаси тухумсимон тошларга етиб қолибди. Агар яна бир-икки сония шундай турса, калласи урилиши аниқ. У бошини орқага улоқтирди-да, «Оҳ-ҳ!» — дея ҳайқириб юборди ва мувозанатини йўқотиб, орқа томонига довдираб кетди.

Атрофда йилт этган чироқ йўқ. Сунъий ёруғлар бўлмаса, ҳалигина зимистон кўринган дунё ойдинлашиб кетаркан. Ана, тун кўйнидаги ҳамма нарсаларни илғаш мумкин. Осмон ҳам оқариб кўрилади ва димикқан кўнглиларга ойдинлик илингандай нигоҳларга оқиб қиради. Лекин, тунги аёз ўз билганидан қолмайди — бурун коваларию киприklar ости ва қулоқларнинг ичига кезиниб, ачиштиради. Ҳали совқотиб улгурмагани босис тоза ҳавога чиқиб топган ҳузурдан кўксиз энтикади. Оғзида нос бўлганидан лабларини қаттиқ қимтиб, бурнидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Сўнг, анча «пишиб» қолган носни яйраб-яйраб ёнбошига туфлади. Қўлларини икки тарафга кериб, худди жисмоний машқ бажараётгандай, қайта-қайта силтди. Шу пайт ҳали кўнглига тугиб кўйган нияти эсига келди-да, қўллари ўз-ўзидан шалвиради, кайфияти баттар тушиб кетди. У бу кеч, агар чироқ ўчмаса, неча кунлардан бери вужудини ёндираётган оловни ўчирмоқчи эди. Хотинини жуда-жуда соғинганди. Эндигина ростмана эркак ёшига етиб, қуввати қонларига урган Мамарасулнинг кейинги кунлардаги бирдан-бир орузси хотинини бағрига босиб ётиш эди. У қачонлардан буён ўз ёртисини кучоқламай қўйганди, аниқроғи кучолмай қолганди. Бунга бир томони совуқ сабаб бўлиб, бола-чақалар билан бир уйга қамалиб (агар ётоқларини алоҳида қилишни истасалар, бу уйга ҳам сандал ёки печка қуришга тўғри келади. Бу эса яна кўшимча ўтин сарф қилинади, дегани) қолишгани бўлса, иккинчидан, ҳар кеч чироқ ўчаверганидан, кўппаб юмушлари электр қувватига суяниб қолган бу қишлоқ оила иссиқ суву ёруғликдан ҳам маҳрум эдилар. Қиз буй етиб қолган уйда хотинга яқинлашиб туғул унга бошқачароқ қараб ҳам бўлмасди.

Мамарасул яна ниятига етолмаслигидан оғринди, қизиган қони ҳарорати тилига урди-ю, эшитилар-эшитилмас сўкинди, ғазаб билан ёнига туфлади: «Минг лаънат бунақа ҳаётга!» Йўқ-йўқ, аслида бунақа демеди, аниқроғи, шунга ўхшаш маънодаги фикр хаёлидан ўтди. Утди-да, бундан ҳам баттароқ ўйлар миёсига келишидан чўнчимди, тез-тез юриб уйга кирди. Хотинию болалари аллақачон кўрпага бурканиб олишганди. Мойчироқ эса хира милтиллайти. У чироқни янада пасайтириб, ўз ўрнига — сандалнинг бир томонига ўтиб ўтирди. Қўллари билан пайпаслаб болишу тўшақларни тузатган бўлди. Ҳатто костюмини ҳам ечмай, сандалга кирди, ўнг ёнбоши билан ётди. Бир оздан сўнг, уқолмаслигини сезиб, ағдарилди-да, чалқанча ётди. Аммо чап ёнига ўтиролмасди, унда юзи сандалнинг иссиғига тўғри бўлиб, орқаси очилиб қоларди. Сандалда ётишни ўзига хослиги шундаки, қўлай бўлишини истаган одам фақатгина бир ёнбоши билан ёта олади. У яна ўнг ёнбошига ўтирилди. Юрак уришини аниқ-тиниқ эшита бошлади, томирлари гупилади. Чуқур уҳ тортди... Ҳа, ҳали ўйлаганидек, хотини жуда қиройли эди. Уйланганидан кейин уч-тўрт йил ўтганда ҳам Мамарасул у ёққа юрса ҳам, бу ёққа юрса ҳам хотинига бир тегиниб ўтарди. Тўймасди-да... Ҳа, ушунда тўнғич фарзандлари эндигина уч ёшга кирганди. Ёз пайти. Гўдак салқиндаги беланчақда пишиллаб ухлайди. Кампир онаси ҳам қаёққадир чиққан. Улар, эр-хотин, томорқадаги маккажўхорини ўришарди. Хотинининг эғнидаги юпқа қўйлак терда яниб, танасига ёпишган, ҳар бир бўғини лорсиллайди. Иш билан бўлиб, кўкрагининг ярми очилиб қолганини ҳам сезмайди. Унинг юзюни оппоқ кўксидан реза-реза тер оқиб, йилтирайди. Мамарасул ўзини тутиб туролмасди, қўлидаги ўроқни улоқтириб, хотинига ёпишиб, хотинининг томонга олиб кериб, ерга босди. Хотини ҳам кулар, ҳам астойдил қаршилиқ қиларди. «Вой, аптингиз курсин, биров кўрса-нетса нима дейди?!» — дея, эрини шаштидан туширишга уринарди. Лекин эр кутурган шер кепатасига кирган, ютоқиб ўпаётганда хотинининг танасигаги тер лабларига урилиб, унинг шўр таъминдан баттар жазавога тушарди. Хотинининг қаршилиқ кўрсатиб кучаниши аста-секин ҳузурли энтикишга айланди.

Мамарасул кафтларини жуфтлаб, оёқлари орасига қисди-да, ғужанак бўлиб, уйкуга кетди. Сандалнинг тунда солинган чўғи саҳарга яқин ўчиб, аксирганча уйғониб кетди. Тонг уйкуси ширин-да, кўзлари юмилган кўйи, асаб толаларининг аллақайси ҳужайралари ором қўйнидан чиқа олмай мудраётган бўлса, баъзи бирлари совуқ заботига дош беролмай, бедор бўлиб, вужудини титратарди. У кўрпага маҳкам бурканиб олган, лекин сандал ичидан урилган совуқ, ҳеч наса ёпилмаган ва ёпиш иложи бўлмаган белини қақшатарди. У эса бунга парво қилмасликка уринарди, қолаверса, маълум муддат чидаса бас, ҳадемай хотини туради-да, сандалга яна чўғ тайёрлаб солади.

Анчагача буралиб-эшилиб ётди, охири чидолмади, кўрпани қадириб, ўрнидан туриб ўтирди. Ҳам уйга, ҳам тўйга, кўнликкан ва ҳатто манавинақа совуқ тунларда ётоқ кийимига ҳам айланган қадрдон костюмининг чўнтагидан шилчасини олиб, тили остига нос ташлади. Ташладую шу ишни чакки қилганини англади, чўнки кеча кун бўйи чекилган нос касофатидан, тун бўйи на табиий ва на сунъий тозаловсиз қолган оғзида ёқимсиз хид, шилимшиқ бир таъм пайдо бўлган эдики, буниси оғиз шўрликни буткул қўланса қилиб юборди.

Мамарасул бу ёқимсизликдан халос бўлиш ниятида ташқарига чиқишни мўлжал қилаётганида, сандалнинг нариги ёнида кичик ўғли билан ётган хотини ҳам кўзгалди. Ўрнидан туриб ўтираркан, уйку ичида бошидан тушиб кетган рўмолини пайпаслаб излади. Топгач, бошига танғиди. Сўнг, туриб, эри ортидан айвонга чиқди. Мамарасул айвон четига турволиб, ҳадеб томоқ қириб, нос туфларди.

— Чироқ ҳалиям ёнмапти-ю? — дея гўлдиради ҳовли томонга ўтиб бораётган хотини.

— Ҳе, онасини бу чироқларним!.. — деди Мамарасул нигоҳи билан қўл ювадиган кўрани излаб. — Сандалга тезроқ ўт қил, совқотдим.

Мамарасул бурнидан чуқур бир нафас олди-да, қўлларини у ёқ-бу ёққа силтаб, «эшшак» устидаги пақирдан кўрага сув куйди. Ҳовли саҳнининг чеккароғига бориб аввал қўлларини ювди, сўнг, оғзига сув олиб, фарғара қилди. Сув жула совуқ эди — озиқ тишлари зирқираб кетди. Сувни туфлаб, тилини коваллаган тишларига бир пас босиб турди. Оғриб қолмаса бўлди, деган гап ўтди хаёлидан. У эрталаблари ҳамиша совуқ сувда оғиз чайишдан сақланади, тишини эҳтиёт қилади-да. Ҳозир эса сувни илтиволай деса, чироқ ўчган, ҳам оғзидаги ёқимсиз таъмдан тезроқ халос бўлгиси келди. Шунинг учун апила-тапил юзини ювиб, томоқ қириб, қайта-қайта туфлади-да, хотини гуриллатиб олов қалаган ўчоқ бошига келди. Олов ёнига чўнкайиб, кафтларини оловга тутди, қоп-қора ўчоққа ва мўри ичида янада қизариб кўринган, буралиб-буралиб тепага ўрлаётган аланга тилига тикилди. Оловга бироз тикилсангиз, ҳатто у ҳажман кичик бўлса ҳам, ваҳимали кўрина бошлайди. У одамни ўзига тортади, ютиб юборадигандек туюлади. Оловнинг жодуси бор, одамни сеҳрлаб қўяди. Эҳтимол қадимги одамларнинг унга сифинишгани шундандир...

— Совуғу-а? — деди у юз-кўзи олов тафтида қизишидан ҳузурланиб.

Хотин индамади. Сув тўла човғунни ичкарироқ суриб, гўзапояннинг ёнмай қолган ва ўчоқнинг олдигоғида сочилиб ётган илдиэларини қўли билан олов қаърига иргитди.

Аслида Мамарасул ҳам ўз гапидан хотинидан жавоб кўрмаганди, шунинг учун бундан аччиқланмади. Ўрнидан туриб, тиззаларини уқалади. Оловда қизиган шими танасига тегиб, хуш ёқди.

— Тезроқ сандалга ўт сол, мен ухлайман, — деди хотинига тўнғиллаб.

— Вой, ғўзапояни ким олади? — дея бидиллай кетди хотини. — Ахир бугун ғўзапоя берилди-я! Ё хотин бошим билан мен борайми?!

— Сайрама-ей!.. Ғўзапояга бари хотинлар боратта. — Кейин билинар-билинемас жилмайди. — Ғўзапоя ўзи хотинларга керай-да...

Хотини нимадир деб гудранди, лекин у парво қилмади-да, уйга кириб кетди. Сандалга оёғини тикиши билан унинг жудаям совуқ эканлигини ҳис қилди. Аммо, чидашдан ўзга чораси йўқ, хотини чўғ олиб киргунича тақдирга тан бериши керак. У бошини болишга қўйиб, кўрпага бурканди. Шу пайт яна тиши зирқирай бошлади. Тишининг ковагига тилини бошли, оғрик ҳийла босилгандай туюлди. Бу ковак тишни олдириб қутиламам шекилли, дея ўйлади у, ҳарҳолда бир ҳафсала қилиб, туман марказига тушиб чиқса ёмон бўлмасди. Тиши коваги ҳаёлига келиши билан сой бўйидаги ковак ҳам эсига тушди. У қизталок қанақа ўйиқ экан-а? Бирон махлуқ уясимкин? Бугун албатта аниқлайди. Суяр ва Мутал билан келишиб қўйди-ку, ахир. Тавба, нега энди ўша савилга қизиқиб қолди? Ковак бўлса нима қипти, шунгаёта ота гўри қозихонами? Ҳали уччаласи бориб, ўша ерда тикилишиб ўтиралими? Ё тавба, худди бошқа иш қуриб кетгандай?!

Мамарасул тиши ёриғига тилини қайта-қайта тикаверганидан оғриғи хиёл босилгандек туюлувди, энди бўлса, чим-чим қилиб жонини ола бошлади. У безиллаб тўлгонди. Хотини сандалга чўғ солиши билан бошини кўрпа ичига олиб, юзини ловуллаб турган ҳидига тутди. Бу бугун танасию тишларига ҳам хуш ёқди. Ҳеч қанча ўтмай, тиши безиллаши тўхтаб, ҳузурбахш иссиқдан роҳатланаётган танасига қўшилиб, мижджаларига оғирлашди-да, уйқу элитди. Миясини ором олиши учун монелик қилган ҳамма нарсани унутаркан, қароглари ичра хира парда ортдан Нигоранинг чеҳраси чиқиб келди. Ана, унинг титроқ лабларида жон олгувчи ўша нозли табассум жилва қилади.

— Нигора!.. Жо-он, Нигорим! Кел, бир бор бағримга босай. Сени жуда-жуда соғинганман, Нигор!

Қизнинг гул-гул очилиб турган чеҳраси бирдан қаҳрли тус олди. Кўзлари чақнаб, ёвузларча қаҳқаҳа отди.

— Сиз ёлғончисиз! Сиз мени барибир ташлаб кетасиз. Сиз мени севмайсиз, ҳа-ҳа, севмайсиз! Сиз ёлғончисиз! Ёл-ғон-чи-и-и!

Қизнинг ўзи ҳам, овози ҳам узоқлаша бошлади. Мамарасул бунга парво қилмасди, у вужудига инаётган ёқимли ҳаловатдан мастона бўлиб, таърифсиз бир ором қўйнига кириб борарди...

— Расул!.. Ҳов, Расул!..

Мамарасул ўшқриқдай эшитилган дағал овоздан уйғониб кетди. Кўзларини очиб, шифтга тикилганча ташқарига кулоқ солди.

— Мамарасул!..

У эринибгина кўзғалиб, ўрнидан турди. Тик турганча керишиб, юзини қўллари билан бир-икки ишқалади, сочини тўғрилаган бўлди. Уй эшигидан чиқиб, қўлида халта тутиб, бўзрайиб турган Муталга рўпара бўлди.

— Ҳа, ке, дўстим, — деди у шу маҳалгача ухлаганидан хижолат бўлиб, Муталдан кўзини обқочаркан.

— Шунақа кўп ухлайсанми, вей? — Мутал унга томон бир-икки қадам ташлаб, сўрашиш учун қўл узатди.

Мамарасул юз-қўлини ювмагани учун оғайнисига кафтини бермай, билагини тутиб қўя қолди. Бу одоб таомилдан боҳабар бўлган Мутал ҳам унга парво қилмади-да, одатига кўра яна гапни хотинидан бошлади:

— Хотиним мени саҳардайла турғизворайди. Шунча ялинсамам ухлатмайди. — Кейин у ёқ-бу ёққа аланглади. — Болларинг қани?

Апил-тапил ювинган Мамарасул айвон устунига илинган эски сочиқни олиб артинаркан, димоғи-да гапирётгандек гўлдиради:

— Далага кетишгандир-да.

— Соат ўндан ўтди, ахир. Сойга тушамизми?

— Ҳм-м... — деди Мамарасул бирпас боши қотгандек туриб, сўнг Муталнинг қўлидаги халтага бирров қараб қўяркан. Бу унинг, «сен нима олдинг-у, мен нима олволай? — дея сўрагани эди.

Мутал ҳам буни пайқайди-да, дарров изоҳ бериб қўя қолди:

— Мен иккита виноминан тузланган бодринг олволдим. Хотиним берди. Сен иккита нон олволақа.

Мамарасул худди мана шундан қўрқиб турувди, яъни ҳозирги замон одами ўз уйидан ҳар нарсани чиқарса чиқарадики, нонни авайлайди. Чунки ун ҳам қиммат, ҳам танқисроқ. Ун топсанг — пул бўлмасди, пул топсанг, дўконларда ун қуриб кетарди. Бола-чақали хонадонларда эса, ҳар не бўлса-да, нон туриши керак. Мамарасул ичида худди шу нарсадан безилаётганди, лекин уни ташига чиқармади. Уйга кириб, тегирмонда тортилган ундан қилинган иккита қоп-қора нон олиб чиқиб, Муталнинг халтасига солди.

Улар ваъдага мувофиқ йўл-йўлакай Суярни ҳам чақирди. Суяр тракторчи анчадан бери уйда сақлаб юргани иккита винони қоғоз халтага солиб, яқинда ҳовлисидан узган анорларнинг ёрилганларидан ҳам уч-тўртта олди-да, шерикларига қўшилди.

— Пиялаям олвол, эсдан чиқибди, — деди унга Мутал кўчага чиққач.

Суяр иккита пиёлаям обчикди.

— Бугун кун ҳийла исияпти-а? — деди Суяр, маза қилиб дам олишни ўйлаганидан танаси яйраб.

— Сой бўйи барибир совуқ бўлади, — дея гап қўшди Мутал.

Иккаласи бараварига Мамарасулга қарашди, унинг хоҳишини билишга уринишди.

Лекин Мамарасул индамай бораверди, гўё чуқур ҳаёлга чўмган эди.

— Аши ковакка нима кириб кетувди ўзи? — дея сўради энди Мутал уни гапга солишга уриниб.

— Билмадим. — Мамарасул яна индамай қолди.

Энди Суяр гапга қўшилди:

— Қора тошти устида ўтирамизми, Расул ака?

— Ашер обтовшулароқ-да...

Сойга туша бошлаши билан юзларига совуқ ҳаво урилиб, этлари бир оз жунжикди.

— Қани, қаерда аши ковак? — дея сўради Суяр сойнинг нариги бетига тикиларкан.

Мамарасул ҳам қаламини секинлатиб, ўша ёққа қаради, нигоҳи билан қадрдон ковакни излади.

— Ҳов, ана, — деди сўнг қўли билан кўрсатиб, — иккита синган шох турбиди-ю, ашини тагида.

— Ҳа, кўрдим. Ҳаҳ, бу тулкини яси-да, ака, — дея билагонлик қилди Суяр.

— Тулкиникимас. Сой суви кўпайса, кўмиб кетади-ку. Тулки сен ўйлаганчалик аҳмоқмас.

— Каламушники бўлса керак, — деб қўйди Мутал ҳам, нимадир дейиши кераклиги учун.

— Ҳа, майли, олдин жой қилайлик, кейин бу дардисар ҳақида гаплашамиз, — Мамарасул шундай дея улкан тош томонга ишора қилди.

Ҳаммалари ўша ёққа юришди. Қўлларидаги нарсаларини қулайроқ жойга қўйишиб, тепадаги шуд-гордан ғўзапоя қолишга тушишди. Чунки тош усти ўтиришга совуқлик қиларди. Бир боғдан ғўзапоя олиб келишди-да, қўлбола тўшак тайёрлашди. Сўнг, ёш болалардай қий-чув қилишиб, кечув орқали сойнинг нариги бетига — ковакни кўзда кечиргани ўтишди.

Атрофини شوху бута ва қаттиқ ўт-ўланлар қоплаган ковакнинг ҳечам сирли жойи йўқ эди. Оғзи пақир оғзидек келар, ичи қоп-қоронғи бўлганидан қўл тиқиб кўришга бировнинг юраги бетламасди.

Суяр شوху буталарни қайириб, баъзиларини синдириб, ковак оғзини бемалолроқ кўрадиган қилди-да, яқин бориб энгашиш ва бир оз тикилиб турди.

— Йўқ, бу тулқиниям, келамушнияим уясимас, — деди сўнг ортига қайтаркан.

Бу гап Мамарасулнинг қулоғига элас-элас эшитилди. Ковакка тикилиб тураркан, негадир уни хаёл олиб қочди. Ғўзапоя олгани бораверганим дурустмиди, деб ўйлади у, ўйларкан, кўксининг аллақасерида санчиқ турганини сезди. Ковак томоша қилгани бало бормиди?! Хотин-бола-чақага жавр қилиб!.. Ғўзапоя олишдимикин ишқилиб?..

— Эй-й, бу баҳорда пайдо бўлган ковак, — Муталнинг овози ҳам узоқ-узоқдан эшитилаётгандек эди. — Сув қўпайганда ўпирилган-да.

Унинг жаврашига ҳеч ким эътибор бермади ва ўзи ҳам анчайин мантиқсиз гап айтганини пайқадими, изза бўлганини билингирмасликка уришиб, деди: — Бўлди-да энди! Нима, бошқа эрмак йўқми?..

Улар бир-бирларига ҳазил қила-қила, сойнинг бериги соҳилига қайтиб ўтишди...

ТУШ

Ортига довдираб бир-икки қадам ташлади-ю, тагин йиқилмади. Оёқларини икки тарафга кериб, гавдасини тик тутиб, туриб қолди. Ё биқинидаги оғриқдан ёки анча кучсиланган бўйни тобора оғирлашиб бораётган бошини кўтаролмаганидан боши ортига оғиб, сал бўлмаса куракларига тегиб қолаёзди. Бўйин пайларга таранг тортишиб, бўртиб кетди. Ҳали гавдасини ростлаётганда омилган кўзлари, боши ортига қийшайиб бораркан, очила бошлади. Ва ниҳоят боши сўнгги нуқтасигача етганда, кўзлари йилтиллаб, осмонга боқиб турарди. Осмон тип-тиниқ, мовий эди. Фақат у ер-бу ерда йирик-йирик оппоқ булутлар сузиб юрар ва шу асно улар таранглашиб, гўё чоклари ситилаётган оқ чойшабдек, кичик-кичик сонсиз бўлақларга ажраларди. Шунингдек, булут увадалари ораларида пайдо бўлган ёриқлар, у ҳалигина юзтубан йиқилиши мумкин бўлган соҳилдаги тошлоқни эслатарди. Булут бўлақлари турли шаклдаги оқ тошларга ўхшарди. Энди унинг бошига ана ўша булутлари парчаланган осмон қулай бошлади. Кўзлари тиниб, нафас ололмай қолди, ютинишга уринганиди, урдасидан чиқолмади. Тобора бўғилиб бораркан, боши ҳамон ортига оғиб турганини сезди ва бу аҳволда умуман ютиниб бўлмаслигини тушуниб, бошини кўтаришга чоғланди. Лекин биринчи ва иккинчи уринишда ҳам эпплотмади. Учинчи бор ҳаракат қилганда кўзлари ва лаблари қаттиқ қимтиниб, юзи қизарди, бўйин пайлари бўртиб кетди. Нима бўлганда ҳам бошини кўтарди, гавдаси шалвираб, ҳузур билан ютинди ва кўзларини очди. Рўпарасида шалдираб оқаётган сой, кўзлари ҳали тиниқ кўра олмаганидан ялтироқ оқиш бир пардага ўхшаб кўринди. Бир оз тикилиб тургач, жимирлаётган сувни аниқ илғади ва...

Сойнинг нариги бетига, бу томонда қараганда кечувнинг чапроғида, сув ўпирган қирғоқдаги илдиздан кўкариб чиқиб, пастга эгилганча тарвақайлаган дарахт шоҳлари панасида бир аёл ювинарди. Аёл, чамаси, дарахт панасида турганлигига қаттиқ ишонарди шекилли, устидаги қўйлагини ечиб ташлаган, ички кийимини ҳам қарийб белигача кўтариб олганди. Сочлари юзини ёпмоққа уришиб, кўкраклари узра тўлғонарди. У ўнг эғини хиёл олдинга қўйиб, тиззасини букканча, икки қўли билан оппоқ, лорсиллаган сонини ишқаларди. Аёл атрофига, аниқроғи, бировнинг келиб ёки кўриб қолиши мумкинлигига парво ҳам қилмасди.

Яна унинг кўзлари тинди. Уларни қаттиқ юмиб, бироз турди-да, қайта очди. Рўпарасидаги аёл ҳамон ювинарди. Унинг қонида бир олов уйғондими, бутун танаси қизиб, вужуди жунбушга кела бошлади. Жуда-жуда аёлга яқинлашгиси келди.

— Ким бўлди бу аёл?!..

ЎНГ

Ҳаш-паш дегунча биринчи шишани бўшатишди. Ошқозонлари «тахир сув» киргач, ҳеч қанча ўтмай жизиллаб ачиша бошлади. Энди кўлга нима илинса оғизга тикадилар, нафс хуружини даф қилмоққа уринадилар. Эрталаб нонушта қилишмагани боисми ёки тегирмон унидан қилинган қора нон ва тузланган бодринг ростанам мазалимиди, шоша-пиша ямлай бошладилар. Кейинги пайтларда қишлоқ аҳли ўзи шунақа бўлиб қолди — дастурхонга нима қўйилса қайтаришмайди. Худди биров тортиб оладигандай шошиб-шошиб ейдилар. Авваллари тўй-тўркинларда ноз-неъматлар ортиб қолгувчи эди. Энди эса ҳеч нарса ортмайди. Сахарги ошга аксарият катталар келишарди, ҳозир ёш-яланлар ҳам тизилиб келарди.

— Тирикчилик жа қийин бўп кетяптими-а? — дея луқма ташлади Суяр оғзини тўлдириб нон чайнаркан.

— Тагинам бизга яхши, — насиҳат қилаётгандай бошини силкиб қўйди Мутал. — Мана, Россияда одамлар очидан ўлаётганмиш.

— Обқочманг-ей, ака! — Суяр унга вино тўла пиёла узатаркан, чап қўлини силтаб, қитмирона жилмайди. — Сизга ким айтди шунақа деб-эй?

Муталнинг кўзлари олайиб, жириллади:

— Ўзинг билмаганингдан кейин одамни ёлғончи қима-да. Мен доим хотиним ўз кўзиман ўқиганини гагираман. Буниям газитада ўқибди.

Суяр Мамарасулга маъноли қараб иршайди:

— Бу ўйиззам ҳарп танийсизми, Мутал ака?

— Менга ҳарип танишди нима кераги бор? — Мутал кўкрак кериб, Суярга атайлаб киборли қаради. — Биз хотинга ўқитамиз, ука, хотинга. — Кейин ҳалитдан буён индамай нон ямлаётган Мамарасулга қайрилди. — Сенам гапирсанг-чи, Расул! Ахир сенам ўқимишли, интилигент одамсан-ку, ошна.

Мамарасул пинагини ҳам бузмай, ковак томонга тикилганча, гўлдиради:

— Сиёсатга тоқатим йўқ.

Суяр энди Мамарасулда пиёла узатаркан, яна ҳиринглади:

— Сийсатман ишингиз бўмасаям, секс-пексни биларсиз?

Мамарасул вонини сибириб, оғзига бодринг соларкан, Суярга тикилди:

— Нима деганинг бу?

— Ҳа, энди, домла, си-из илмли одамсиз. Ҳар ҳолда Американи президенти бир қизминан дон олишган экан. энди ўша қиз уни овора қилаётганини биларсиз?

— Кимни?

— Президентди-да.

— Ҳм-м, эшитгандай бўлудим. Ҳар куни чироқ ўчавериб, тилвизорам кўролмаямиз, — Мамарасул Суярга синовчан тикилди. — Ҳай, менга қара. Сен газета ўқймайсан, кечқурун сениям чироғинг ўчаётгандир. Унда бу гапларни қаёқдан биласан-а?

— Ҳе, ака-я!.. Мени радиёолим бор, карнай-радиёолим. Тинмай гапириб туради.

Гапга Мутал аралашди:

— Хўш, энди қиз нима қилмоқчийкан?

— Қайси қиз? — дея сўради Суяр хиёл маст бўлганидан тили буралиб.

— Ҳалиги президентди бошлаётган қиз-да?

— Ҳа, уми... Нима қиларди, пул сўрайди-да.

— Қанча?

— Анча, — дея кесатди Суяр, чунки энди уни бу мавзу зериктира бошлаганди. Шунинг учун гапни бурмоқчи бўлдим, ҳамон ковакка тикилиб турган Мамарасулдан сўради: — Ҳеч нарса чиқмадимми?

— Ҳеч нарса йўқ шекилли...

Ҳамма жим қолди. Анчадан кейин Мамарасул Суярнинг олдига пиёлани ташлади.

— Куй!..

Мамарасул бунисиниям оқ урди, лекин барибир кўнгли ёришавермади. Юрагининг аллақасерида ёнғоқдай бир нарса қаттиқ ботиб тураверди. Тили остига нос ташлади-да, сойнинг қирғоғига суяниб, кўзларини ковакка тикди. Ковакда ҳамон бирон шарпа кўринмас, ҳатто сезилмасди. Мамарасулнинг кўзлари сузила бошлади, винодан кейин чекилган нос одатда қалладан олади. Унинг боши қизиб, сархуш хотирасининг аллақасерида соғинчларга ўралган эҳтирос фимирлай бошлади. Ана, мактабдан қайтаркан, одатдагидек кечувдан ўта бошлади. Унда ҳали ўзининг ҳам, кийим-бошининг ҳам оҳори тўкилиб улгурмаганди, ҳали талабаликнинг шираси анчагина бор эди. У кечувдан ўтаркан, ўнг томонидаги шарпани сездди. Кечувдан сал нарироқда — жар ёқасидаги илдишлардан кўқариб, тарвақайлаб ўсган буталарнинг орқасида ярим яланғоч бир аёл ювинарди. У ичкўйлақда эди ва ўша ичкўйлақ жониворни ҳам то белигача кўтариб олган, ўнг оёғини бир оз олдинга қўйиб, хиёл букканча икки кўллаб оппоқ сонини ишқаларди. Мамарасул турган жойида қотиб қолди. Ҳозир томирларида гўё қон эмас, олов оқарди. Шу пайт аёл ҳам уни сездди, бошини қўтариб унга қаради. У ўзига тошдек қамалиб турган нигоҳдан сесканмади ёки уялмади ҳам, аксинча жон олгучи бир табассум ҳада этиб, ўз юмушида давом этаверди. Энди у ажиб бир шаҳвоний ҳаракатлар билан оёқларини алмаштирди-да, чап сонини ишқалай бошлади.

Мамарасулнинг вужудида титроқ турди, ичида жунбушга келган ўжар бир ҳис уни ўша томонга ундайверди. Худди шу лаҳза аёл унга қайрилди-да, боғи табассум ила чап кўзини қисиб, йигитни ўзига чорлади. Мамарасул оёқ остидаги сувни ҳам унутиб, аёл томонга отилди. Юраги қиндан чиққудай ҳансираб, унинг олдига етиб борди. Юзма-юз бўлдилар. Йигит ҳарир матони ёриб чиқиб кетгудек бўғиқ титраётган безовта кўкракларга тикилиб, энтикди. Аёл эса аввал ўнг кўли, кейин икки кўллаб унинг бошини чангаллаб, сочларини гижимлади ва, бир ҳафта сув ичмаган одамдек, очкўзлик билан лабларини лабларига босди. Йигит уни даст кўтарди-да, юмшоқ ерга элтиб, аста ётқизди. «Мен сизни кутгандим», — деди аёл эҳтироснинг авжида...

Мамарасул энди кўзларини ҳам юмиб олган, вужудида кечаётган ҳузурбахш галаёни фақатгина ўзи билар ва айни пайтда унинг тугашини ҳам истамасди. Унинг кўйида ёнидаги шерикларини ҳам унутганди.

— Ҳов, Расул ака, нима бало, учиб қолдингизми? — Бу Суярнинг овози эди.

Мамарасул истар-истамас кўзларини очди, олис-олислардан қайтиб келди.

— Менга қара, Расул, Африкада умуман нон емайдиган, кийим киймайдиган одамларам бормишми? — дея сўради Мамарасулнинг аҳволидан беҳабар бўлган Мутал.

Мамарасул кўз қири билан ковакка қаради.

— Ҳеч нарса кўринмадимми? — дея сўради паст овозда.

Унинг сўроғини Суяр тушуниб, «йўқ» деб қўйди секингина.

Энди Мамарасул Муталга ўтирилди.

— Сенга ким айтди?

— Нимани? — деди аллақачон ўз гапидан қалғиб бўлган Мутал.

— Нон емайдиган одамларни-да.

— Ҳа, уларними? Хотиним айтди-да. Шу рост гапми ўзи?

— Рост, — деди Мамарасул домлалиги тутганидан жиддийлашиб. — Нон емаслигу кийим киймаслигини қўйгин-у, улар ҳатто сув остига тушиб, ҳафталаб ўтираверишлари ҳам мумкин.

— Ол-а, бўғилиб ўлади-ей!.. Обқочма-ей!

— Ишонмайсанми? Бу бор гап, уларнинг ўлик ёки тириклигини ҳам билиш қийин. Нафассиз ҳам индамай ўтираверишади.

Ҳамма жим қолди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.

* * *

Шаробнинг биринчи-иккинчи пиёласи танани тузуққина қиздириши мумкин. Лекин кейингилари ўшандайин ҳузур билан ботмайди. Тагинки бу улфатлар ўтирган жойлари сув бўйи бўлса; куз офтобининг ожиз нури танларини қиздирилмасди, шу боис босиб-босиб вино ичишгани билан тузуқли таъсир қилмасди. Газаклари ҳам фақат совуқ нарсалар бўлганидан винога қўшилиб, томоқларида қилқиб турарди, холос. Мақсадлари фақатгина анови ковакка қизиқиш, совуқ тошга ястаниб, Мамарасул айтган шарпани пойлаш эмас. Азбаройи зериканлариданми, умрларига қандайдир янглик олиб киришни ёки ростиданам тўйгунча ичиб, маст бўлишни истаганлариданми, яна қанақадир сабабларданми, бу ерга тўпланишганди.

Куз кунлари шошқин бўлади, бирпасда уфқ чети ҳўмрая бошлади. Ковакни пойлаб ўтирган уч улфат ҳам вақтнинг қандай ўтиб кетганини пайқамай қолишди. Аллақачон танаси қақшай бошлаган Мамарасулнинг кўнгли беҳузур бўлиб, оғзи чучмаллашди. У ҳозир бирор қовурилган ёғлироқ нарсани

ейишни истарди. Ичи ачишиб, икки чаккасини кўзлари атрофи билан кўшиб, кимдир пастга тортаётгандек туюларди. Шунинг учун у безовталана бошлади. Зимдан шерикларига назар ташлади, улар ҳам совқотишаётгани маълум эди.

— Янаги сафар арақ қимасак бўмайдики, — деди Суяр бир силтаниб, ўзини ўзи кучоқларкан.

— Нега? — дея сўради Мутал беихтиёр, Суярнинг мақсадини туппа-тузук тушуниб турса ҳам.

— Арақ узоғроқ қиздиради-да, ака...

Мамарасул ўрнидан турди, у ёқ-бу ёғини ишқалаб, бир-икки силтанди.

— Совуғу-а?! — деб қўйди ковак томонга тикиларкан.

— Хе, ковагингдан ўргилдим! — дея Мутал ҳам ўрнидан кўзғолди. — Эски ковак шекилли-да бу.

— Расул ака, — деди атрофга суқланиб боқиб, кўксини тўлдириб нафас олган Суяр, — маши сой бўйига санаторий курса бўлмасмикин-а?

Мамарасул ҳам атрофга кўз югуртирди, аммо нигоҳи бефарқ, маъносиз эди. Шунинг учун Суярниг гапига шунчаки «ҳм-м» деб қўйди, холос.

— Ҳадемай кеч кирди. Қайтсакмикин-а? — деди у шерикларига қарамай. Лекин уйга қайтгиси келмасди, қаёқларгадир кетишни истарди. Майли, қаёққа бўлмасин, фақат уйга эмас.

— Кетдиг-ей! — Мутал нарсаларни йғиштиришга тушди. — Ҳайвонларим оч қолган бўлса, хотиним ейди мени.

Бошқа пайт бўлса, Мамарасул ҳам, Суяр ҳам унинг бу гапига тузуккина ҳазил қилган бўлишарди. Аммо ҳозир иккаласи ҳам индамади-да, Муталга эргашиб, буюмларини йғиштиришга киришишди.

— Бу ковакдан бир нарса чиқиши гумон, — деб қўйди Суяр гудрангандай...

* * *

Мамарасул келганда ҳамма уйда эди. Хотини қизи билан бирга кечки овқатга тайёргарлик қўраб, ўғиллари сандал атрофида гўж ўтиришар эди.

— Чироқ ёниқми? — Унинг биринчи гапи шу бўлди.

— Ёниқ-ёниқ, — деди хотини билинар-билинмас жилмаяркан.

Мамарасул қўлидагиларни айвонга қўяркан, меҳрибон овозда хотинига деди:

— Бугун би-ир ош қигин, хотин.

— Айтмасангизам қиялпимиз, — хотини энди ростмана жилмайди-да, эрига меҳрибонлик қилаётгандай оҳангда қўшиб қўйди. — Гўшт бўлгандаю!

Мамарасулнинг ичини нимадир тимдалаб ўтди, лекин ўзию бола-чақалари кайфиятини бузгиси келмай, хотинининг пичингини эшитмагандек тутди ўзини.

— Мен би-ир молларни қашлаб қўяй-а, — деди-да, молхона томонга юрди.

Ҳалигина шумшайиб қолган Мамарасулнинг негадир ўздан ўзи кайфияти кўтарила бошлаганди.

Ҳозир қилаётган ҳар бир ҳаракати ўзига хуш ёқар ва қандай ҳаракат қилмасин хотинини бир эслаб қўяр, ҳар замон-ҳар замонда унга қайрилиб қарар ҳамда унинг ҳам қарашини эринмай кўтиб турарди. Шунда Мамарасулнинг кўзлари худди йгитлик пайтларидек ғалати қақнаб кетар, хотини биланар-билинмас, эркалангандай бош силкирди. Бу ҳол жуда кўп бод такрорланар ва ҳар сафаргиси иккаласига ҳам хузур бағишларди.

Мамарасул томорқасига тушиб, қуриб-қақшаб қовжираб қолган пояларни тимирскилаб юриб, хиёл бўзарган ва аёз еавериб тирсиллаб кетган икки-учта помидор топиб чиқди. Сандалга ўтирволиб ҳафсала билан шакароб қилишга тушди. Шакароб тайёр бўлгач, шўрроқ қилиб тузлади (помидор юмшаши учун) ва устига сочиқ ёпиб қўйди. Сўнг рўпарасида ўтирган ўғлига телевизорни қўйишни буюрди. Буюраркан, тепасига бир қараб олгач, телевизор кўрсатишига ҳам ишонмай қолди. Чунки электр қуввати озлигидан чироқ қип-қизариб турарди. Қишлоқ аҳлининг ишонгани электр бўлгандан, ҳозир биров электр чойнакка чой қўйган, кимдир сандалини ток билан иситган, умуман, барча электрга «осилган» маҳал эди. Шунинг учун бунақа пайтда телевизор ҳатто токкучайтиргич билан ҳам кўрсатмасди.

Хотини ошни дамладиям «лип» этиб чироқ ўчди. Мамарасул «хе онангни!» дея ҳайқариб, ўрнидан туриб кетди. Ташқарига чиқиб, нос отди, гудранганча у ёқдан-бу ёққа асабий бориб-кела бошлади. Ҳали қайнаб улгурмаган сувни электрчойнакдан човгунга қўйиб, ўчоққа солиб, тагига ўт қалаётган хотини унга зимдан қараб қўяр ва нигоҳидаги зорланишга ўхшаган бир нарса шом нимқоронғусига қоришиб кетарди.

Ош товоққа солинганда ҳаммаёқ зимистон эди, яна тоқчада мойчироқ милтилларди. Мойчироқ Мамарасулга тобора хунук кўриниб борарди. Кўзлари четини қизғиш парда билан тўсаётган мойчироқ энди унинг миясини эгзовлай бошлагандек эди. Ҳалигина бутун вужудини мастона жимирлатаётган хуш кайфиятини ҳам мана шу мойчироқ еб битирганди гўё. Умуман, хонадоннинг ожиз файзи ҳам ҳатто нафасни бўғгудек қоронғуликка ёки яна ўша қизил тилли чироққа ем бўлганди. Ҳеч ким гапирмасди, фақат овқат чайнарди.

Пешонаси тиришган Мамарасулнинг рўпарасидаги мойчироқнинг қизғиш нурида ғалати қизарган юзи яна ҳам аянчиброқ ва важозатлиброқ кўринарди. У панжалари билан ош деб аталган гуруч доналари ни бир жойга тўтлаб, ошаш учун кулай қилиб эзар ва бир-биринга ёпиштираркан, алам билан билинар-билинмас хўрсиниб қўярди. Тишлари орасида эзгиланаётган ош ҳам энди унга ҳалигина сурур бахш этган ва ўз истаги билан пиширилган мазали таом эмасди. У «ҳозир гўё обдон офтобда қўзитилган хашакни чайнаётгандек эди. Кўкрагидаги муштдек бир нарса бўзгига томон кучаниб-кучаниб интилларди.

— Ғўзапояни обқўйиб келдим, — деди хотини панжалари билан ошни титкиларкан. У ё совуқ жимликни бузмақчи бўлди, ёки сиқилиб қолган эрини чалғитишга уриниб, шу гапни топди, қолаверса, ғўзапоя шу кунларда уларнинг асосий ташвишлари эди.

Эр индамади.

— Сиз дарсингизни тугатиб, тушдан кейин борарсиз? — сўради хотин мулойимгина.

Эр бурнидан кескин нафас чиқариб, ошга қўл узатди. Аммо содда хотин бу огоҳлантиришни сезмади-да, яна гапираверди:

— Сиз боғлаб берсангиз бўлди, уёғини...

Хотиннинг гапи бўғзида қолди. Мамарасул қўлидаги ошни зарб билан товоққа қайтариб отаркан, бўғилиб ҳайқарди:

— Падарингга минг лаънат!.. Ҳеч қўрса овқатни беғалва егизгин!.. Хе, онангни!.. — У силтаниб ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Бояги муштдек нарса энди бўғзида турарди, киприклари ости ачишарди. У аввалига кўча томонга юрди, сўнг, бир нима эсига тушгандай шаҳд билан ортига қайтилиб,

молхона томонга ўтди. Деворга суяб уйиб қўйилган ва қурилган маккапо устига ўтирди. Шу пайт бўғзидаги ҳалиги нарса етилиб кетди-да, ҳунграб йиғлаб юборди.

— Ҳе, ҳаётларинггаям!.. Шуям... Шуям ҳаётми!..

У тобора баландлаб бораётган овозидан хиёл сергакланди, қўшнилари эшитиб қолишини ўйлаб, овозини пасайтирди. Аммо кўз ёшлари тинмасди. Негадир бирдан кўз олдига Нигора пайдо бўлди. Аммо у қип-яланғоч эди, қоп-қора сочлари елкалари узра ёйилган. Нигорани бу аҳволда қачон кўрганди-я? Бу оловли танини қачон ушлаганди. Эслади. Ҳа-ҳа, Ушанда ётоқхонада кимнингдир тугилган куни бўлди. Мамарасул ҳам бошқа йигитларга қўшилиб роса ичди. Ўтириш тугагач, ўз хонасига кириб, жойига ёнбошлади. Шу пайт хонага Нигора кириб келди. Унинг юзлари лов-лов ёниб, сочлари мастона тўлғонарди. Мамарасул ўрнидан туриб, унга тикилиб қолди, сархуш сузилган кўзлари, ҳирс ўти тушиб, чақнаб кетди. Қизнинг ўзи унга яқинлаша бошлади. У ҳам юрди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Нигора унинг бағрида тўлғонарди. Ҳузурдан энтикаётган қиз бирдан сергакланди-да, йигитнинг икки чаккаси-дан ушлаб, ўзига қаратди ва кўзларига қаттиқ тикилди.

— Мени севазимми? — дея сўради бутунлай бегона овозда.

— Ҳа, — деди йигит уни қаттиқроқ кучоқларкан.

— Унда мен сизникиман, фақат у ёғимга тегмайсиз!

Икки вужуд бир-бирига чирмашиб, алоқсиз бўсалар тафтида лов-лов ёна бошлади. Мамарасул қизнинг ҳамма кийимини ечиб ташлаб, ўзидан хуш бўй таратаётган яланғоч гўзал бир ҳилқатни кўтариб, аста қаравотга ташлади...

Мамарасулнинг томоғи қурди. ютоққандай тамшаниб, деворга суянаркан, осмонга тикилди. Қўллари билан кўзидаги ёшларни сидириб ташлади. Бир-икки бурнини торгач, шуури ойдинлашгандай туюлди. Ҳозир қизнинг кечкин аёзини ҳам сезмаётганди. Негадир ичгиси келди. Оғзига сўлак тўлиб, тамшаниб ютинди. Суярниг олдига бораман, дея ўйлади ўзича, у албатта топади. Менинг кайфиятимни кўргач, албатта топади. У ўрнидан туриб кийимини қоқди. Бир-икки томоқ қириб, тупурди, сўнг тез-тез юриб кўчага чиқди. У ҳозир ҳамма нарсани унутганди, фақатгина ичидини истарди, холос...

Ўйлай-чуқур йўлдан туртиниб-суртиниб бораркан, ўзини хийла енгиллашгандай сездди. Ҳалигина билинмаётган куз аёзи энди этини жунжиқтириб, костюмига яхшироқ бурканди. Негадир дунё тобора қоронғилашиб бораётгандек туюлди назарида. Юришдан тўхтамасдан тепага қаради — осмон анча қорайиб қолганди, юлдузлар кўринмасди. Орқа тарафдан нимадир гувиллаб келар, ён-веридидаги дарахларнинг учлари ҳам тебрана бошлаганди. Шамол бўлади шекилли, дея ўйлади у ва бир қўнгли ортига қайтмоқчи бўлди. Аммо ўзини яна зимистон уйда сандалга тикилиб ўтирган ҳолда бир лаҳза тасаввур қилди-да, гўё лимикчи кетди ва шаштидан қайтди. Унга қолса бўрон турмайдими, барибир Суярникига боради, барибир ичади.

Суярникига етгунча шамол кучайиб, оламнинг тўс-тўполони чиқиб кетди. Бир оз энкайиб, бир қўли билан юзини шамолдан тўсиб, довлараб бораётган Мамарасул дарвоза кесақисига суяниб, қунишиб турган аёлни аввалига пайқамасди. Бу Суярниг онаси эди. Мамарасул уни роса яқин келиб қолгандагина илғасди.

— Ие, хола!.. — деди бақиргудек бўлиб. — Нима қип турибсиз бейда?

— Суяржон шалини обкегани кетувди, шуваққача кемаяпти. — деди кампир овозини баландлатиб. — Келинг. Расулжон, тинчликми?

Ҳафсаласи пир бўлди, лекин ҳурмат юзасидан кампирнинг саволига жавоб бериб, гўлдиради:

— Тинчлик, хола, тинчлик. Суяржонда ишим бсрийди-да.

— Уйга кириб туровринг, ҳозир кеп қолар.

— Раҳмат-раҳмат!.. — У ортига қайрилиб, тез-тез юриб кетди.

Ё, тавба! Бу қанақа дунё ўзи, а? Қачон тинади бу одамзод? Шундай шамолдаям уйда ўтирмаса-я? Бетагавиш одам ҳам бормикин ўзи бу дунёда?!.. Энди қайга борсайкин? Мутални қақирсинми ё? У ҳозир шамолга қарши юраётганидан анчагина букчайиб борарди. Калласида эса Мутални қақирайми-йўқми, деган ўй тинмай айланарди. Уз уйдан ўтиб, қишлоқ масжидига етганда бир қўли билан бошидаги дўпписини ушлаб, шамолдан сақлаб турган имомга рўпара келди. Чамаси, хуфтон намазини ўқиш учун масжидга келаётганди. Шуниси қизиқки, имом сойнинг нариги бетидида, мактабда Мамарасул дарс берадиган қишлоқда яшарди. Уша ердан масжидга ҳар куни бир неча бор қатнарди. Мамарасул бир сергакланди, оғзимдан ҳалиям винонинг ҳили келаётгандир, деган ўй ўтди хаёлидан. Ишқилиб сўрашиб қолмасин-да... Энди шамол ҳам хийла сусайгандек бўлди.

— Ассалом алайким, — деркан Мамарасул тезроқ имомнинг олдидан ўтиб кетмоқча уринди.

— Ваалайкум ассалом, — имом Мамарасул томон юрди. — Муҳаммадрасул!

Мамарасул ҳам тўхтаб, имомга қайрилди. Икки қўллаб сўрашаркан, иложи борича нафас чиқармасликка уринди.

Ҳол-аҳвол сўрашдилар. Сўнг имом муддаога кўчди:

— Неварамни кундалигинг йўқ деб бир-икки уришибсиз. Мактабга боргиси келмайроқ қоляпти... — Имом жилмайиб гапирарди, чунки қоронғида ҳам оппоқ тишлари ялтираб кўринарди.

Энди шамол бутунлай тўхтаб, ёмғир томчилай бошлади.

— Шаҳарга тушгани кўлим тегмаяпти. Худо хоҳласа албатта кундалик обкебераман. Шунга... — Имом узрнамо бош тебратди.

Мамарасул тезроқ бу ердан кетишни истарди. Шунинг учун «хўп-хўп» деди-ю, тез-тез юриб кетди.

Ёмғир тезлашди. Мамарасул бу орада гузарга етди. Уша ерда бир оз серрайиб турди. Сўнг бир нарса эсига тушгандай сергакланиб, қаддини ростлади. Бўйнига ёмғир урди шекилли, яна дарров елкаларини қуништириб олди-да, илгарилаб кетди...

ТУШ

— Бу аёл ким бўлди? — деган савол ўтди яна хаёлидан ва маст кишиникидек сузилган кўзларини у томонга тикди. Нигоҳи лорсиллаб турган оппоқ сондан юқорига қараб сирпанди-да, аёл юзида тўхтади. Унинг юзи йигит кўзларида катталашиб ва тиниқлашиб борди. У энди биқинидаги оғриқнию обқлари остидаги сувни ҳам унутган эди, ўзи сув бўлиб аёл томонга оқарди.

Аёл уни кутганди, унинг бу ердан ўтишини аниқ биларди. Унинг наздида яғриндор бу йигит анча-мунча аёлни бахтиёр қилиши мумкин эди. У бу бахтиёрликини ўзига раво қўрди ва сой бўйига оҳанграболи қопқон кўйди.

Оппоқ сонидан сувнинг биллур томчилари сирғалиб-сирғалиб тушаётган аёл йигитга мастона бир қараш қилди ва ҳар қандай эркакнинг юрагига ўт қалагувчи ишва ила ўзига чорлади. Йигит ихтиёрсиз

равишда у томонга юрди ва энди сувни кечиб бораётганини ҳам сезмасди. Ана, у аёл ёнига етиб борди. аммо бир сўз демасди, деёлмасди, фақат вужудидаги ўтдан чақнаган кўзлари уни ютиб юборгудай тикиларди, холос. Аёл ҳам сўзсиз эди. У ўз ишини тўхтатиб, қадини ростлаган бўлса-да, йигитдан ўзини олиб қочишга уринмасди. Оч пушти рангли ичкўйлаги остида ёқимли титраётган кўкракларди, худди ичкўйлагига уйқаш рангли хиёл қайрилган лабларининг икки четига инган ҳирс тўла табассум йигитни ўзлари сари чорларди. Йигит ҳамон жим эди ва унинг бутун вужуди бир истакка айланганди. У шу истак етовидида аёл томон қўл чўзди. Аёл оҳ уриб, унинг бағрига сингди. Йигит бағрида тўлғонаётган ҳилқатни мижғилаб, лабларига лаб босди, босди-да, аста қўтариб, тол ва соҳил жарининг ости бўлмиш тошлоқ чеккасидаги сийрак ўт-ўлан ўстан жойга олиб борди. Ўт устига ётқизди. Аёл оҳ урди-ю силтаниб кетди...

Йигит инграб юборди. бутун танасини қаттиқ силтаб ташлаган мислсиз оғриқдан ингранди-да. бошини орқа томонга силкиб, оғзини очган кўйи осмонга тикилди. Осмон аввалига тиниқ-тиниқ кўринди, кейин аста-секин хиралашиб, кўзларига сизмай, гир-гир айланиб, кичраё бoшлади. Шу қадар тез айландики, унга қўшилиб боши ҳам айланаётгандек эди. беҳузурликка бардош қилолмай, кўзларини қаттиқ юмиб олди ва ўзини тутолмай мункиб кетди. Мункиб бораркан, кўзларини очди ва тобора унга яқинлашиб келаётган тошларни кўрди. Энди йиқилиши тайин эди, оёқларида мадор қолмаганди. Пешонам қайси тошга уриларкин, деган савол ҳаёлидан ўтди. Анови оқиш дўмпайган тош тўғри келяпти, демак, пешонамга битилгани шу. Ана етдим, етдим... У кўзларини чирт юмиб, тишларини бир-бирига қаттиқ босиб олди. Ниҳоят пешонаси ўша тошга урилди, шунақаям қаттиқ урилдики, кўз олди қоронғилашиб, ўзи ўша қоронғуликка синга бошлади...

ЎНГ

Уйқусираб, пешонасини сандал оёғининг қиррасига уриб олди. Шунақаям қаттиқ урдикди, кўзларидан ўт чақнаб кетди. Инграб кўрпадан бошини чиқарди. Хотини ва болалари уни уйғотиб юбормаслик учун висир-висир қилишиб, сандалга суқўлишиб чой ичишарди. Ҳа, тонг ёришиб қолганди. У бошини яна болишга кўйиб, дераза томонга ўтирилиб олди. Ҳамон лўқўллаб оғриётган пешонасига кафтини босди.

Мамарасул, ухлаб қолдимиз, хаёлга берилдимиз, шу кўйи узоқ ётди. У ўрнидан турганида уйда на хотини, на болалари бор эди — мол-қолларини етаклашиб, ҳаммалари далага кетиб бўлишганди. Ташқарига чиқиб юз-қўлини ювди, сочикча чала-чулла артинди-да, умумий дафтارينи олиб, дарвоза томон юрди. Дарвозага етиб, бирпас паришон турдида, кўққисдан шаҳд ортига бурилиб, яна уй олдига ўтди. Қўлидаги дафтارينинг айвонга иргитди ва бостирма томонга юрди. У ердан кетмонни олиб, ортига қайтди.

— Онангни-и!.. — дея бўралаб сўкинди ва қўлида кетмон билан энтика-энтика югургудай бўлиб кўчага чиқиб кетди. Лекин кимни сўкаётгани номаълум эди.

У сойга элтувчи ўйим-чўқур йўлдан кетмонни икки қўллаб маҳкам тутганча қарийб югуриб борарди. Ташқаридан қараган киши уни роса жазавага тушган-у, ҳозир кимдир ургани, ургандаям ўлакка қилиб савалагани келяпти, деб ўйлаши мумкин эди. У хиёл букчайиб, нўпара келган одамни бир сескантириб юборадиган важоҳат билан одимлаётганди. Гоҳ бурни, гоҳ тишлари орасидан, баъзан иккаласи билан бирварақайига пишиллаб нафас олар, кўзлари эса қинидан чиқиб кетар даражада олайиб қолганди.

Мана, ниҳоят сой бўйига тушди. Ўшанда ҳам қадамини секинлатмасди, тошларнинг шақир-шуқирига ҳам парво қилмай, кечувга югурди. Ҳозир у оёғидаги ботинкасининг йиртигини ҳам ўйламасди ва айни дамда унинг учун ботинка бор ёки йўқлиги ҳам фарқсиз эди. Шунинг учун қарийб тиззасига чиқадиган сувни шалоплата кечиб, нариги қирғоққа ўтишга интилди. Соининг одамни жунжиктирадиган муздек суви ҳам танасига билинмас, энди кетмонни ўнг қўлига олволиб, қўлочини кертанча ҳарсиллаб нариги қирғоққа ўтиб борарди. Яна қуруқ тошлоққа чиқди ва яна тошларни шақир-шуқир қилиб босиб, ковак томонга югурди. Ковакнинг олдига етиб келиб, энтикканча унга тикилиб қолди. Ундан худди бирон нарса чиқадигандек диққат билан тикилди. Бу умидвор кўлар секин-аста газабга тўла бошлади. Бирдан силтаниб кетмонни шаҳд билан кўтарди-да, ковак оғзидаги شوҳу буталарни икки томонга уриб ташлади. Сўнг яна тўхтади.

— Сен нимасан ўзи, эй, ковак?!

Афсуски ковак тилсиз эди.

Йигит яна жазавага тушди:

— Ҳе, онагинангни сени!.. Минг лаънат сендақа ковакка! Қайданам сени кўра қолдим-а!.. Ҳу, сени!.. — У ковакнинг оғзини тўхтовсиз зарб билан чопа бошлади. Кетмонни ҳар урганида майда тошларга тегиб, чарсиллаб кетар, аммо у бунга парво қилмасди. — Йўқ қилиб ташлайман сени! Йўқ қиламан! Мана! Мана!.. Мана!..

У бир метрча жойни ўйиб ташлади, ковак оғзини янги қовланган тупроқ тўсиб қолаёзди. У ҳаливери тўхтамоқчи эмасди, лекин чарчаб, нафаси бўғзига тикилиб қолди. Ҳарсилларкан, икки кафти билан кетмоннинг сопига суянди. Шу пайт тиши шунақаям қаттиқ сирқирадики, оғриғига чидалмай инграб юборди. Йигига кафтини босиб, ортига қайрилиб, гандираклаганча сой сувига яқинлашди. Кўзларидан тирқираб ёш отилди.

— Падарига минг лаънат ҳаммасини-ими!.. — Унинг оғриқдан афти бужмайди, тишидаги ковакка тилини босди, маҳкам босди. Лаҳза ўтгач, оғриқ псайгандек туюлди. У ўтириб, бошини бир томонга қийшайтириб, оғриқ қайталанишидан ўзича сақланаркан, тупроққа беланган қўлларини сой сувида ювишга тушди. Ҳоври ҳўйла босилди. Шу пайт қўёшнинг сой сувида жимирлаётган нури кўзини қамаштирди. Нур жилвасига дош беролмаган кўзларини қисиб, мавжларга тикилди. Энди сувдаги қўёш янада ёрқинроқ жимирлади. Кейин кўзларининг ёнбоши билан ўша сойдаги яна қандайдир шарпани пайқонди ва унинг нималигини аниқлаш учун нигоҳини жимирлаётган нур бўйлаб йўналтириб, кечув томонга қаради. Кечувдан имом ўтиб борарди. Чамаси, у ё туман марказига бориб қайтарди, ёки масжиддан кечроқ бўшаганди-ю, ҳозир уйига бормоқда эди. Бир қўлида нимадир бор, балки кундалик дафтардир.

Кеч кўзунинг жуда секин кўтарилувчи қўёши унинг нариги ёнбошида бўлганидан, сояси сой сувидаги нурларга қоришиб кетганди. Бошидаги дўпписи ҳам худди нур таратаётгандек кўринарди...

Мамарасул кўксини тўлдириб нафас олди-да, кескин қайтариб чиқарди. Ҳўл кафллари билан юз-кўзларини сидирди. Негадир кўнгли ойдинлашди. Ковак олдидаги кетмонини ҳам унутиб, алақачон тепаликда кўтарилаётган имомнинг ортидан мактаб сари йўлга тушди...



Тўра Жуман

ЯХШИЛАР ЧИРОҚ ЁҚСА...



* * *

*Инсонларнинг одоби эътиқод билан гўзал,
Гул чехраси — офтоби эътиқод билан гўзал.*

*Умримиз дафтарининг ҳар битта саҳифаси,
Яна ҳар битта боби эътиқод билан гўзал.*

*Эътиқодсиз ошналар кўп ўтмай ёвлашади,
Дўст даврасин ҳисоби эътиқод билан гўзал.*

*Эътиқоди йўқларнинг иши, умри бемаъни,
Тўра, ҳаёт китоби эътиқод билан гўзал.*

* * *

*Яхшилар чироқ ёқса, ёмонлар ўчиради,
Бадфеъллар кечирмайди, оқ кўнгул
кечиради.*

*Авлоди дуруст кўшни тотув, аҳил яшайди,
Уруғи паст ҳамсоя урушиб кўчиради.*

*Кимлар эзгу иш қилиб, элига севимлидир,
Кимларни сийласанг-да, кафанни бичиради.*

*Тўра, баъзилар сени чоҳга итаришга шай,
Баъзилар эса севинч кўкига учиради.*

* * *

*Меҳрли, иродали одам элида азиз,
Сахийликда гўёки Ҳотам элида азиз.*

*Инсоннинг қийматини диёнат белгилайди,
Аҳволи ночорларга ҳамдам элида азиз.*

*Ҳасаддан узоқ бўлиб, тўғриси сўзлаган
Энг самимий донолар ҳар дам элида азиз.*

*Кўп гап эмас, беминнат ҳиммат ёқади, Тўра,
Яхшилик қилишликда бекам элида азиз.*

* * *

*Ҳаёт жуда мураккаб, уни ўйлама осон,
Яхши яшамоқ учун тинчимаслик керак жон.*

*Гоҳо чаманзорлари, гоҳо чангалзори бор,
Эри, тўғри йўлига дуч келади ҳар инсон.*

*Ҳаётнинг китобини ўқимаган адашар,
Ўқиб тушунганларга насиб этар шуҳрат-шон.*

*У бир марта берилар, тўғри фойдаланиб қол,
Маънавиятсиз яшаш ҳаёт эмас ҳеч қачон.*

*Юртга фарзандлик бурчин оқлаш ҳақиқий
ҳаёт,
Тўра, эзгу ишларни кўнлаб қилиб,
бўл шодон.*



Садриддин Салим Бухорий

Бухорога Бухоро келди

* * *

*Бухорога нур-зиё келди,
Иймон келди, шарм-ҳаё келди.
Бухорони зулмат этди тарк,
Бухорога Бухоро келди.*

*Нақибандни қувганлар кетди,
Қуръонни-да ёққанлар нетди,
Бари бадном бўлди-ю ўтди,
Бухорога Бухоро келди.*

*Эй Бухоро, мўйсафид онам,
Сен муқаддас Маккам, Мадинам,
Таърифингга ожиздир қалам,
Бухорога Бухоро келди.*

* * *

*Бухоронинг обидалари
Минг йшлардан беради хабар:
«Хор бўласан, мутеъ бўласан,
Буюклигинг унутсанг агар!»*

*Бухоронинг обидалари
Ҳикмат эрур мозийдан, инон:
«Буюкларни буюк айлаган
Эътиқоду эрк ҳамда иймон!»*

*Бухоронинг обидалари
Ҳар кун янги ҳикмат айтади:
Ўтмишни-да, келажакни-да
Мен томонга олиб қайтади.*

Вақтнинг сочи оқармас,
Оқарди сочим, дариғ!
Дунёни қучмоқ абас,
Етмас қулочим, дариғ!

Вақт на сени кутади,
Вақт ўтади-кетади.
У на душман ва на дўст,
Сени бир кун ютади.

* * *

Вақт қаримас ҳеч қачон,
Мен қаридим, водариғ!
Вақт айрилмас ҳеч қачон,
Мен айрилдим, водариғ!

Вақт на ғамгин ва на шод,
Вақт на вайрон, на обод.
Мени шодлик ва ғамдан
Бир кун у айлар озод!

* * *

Сўз — ўша сўз! Нечун бетаъсир,
Ўзгардими моҳият ёхуд?
Йўқолдими сеҳри, қудрати,
Бўйсунмайди сўзга бу вужуд?!

Сўз — ўша сўз! Минг йиллик сўздир,
Фақат керак покиза нафас.
Пок кишининг оғзидан бешак
Чиқса бўлар бу сўз муқаддас!

Сўз — ўша сўз! Миллион йиллик
Умри бордир даҳри дун аро.
Фақат керак пок нафас унга
Токи бўлсин шамишрдек бурро!

* * *

Замин ҳар тонг этади нидо:
«Устим булғаб юрибсан, аммо,
Келажаксан қўйнимга бир кун,
Инсон, бўлма мунча бепарво!»

Замин нола этар ҳар оқишом:
«Тимдаладинг бағримни, инсон!
Келажаксан қўйнимга бир кун,
Олажакман сендан интиқом!»

Замин пешин этади фарёд:
«Мени тепиб юрибсан, ҳайҳот!
Келажаксан қўйнимга бир кун,
Сендан қасдим олсам этма дод!»

Замин нола этади, нола,
Кўз ёшлари бамисли жола.
Тупроқ эдинг, тупроқ бўласан,
Инсон, бу сир сенга ҳавола!»

* * *

Ҳар нафасда шуқр айла, ҳар нафас ғаниматдур,
Васли ёр ҳавас айла, ҳар нафас ғаниматдур.
Рух қафасда талтингай, рух қафасни тарк этгай,
Рух танидан айрилгай, бу қафас ғаниматдур.
Дод айлама нокасин, отмагил аларга тош,
Кўзини очгил, эй ғофил, кас-нокас ғаниматдур.
Ҳар нафас утар, э воҳ, қайтиб келмагай, э воҳ,
Ҳар нафасда шуқр айла, ҳар нафас ғаниматдур.

* * *

Эй вужуд, япроқсану япроқдан ибрат олмадинг,
Эй умр, тупроқсану тупроқдан ибрат олмадинг.
Эй кўнгул — Оллоҳ назаргоҳи эрусан, не сабаб,
Мен тиниқ ирмоқ дединг, ирмоқдан ибрат олмадинг.
Неча ранжу ҳар бало тўлқини келса басма-бас,
Ўзни қирғоқ деб атаб, қирғоқдан ибрат олмадинг.
Кўзини тикди алар байроғимиз сенсан дебон,
Мен туғу байроқ дединг, байроқдан ибрат олмадинг.
Эй вужуд, тупроқсану тупроқдан ибрат олмадинг,
Эй умр, япроқсану япроқдан ибрат олмадинг.

* * *

Сени эслаб ўзни унутдим,
Нурга чўмиб кўзни унутдим.
Сени шундай севдимки, ҳатто,
Севдим деган сўзни унутдим.



Вафо Файзулло

ОРАЗИНИҒ ФИКРАТИ ЕРИ...

* * *

*Ёд этмади ғамдан ўзга ҳеч кимса мени.
Жалолиддин Румий*

*Дилхун дунёларда мен ёлғиз эмас,
Кўклар-да етмаган армоним бордир.
Ориф ўтлоғини жунун менсимас,
Юрак кабобига юрагим зордир...*

*Кўнглум ҳаққи кечиринг мени,
Ҳуним бўйинингизда бўлмаса.
Улим ҳаққи кечиринг мени,
Улим кўнглунгизда бўлмаса...*

*Ҳаёт ҳур лолазор, бозору мозор,
Менинг бор-йўқ айбим уни севганим.
Бунёдларим — озор, азизларим — мор,
Асал тиланмадим, заҳар эландим...*

*Интиламан инжиб, ишқимни ғажиб,
Қупирганим ёлғон, ўқинганим рост.
Ҳамрозидан ранжиб рақс тушар ғамим,
Қалқинганим ёлғон, тўқилганим рост.*

*Тақдир адаштираган сўқир ишқ ахтар,
Куйди жодугарнинг жодусида маст.
Сизни чўққи кутар, мени кутар жар,
Фақат сукут этманг, фақат беринг сас!
Дилхун дунёларда сиз ёлғиз эмас...*

* * *

*Ёмғир пичирлайди: — Бардам бўл,
Аёзни сев, аёз ўткинчи.
Руҳинг тушкун, юрагингда гул
Ахир, айшинг қонлар ютгувчи...
Аёзни сев, аёз ўткинчи...*

*Эзма бўлма,
букма тизингни,
Кулиб йиғла, лабинг қонасин.
Боравергин музларга ёниб,
Сени ҳам бир тақдир синасин.
Бошингдадир исмат болғаси...*

*Доди додсиз шайтон давраси,
Сўқмоқларга солади кинна.
Ўзлигининг ола қарғаси
Қарғаса-да, ютоқиб тингла.
Дордир сенга шафақ толаси...*

*Карахт кунлар дилбардир балким,
Балким англамассан ҳеч қачон.
Чорлар меросхўрсиз Сусамбил,
Порлар болалигинг ҳур замон.
Балки сарғаймасдир ҳеч қачон...*

*Юрагингда ўкинч ва армон...
Юрагингда ўкинч ва армон...*

* * *

Зардоли дарахтининг устида
Хат битади занглаган хуштак.
Туйғум уқийлмас эски ёзуви,
Болалик.

Пастга энган подага эргашади хотира,
Чангларда тирилади овозим.
Гарчи ҳеч ким тан олмаган нозимман,
Барибир кечирмайди болалик,
Мен кўнгулнинг хоин ўғлиман.

* * *

Ботинимда тун бор...
Ерга тушган юлдуз билан
Елкадош...
Руҳимнинг бўриси изғиган
Сўқмоқда
Жодугарнинг ҳузурига
Кетиб борар паризод...

Ботинимда тун бор...
Фор оғзидан ўтади сўқмоқ,
Сўзлар мени яширар хурдан.
Олдинда бор ит теккан булоқ,
Тийра
Фарзанд орттирган нурдан.

Ботинимда тун бор...
Мен занжирбанд хаёл ғорида,
Қоронғидан таскин тўқийман.
Кимсасиз ўй — зангламаган қиличчим
Девлар билан аҳбоб тутиниб
Сулаймоннинг кўзасини излайди...

Ботинимда тун бор...
Асир олган гўлни иштиёқ,
У-зу-н-н умри бездирар капалакни.
Янги чиққан ойда эски доғ,
Осмон — қара, денгиз шовуллар.

Ботинимда тун бор...
Сиёҳ сахро ўлан-тўшаги,
Жонимнинг тушлари ёлборар:
Борма жодугарнинг олдига,
Менинг ҳам кўнгулмга қарама,
Икки лаҳза озод ёруғлик —
Паризод,
Паризод!..

* * *

Ағёр, кўзинг ботди ой ханжарига,
Эй ёр, кўзинг тортди муҳлик жаридан.

Кўкда исминг анқир — юлдуз булоғи,
Мен ботқоққа ботдим қалб гузарида.

Иймонимга ёдинг солди-ку ошуб,
Ит ҳушидан кетди гул хабаридан.

Саваланган туйғум излар ўзини,
Айшни топиш қайда ишқ дилбаридан?

Оразинг фикрат ери, хаёл манзили,
Кўнгул баҳор ўлди сенинг дардингдан.

Тилга қўнган қушлар тилсизу бежон,
Дил урганса қани эди паридан.

Руҳимни чормих этди шамс зимистони,
Жоним қолмаса бас, моҳ назаридан.

Вафо, меърож туни сени эсламас,
Эслаганлар келар тушлар қаъридан...

* * *

Уф тортасан кексадек,
Бўзлагайсан бўтадек,
Тугадими эркалик
Менинг мангу гўдагим?

Яшамасдан яшадинг,
Тикан бўлди тўшагинг,
Минг хаёлга бошладинг...
Менинг мангу гўдагим.

Қирлардаги лоламсан,
Якка-ёлғиз боламсан,
Узинг бошқа оламсан,
Менинг мангу гўдагим!

На англадинг ўзингни,
На англадинг сўзимни,
Эгаси бўл ўзингни,
Менинг мангу гўдагим.

Кўкарди қанча дорлар,
Кулди неча беморлар,
Улғайди-ку беорлар,
Менинг мангу гўдагим.

Сен турнамсан ярадор,
Бир умр мен гўл, ночор.
Наҳот шунча айбим бор —
Менинг мангу гўдагим?

Бу дунёдан кетар чоғ,
Из қолдиргин, эмас доғ,
Бандсиз, кўкдаги япроқ
Менинг мангу гўдагим.
Менинг мангу гўдагим...

Зардоли гулидай тўзғиди йиллар,
Умримдан юлинган кунлар чирпирак.
Ўттиз йил ёлбориб, бир нарса тилар
Бу юрак...

Кўёш ҳар тонг тоғдан ошади,
Зарларин элайди замин устига.
Кўнгул косасидан кўпчиб тошади,
Орзиқиб кутилган дийдор қасдида.

Камалак нурлари инган шаршара
Чўққилардан учиб, «бир гўзал синди».
Интиқлик забтига олса сарсари
Умидинг тафтидан орзум исинди.

Чечаклар анбарин йўлларга тараб,
Қирга қайтар шамол — ҳориган тўриқ.
... Ҳозирча кунимга турибди яраб,
Менинг дардим билан оғриган борлиқ.



Сирожиддин Рауф

ЧЕЧАКЛАР АНЪАРИН ЙЎЛЛАРГА ТАРАБ...



II

Мен дарё,
шиддатли тўлқинга илҳақ,
Қақраган қирғоғим кучмадим кўндан.
Мен сахро,
саратон кўйнида чатнаб,
Уюр-уюр булут тиловчи кўндан.

Илдизман, шохлари гарчи ям-яшил,
Ўзи эса, ҳануз сувга етмаган.
Мен ўша, алҳазар, парча қўрғошин,
Ўқ бўлиб кўкракка, шукр, ботмаган.

Мен ўша, бир имдод тополмай нолон,
Даралар бўғзида қотган илтижо.
Мен ўша, зарб ила отилган пайкон —
Учяпман, учяпман бенишон, бежо.

Мен ўша...
Тумтайиб, гоҳ кулиб ўтар таққослар,
Кўксимни ёргудай потирлар қумрим.
Ҳилол кўк тоқига ўзини осар,
Кутишга айланиб бормоқда умрим...

Оҳиста-оҳиста синади оғоч,
Сим-сиёҳ тун ичра сингади унлар.
Кўнгул зориллайди, кўнгул жуда оч,
Мени таъқиб қилар меҳрсиз кунлар.

Наҳот, фақат тушда орзум ушалар,
Наҳот, тушда фақат топғум ойдинлик?..
Нотанти тақдирдан дилим ғашланар,
Бироқ... кўкда ой ҳам гоҳо бир тилик...

Қачон тўлган ўзи ками дунёнинг,
Бирдек айланганми кўҳна чархпалак?
Бу дунё мулкидир асли рўёнинг,
Фақат мангу умид ям-яшил палак.

О, яшил туйғулар, бор бўлинг ҳар дам,
Ал-амон, ал-амон, минг бор, ал-амон!
Теграмда хазонрез қаҳқаҳ урса ҳам,
Барибир мен тинсиз яшилланаман...

* * *

Мўъжиза кутмасман эртадан,
Замин каби ягона, ахир,
Ибтидодан интиҳогога йўл.

Ана, титрар дарахт учуда
Лаънат ўқиб аччиқ қисматга
Сўнгги япроқ — энг сўнгги нола.

Қайга шошдинг, қайга фиғоним,
Яна қандоқ таъбирлар кутар
Сувларга айтаман тушимни?

* * *

Энди ортиқ ишонмоқ қийин,
Қалбни унсиз фарёд ўртади.
Сен борсан қайдадир... не дейин,
Оҳ, ғариб кўнглумнинг эртаги?
Энди ортиқ ишонмоқ қийин.

Сен борсан қайдадир... не дейин?
Ҳислар тошар бамисоли сел.
Сипқораман тахаюл майин,
Хаёлимга ҳаялламай кел...
Сен борсан қайдадир... не дейин?

Қалбни унсиз фарёд ўртади,
Топмай туриб йўқотмоқ оғир.
Орзуларни армон бутади,
Шуни раво кўрдими тақдир?
Қалбни унсиз фарёд ўртади.

Оҳ, ғариб кўнглумнинг эртаги,
Ёдинг ёдин дилда тутурман.
Кўринса-да умрим этаги,
Мен барибир сенга етурман,
Оҳ, ғариб кўнглумнинг эртаги...

* * *

Боқайин тақдирга бир дам ишонч-ла,
Етар, шубҳаларнинг беллари синсин.
Энг сара нигоҳинг менга бағишла,
Бир фахр кўксимда чечакдай унсин.

Оташин туйғулар ёқсин дилингни,
Сен — менинг бугуним, сен — менинг эртам.
Кел, энди, қўлимга қўйгил қўлингни,
Ҳолимга бепарво қарама, эркам.

Кўзингда нигоҳлар қониб сеҳрга,
Сўнгра сочиларкан, у — абри найсон.
Бағримни бўшатиб берай меҳрга,
Рашк дея аталмиш кўп ёвуз йшлон.

Ишон, фалак суйса, бизни суюди,
Чулгагай бизларни офтобранг шуъла:
Юрагим қағрида бир сўз куяди:
«Энг сара нигоҳинг менга бағишла.»



Асад Дилмурод

Франо даштираги қуш

Роман

ПАРВОЗ ОНЛАРИ

ИККИНЧИ КИТОБ

Биринчи боб

1

Одамзод наҳотки ўзини ўзи тафтиш қилишдан қўрқса?

Одам боласи, ё дўст, ё ғаним авра-астарини ағдаришга қолса, дарҳол шердил бўлиб, енг шимариб кириша кетиши — оқни қораю қорани оқ дейишдан тап тортмас-лиги нимадан?

Ҳар иккала ҳолатга ҳам дахлдор арзигулик сабаблар кўп...

Саидбек Умарга қай бириси ойдин, қай бириси қоронғи...

Вақт топганда кўп ўйлаган бу борада, афсуски, ҳар гал бирон тайинли тўхтамга келолмаган, аксинча, мулоҳазалари калавадек чуваланиб, ичида недир дард баттар газаклагани қолган.

Кейинча, унча-мунча ихлос қўйди бир фикрга...

Шунга кўра, тириклик дунёсида ҳар бир банданинг фақат ўзига мослашган, ёлғиз ўзигагина беминнат хизмат қиладиган тарозиси муқаррар мавжуд, ўша тарози мазмунан ҳам шаклан Адолатнинг қадим қоидаларига уйғунми, йўқми, буни ҳар ким ҳам айтолмас ва лекин билганидан ҳам қолмас. Бу дунёда ҳар кимники — ўзига, бу дунёда ҳар ким яхшини ҳам, ёмонни ҳам ўз тоши ва мезони билан ўлчашга ишқибоз.

Асли, палланинг бирида — савоб, иккинчисиде увол...

Қайсиниси босиб тушаркин?

Истеҳзо ва кесатиқ билан тўладек туюладиган ушбу савол айниқса кўпроқ қийнар Саидбекни. Негаки, бунга ҳам жавобдан дарак йўқ, аниқроғи, бори ҳам гужала...

Яқин-орада, Чархпалак тақдимотидан кейин, Саидбек Умар бошқача изтироблар гирдобиде суза бошлаганидан тонмас. Оҳ, шогирдлари Иноғом Насимий ва Носир Дамин билан биргаликда йўл қўйган мудҳиш хатоларини тузатиш иложи борми? Нега у абадий мағлубият билан тенг битимга имзо чекишдек бедодликка осонгина кўна қолган? Қўл киричалик қадрли йўқ мол-давлат, сув сиртида бир ялтираб сўнадиган пуфакка ўхшаш амал-мартаба, бугун бору эрта ному нишонсиз кетадиган обрў-шухрат ширин ва қадрли туюлганмиди шунчалар?

Бўлса бордир, бироқ, кўнгли бир четида каттами-кичик мақсадлар ҳам учқун бериб тургани муболаға эмас, масалан, аср охирагани сари қанақалиги номаълум кўчага кириб бораётган бани башарга далда бўлиш учун интилгани... Ва тириклик яралгандан бери ўзаро таллашиб келаётган Руҳ ва Таннинг мангу иттифоқига замин яратиш, Руҳ ва Тан орасида эътиқодга асосланган уйғунлик ва биродарлик кўпригини бунёд қилиш учун ўзини суву ўтга қанчалар ургани... Ёлғони йўқ: жамийки имкониятини шу йўлда сарфлади, оқибат, нимага эришди, нимага?

Бир етишгани — Чархпалак... Ҳаёт юзини кўрган кунданоқ Чархпалак Гулобий бино заминида ўз ҳукми ва назоратини ўрнатди. Барча бўйсунушга мажбур, ана, ним ёритилган ер ости йўлаги бўйлаб, бирин-сирин судралиб чиқаётган маҳқумларни бир умрлик роҳат бахш этувчи сирли кучоғига тортаётир. Ажабо, соч-соқоли ўсиқ, афт-башараси кўпчиган, кийим-кечаги увода бу каслар гуноҳи нимайки? Хўш, ўгли Фузайлни қанақар жазога лойиқ топишмоқчи?

Саидбек Умар нафас чиқазолмас... Жимгина қунишганча, кучли ёритгичлар шўласида бетларидаги завқу шавқ ифодалари порлаётган Пўлат Қосимий билан Бо-бошга хитланиб тикилар. Булар учун увол билан савобнинг фарқи қолмаган шекилли. Нима, булар биров яшаши, биров ажалга ем бўлишини белгилаб бериш учун келишганми дунёга? Балки, кўҳна дунёни бошқаришдек масъул вазифа ҳам айнан шулар ихтиёридадир? Сира уялмай, баланд томдан оша келиб, ҳеч бир қуошқонга сиғмайдиган буйруқларни беришаётганига куласизми, куясизми?

Бошларига думалоғи жигарранг, гардиши ола-сариқ дубулға кўндириб, эгниларига оч-яшил ихчам камзул-шим кийволган абжир гумашталар изғир теварақда, улар баджаҳд ва тажанг раҳнамолари оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзга маҳтал, керак бўлса, тоғни кўтариб келишар елкаларида. Ҳар бир имоси тагида бир олам маъно яширин Пўлат Қосимий билан Бо-бошга ҳамишагидек Жобир Кирпи кўпроқ пой-патак, Нишон Ҳазара унга тақлид қилиш билан овора, бинобарин, ҳақимлар сардори Гулбиддин, махсус курсантлик мактаби мудирли Али Шаҳобий, етимхона каттаси Эсон Оқбўта ҳам сира бўш келишаётгани йўқ: нуфузларини янада ошириш илинжида чоғи, ҳар ерда ҳозир нозирлар. Ҳамиша манфаат ва нафс тарафида муқим турувчи Хушомад нималарга қодирлигини ўла-тирила исботлаётганини биров сезса, биров сезмас. Нималар эъзозда-ю, нималар хорликка гирифтор эканини ҳам билиш қийин...

Бир авжига миниб, бир пасайиб қоладиган тўполонда яна бир кимса тортар эътиборни, фақат, у бошқаларга қараганда анчайин қаримсиқ: елкаси хиёл чўккан, ранг-рўйи заҳил — ажиндор, чўзинчоқ иягида бир тутамгина соқол, аммо, бурнидан тортса йиқиладигандек туюлса ҳам, қадам олишлари анча енгил, ҳаргиз ўзини эпчил ва бақувват кўрсатишга тиришиб, ҳақкадек учиб-қўнар ва асосан эришаётир муддаосига.

Тавба, бу устаси фаранг ким?

Мулла Саид, пешонангдаги нима, кўзми, пўстак йиртиги, наҳотки танимадинг, ахир, у керагида топилмай, нокегагида оёгинг остида ўралашадиган Сайфи гуппининг ўзгинаси эмасми? Ана, сен томонга қайта-қайта синовчан назар солаётир, мақсадини тушуниш қийин, ҳарҳолда, нимагадир қулай пайт пойлаётгани шубҳадан холи эмас.

Курт тушганга ўхшар Сайфининг пайтавасига, зарил бўлса-бўлмаса пилдираб юрибди Чархпалак ён-верида, гоҳо кимларгадир сирли имо-ишоралар қилиб, кимларгадир илмоқли ҳазил ҳам отар, айни пайтда, саф тортган мулозимлар панасидан Саидбек Умарга ҳуфия тикилгани-тикилган — нигоҳида баъзан истеҳзо учкунлар, баъзан ифтихор, баъзан ошқора пўписа... Нигоҳи тошдан ҳам қаттиқ туюлар Саидбекка, тавба, намунча жиддий нишонга ола қолди уни, муддаоси нимайкин?

Энсаи қотиб, бир хил гашикка чулганиб, Саидбек секин гавжумроқ жойга жилди, очиги, таажжубга молик фавкулодда таъқибга чидолмай, руҳи синганча, панароққа қочди, лекин, фойдасиз бўлиб чиқди бу ҳаракати, негаки, қайга бормасин, ўша ерда аниқ-равшан сезарди қадалиб турган назарни.

Қачондан бери билар, у — уччига чиққан ғалвақаш, битта-яримта бахти қаро билан ўчакишса, тамом, эмаклатиб, тавбасига таянтирмай, ниҳоят, бошига етмагунча қўймас...

Саидбек ичини гўё мушук таталади.

Ҳозир ким ҳам қизиқарди аҳволига, анов уймалашиб турганлар шунчаки ҳангома-талаб: ўт тушса тушсин дунёсига, томоша бўлсин. Тавба, одамзод намунча ўч шу савилга, текин ғалва, текин можаро, текин ғийбат деса, ўйламай-нетмай томдан ташлар. Биров азоб ютганда — биров завқланса, аллаким омади чопганда — кимдир ўзича куйиб-қоврилса, тавба, қанақа қурилган бу дунё?

Яна Сайфи назарини туйди, Сайфи киприкларидан таралаётган кўринмас-сирли тўлқин ўраб-чирмаб олаётир шуурини. Лаънат бўлсин, қачон хом ўрган бунинг арпасини? Чирт узилди ичида нимадир, хўрсиниб, кўксини чангалловдики, Пўлат Қосимий амри янгради, ниҳоят, тозидек чаққон икки хос гумашта узун-энсиз латта замбилда ҳушсиз ётган Фузайлни қайгадир ола кетди ҳовлиқиб.

Энди қафасдаги қушдек потирлай бошлади Саидбек Умар юраги: ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган дилбандини қутқариши учун нима қилиши керак?

Кейин, миясига бир мудҳиш фикр урилиб, нафаси қайтиб кетаёзди: наҳотки Фузайл ўз қисматини такрорлаётир? Шу рост бўлса, ўлат тексин барига, эрта бечорани ўғирчага солишар, эти-суягини қиймалаб, ақли-ҳушини надомат сандонида пешлаб, турқи-таровати бошқа одам ясашар, вақти-соати етиб учрашишса, ҳайҳотки, ота-бола таниёлмас бир-бирини.

Азалу абаднинг бир бежогли, бир вайрона айвони кўп ғалат экан: дилхуши эрмаги беҳисоб, дилўртар қайғуси етарли, дилқувнар совға-саломни ҳам кам эмас. Барисини олдинма-кейин кўрди салмоқлаб, лекин, энди нимасига севинсин. Армонки, кечаги кунидан ёлчиганини ўйлаб овунарди, афсус, ёлчимаган экан, бутуни қандай кечаётир, эртаси нималар ҳозирламакда — фаҳми олмас.

Анчадан бери эртанги кунини яшаб тугатгандек бир ҳолатни туяр сезимларида, нечун? Нечун шундайлигини билмас, аммо, гўё, шу фавкулодда ҳодиса умрининг қай бир босқичида аллақачон рўй берган, ҳа, эртаси можароларини шоша-пиша яқунлаган, сўнг кўнгли орқали кечмишига сакраган ва кечмиши билан қовушган.

Ажабо, тоабад мозийда қолса, унақада бугуни нима бўлар, ҳайҳот, бугуни йўқми? Бор, кўксига кундек ўрнашган, фақат, унда яшашни, унинг лаззатли оғушига сингиб кетишни эплолмай гаранг.

Саидбек энтикиб қўйди, қай маҳалдир ажаб бир сурурга тўлди, ёришиб борарди олам... Диққат қилсаки, шундоқ осмонда тўлин ой навозиш билан жилва қилар, толим-толим кумушранг сочларини Қуйруқсой теграсига ибоб билан ёйиб ташлаган. Аллақачон бутун қишлоқ уйқуда, фақат, биргина хонадон уйғоқ, у, оққўнғил бекаси Ҳазора момо тили билан, қадимда Энабоши унвони ила танилган Эна Кўкбўри киссасини тўлиқиб сўйлар...

Кўзлари чарақлаб тикилар даврага: бунда фақат иззат-икром аҳли жам, дастурхонни фақат сархил егулик эмас, файз-барака, эътиқод ва эҳтиром нематлари ҳам безаган. Илоҳий тўқинлик кичик жамоани сеҳрлаб қўймиш, эзгу ниятларга иҳлос қўйган жамоа чечанликда тенгги йўқ бекани гоҳ ботинан, гоҳ зоҳиран олқишлар.

Қатордан қора-қура жужуқлар ҳам жой олган, улар орасида Саидбек, алоҳида ихлос билан, ажиб оламга кириб қолганига инониб, ширингина мўлтираб ўлтирар. Ақлу ҳушини Кўкбурилар қисмати ўғирлаган, сеҳргар сўзлар таъсирида ўзини Кўкбурилар ёнига қўяр-да, ажаб ҳисларга чўмиб, ўзига ҳам, ёруғ дунёга ҳам сиғмас. Ҳар замонда энтиккан кўйи кўз қирини ёнгинасида қўр тўккан, чеҳрасида недир орзиқиш ифода-ланган Бўзтойга тегирар. Бўзтойни-ку билмас, ўзи, ҳа, ўзи бурун замонда Кўкбурилар билан Сариеўғлар орасида кечган сиру савдо ичра девона янглиғ саргардон: гоҳ оғзи-боши, гоҳ жигари қон, баъзан кўзёш дарёсида сузса, баъзан хун-зардоб уммонига фарқ, борингки, хаёли чуваланар-да, у ҳам ўша лаҳзаларда ўзини эртакнинг машақ-қатларга тўла дунёсига сафарбар қилар, азал ва абаднинг қўним ва қўрқинч нимали-гини билмайдиган елвагай аскарига айланар...

Ана, осмон энкайиб кела-кела замин билан юмшоққина ачомлашар, гўё, чор-атроф тилка-тилка, муазам иморатлар гардишини рутубат кучиб, тириклик наши-даси қайларгадир чекинган, ҳавони найза-шамширлар қаҳ-қаҳаси ларзага солар, камон ўқлари илондек вишиллаб учар, ҳаёт-мамот жангига кирган навкарлар кўкси аёвсиз тиглардан пора-пора... Қиёмат-қойимни эслатадиган манзарани қоялар пана-сидан кузатиб турган Саидбек билан Бўзтой бағри ҳам чоку чок, энди улар не қилсин, борса келмас билан юзлашган шаҳидлар ёнида қаро ер тишлаб, сукунат кафанига ўраниб, видо айтгани ҳам ярамай, афтодаҳол ётишсинми? Илож қанча, зеро, пештахтада зару зевар ёйиб, асли мис ва нукура билан савдо қиладиган тақ-дири азал инилари — Кўкбуриларни аямаган экан, улар ҳам ўзларини ўшалар қато-рига қўйишса не қилур!?

Ҳалабага бир қадам қолган, ғалаба нашидасини суриш учун Саидбек билан Бўзтой ҳам дилдан ҳозирланар, ҳатто, яроқ тақиб, наъра тортиб, майдонда жавлон уришга ҳам улар рози, алҳол, жўшиб савашаётган Қорахон баҳодирга офарин айтишар, ле-кин, нима бўлди улуғ хоқонга, нечун ортга бурди тулпори жиловини?

Ҳамиша шу ерида Саидбек, баданига минглаб игна санчилгандек, оҳ чекиб, телбаваш инграган, э, моможон, шу жойини четлаб ўтинг, қиймаламанг юрагимни, деган маънода, уй соҳибасига термилган, афсуски, бунинг иложи йўқ; бир маромда янграйдиган сеҳргар сўзлар инон-ихтиёрини ўғирлайверган, кўнглини сўнгсиз изти-роблар тўфонига гирифтор этаверган...

Мана, айна фурсатда ҳам у — ўсмир йигитча, ақли-идроки, тасавури ва ҳатто сезимларида ўша манзара лопиллаганча қизгин тусда жонланаётир: Бўзтой билан чопачопача етиб борар жанг майдонига, ана, Кўкбурилар кўли устун, улар ҳадемай саркаш зафар отига нўхта уришар, зеро Сариеўғлар ҳоли танг, улар сичқон инини ижарага олиш пайида. Ғолиблар ҳайқиригидан борлиқ титранишда, эвоҳ, шу лаҳза қора кўпикка ботган бедовини чоптириб келган чопар майдон узра ҳилпираётган, Улуғ Кўкбури суврати акс этган байроққа умид кўзини тиккан Қорахон баҳодир пойига йиқилар. Даҳшатли мужда! Энди зафар байроғи ҳилпирас, шаҳаншоҳ эса, нақд юрагига тиг ботгандек, чирпаниб ўкирар, кўз ўнгида дунё зимистонга айланар. Бас, ёлғон! Ундай бўлиши мумкин эмас, Ойнигор малика она сутидай пок аёл, у номус-орини гард тегизмай асраш учун жонини ҳам аямас. Ўтрикка нега ишонсин, ўт сочар хоқон кўзларидан ва сапчадек узганини билмай қолар чопар калласини...

Саидбек — бола, ҳа, у ҳозир ялангоёқ, ялангтўш ўсмирга айланган, мўйлаби сабзалаган пайтларда ҳаёлига ўрнашган ва унутилиши душвор саргузаштлар ўлча-мида ўралашиб юрадир. Ҳозир у Чархпалакни, Пулат Қосимий билан Бо-бошини унутган, тасавурида — Қорахон баҳодирнинг ғазабдан кўкариб кетган башараси, ҳавода яшинвор ўйноқлаган кескир қилич... Ниҳоят, Кўкбурилар тахтида виқор тўкиб ўлтирган, елкасига йўлбарс терисини ёпинган, ғолиб келганини мамнун кулгиси билан изҳор этаётган сариеўғчи ҳукмдор этагини ўпиш билан машғул Ойнигор ва унинг пушаймон ёши билан тўла шаҳло кўзлари... Ана, маликани саҳрои кабирга якка-ёлғиз бадарга қилиш ҳақида фармони олий ўқилар: йиртқишларга ем бўлсин. Энди у, сочларини юлиб, кўксига муштлаб, фиғон чекар, лекин арзи-ҳолини ҳеч ким эшитмас. Чорасизлик ўтида қоврилганча шўрлик бадар кетар, бир амаллаб дала-дашт ваҳимасига чап берар, узоқ йўл юргач, шовуллаб ётган бир ўрмонга етишар. Наҳот қайда, буни билмас, эртаси нима бўлишини ҳам билмас. Ҳамроҳи — ёлғиз-лик ва йиғи. Сўнг, вужуди билан боғлиқ, ана-мана рўй беражак инқилобга ҳозир-ланар ва... қай бир лаҳзада ёруғ дунё билан танишишга журъат этган гўдак ингала-ши тутар чор-атрофни.

Ўша заҳотиёқ Оллоҳ ҳукм битар: бир парча эт пушти-паноҳидан ажралиб, тақдир билан юзма-юз қолар. Мана шуниси айниқса бедодлик... Энди не кечар гўдак ҳоли? Ажал чангалидан бечора эсон-омон қутилармикин?..

2

Чақалоқ ёлғиз, эҳтимол, у шунга аза тутиб йиғлаётгандир чириллаб, ана, йўргаги — ҳўл хазон... Улкан чинор панасида дилдираб турган Саидбек билан Бўзтой совуқ лой суртилган пешонаси ва кўкрагига нигоҳларини маъюсона қадаган, эвоҳқи, унга кўмак беролмай ҳар иккалови ҳам доғда, куйишиб-ачишаётган дилларида эса надомат тоғи бунёд бўла борадир.

Жўралар манфур ниятини амалга ошириш учун шайлана бошлаган Азроилга лънатлар ёғдиришар, ана, у анчадан бери қулай пайт пойлаёттир. Буни Чақалоқ ҳам ҳис этар, лекин, у Азроил ташрифини тақдирнинг муқаррар сийлови эканини аллақачон тан олган ва унинг ҳуружга ёноқларини юваётган ёшларини қарши қўйгандек туюлар. Ҳар замонда товушини кўтариб чинқирар, ким билсин, балки шу дамда кўп бора аждодлари кунига яраган улуғ ҳомийни даъват қилаётгандир қошига?

Олисида, Сулаймонтов бағрида яшар улуғ ҳомий...

Неча кундан бери у бедор...

Оламча қайғу чўккан чоғир кўзларига.

Ҳазора момо борича ривоят қилади, унинг қуруқшаган лабларидан учаётган каломлар чўғлана-чўғлана Саидбек билан Бўзтой юрагига муҳрланар. Сўнг, учи кўкка найзадек санчилган баҳайбат чинорни яққол кўришар. Чинор танаси — паноҳ: улар оқимтир-силлиқ пўстлоқни силай-силаи, бир-бирлари пинжга тикилиб, интиқ кутишар Эна Кўкбўрини. Улар фаҳмича, Эна Кўкбўри оқил дарга: кўҳна дунёни осуда ва озода кўргиси келар, губордан холи мусаффо турмушни орзу қилар, аттангки, мард ҳам, номард ҳам мурувват бобида тенги йўқ сийнаси орқали ўтадиган шафоат дарёсини лойқалатишдек ғалат юмуш билан машғул...

Тагин, жўралар хаёлидан кечарки, Қорахон баҳодир қўшинидан омад қуши юз ўғирганидан буён Эна Кўкбўри ҳаловатидан айрилиб, узлатга чекинган, кенг ва ёруғ дунёга сиғмай қолган, бирон-бир тирик жонни яқинига йўлатишни истамас. Фақат ёлғизлик билан ошна, танҳо тортиги келар айрилиқ аламини. Афсус, Қорахон енгилгани устига, тунов кунни Кўкбўрилар қавмининг энг ишончли суянчиғи саналмиш эркаги — Учқур Кўкбўри, шунингдек, избосар эгизаклари Олабўйин билан Алпинзўр Сариоёғлар ўқиға учган...

Эрта не кечар улуғ шажара ҳоли?

Жўралар мулоҳазасига кўра, мана шу ўйдан Энабоши айниқса кўпроқ ўртанар, кўпроқ қайғу чекар ва нимадир зил-замбил тош каби чўқар кўксига. Сўнг, не қиларини билмай, жимгина чўзилар-да, рўпарасидаги бир парча ойдинликка ҳайрон-ҳайрон тикилар: умид чироғи ўчиш арафасида, лекин, барибир, йўл қарашдан тийилмас, ажабо, бу эрмагида не маъно яширин?

Саидбек билан Бўзтой, Ҳазора момо таърифига шу қадар берилиб кетишарки, ўзларини Энабоши кўнглига кириб олгандек, ҳатто у билан бирга қайғу чекаётгандек сезишар. Чиндан ҳам Энабоши дарди-ҳоли аён: тақдир найрангларини у ҳамиша шижоат, шукрона ва қаноат билан енгган. Ҳозир эса, жўралар тасаввурича, у бардоши ва эътиқодини кўмакка қақирган бўлиши керак. Ичи лов-лов ёнар, лекин, сир бой бермай, босиқлик ила, тоғ-зов, дала-туз, тўқай-ўнғирдан бир дақиқа ҳам кўз узмас, зора ҳужайраларида меҳри мангу ўрнашган эгизакларидан бирови ими-жимгина, жовдирай-жовдирай кела қолса, келса-да, кун сайин тулуп каби тўлишиб, гавдасини зирқирата-зирқирата босиб тушаётган сийнасига эркаланиб ташланса.

Айрилиқ заҳри нақадар ўткирлигини жўралар теран ҳис эта туриб ўқинишар, ҳа, бунга чидаш амри маҳол, маҳоллигики, Эна Кўкбўри ҳар қанча йўлга термилгани билан на Олабўйин кўринар, на Алпинзўр, шундоқ кўзи ўнгида думалаб-сумалаб, гурқираб ўсган ва қанотига кириб қолган эркатойлари дараксиз.

Жўралар армони ёнида бошқа армон томир отар, ахир, Энабошининг ҳаргиз меҳр кўрғазига иштиёқи баланд сийнаси томирлари бўйлаб пайдар-пай оқиб келаётган тириклик шарбати билан лиммо-лим: сал қимирласа тошгудек, чайқала-шопирила тўкилгудек ҳолда. Илимсиқ, ёқимли, асалдай мазали ва роҳатбахш неъмат ҳар бир

хужайрасида жўш ураётганини, эврила-эврила, гавго солиб, бутун вужудини забт этаётганини ҳис этар лаҳза сайин. Бадани куйгандек бўлар, ҳа, энди у илимсиқ эмас — қайноққина, аста-секин шунақа мавж урарки, ҳар қанақа вулқон ҳам ҳеч нарса бўлмай қолар олдида. Таранг томирларини ёргудек бўлиб, иссиқ қони билан аралашиб, шитоб югургилай бошлаган илоҳий ҳарорат жудолик азоби поёнсиз эканини теранроқ англата борар улуг ҳомийга. Сийнасини қамраган инқилоб уммонига тамом фарқ бўлгандай сезар ўзини. Гуноҳ билан савоб ўртасида қолар шекилли. Во ажаб, не қилар энди, овунчоқлари ризқу насибасини тупроққа, сувга, тошга, майсаю бутага соғарми?

Ноилож, яна намчил, қаттиқ, бефайз ерга бовур берганини жўралар кўриб тургандек бўлар, шу аҳволида неча кун, неча тунни кечириши номаълум, фақат бир нарса аён: қони-жонида гупираётган мўъжиза ҳадемай қадрсиз жолага айланажак, баданига сиғмай, хужайраларини эзгилаб, ўзи билан ўзи аёвсиз жанг қилажак, ниҳоят, тирсиллаб кетган эмчаклари учидан тизиллай-тизиллай тўкилажак. Тақдир шуни истабдими — на чора, лекин, қайси тарозида ўлчаш мумкин бу уволи азимни?

Аста ингранар, нигоҳида — ғазаб алангаси...

Баридан Саидбек билан Бўзтой воқиф, оҳ, Эна Кўкбўри кечирган уқубатли онларни Ойнигор ҳам кўрсайкан, афсус, у буни кўрмас, негаки, тан қальясини жон қуши аллақачон тарк этган, ушбу паллада эгасиз жисми зимзиё жар тубида қалашик муз тошларни афтодаҳол қучиб ётадир.

Жар теграсида, сокин ўрмоннинг хилват бурчида, Чақалоқ ўзи билан ўзи машғул... Гўё Чақалоқ ёлғизлик азобини энгишга қасд қилган... Ёху, мадад бер, фалак! У, ғазабни, нафратни, гина-кудуратни йиғиштирар-да, оёқ-қўлини типирчилатганча, товушсиз наъра торгар, шунда бутун борлиқ бир силкинибу тушар (ҳангу манг қотиб қолар Саидбек билан Бўзтой), эшитилмай гулдираган товуши Аршининг зийрак қулогига етар зумда. Ногоҳ, Энабоши ҳам эшитар, чўғ босволган каби безовталаниб қолар, фаҳмича, бу шунчаки наъра эмас, турфа бекатларга беҳисоб тузоқлар қўйиб, кейин умид мазгилига йўловчи йўллаган тақдир чорлови!..

Саидбек билан Бўзтой безовта: ҳали қоқ саҳар, ҳали борлиқ ҳузур қилиб ухлар тун оғушида, лекин, қони, қони билан бирга қайноқ сути тошаётган Энабоши чидармикин тонг отгунча?

Курраи арз роҳат қўйнига чўккани сари нотинчроқ тепар Энабоши юраги, олисдан элас-элас келаётган сас — тонг насимидай покиза, шалола янглиғ жўшқин товушсиз товуш қанот берар руҳига: ким у ҳам нажот тилаб, ҳам юрагини очаётган, ҳам ташвишга тушиб, ҳам замин гуноҳи азимга ботаётганидан огоҳ этаётган?

Ана энди Энабоши бир зум унутар сийнасидаги оғриқни, ўша оғриқ чангалига тушиб қолган жисмини. Айни пайтда, бирдан тасаввури ёришиб, ғайратга минар, ахир, бирдан танир сирли овозни, қайсидир хилватда азоб чекиб, нажот тилаётган, ноҳақлик қурбонига айланаёзган жон улуг шажара ҳалқаларидан бири эканлигидан тониши инсофданми?

Борлиқ ҳамон уйқуда, чинор панасида ўтирган Саидбек билан Бўзтой ҳам пинакка кетган, фақат Энабоши бедор. Энабоши нафақат бедор, у, вужудини чирмаган изтиробни энгиб, қоронғилик пардасини дадил тилкалаганча, елиб борар ўрмон сари. Шахти шунчаки, поёнсиз замин кўзига нўхатча кўринмас. Тоғ этагига туташ гўшадан муаттар бўй анқир, у, масту масрур ҳолда, шу сеҳрли хид сари ошиқар, тезроқ етишса унга, тезроқ.

Ниҳоят тонг аста очар кўркам жамолини, ҳануз уйқусираётган ўрмон ва тоғ узра, паст-баланд қирлар белида шафақ шарораси... Ҳайбатли қоялар пешонасидаги ажинлар тугуни ҳам ечилар. Чиройи тўлишаётган борлиқни завқланиб кузатаётган Саидбек беихтиёр қийқириб юборар: «Бўзтой, қара, қарасанг-чи!» Япроқлари сокин шовуллаётган чинор тагида совуқдан кўнишиб ўтирган, болдек ширин уйқу хумори тутгани туфайли қовоқлари кўпчиган Бўзтой ҳушёр торгар кутилмаганда. Нозик бир кулги инар кўқарган лўппи ёноқларига. Кулгиси бежизмас: субҳидам чоғидаги ола-қуроқ ёлқинда Эна Кўкбўри бир-бирини ачомлаган чўққилар яғринидан шиддат билан думалаб тушаётган олов шарга ўхшар ростакамига.

Жўралар кайфи чоғ: Худо етказди халоскорни.

Жўралар шукронасини сезган ва тасдиқлаган каби, ҳам энтикиб, ҳам чўзиб ув торгар Энабоши, аммо, палалонлар янглиғ бир-бирлари пинжида исинаётган ҳангоматалаб икки қиёматли ошнага бир қайрилиб қарамас, иримига. Гурсиллатиб босган-

ча, тарвақайлаган елинини галати селкиллайтиб, безовта гингшилай-гингшилай, ўқдек зувиллаб ўтиб кетар ёнларидан.

Бўзтойни билмас, бироқ, Саидбек ўзи бир нигоҳ отишдаёқ Энабоши қадди-бастидаги ғайрат, куч-қудратни, ёлқин сочиб порлаётган кўзларидаги иштиёқ ва ихлосни яққол пайқаган, о, бу ёвузлик кушандаси, улуғ шажара бўғинларини хор қилиб қўймас, дея шивирлагани ҳам ёдида.

Қисқаси, ошиқиб, тўлиб-тошиб келган Энабоши ҳангу манг турган қадрдонларга ҳатто қиё ҳам боқмас, ёнларидан зув ўтиб кетар гурсиллатиб. Тушунуксиз бир ҳадик жам назарида, кўрсаки, унсиз нидо қилаётган Чақалоқ тупроқ ичра — тупроқ, хазон ичра — хазон, охирги кучини аранг йиғиб, шумшук Азроил билан ҳарбу зарб айтишаётир.

Бирдан увлаб юборар чидолмай кетган халоскор, чунон увларки, шундоқ ҳам чийралиб турган борлиқни афсус тўзони тутар, бодрай-бодрай тўкила бошлаган борлиқ каби Саидбек сим-сим тўкилар, Бўзтой эса жазирамада қолган муз каби эриб оқар. Мўъжиза рўй берар жўралар кўзи ўнгида: ўрмон қувонч билан шовуллар, ўрмон мурувват назари билан боқа бошлар Чақалоққа. Ҳатто Азроил ҳам авзойини ўзгартирар: бетига зўраки кулгини ниқоб қилиб, чошгоҳ соясидек чекинар қайгадир.

Фароғатли сукунат нафаси сезилар ўрмон сарҳадида, чамаси, сониялар ажиб роҳатга чулганганини, борлиқ озорларидан тонганини Чақалоқ ҳам фаҳмлар. Эндигина қанот чиқарган қушдек жойида талпинар, ингалашини авзига чиқарар-да, ногоҳ йириб очар қуралай кўзларини: ажал фариштаси чекинган, унинг ўрнини эгаллаган мана бу жонивор қиёфаси намунча ёқимли, ёпирай, шафоат нури ёғилаётир тубсиз қароқларидан.

— Болам, сени танидим, — дер Энабоши тилга кириб.

— Мен ҳам танидим сизни, — дер Чақалоқ жилмайганча.

Сўнг, кўзлари уришар, диллари бирлашар, томирлари туташар — фавқуллода жозиб мулоқот, еру кўкни жунбушга келтириб, ўрмондаги жамийки тирик жон ҳавасини кўзгар. Ҳеч қачон бунақа мўъжизага дуч келмаган парранда-даррандалар қувончининг чеки йўқ; адолат ҳимояси дахлсиз. Рутубат ичра қийналиб кетган ўрмон жисмига ёруғлик сингий бошлаганини кўрган Саидбек билан Бўзтой ҳам ҳаяжонда, дилларида галати интиқлик уйғонар. Тириклик заминида кеча бошлаган ҳайратларга Эна Кўкбўри бепарво, ҳозир Эна Кўкбўри тасаввурида Ойнигор жонланар: шундоғ хилқатни Азроил илкига ташлаб кетгани журъат қилган зот қандоғ она экан?

Қани, қуралай кўзли митти паҳлавон, ўнгла ўзингни, тузукроқ ўнгла, ҳали лат еб улгурмаган ақлу заковатингни тадбир ила ишга сол, ҳийла-найранг қонга белаган кунлар ортда қолганини англа, о, намунча безовтасан ёки ҳалиям ўт ичидами танинг, о, ширинтой, чанқоқ лабларингни берироқ чўзгин, тезроқ бўл, унақа тортинма, ҳозир ийманиб ўтирадиган вақт эмас, бунақа имилласанг борми, ҳозироқ паққос ёрилар сийнаси, ҳей, гулбола, уқиб ол, унинг ёв ўқиға учган эгизаклари насибаси сенга буюрган экан...

Саидбек Чақалоқдан узолмас нигоҳини, бинобарин, машъум хилватни гўдаккина қачон ижарага олганини эслашга қодир эмаслигини дилидан кечирар. Ёруғ дунёга ташриф буюрганидан бери унинг кўриб-билгани — Азроил қиёфасидаги очлик ва совуқ, эрта-кеч ҳавони айнитиб турадиган ачқимтир ҳид... Кўникиб қолувди буларга, лекин, барибир, дилида зимдан бир норозилик ҳам яшар анчадан бери: бадига урган заҳаролуд ислар, изиллаган намчил изғирин, эрта-кеч шивалаб ёғадиган ёмғир. Тамом безувди маънисиз ҳаётдан, буни қарангки, ёруғ дунёда таскин ва ҳузур ато қилувчи умидбахш бўй ҳам, ёгин-сочин ва аямаъжуддан холи иссиққина паноҳ ҳам бор экан. Ахир, қайси паноҳдан кам Энабоши оғуши?

Чақалоқ қайтадан бошлади ҳаётини, у Энабоши сийнасида кўрди ҳар нарсага қодир катта оламни. Не саодатки, Энабоши жисмида у тилаган жамийки эзулик жам: ҳам хотиржамлик, ҳам тўкинлик. Эртанги кун қувончидан сўйлар юпқа лаблари оша ёноқлари, ияклари оша бўйнига думалаган марварид томчилар. Энди у ўзига чорлаб турган саховатли хилқатга зарра-зарра сингиб кетишга ҳозир, ҳа, бутун вужуди билан истаётир буни.

Чақалоқ чехрасига тикилганча Энабоши шукур қилар: яхши ҳам увол бўлмади эгизаклари ризқ-рўзи, томирларини тотли бир энтиқиш ва оғриқ мисоли қамраган

мўътабар шарбатни кўкка соғмади, тупроқ ё қудуққа тўкмади, хайрият, Яратган осон қилди мушкулини — омон қолди гуноҳи азим сари тойиб кетишдан.

Яна, омади чопганики. сутини қулқиллата эмиб, қучоғида пишиллаганча уйқуға чўмган Чақалоқни аллақайси бир хилватдан топиб олгани ёлғон, уни ўзи туққан қийналиб, мархум жужуқчалари — Олабўйин ва Алпинзўр билан қорнидан талашиб тушган: жондай азиз ука уларга. Энди улар ўрнини босар, билдирмас улар йўқлигини.

Хаял ичида, Чақалоқ бурунчасини мушти билан ишқалай-ишқалай чўғонганини Саидбек билан Бўзтой кўрар, ана, у тагин, қизганчиқлик билан, тўлишиб қизарган, тап-таранг тортилган эмчақларга жон-жаҳди билан ёпишар. Қилиғи мойдек ёқиб тушар жониворга, ҳузур билан юмшоққина ғингшилар, ҳатто қитиғи ҳам келар. Айни пайтда у ён-верига олазарак кўз ташлар. Бевовта бўлгани бежиз эмас, ахир, у ўрмонда Қабоҳат азал-абад ин курганини яши билар, адашмаса, илону чаён қиёфасига кира оладиган Қабоҳат эрта ё индин содиқ шериклари саналмиш Сариеўларни бошлаб келишдан тоймас. Чақалоқ билан топишгани хабари етса Сариеўлар ҳукмдори ўлганда ҳам тинч турмас — пайтавасига қурт тушар, Ойнигорни дорга тортмаганига минг пушаймон еб, зудлик билан бадбахт меросхўрни тутиш ва иложи борича енг ичида гумдон қилиш учун амру фармон берар. Агар уни йўқотмаса, эрта қавми ҳолига вой, ўзининг тагига ҳам сув кетиши, осонгина қўлга киритгани — қудратли тожу тахтдан ажралиб қолиши аниқ.

Маккор пошшо режаси Эна Кўкбўрига аён, шунинг учун ҳам ўт тушар ичига. Қабоҳат болалаётган экан, демак, у талбир билан иш тутишга мажбур, бас, улуғ шажара шавкатини асраб қолиши керак: кўксини қалқон қилар шаҳзодага. Токи, бир мўйи мертилмасин, токи камлик кўрмай балоғатга етсин, улус фахрига айлансин, эл бошида булутдек тўдаланиб турган фитнаю фасодни тоабад даф қилишга эришсин, инқирозга учраган тожу тахтни қайта тиклаш билан бирга, адолат тарозисини ҳам ўрнатсин, орифларни қўлласин, нафс бандаларига муносиб жазолар берсин...

Энабоши ифтихори Саидбек билан Бўзтойга ҳам юқар, бунини Энабоши сезиб, мамнун кўз ташлар жўраларга, сўнг, нигоҳини яна Чақалоққа олар. Гунчадек ёқимтой чехрага боқиб тўймас. Энтикиблар кетар сўнгсиз бир ҳузурдан. Кейин, кўзлари порлаб, оҳиста кўзгалар, қисқагина улыб. Чақалоқни авайлаб тишлар-да, олисдан қорли учлари нуқрадек товланиб кўринаётган Сулаймон тоғи томон йўл тортар. Ажаб эмаски, Кўкбўрилар келажаги сари юриш бошлаган бўлса, эҳтимол, Кўкбўрилар кечмишига шўнғиб кетишни чама қилгандир. Ҳартугур жўралар шунақа хаёлларга боришган. Тагин ким билсин...

3

Саидбек Умар янглишгани йўқ; ростдан ҳам Сайфи авзойи бузуқ, фақат, ўзи билан бирга, Эна Кўкбўри ва Чақалоқ изига ҳам тушган, алҳол, кўнгли иқлимга тажовуз қилиш пайида, агар хас-хашагини очиб ташлашга эришса, Гулобий бинода тагин ҳам мустақамлаб олар мавқеини.

Кечга яқин, саройда сукунат чўккач, Саидбек Умар секин жилди — казо-казолар кўзини шамғалат қилиб. Бас, Сайфини чалғитиши керак. Келиб-келиб шу суллоҳ ноғорасига ўйнайдики? Афтини ит яласин... Яхшики дунё кенг: истаган пайтингда яшириниш учун пана-пастқам топилар. Ҳар қандай зол ва чапдаст кимсага осонгина чап бериши мумкин, аммо, ўзига чап бериш қўлидан келарканми? Айниқса, тақдири азалдан қочиб қутилиш қийин, вақти-замонида Қорахондек ботир ҳам, Ойнигордек сулув ҳам бунини эплотмаган.

Хиёнат илони кимни авраган: шоҳними ёки маликани? Илгари зил-замбил бу саволни Саидбек ўзига ўзи неча марталаб берган, бу савол, ҳозир, кутилмаганда Сайфи таъқибига учраган пайтда, яна чарх урди мясида. Аввалги каби, ҳозир яна жавобга ожиз, эҳтимол, жавоб дили тубига чўкиб ётгандир тошдек, лекин, уни топиши осонмас.

Ҳар лаҳза, ҳар қадамда Саидбек Умар панадан мўралаб кўяётган Сайфининг тикандек санчилувчан назарини туяр, бир қарасаки, у шундоқ пинжида: гоҳ калта соқолини қашлаб, гоҳ қулоғи учини чимчилаб, мийиғида қулаётир.

Майли, шунини истабдими, эринмай кузатаверсин, зўр бериб чирангани билан ҳеч вақо қилолмас. Ахир, бу дунёда ким охирига еткиза олган таъқибни, эҳтимол, унинг бошига етар, аммо, Эна Кўкбўрига дахл қилолмас. Эртақ умри узун келар, негаки, у

қадимдан муқим яшаш учун кўнглини танлаган. Фақат, сир шундаки, эртак билан бирга бўлиш, бирга нафас олиш, қувониш, қайғуриш ҳар кимга ҳам nasib этмас. Шу ҳақиқат пойдор эканига Саидбек кафил, бинобарин, ўзида кечаётган ҳолатлар буни исботлар: қаригани сари Эна Кўкбўри билан Чақалоқ дахлдор фаройиб ҳаётга чуқуроқ кириб бораётир.

Саидбек Ойнигор бошига тушган кулфат залворини таг-замини билан борича ҳис этар, дунёга сизмай қолар-да, тақир ерга гавдасини отиб, думалаб-сумалаб, ўкириб йиғлагиси келар, аммо, дунёни бошига кўтаргани билан нима ўзгарар? Ана, сочлари тўзғиган, қовоқлари гупдек шишган, бағри хун малика муаззам саройдан бош эгиб чиқар, энди у вайрон қилинган арк рўпарасида Сароёғлар тиклаган дордан омон қилиб, тақдири азалинг макр дорига тортилганини англаган, сўнгсиз пушаймон гирдобада эврилиб, саросар кезар уқубат воҳасини, ахийри, толиқиб юра-юра, ҳар не яхши-ёмонни яширган жимжит ўрмон сарҳадига етар. Хўрлик эзар борлигини, эри Қорахон қўйнида эркаланиб, тоабад севикли ёрингиз бўлай, суқсурдек ўғлонлар туғиб берай, дея тилидан бол томганларини эслар. Тўлғоқ азоби чоғида, бутун дунёни хиёнат яримта қилар экан, деган ўй кечар дилидан. Хаёлан шунқоридан минг бора узр сўрар, аммо, босган қадами кечирим эмас, фақат нафратга лойиқ эканини тан олиб ўкинар ва шу асно кўзи ёрир. Юраккиnasi тагида тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соат ва тўққиз дақиқа асраб-авайлаб кўтариб юргани ўғил экан. Оналик мартабасига эришган малика, бир олам қувонч туйиш ўрнига, дарё қилиб оқижа берай қайноқ ёшини: «Оҳ, қиблагоҳим, ўзингни ҳам, меросхўрингни ҳам хору хас қилдим!» Меросхўр бўлимли, кўзлари қуралай — юлдуздек чақноқ, пешонаси қўчқорники каби дўнг, елкаси чўнг, икки кураги орасида йириккина хол ўрнашган, боринги, Қорахон отлиғ омади юришмай қолган подшоҳнинг айни андозаси.

Тақдирдан нолий-нолий, ўзини гўрдан олиб, гўрга тиқиб, ахийри, Ойнигор йиғиси ва хўрлигини ютишга мажбур бўлганига Саидбек гувоҳ ўтар, кўксини бир ўксиниш куйдирар... Ана, зўрга овунган малика, оҳ, жоним, умидим гунчаси, деб шивирларда, аста бағрига торгар мўлтираётган гўдагини. Мурғак жон эса бошқача бир алфозда безовта, жажжи панжаларини мушт қилиб туккан, оёқларини силкиб-силкиб қўяр, о, маъсум қароқлари намунча тўла мунгта? Тикилиши ҳасратли, нажот ёлқинига бегона...

Лекин, бунга Ойнигор эътибор қиладиган аҳволда эмас: хилват ўрмон ўзини ҳам, гўдагини ҳам ямламай ютиб юборишини ўйлаб жони ҳалак. Дарди-дунёси лаҳза сайин қоронғилашиб, болажонини қучоғига тортиб, интиқлик билан қайта-қайта ўпар. Негадир болажон саркашлик қилар, астойдил рўйхушлик бермас, бегонасираб, гингшилаганча, жангарилик билан ҳар ёнга ташлар ўзини. Орадан уч кун ўтса ҳамки, қайрилиб қарамас волидасига. Ҳатто унинг таранглашиб бораётган сийнасига зигирча қизикмас, аксинча, тўлишиб, ол, ола қолсанг-чи, дея мунғайиб турган эмчакдан оғзини ҳам, нигоҳини ҳам олиб қочар. Сўнг, бир эрта, волидаси тоқати тоқ бўлган дамада, туйқус тилга кирар чулдираб: «Мен Ўғизхонман!» Ҳаммасини кутган бўлса ҳам бунисини кутмаган шўрлик она тош қотар, шу кунгача меҳрибонига лойиқ исм топиб қўймагани учун ўзидан гиналар, ичи тирналиб. Ажабо, бу қувончми, ғам, у, оёғи чиқмасдан забони чиқиб, ўз номи ва унвонини ўзи эълон қилмиш! Шошиб қолган онаизор бор диққатини бир нуқтага жамлаб тикилар ўғлига: «Оҳ, бўталоғим, отинг муборак!» — дер баттар саросималаниб. Энди Чақалоқ чеҳрасида сирли бир сокинлик акс этар, калта, майин киприклари билинар-билимас пирпирар, нечундир гунча лабларини нам тупроққа босганча узоқ ётар, ниҳоят, аста ўмганини кўтарар-да, недир истехзо билан кутилмаган арзини айтар: «Сендек она кўкрагини тиламак нафси оромим учун ҳаромдир!» Энди Ойнигор яна тош сувратига кирар, жонига ўт ҳам туташар, о, бунинг даъвои достони баланд-ку! Тавба, ўзи бир парчагина эт бўлса, нечун бу қадар улкан дард чекаётир? Оқни оққаю қорани қорага ажратиш шунинг зиммасига тушганми?

Чақалоқ ҳалигидай таъна тошларини отганда кўзларида порлаган учкунни Саидбек аниқ-тиниқ кўрган ва латтадек шалвираб қолган. Бунинг турган-битгани исён, деган ичида, сўнг, юм-юм йиғлаётган Ойнигорга термилган. Шўрлик Ойнигор тамом ўзини унутган, боласи терс ўгирилиб олганини кўргач, айниқса эзилиб кетган. Энди у митти юрагидаги улкан ғурурини ошқор қилиб, ўзини Ўғизхон деб танитган фарзанди кўзига қараш, ҳатто унга қўл тегизишдан чўчиб қолар, бунга қилча журъат тополмас. Муҳташам сарой ҳашами ва иззат-ҳурматиға ўрганган малика ана-мана қорнидан

тушган чўкиртаги қошида хору зор... Унга бор меҳрини беришга рози, лекин, буни қандай эплашни билмас. Мана шундан айниқса бағри сим-сим ситилар... Бағри ўкинч ва қайғуга лим-лим тўлиб борар... Тирсиллаган эмчаклари учига биров аямасдан игна санчиб-санчиб олаётгандек... Даҳшатли оғриқ сирқиратар томирларини, оҳ, нима қилсин кўпириб-тошаётган сутини, гулга, дарахтга, тупроққа ё тошга соғсинми? Кел, ҳой, қоқиндиқ, кўп нозланмай эма қол, ахир, бул неъматни увол қилсанг, ўзинг ҳам увол бўласан-ку.

Аммо, Чақалоқ гажир, ҳамон аҳдидан қайтмаган, кесак чайнаса чайнарки, онаси сийнасига йўламас. Буни яна бир бора армон аралаш ҳис этар Ойнигор, алами сўнгсиз бўлар, ахийри, ўзини тиёлмай, тақдирдан нолиганча, бир эрта, ўқ еган қарчиғай янглиғ шўнғиб кетар тубсиз жарга...

Саидбек гудранар: «Хазон бўлди малика!»

Ўшанда, қурум босган айвонда, Ҳазора момо рўпарасида суву селоб бўлиб ўтирганда, хаёлан Ойнигор дардини бўлишгиси келганда, ичи тилим-тилим сидирилгани ҳозир ҳам эсида. Шўрлик Ойнигор билан бирга ўзи ҳам қулагандай бўлувди жарга, мана, энди орадан неча йиллар ўтиб, ўша ҳолатни тагин кечираётир. Атай Сайфига чап берди, баттолни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ, ҳозир у эзгу изтироблари билан ёлғиз қолиши керак. Ана, шовуллаган қаттол ўрмон... Нам хазонлар оғушида Чақалоқ жиш полапон каби типирчилаб ётар... Очкўз ва ваҳший паррандаю даррандалар мақонида маъсум жон ҳоли не кечур? Тезроқ кела қолмасми Эна Кўкбўри ёки у ҳали сиру савдодан хабар топиб улгурмадими? Улуғ ҳомий етиб келгунга қадар ҳимояга олиш ва кўмак бериш илинжида қўл чўзгиси келар, кошки қўли етса, хаёлга ботганча кўнгил кўзи билан жимгина кузатар уни. Ана шунда, ногоҳ, кўнгил кўзи хира тортгандай бўлар, ёпирай, халақит бераётган ким, наҳотки Сайфи?

— Пропесо-оор, қойил, жа сайрибоғ қивордингиз, — дўмпайган қорнини силай-силаи илжайди арвоҳдай ҳозир бўлган мулозим. — Аммо ушовидан тушови қиммат нарсага кўпам ўралашманг, қийналиб кетдингиз сезишимча.

— Бир эрмак-да, нима қилай, — деди Саидбек бир далда истаб.

— Ву-у, сиздай олим-а! — сирли бир учқун йилт этди Сайфи нигоҳида. — Одам ўзи учун ҳам яшаши керак. Юринг, яхшиси сизни чойхонага обборай, қулинг ўргилсин қўлбола палов дамлаб берай, ўтар дунёсига балки қиттай-қиттай қилармиз. Маъқулми? Маъқул бўлмасин-чи, мендан яхшироқ биласиз: темирни занг емирар, одамни ғам!..

Энасаси қотган Саидбек Умар кўриб турди: дил майли билан боғлиқ турфа бўёқлар зумда йўқотди тароватини, қордан салла ўраган пурвиқор тоғлар, сокин ястанган укубат водийси, Ойнигор маликани аччиқ армони билан кўшиб ютган жарлик, тун билан кун орасида васийлик қилишига инонган жимжит ўрмон, гўдаклик онидаёқ кимлигини билган ва эълон қилган Чақалоқ зув чекинди қайгадир, ҳа, бариси ному нишонсиз йўқолди сукунатга чўмган, рангин жилоларга кўмилган беадад бўшлиқ кўйнида. Булар барисини Саидбек кўнглида кечирди, сўнг, нафрат аралаш Сайфига тикилди: о, бунинг бақрайган кўзларини ўйиб олса-да кам!..

— Э, жигар, — деди у ниҳоят аранг ўзини босиб, — ростини айтинг, танглайиз сабилни ким кўтарган?

— Сиззикини-чи? — ясама кулги билан сўради Сайфи. — Мабодо ёсуманлик илимини сув қилиб ичворган Ҳазора момо эмасми?

— Алжманг, Ҳазора момо тинч ётсин гўрида, — зарда аралаш гулдиради руҳ муҳандиси, киприкларини пирпиратганча. — Кампир пок яшади, пок кетди, қолаверса, сизга оғирлиги тушмаган.

— Ҳо, савил, тушмаганми? Андава тортиш ҳадисини жа олгансиз, пропесор! Ҳи-и-ҳи-ҳи, ахир, ўша мегажин ғийбат жониворри қирт уяси эди-ку!

Ногоҳ қурумлаган васса жуфтли эски айвон, айвон тўрида кўювли одмиёна ёғоч сўри, сўрида оқ кўйлак, оқ рўмолда фаришта янглиғ ўтирган, ажин босган нуроний чехраси ва хиёл чўккан кўзларида мудом меҳру муҳаббат балқиб турадиган Ҳазора момо гавдаланди хаёлида. Бир малол, бир оғриниш чулғади вужудини, ахир, шундай беозор, шундай нафаси тоза мўмина арвожини бу қадар чирқиратиш инсофданми? Қолаверса, Сайфи ўзининг орқа-олдини йиғиштирсин, ахир, бу ким бўпти, Гулобий бино остонасида боғлаб кўйилган кўппак-да...

Сайфи қайси жиҳатдан қадрли? Сир шундаки, аввало, у темиртирноқ, меҳрдан қисилган, лекин, жаҳли бир дунё, агар бировга кўз тикса, синдирмагунча кўймас,

иккиламчи, Сариоёғлар ардоқли билган удумларга ўлгудек содиқ, ўша қавмининг дас-ти узун, бели бақувват нўқари санар ўзини. Гоҳо, катта-кичик даврада, озроқ нўш қилганда, тириклик гашти фақат Сариоёғларга тегишли, жамийки эзгу муъжизаларни шу қавм яратган, қабилдаги писандаларни орага кўп қистирган. Нуфузли қавм хиз-матида бўлиб, азза-базза обрў орттириб, ризку насибасини тергилаб юрганидан ҳами-ша фахр туйган, лекин, бўйнини безаб келган тилла занжирдан нолиганини ҳеч бир яқини, шунингдек, Саидбек Умар ҳам эшитмаган...

Гумашталиқ касбига муккасидан кетган Сайфига тақлид қилиб яшашдан Худо асрасин, бу — бориб турган кўргилиқ, шукур, Саидбек Умар унга ўхшаб Сариоёғлар-га хос шажаранинг бирон-бир шохчасига ётмас, фақат, дариғки, ўшаларга эргашга-ни, ўшалар истаса бериб, истамаса бермаган ёвғон шўрва, иликсиз суякка алданиб, аранг кун кечириб келганидан қандоғ тонсин?

Мана энди Саидбек Умар фақат киндик қони томган Қуйруқсой эмас, бутун ер юзи фитна-фасод қурбони бўлиб келаётганини ўйлай кетди хитланиб. Қуйруқсой дар-дини тузатиш маҳол бўлгани сингари, кекса замин баданидаги жароҳатларга нажот малҳамини босиш имкони топилганича йўқ, чорасизлик эса бемор аҳволини огир-лаштиришдан бошқасига ярамас. Номии улуғу супраси қуруқлардан саналмиш Саидбек Умар, кўпдан-кўп биродарлари қатори, бу бобда шунчаки бош қотириш ва амал-тақал умргузаронлик қилиш билан овора, бинобарин, у мозийга орқа ўгиришдек гуноҳга ботгани, қачондан бери аждодлари арвоҳи ва ёдини менсимай қўйганидан доғда, бу гуноҳини не йўл билан ювишни ҳам билмас.

— Сиз, жигар, бутун қавмингиз билан Ҳазора момо тирноғига ҳам арзимайсиз, — дея дафъатан ҳужумга ўтди Саидбек. — Яхшиси, боринг-да, бошқа жойда пуфланг илма-тешиқ карнайингизни.

Ошкора учирӣқ чунон нашъа қилди Сайфи валломатга, аммо таъна-дашном эмас, мақтов эшитган каби, ҳузурланиб кулди мийиғида. Шишадек совуқ йилтираётган кўзларида ғалат маъно жойланмиш: э, соддаи нотавон инсон, фаҳмдан шунчалар қисганми, ахир, елкангга бемалол миниб олганман-а, наҳотки биргина пўписанг билан шундайин иззатли тахтдан осонгина воз кечсам!?

— Нима истайсиз ўзи мендан? — дея сўради Саидбек Умар, хуноби ошиб.

— Ҳеч нарса, — деди у бепарволик билан, уч пулга қиммат гапни шунчаки такрорлагандай, — сизга шунчаки ҳамроҳман.

Баччағар ёлғонга тўн кийгизди бошлаб, бор-йўғи бир ҳамроҳ эмиш-а, қайси нодон ишонар бунга, ов, мулла Саид, бўғзингга қадалган ханжари озорман, азиз жонингга чиққан чипқони бедавоман, деб ичида борини рўйи-рост айта қолса-чи!

— Сиздақа ҳамроҳга муҳтожлигим йўқ!..

Жони халқумига тикилган, қандайдир қақшатғич зарбадан хавфсираётган Саидбек Умар энди кескин силтаб ташлади Сайфини: тезроқ йиртилсин бетигади ниқоб! О, Сайфи бездан-да баттар, пинагини бузмагани устига, ҳатто хаёлига ҳам келтирмади таъқиб қилишдан чекинишни. Нигоҳи, тошни тешгудек нигоҳи гўё ўқ каби келиб нақд кўксига санчилган...

Иложи қанча, бундан Худо асрамаса бандаси асролмас, бундан қутилишдан кўра, чўлни тўзгитиб юрадиган оч қашқирга чап бериш ўнғайроқ. Асли айб ўзида, ўзи бепарволик қилиб, ўзи илаштирган ярамасни. Бошга битган кўп балолардан бири — бепарволик, адашмаса, аввало жамийки кўргилиқларга шу нарса асос қўяр. Энди пиширган ошини ўзи ичишга мажбур, қарангки, Сайфи яхши-ёмонига ҳомийлик қилишни бўйнига олмакчи, асли, дили-нияти бошқа, аниқроғи, кўнгил ойнасига яқинроқдан назар солиш илинжида, бул юмушни эплаши қўйин, бироқ, эплаш учун жон-жаҳди билан тиришаётир, зеро, изида соядек судралаётгани, мавридини пойла-ётгани, ўзини ҳалимдек юмшоқ кўрсатаётгани бежиз эмас.

Панада Сайфи бошқа одам: Пўлат Қосимий, Бо-бош ёки Жобир Кирпи сингари дарғалар соясига қуюқдан-қуюқ салом бериб, хуморидан чиқар. Ҳатто, эшитишича, Чу-моли билан ҳам ош-қатик; биргаликда қанақадир хуфия ишларни битириб юрган эмиш.

Саидбек калласи гиж: кўпдан бери Чумолидан сазо йўқ, кўринмай қолди қораси, қайга гум бўлдийкин. Қошки тинч юрса, ҳаммадан шунда сир кўп, дарвоқе, Сариоёғ-ларга ўша зимдан сардорлик қилаётганмиш, эрта-индин барча қанотига кирармиш. Тавба, унақада Пўлат Қосимий билан Бо-бош ҳоли не кечур?

Ғийбатдан Саидбек зада... Ҳозир, яқин-орада эшитганларини бир бошидан эслар-кан, алғов-далғов бўлиб кетди кўнгли... Ҳа, бу кунлари нотинч, тобора йўқотаётир

халоватини. Изида, гўё, Сайфидан ташқари минглаб искович ит қўйилган, ёпирай, буларнинг қайси бирига бас келсин. Эҳ, мана бунинг пишиллаб нафас олиши, қитмирона тикилиши, тагин, йўқ ердаги маслаҳатларни бериб, ақл ўргатиши чунон урди бадиға. Қўлида денг, чиройли калтак, ўша билан тез-тез ҳавони нуқилаб, изғигани-изғиган атрофида. Бирон нарсдан куруқ қолганга ўхшар баттол...

Энди Сайфи эски бир қўшиқни ўзича дағал оҳангга солаётир: ярашган ишни қилса-чи. Энсаси қотган бўлса ҳам Саидбек беихтиёр хушёр торғди: буни қачон эшитган? Энтикиб қўйди, сўнг, хаёли Қуйруқсой қон ва ёнгин ичида қолган кунларга оғди. Қуйруқсой қаддини букиб, ҳолини забун қилганлар қиёфаси бир-бир ўта бошлади кўз ўнгидан, ёпирай, ўшалар орасида ҳозир ўзини мусичадек беозор кўрсатаётган Сайфи ҳам бормиди?...

Иккинчи боб

1

Мабодо Саидбек Умар, мана шу одам ёшлигида калхатдан қолишмаган, истаган юлдузини бир чўқишда қулатган, деса, Худо ҳақи, мингтадан битта ё ишонар, ё ишонмас...

Шу қадар олғир бўлганига Сайфининг ўзи ҳам ҳозир анчайин шубҳаланса керак, тавба, у, оғзидан оташ уфуриб, тилини қиличу қўлини найза қилиб, учқур бедовини ҳиммат тоғидану фитна жаридан сакратиб юрганда ҳар нарсада якун бўлиши ва бундай шалвираб қолишини ўйлаганмиди?

Қайда, ўйлаши осон эмасди, мияси қатигини ачитиш тугул, соқол қиртишлашга қўли тегмасди ҳатто ўша кезларда. Омад офтоби саховат билан нур сочиб турарди қоқ тепасидан, бунга сари у талтайиб, янаям бемалолроқ қўйворарди ўзини. Қани биров йўласинчи ёнига: олдидан келганни тишласа, ортидан келганни тепарди аямай. Етти яшардан етмиш яшаргача ҳамма тайёр эди этагини ўпиб, пой-қадами гардини кўзига тўтиё қилишга.

Фақат, бир одам, ҳа, Оллоҳ бирлиги ва борлигига қаттиқ ишонган бир қайсар бандагина Сайфи қаҳри ва жиззакилигига бўй беришни истамаган. Эл билан элакишиб, яхшини алқаб, ёмонни қарғаб яшаган ўша одам исми-шарифини эшитаверса ранг-қути учаверган, ичига буров тушган каби, афтини буриштираверган, тилини осилтириб бўкирган, борингки, бутун Қуйруқсой аҳлини тиз чўктирган жаҳддор зобит унга қолганда қўзичоқдай ожизлик қилган. Ҳарчанд чираниб, дағдаға қилса-да, қўналғасига элчи устига элчи йўлласса-да, зигирча таъсирини ўтказолмаган, аксинча, ўзи мулзам бўлган, синдирилмаган, аксинча, ўзи синган, бўзлата олмаган, аксинча, ўзи бўзлаган. Нима қилиш керак, деган ғовлаган калласига муштлаб, сўнг, шериклари маслаҳатига кўра, тузоқ қўйишга киришган, пистирма ва пойлоқчиларни кўпайтирган. Қисқаси, тулкилиги асқотиб, ахийри илинтирган ўша зот — мулла Умарни...

Тақдир ўйиними, бошқа нарса, Саидбек билмас, лекин, отаси тақдири келиб-келиб шу искович қўлида ҳал бўлгани, отаси шундан кўп азиятлар чеккани аниқ... Умри оқар сувдек тез ўтди, шунчалар шитоб кечдики, ниманидир илғади, ниманидир илғаб улгурмади, бинобарин, кўрган-кечирганидан кўпларини унутди, айримларигина хотирида... Бири — Сайфининг Қуйруқсойга ҳайда-шовур билан қадам ранжида қилгани...

Ғала-ғовурга тўла ўша кун тонг-азонида тойчоқдек югура-югура қаттиқ чарчаган Саидбек пишиллабгина ширин уйқу гаштини суриб ётарди оҳорли кўрпа-тўшакда. Фаройиб тушлар ҳам кўраётганди адашмаса, аниқроғи, тушига дуркун Чақалоқни авайлаб тишлаб олган Эна Кўкбўри кирганди. Эна Кўкбўри ортидан у Сулаймонтов этакларига интиқлик билан ошиқарди. Юксак чўққилар қорли учларини намойиш қилган маҳалда ҳовлиқиб уйғонди. Нима бало, қишлоққа кўчки ёпирилганми? Анчагача ҳушини ўнглолмай қийналди, ёввойи, бегона бақир-чақирдан батангга келиб, чиппа битди-қолди қулоқлари. Биров қўлтиғидан олса-сола улоқтириб юборган каби, сапчилиб кетди бехосдан. Уйқули қовоқларини уқалай-уқалай қараса, сўри ёнида аломат либосли дароз меҳмон қад ростлаган, иззатини унутиб, нарироқда паришонҳол ўй сураётган падари билан волидасини таъна ва маломатга нишон айлаган. Ичи росаям қуйқага тўла эканми, томоғи куруқшаб, жағи толиқиб қолгунча тинимсиз жавраган. Ҳар қанча эзмалик қилгани билан мақсади қоронғилигича қолган, чамаси,

у гапидан адашиб кетган. Гарс ёрилишига бир бахя қолган Саидбек шанги ва вайсақи сардор билан имога маҳтал мулозимлар ҳақида хабар бериш учун тенгқурлари ёнига жуфтакни ростлаган.

Лекин, бекор шошипти, негаки, ҳангомага ўч қишлоқ аллақачон узунқулоқ мишмишлар гирдобда бемалол сузаётган экан. Асли, қишлоқ кичкина, мунақа гап тез тарқалар. Нимагадир ўзича ачиниб қўйган Саидбек, бор ҳунарини ишга солиб, роса урди лофни қофга, лекин, ҳеч бир бўйинсаси анқаймади, ярамастар, мақташ нари турсин, қайта, устидан кулишди масхаралаб.

Оғизни карракдай очириб қўядиган аломат муждани кейинча Бўзтой топиб келди. Рости, жўралари ичида энг хушфёъли — Бўзтой... У, ота-онасига ўхшаб, ёлгондан етти кун кейин туғилган, лекин ҳаммани ҳайратга солиб, роса кўпирди ўша кун: Саривоғлар, катталар билан бирга, гўдаклар тақдирига ҳам қизиқаркан, эмизикли болаки бор, назоратдан ўтказиб, қандайдир темир дафтардаги рўйхатга тиркашаркан, дарвоқе, қайсидир хонадонда бир мишиқи елкасида холми ё ёл билан туғилган эмишики, ўша айниқаси улар оромини буткул ўғирлаган...

Илгари Саидбек унча эътибор бермаган экан, олди-қочди савилни Бўзтой қийиб ташларкан. Ким билсин, кечаси мижжа қоқмай ичида тўқирмиди, кун ора бир янгилик билан таажжубга қўярди тенгқурларини. Буни ялмоғиз кампир қулоғидан ушлаб ёлгон қозонига ботириб олган, деди бир кун кимдир. Бўлди кулги. Лекин, Бўзтой пинагини ҳам бузмади, қайта жиддийлашди чехраси. Ҳар ҳолда у ориятини сақлашни биларди, сўзни сўзга уриштиришга уста бўлса нима қилсин, шубҳасиз, ҳеч ким, ҳатто Саидбек ҳам, эрта-индин Қуйруқсойни бошқа ерга кўчиришларини Бўзтойдек ишонарли маромда таърифлаб беролмаслиги кундек ойдин. Бўзтой болади, ҳазил-мутоийба, пичинг ва нафрат аралаш шунақа сўйладики, ҳамманинг юраги ўйноқлаб кетди.

Аммо, Худо ҳақи, буниси кам экан, эртаси кун қора терга ботган, қароқларини мунг қамраган Бўзтой шунақа ҳангомани баён қилдики, осмон узилиб тушса яхшииди ундан кўра. Наҳотки, шунчаси бўлиб, кун тухматга қолди? Ахир, у туппа-тузук билар: Лобархон Саидбекка қариндош, амакиси, яъни, отасининг укаси — кифти ер искамаган Улфат полвон жуфти ҳалоли, шунинг юз-хотирини қилмай, ғийбат уясига ўт қўяётганига қандай чидасин?

Ҳали Бўзтой, пихи қайтмаган бўзбола эмасми, гажирлик тулпорини савалаб, ҳатто анча-мунча ўдағайлаб, ўламан-саттор туриб олган айтганида: «Калламни олқи, бариси чин!» Ол-ла, бунинг томи кетипти, бу қўрқоқ қўйипти андишанинг отини! Мана шуниси айниқас Саидбекка кучлироқ алам қилди, ногоҳ қўзғалиб кетган орияти қақшатиб юборди бутун борлигини. Хаёл оғушида секин-аста тисарилиб, сўнг, кўчқордек хезланди-да, қовун туширганини сезиб-сезмай турган дўстининг ияги аралаш башарасига калла қўйди болаб. Бечора Бўзтой, бунақа зарбани кутмагани боис, орқасига гандираклаб кетди беихтиёр. Кейин, гурури сим-сим оғриб, бир ёқдан қони қизиб, у ҳам олға ташланди бор таваккалига.

Гув-гув, бирингга арпа, бирингга буғдой!..

Борингки, бири-бирига канадай ёпишиб, ажриққа ёнламасига қулаб, думалай-сумалай бўғишишди роса. Лобар янгам она сутидай пок, деди униси бўғилиб, омон бўлсак кўрамиз ҳали қанақалигини, деди буниси чираниб. Ҳолдан тойгунча тебалашишди, кўзлари ўнгида еру кўк чирпирак бўлиб айлана бошлаганда ҳам бўшатмади бири ёқасини иккинчиси.

Агар Шоди қўйчивоннинг пучққурун ўғли Эшмўмин тепаларида полиз қоровулидай кўнқайиб: «Қишлоқ яъжуз-маъжузларга жем бўғони камми, унинг бунингни буйтиб гажиепан!» — деб ўхшатиб кесатмаса, фақат Худога аёнийди яна қанча жон олиб, жон беришлари. Учратгандан таёқ-туртки еб, доим гарангсираб юрадиган бир жулдирвоқи кутилмаганда бундай ҳакамлик қилиши каловлатиб қўйди ораларидан шу дамгача қил ўтмаган кадрдонларни. Сувга тушган латтадек бўшашиб қолишди, нафаслари тикилганиданми, бошқа сабабданми, бир оғиз сўз қотмай, чалқанча чўзилиб ётишди овлоқ чимзорда, сўнг, ер сузганча, униси чапга жўнади, буниси ўннга.

Жимжит ва соя-салқин толзор бўларди қишлоқ этагида, аламини сира босолмаган Саидбек ўша ерда кеч қилди кунни, ачишаётган бағрини зах ерга бериб ўйлади, лекин, мияси қатиғи ачиблар кетди ҳамки, ҳечам ҳазм қилолмади дўсти писандасини. Йўқ, деди, тошни муштлаб, сонини чимчилади, мумкин эмас, деди, қум чайнаб, лабини қонатгудек қилиб тишлади, у авлодимизга иснод келтирмас, деди, тол танасини қучиб, ингранди ҳол-беҳол.

Соғлар қуюқлашиб, атрофни қоронғилик пардаси чулғай бошлаган маҳалда Саидбек ҳорғин кириб борди ҳовлиларига. Ботинмайроқ мўраллади аввал дарчадан, бурни қон, ёқаси вайрон эмасми, остонада гезариб, ўзини оқлайдиган арзигули режа тузишга киришди. Кошки топила қолса жўяли баҳона. Ер остида илон қимирласа биландиган онасини лақиллатиш эса осонмас. Бахтига онаси кўрина қолмади. Девор-дармиён кўшнилари — Лобар янганикида бўлса керак. Бир неча кун муқаддам у ўғил кўрган, шу баҳонада ҳар оқшом уруғ-аймоқлари уникида тўпланишни канда қилишмас. Янги меҳмонни кўришга келаётган ошна-оғайнилар қадами ҳали-ҳамон узилмаган.

Чиндан ҳам Улфат полвон ҳовлиси гавжум... Лекин, Саидбек бунга эмас, бошқа нарсага ажабсинди: анчагина келиштириб солинган уйни, шундоқ дарвоза ёнидан ўтадиган кўчани галати бир бесаранжомлик чулғаган. Одатдагига қараганда кирди-чикди бир неча баравар авжида, бинобарин, ҳамма шошаётир, кимдир қовоқ осиб, кимдир тагдор савол бераётир, кимдир бақариб, кимдир минғирлаётир. Этакроқда, темир қоziқда занжирлаб қўйилган Олапар, гоҳ ғингшилаб, гоҳ ирғишлаб, жиғибийрон ҳураётир, асаби чатоқроқ бир жиккак чол варанглаган товушда жеркиб берди итни, адабини еган ит ювош тортгач, у, томирлари бўртиқ қўлларини паҳса қила-қила, пала-партиш, узук-юлуқ ҳикоя қила бошлади недир воқеани. Чол сўзларига биров диққат, биров бепарво... Ниҳоят, ҳовлиққан қариндошлар жазава билан муҳокамага тушиб кетган пайт айвонда Сайфи пайдо бўлди лапанглаб. Ҳар бир ҳаракати жумбоқ: гоҳ деворни, гоҳ устунларни бир-бир силар, гоҳо шифтга термилар. Сўнг, нафасини ичига ютиб, тарашадай қотган башараларга бир-бир қараб чиқди ўқрайганча. Энасаси қотаётганини англаш қийин эмас, лекин, ичидан қиринди ўтаётганини яшириш пайида. Бир оздан кейин ҳалиги чолни, чит рўмол ўраган оқ юзли семиз аёлни тергашга тушди тутақиб. Тузукли жавоб ололмагач, афтини бужмайтириб, бошқаларга ёпиша кетди.

Қутилмаганда қизиқ ҳодиса рўй берди: беқасам чопон кийган, қотма, бўйчан бир йигит чидолмасдан Сайфи биқинига тирғилиб борди, ҳе, энаси байтал, тинч кўясанми, йўқми, деди дўриллаган товушда. Жон-пони чиқиб кетган Сайфи туйқус ўгирилди. кўзларини ола-кула қилиб: «Ҳа, муртад, мунча ўдағайладинг, мулла Умарнинг думларидан бирови бўлсанг керак-да, шохи-бутохингни қайириб қўяйми? — деркан, йигит ёқасига чўзилди қўллари. Йигит, азамат экан, билагидан ушлаб бир буровди, инграб, букилиб қолди зобит... Бу фалокат нима билан туташи қоронғи эди, яхшики, ҳалиги жиккак чол орача қилди, отанг яхши, онанг яхши, деб авради Сайфини. Ҳайтовур у пича тушди ҳовридан, аммо, айвонни тарк этаётиб, ҳап, сеними, дегандай, дами кескир йигитга ола-була қарашдан тийилолмади.

Ғалва уяси — Сайфи қорасини учирганини кўриб, Саидбек бир қадар энгил торлди, тоғ ағдарилди гўё елкасидан, бир оздан кейин эса шубҳа кемирди юрагини: лаънати нозир берорда қадам босиптими амакиси хонадонига. Роса гишт қалади гўрига орқаворотдан. Хумордан чиқиб олган қийғир қарашли йигитга эса таҳсин айтди ичиди, ҳавас ҳам қилди унга, ахийри, даҳлиз сари йўналди секингина. Аввал онасини кўрди ва бадани жунжикиб кетди негадир.

Худога ҳам, бандасига ҳам аён: онаси, камсуқумлиги устига, осуда руҳли аёл, сел келса ҳам ҳовлиқмас — етти ўлчаб бир кесар ва хотиржам тутар ўзини. Умри бино бўлиб бир пашшага озор еткармаган, қўлидан келса, бировдан яхшилигини аямаган, қаноатга суяниб яшаши, бегуноҳ ёнини олишга интилиши кўпчиликка айниқса маъқул, зеро, у дард савилни ичида чиритар, ҳар не қайғуси ёки қувончини супра қилиб ёйишни ёқтирмас, ана, ҳатто оиласи устуни, кўз очиб кўргани — мулла Умар дараксиз кетгандан бери, оламча доғи-алам ютаётган эса-да, бировга чурқ этган эмас, гоҳо, тўлиб кетган кезлари, Саидбекни бағрига босар-да, ўшанга сал-пал очилар.

Ҳозир эса, волидаси бошқачароқ қиёфада, диққат қилиб кузатгач, у анчайин тажанг ва ғамгин эканини пайқади дарҳол, ҳануз у отаси аъмоли-бадидан беҳабарлигини ўйлаб, ҳасрат ва ачиниш ҳисси қамраб олди борлигини. Афтидан, яна оғирроқ нимадир бўлган меҳрибонига, ана, сийрак ажин қоплаган бетида тушунуксиз кўланкалар кезинар, еру кўкка сиғмаётган каби, мунғайибгина ўлтирар, озгига гўё талқон соволган: на Ҳазора момо, на Лобар кеннойиси, на бошқага гап қўшар.

Қойил, Бўзтой ҳам шу ерда экан, қачон кела қопти азамат, қанот боғлаган шекилли. Ана, у даҳлиз бурчагида бемалол тиззалаб олган, хаёли бир оз паришон, пешонасидаги кўм-кўк ғуррасини ўғринча силаб қўяр ҳар замонда. Ажриқзорда учқўр-

гондан кўраёди энасини, ўзиям роса тўйди калтакка, фақат ҳозир буни унутганми, йўқми? Хайрият, унутган кўринар, ана, уни кўрди, бирдан тетиклашди чиройи. Кучоғини очиб қаршилади, ёнига иззат-икром билан ўтқизиб, аста шивирлади ҳали ўзи чўза-чўза чўзмалоқ қилворган қулоғига: «Анов чурвақа туғилганидан бери эммаётганидан хабаринг борми?» Тил тортмай ўлсинки, Саидбек ҳеч нарсага тушунмади, қай ергади яширди нигоҳини. Кейин, э, аттанг, ростакамига тамиз қолмапти жўрамда, бу яна кўпиртираётир, деган хаёлга борди жовдираб. Пича ўтиб қарасаки, Бўзтой чехрасида — жиддийлик, бирдан ҳушёр тортиб, ажаб қизиқсиниш қамради дилини. Энди Бўзтой изгирин тасқара қилиб ташлаган жимжит ўрмонда ёлғиз қолган Чақалоқни эслатди кутилмаганда, ҳадеб талмовсирама, деди астойдил куйиниб. О, Бўзтой бало ҳид олишга... Аста ўйволди Саидбек сонини, ахир, қанчалар аянчли: у, фавкуллода ҳодисадан ҳам, коса тагидаги нимкосадан ҳам гофил! Онаси барисини билса керак, лекин, одатича, сир сақлаган. Қолаверса, ҳар нарсани кўнглига оғир оладиган ўғлига ташвиш орттиришни истамаган.

Бўзтой кўз қиридаги ифода нима, киноями?

Энди Саидбек ичини қиринди бўлиб сидирди ўксиниш...

Даҳлизда ҳукм сура бошлаган сирли жимлик тоқ қилворди тоқатини, киприклари нам, қовоқлари қизарган Лобар кеннойига ўгринча қаради, билди, аёл ҳоли забун... Сўнг, нажот кўзини онасига тикди, онаси оғир ўйга ботиб ўлтирар ўша алфозда. Ногоҳ ўпкаси тўлиб, томоғига аччиқ хўрсиниқ тикилиб, меҳрибони бағрига отилгиси, у билан дардлашгиси келди. Ёки бор гапни Ҳазора момодан сўрасинми? Ушбу лаҳзада чечанлиги билан танилган кампир ҳам таажжубда: бешикдаги гажир болажон гўё ўша — Ойнигор Азроил ихтиёрида ёлғиз қолдирган Чақалоқ...

Бу қай хил армон: наҳотки Бўзтой ҳақ?

Ҳозир у шанғиллаётган қулоғига чиппа пахта тикволишга тайёр: бирон тик этган товушни ҳам эшитмас. Аммо, бунинг иложи йўқ, ҳар хил бақир-чақирлар билан бирга, Бўзтойнинг юмшоқ-юмшоқ янграётган овозидаги сеҳр аста-секин сезимлари ва ҳуш-хаёлини қамраб бораётир. Ҳали Бўзтой ҳаммасини айтмай, бир қисмини ичига ютиб, аяган экан уни. Энди бошқатдан ёрилди, ана бунисига чидаши айниқса қийин, тавба, шунчаликка бориптими Лобар янгаси, номус-орини шунчалар арзонга сотиптими, ахир, у Улфат полвонни жонидан ортиқ суймасмиди? Нима мажбурлади шўрликни танти эрини қаро ер қилишга?

— Такага ўхшаб анқайма! — деди ниҳоят Бўзтой чарсиллаб.

— Ёлгон!..

Тишини гиз қилиб шивирладими, оғзини катта очиб бақирдим, ҳозир Саидбек унча эслолмас, фақат алам-ангиз армон билан қоришиқ ўша сўз ҳамон жаранглаб турар кўнгли иқлимида. Ҳа, ўша сўзини айтгач, ирғиб туриб, ўқдек ташқарига отилган. Мубҳам қанотлари билан бутун борлиқни ўраб-чирмаб олган зимзиё тунни Қуйруқсой кўчаларида бўзлаб ўтказган, вужудини тушунуксиз газаб алангаси куйдирган, ўша аланга азобини ушбу лаҳзада, Сайфи таъқибига учраган чоғда, яна теран туяётир.

Соддадил Бўзтой ёки ўзи ўшанда энг муҳимини англаганми, йўқми: иффатига ҳатто гард тегишини истамаган, боласи, эри, Қуйруқсой учун бор-йўғини беришга тайёр, ҳар нарсадан гурурини баланд кўйиб келган Лобархондек санамни Сайфи авраганини, ниҳоят, у, нафсининг энг чуқур жойидаги оч майлни тўйдириш учун, бечора аёлни Қабоҳат оловида жизғанак қилиб ёққанини...

2

Сайфи дастлабки кунданоқ Қуйруқсойни ёқтирмаган; ғалати кўнқайган гувала деворли уйлар, илону чаён гиж-гиж тўқайлару ўнгирлар, хилват сўқмоқлар ва дўнгликлар, ғуж ўсган баҳайбат терак-чинорлар бало-қазодай кўринган кўзига. Айниқса, кеч-қурунлари хўмрайиб боқадиган Тамғали ғори билан шундоқ тепада ана-мана узилиб тушгудек осилиб турган Айиқтошга қаҳрини сочган. Баъзан у Айиқтошга тикилганча: «Бу лаънати уқлаб ётганимда устимга қуламасми?» — дерди фиғони фалак ошиб. Сўнг, ҳадиги кучайиб, нафрати тошаверган, ахийри, динамит билан тош маъбудни порлатмоқчи бўлган, яхшики эплолмаган. Сўнг, одам кирса адашаркан, баҳонаси билан мевазор-токзорлар ва чакалақларни қийратишга тушган. Бу билан тинчимай, чўққилар бели ва ўнгирларда яшнаб турган арчалар, олча-бодомларни кестирган, ниҳоят, барисини анов майдонда тўдалатиб, улкан тоғ бунёд қилдирган, тоғ!..

Тавба, шунча бойлик ногаҳон қуриб-чуриб битадиган, ному нишонсиз, қадрсиз нарсага айланса, увол ва ҳайф бўлса, кимга арз қилиш мумкин?

Топган эрмагидан Сайфи шод — терисига сигмас, оғзида — қанақадир кўшиқ, эрта-кеч хиргойи қилгани-қилган. Қайси бир оқшом, қоқ сахарда, у, гумашталарини зир чоптириб, ширин уйқуда ётган қишлоқни уйғотган. Ороми бузилган итлар тинимсиз хурарди ғашиқиб, беҳисоб ўтин чошланган майдон сари гурас-гурас оқиб келар ёш-қари хўмрайганича: қиёмат нафаси яқинми нима бало? Ҳеч ким чурқ этмас, умуман, оғиз очиб таъқиқланган. Фақат Сайфига ижозат: унинг айтгани бўлиши керак. Барча тўпланган, у, мийиғида кулганча, кўлидаги пор-порлаб биқсиётган машъалани тутантириққа аста теккизган. Қуруқшаган шох-шабба бирдан чирсиллай бошлаган, ачқимтир кўкиш тутун ортидан қип-қизил аланга лопиллаб, ўрала-бурала кўкка кўтарилган...

— Асли ўзингиз ёнсангиз яхшийдим ўша савилда!

Гойибдан сазо бераётган Бўзтой нигоҳидаги ёлқин таъсирига тушиб қолган Саидбек Умар дафъатан тўқди зардасини. Ҳозир Сайфи дод деворса керак, йўқ, зиғирчаюм бузмади пинагини. Ярамагур жудаям ўтказиб юборди, ўшанда ҳам мана шунақа қувлик қилган, жамоа шохида юрганда у баргида юрган, гуриллай кетган олов ҳайбатли тус олғач, қани, марҳамат, маза қилиб исининглар, деган мийиғида кулиб. Халойиқ таажжубда: ёзнинг жингиртоб жазирамаси авжида бўлса.

— Ажинайиз билан ади-бади қилёпсиз чоғим, пиро-о-пе-сор?

Бу лаҳза билмайин тикан босган Лобархон қадди-қомати соллона-соллона турарди кўз ўнгида, Сайфи бемаврид тирғилгани туфайли кўҳли чехра, чаросдек кўзлар, қирққокил қилиб ўрилган ва нозик белда чулганган сочлар эриб йўқолди ҳавода.

Ўшанда, Бўзтойдан мудҳиш хабарни эшитганда, қандай ҳолга тушган бўлса, ҳозир Саидбек ундан-да баттар эзилди, бир ўкирик қалампирдай ачиштирди бўғзини. Ошқора ғазаб билан ўқрайди ғолибона кулаётган Сайфига, сўнг, боши гир айлангандек бўлиб, дуч келган томонга саросар юрдими-ей, ҳа, хаёлан юрди: кўксига ўт қалаётган кечмиши сари ошиқиди мардона...

Ана, гурбатхонага айланган ҳовли, дарча билан бирга дарвоза табақалари ланг очик: кимдир ҳовлиқиб кирган, кимдир қўл қовуштириб чиққан, кимдир истехзоли кулар, кимдир хўнграб бўғилиб. Дунёнинг жамийки ташвиши шу кичик даргоҳда тўплангандек туюлар: осмон узилиб тушмаганми ишқилиб? Қозиқдаги Олапар куйманиб хургани, занжирини шиқирлатиб, ҳар ёнга ғашиқиб ташланаётганига энди ҳеч ким эътибор бермас. Шовқин-сурон ичра яна недир ҳангома муҳокама қилинар; Саидбек диққат қилсаки, нигоҳларда ҳайрат, тилларда таъна: «Сандақа тирмизакни елкамизнинг чуқури кўрсин-а, эмишга эммабсан, эмчагини тишлаганинг нимаси?!» Элакда ҳам, ғалвирда ҳам турмайдиган қочирим катта-кичик оғзида, билган ҳам, билмаган ҳам кўшиб-чатиб валдирар, қуп-қуруқ обқочар аравани.

Гийбат ўлгир ғалати нарса: эрталаб пашшача бўлса, пешинга бориб нақд филга айланар. Лекин, у ҳар қанча тез семиргани билан барибир — омонат, бугун авж қилса, эрта кўпикдай сўнар, яхшиси, Саидбек, маҳмадонлар жамоасига қўл силтаб, Бўзтойга қулоқ солсин. Ҳарҳолда уники тамизлироқ бўлар, ҳалигача бирон сўзидан зиғирча ёлғони чиқмаган.

Эсида, Бўзтойни ўшанда ҳалиги толзордан излаб топган, ҳа, жўра, бу хилватга бузоғингни йўқотдингми, деб кулган. Қараса, Бўзтой кўнглига ҳазил тугул қил ҳам сигмас. Бўшашиб, секин ёнига чўккан, аммо, анчагача гап сўрагани ботинмаган, хаёлга толиб, ичи сидирилиб, жимгина ўтираверган. Ахийри, Бўзтой инсофга келган, оғир хўрсинган-да, қизарган кўзларини жовдиратиб, гудранган: «Чақалоқ энасини чирқиратгани рост!» Жўраси товушидаги маҳзунлик Саидбекни лол қолдирган, нечундир унга ичида тан берган, айни пайтда, бир қадар енгил тортган, томири келиб томирига туташадиган жимити болага хурмати ортган. Қизиқ, деган ичида, бунинг нимасидир совуқ ўрмонда ёлғиз қолган гўдакка ўхшар, балки бу ўшанинг ўзидир? Ахир, кечқурун яна тилга кирипти, сендақа эна сүтидан кечдим, депти, ошқорасига, шайтонча!..

Худо карами кенг, ёпирай, ўша маълум ва машҳур каломни солипти бунинг ҳам дилига. Марҳаматли Оллоҳ қўллагани ва заковат ато қилгани ростдирки, донолик билан, тап тортмасдан ўшанақа деб дадил чуғурлаган. Оёғи чиқиб улгурмай тили гуркираб чиққан гўдак бирдан таъна тошларини отганда, шаксиз, Лобархон Ойнигор мисоли изза еган, ер ёрилмаганки, қаърига кириб кетмаган. Қачондир билиб-билмай

бахти кафанини бичган маликадек алам ўтида қоврилган, хўнграб-хўнграб йиғлаган, сўнг, тулупдек тирсиллаб, сим-сим оғриётган, недир уволдан огоҳ этаётган эмчакларини қисиб ушлаган-да, кўкка нола қилган: «Яратган эгам, айтгил, жисми-жонимда гупираётган гўдагим насибасини не қилайин, тошга соғайинми, сувга?»

— Сиз ўзингиз куйиб кул бўлсайдингиз ўша савилда...

— Хувв-ва, мен шунчаям анойимидим, мулла? — Саидбек Умар бояги киноясини такрорлагани Сайфининг қитиқ патига тегди. — Кимлар ёниши керак бўлса ёнди-да. Оллоҳ ишқини оловга тенг қиларди қавмингиз. Мен шуни назарда тутдим, йўқдан бор кип бердим ўша нарсани.

— Бу тарапиниям келиштириб кўясиз.

— Локигин сизга қойил, шунча йил ўтган бўлсаям босилмапти алабийиз. Мулла, нутиш ҳам савоб, ҳадеб шаккоклик қилманг, ортиқча галва орттирганийиз қолар шундоқ ҳам гиж бошийизга.

— Сиззи ошиғингиз олчи туравурсин, шунақами?

— Сиз зўрдан зўрнию қувдан қувни ажратишни ўрганинг.

— Э-э! — дея қўл силтади Саидбек.

— Биласиз, падарингиз мулла Умар қанча қайғу чекди йўқ ердаги галвани талашиб, хўш, қутқазиб қололдими Қуйруқсойни! — зимдан у кўз қирини тегирди қовоқ солган Саидбекка, юмшоққина илжайиб. — Аксинча, ҳам Қуйруқсойни тикди гўрга, ҳам ўзини, шундай бадбахтлик керакмиди?

— Сизга қолса ўликларни ҳам суд қиласиз.

— Зарил келса қилаверамиз, — деди Сайфи хотиржамлик билан, танглай қоқиб. — Отангиз тақдирини бир парча латта ҳал қилган, олам гулистон эди яширилган жойини айтса!

«Бир парча латта!..» Бунинг нималиги Саидбек Умар ақлига келмади, ичи тирналганча, баланд томдан ошиб келаётган суҳбатдоши оғзига термилди. Лекин, у ўша нарсани ошкор қилишни истамади, сал учини чиқарганига қараганда, кўп гурбатга сабабчи бўлган ўша бемаъни матоҳни ҳануз жонини жабборга бериб қидираётган экан, бор ҳунарини ишга солиб, етти қават ер остида бўлса ҳам топаркан, топиб, пайтава қилмаса, бурдалаб ёқмаса, бир ҳовуч кулини кўкка совурмаса, еган нони, ичган оши ҳалол эмаскан, ҳатто отини ҳам бошқа кўяркан.

Ҳамон Сайфининг ичи тўла армон: аллақачон еди Қуйруқсой бошини, энди тагин нима истар ундан? Ҳали охиригача хумордан чиқмаган шекилли, қисқаси, кимдадир алами қолган. Азалдан гугуртни ҳам, тутантриққни ҳам чўнтагида олиб юришга одатланган. Мана шунинг учун неларга қодирлигини осонгина исботлаган ўшанда, ҳеч кимса дарди-дунёси билан ҳисоблашмаган, ҳисоблашса, талоқ бўлармиди энаси?

Ҳозиргидек эсида, нозик-нозик тўлғанаётган сариқ иблис рўпарасида тек қотган сафдан кутилмаганда Лобар янга ажралиб чиққан, дод солиб, ҳиқиллай-ҳиқиллай жавраган: «Арслонимдан жудо қилдинглар, чўкиртагимда не гуноҳ, санги қаттолдан яралган тасқаралар!» Сўнг, Лобар янга, алабир умидворлик билан, Сайфи оёғига бош уриб ёлборган, лекин, у, қулоғига қўрғошин қуйилган каби, эшитишни истамаган. «Хоним, — деган анчадан кейин мағрурона илжайганча, — мана бу ойтовоқларни тил-забонлари қулфлогли бўлгани учун ёқамиз. Сиз ойимчани эса, қўйнийиздаги бўлажак ботирга кўшиб, жағингиз очиклиги учун ёқамиз. Қалай, маъқулми?» Кимлардир поймол айлаган адолат қаддини тиклаётганига ишонган Сайфи осмонни бошига кўтариб қаҳ-қаҳа отган, оломон эса, чурқ этмай, тарашадай қотиб тураверган. Шўрлик Лобар янга докадай оқарган, кейин, шолғомдай қизариб, ахийри, бўш қопдай шал-вираб қулаган. Йўрғакланган болажониси ёнгинасида биғиллаб йиғлашини айтинг. Беш-ўн дақиқадан кейин чинакам қиёмат-қойим бошланган. Лекин ким ҳам ботинсин Сайфини инсофга чақиришга. Ҳатто Ёдгор валий ҳам бир четда сукут сақлаган. Қай маҳалдир қоплондек отилиб келган икки гумашта беҳуш-бемажол ётган Лобархонни гулхан сари тортқилай кетган, дарғазаб ҳолда. Бетига олов тафти урилган пайтда шўрлик аёл дод солган, лекин, бундан на фойда?

Энди навбат мурғак ўғлига, энди навжувон она қисмати ҳали ёруғ дунёга тўйиб боқмаган гўдак бошига тушажаги аён, бинобарин, у сокин ва совуқ ўрмонда азоб-уқубат ва очлик-юпунлик билан юзма-юз қолган, кўкбўричи подшоҳлар зуриеди бўлган гўдакни яна бир карра эслатаётир Саидбекка, аниқроғи, у ҳам томирида улуг шажара қони оқаётган норасида — ҳимоя, меҳр ва юпанчага муҳтож Чақалоқ!..

Елкаси ер кўрмай ўтган Улфат полвон пушти камаридан бўлган ўғлон роса бўлимли, хушрўйгина — кўзга яқин, анчайин тик тушган тугмадек бурунчаси ёнида зигирдан сал катгароқ хол ўрнашган, ёноқлари пахтадек лўппи, хиёл қуруқшаган юпқа лабларида маъсумона бир изтироб белгилари: тўхтовсиз чинқириб йиғларки, ёпирай, чиндан ҳам турган-битгани ғалаёнми? Эҳтиёткор энагалар (Ҳазора момо билан энаси) йўрғаклашдан аввал оҳорли кўйлакчаю оҳорли иштонча кийгизишган экан, бул тоза либосларда болакай нурга ўралган каби ўктам ва жозибали кўринар, фақат, наҳотки, Сайфи шундай аломат митти маъбудни нобуд қилгани журъат тополса?

— Ихмм! Вой, чигиртка-ей!

Биғиллаб йиғлаганча исён кўтараётган жангари Чақалоққа қарата Сайфи жони бори-ча ўшқиргани Саидбекнинг ҳозиргидек хотирида, э, ўшқирини ҳам гапми, босар-тусарини билмай у ер ҳам тепинган. Бир навниҳолда шунча алами бор эканми? Сал-пал ҳовурдан тушгач, Сайфи ҳакалаб кела-кела илкис тўхтар Чақалоқ тепасида, беихтиёр эгилиб, уни аста кўтарар, бураб-айлантирганча баданини томоша қилар. ғалати гезарганча, икки кураги орасига узоқ тикилиб қолар. Ажабо, нимага кўзи тушди, муҳргами?

Ҳамон олам жунбишда — кенг майдон бир сукутга толса, бир пўртана янглиг гувлаб тўлганар, ҳамон еру кўкни комига тортиш учун чиранар ловуллаётган аланга... Нураб тўкилаётган қишлоқ, маҳзун бўзариб турган чўққилар узра паға-паға кўкимтир тутун юзадир, айрига ўрнашволган Саидбек сим-сим эриб, сел каби оқаётган бир алфозда. Баҳайбат терак тагида Бўзтой тик қотган, Бўзтой ғадир-будир тана билан бирлашиб кетганми, ҳартугур нигоҳида сўнгсиз ғазаб тўлқини.

«Булар гўдакдан ҳам ўч оларкан!..» Ногоҳ, тигдек ўткир ўй тирнаб ўтар Саидбекнинг тинимсиз ориқаётган кўксини. Суллоҳ Сайфи бекорга ўдағайлаб ётгани йўқ, ичида ҳадиги бор: шу кеча-кундузда Қуйруқсой заминида пешонаси бир қарич фарзанд туғилган, елкасида, икки кураги орасида илоҳий белги зарбланган, эрта у ажиб фазилат касб этиб, саркардалик даъво қилар ва Ерни кафтида ҳаппактош қилиб ўйнатаётган гумроҳлар таъзирини берар. Бас, булардан ҳеч бири тирик қолмас, мана, энди Улфат полвон зуриёдига етди навбат. Шунинг ҳам бир ёқли қилса, олам гулистон, тамоm етар муроду мақсадига.

Ана, у боши узра париллагиб айлантирди Чақалоқни, сўнг, кўзичоқдай қўлтиғига урди-да, жизғанаги чиқиб ётган чегара сари юрди, шошилиб. Содиқ ва эпчил мулозимларига ишонмади шекилли, улар адо этадиган юмушни ўзи олди гарданига.

Энди Саидбек мисоли пўстлоқ — чиппа ёпишган айри шохга, дили эса бўм-бўш, бутун кўкси эгасиз ҳовлидек ҳувиллаб қолган. Қалт-қалт учаётган Бўзтой эса унинг оёғини қисиб ушлаганча ҳўнграётир, тийиқсиз жолалар ҳўл қилворган ёқасини. Булар дарди-дунёси билан касб-кори устаси бўлган Сайфининг неча пуллик иши бор: у зиммасидаги бурчни адо этиши керак. Шунинг учун ҳам ён-верига боқмай, бировни назар-писанд қилмай, дадил илгари босаётир.

Тилла тусли иблис эса оч: Чақалоқни бир луқма қилиб ютар, сўнг, яна оғзини қападек очиб вишилар. Оҳ, бу манзара Сайфига нақадар ҳузур бағишлар, хатар камайиб бораётганини тасаввур қилиб севинар. Азалдан у шунақа қилиб келар, Кўкбўриларни вақти-вақти билан билдириб-билдирмай чилпиб қўяр, акс ҳолда, бу қавм, томири чуқурлашиб, танаси йўғонлашиб, ҳаддидан ошиб кетажак.

Ҳозир тугар бари, ҳозир... Кўкбўричи зуриёд — очилмаган гунча кимлигини ва айби нелигини билмай ёруғ дунёдан рихлатга кўчар мажбуран. Нега тақдир уни бу қадар азобга қўймиш, муруватли Оллоҳ нечун аямаётир? Бу лаҳза нима учун осмон энқайиб кела босмади заминни? Турфа саволлар гирдобида, урмай қўйди чамаси Саидбек юраги, ҳа, шу дамгача безовтаҳол дуқирлаб тепаётган юраги тим тўхтар гўё ожизларча, музлаб қолдими нима бало?

Бас, кўрмай ҳам, куймай ҳам, деган маънода, дағ-дағ уча бошлаган Саидбек чирт юммоқчи бўлди кўзларини. Бироқ, улгурмади, баногоҳ, шитоб юксалаётган олов билан ўчакишгандек, кўкда қарсиллаган чақмоқ яшнаб, сирли бир шиддат қамради чор-атрофни. Чақмоқнинг тарвақайлаган шохлари уфқ этақларига бориб туташган маҳалда, фалакнинг аллақайси олис буржидан умидбахш бир даъват бодраб келдими-ей. Чиндан ҳам шунақа бир хайрли товуш янгради, сўнг, чақмоқ чақди яна, шунинг таъсиридами, бошқа сабабданми, олов дами пасайиб, тинчий борди аста-секин, чўғлари устини кул босиб, ҳил бермай қўйди ҳатто.

Энди фалак нидоси Сайфини чалиб юборди чамаси, ҳалигина босар-тусарини билмай дангал одимлаётган одам, оёқларига тош тиркалгандек, жизғанақ чегарадан

бериоқда тўхтади беҳол, безабон. Тарикдек титиладиган бир ҳолатга тушди афтингни ел ялагур.

«Во-о-оҳ!» — деб залварли сўлиш олди оломон.

Сокинлашган кўкдан нур аралаш шивирлар ёғилди, энди ер қаъридан ҳам сирли ва хайрихоҳ бир сазо чиққандай туюлди, буни Саидбек бутун вужуди билан туйди ва, руҳидаги азоб роҳатга айланиб бораркан, илкис кўрди Сайфи рўпарасида кўкрак кериб турган ҳайбатли, нигоҳи ўткир, қалин ва бўлиқ ёли ялтироқ ҳайбатли жониворни. Бор қуввати, бор шаҳти-шижоатини нигоҳига тўплаб, ҳавас билан тикилиб қолди унга. Чироқ ёқилган каби, кўнгли ёришди, қувонганидан сифмай кетди терисига. Сўнг, бақрайиб, энтикканча, нимадир деб гудранди, ич-ичини ўраб-чирмаган ғурур ва ҳайрат тилига кўчди бирдан: «О, Энабоши, о, тахту бахтим Эна Кўкбўри, наҳотки бу ўзингсан?» Ҳаял орасида, энг мўътабар дуони ўқиётгандек, неча маротаба такрорлади бу сўзларни. Эҳтимол, туш кўраётгандир, эҳтимол у ҳозироқ йўқоладиган рўёдир? Ҳаяжони тошиб, тезгина юмиб-очди кўзларини: сираям ўзгармади манзара. Демак, ўнги, демак, олис йўл-манзил танобини тортиб, саракни саракка, пучакни пучакка ажратиш учун ташриф буюрмиш Энабоши? Фалокат дарагини ким берди унга, саховатпеша Тангрими? Не бўлганда ҳам у, мислсиз ташвишга тушиб, ошиқиб келган Куйруқсойга, орадан неча йиллар ўтса ҳамки, унутмаган экан зиммасидаги вазифани.

Нимага ҳам унутсин, ахир, у эъзозга лойиқ фазилатлари учун Энабоши унвонига сазовор бўлган зотдир: яқинни қандоғ кўрса, йироқни ҳам шундоқ кўришга қодир, у, энг қалтис дамда ҳам, Адолат тарафида тургувчидир. Аввалдан жорий этган ҳикматики: бахт ва шафоат излагувчи бирон-бир кўкбўричи ўғил-қиз тирноғига ҳам тикан кирмаслиги керак.

Айни лаҳзада Саидбек Эна Кўкбўри кўзлари тубида улуғ шажарани бало-қазолардан асрашга хизмат қилувчи ойдиндан ойдин меҳр тўлқинини кўрди яққол, кўраркан, чидолмай, сакраб тушди айридан, сўнг бақирди томоғини йиртиб: «Бўзтой, қара, қарасанг-чи!» Қувонганидан Саидбек ирғишлаб сакрарди, лекин, ҳовлиқиши бекор, қиёматли жўраси аллақачон кўриб-билиб турарди барисини, ҳатто недир юмушга шайланиб турган Энабоши пойига ташламоқчи эди ўзини.

Саидбек кафтини кафтига ишқалар: энди Сайфи аҳволига маймунлар йиғласа керак. Ҳарҳолда, Тангри иродаси билан, мўъжиза рўй берди, бунақасини ҳали одамзод бошқа кўрмаган. Энди, Чақалоқ билан бирга, икки жўранинг ҳам ошиғи олчи туриши аниқ, қолаверса, бутун қишлоқ қутилар балодан. Худога бир айтганлари бор экан, фақат, эртақ тирилдими ёки эртақ ҳамишагидек уларни гаройиб оламига стакладими?

— Э-ихх-ҳе-е... ва-аҳ-ха-а-а!

Қора кесак тусига кирган Сайфи ўқирди аламли...

Ажабо, нима бўлди унга?

Қишлоқ катта-кичигини ноғорасига ўйнатиб келган нозир ҳоли зум ичида бу қадар забун бўлишини ким ҳам ўйлабди дейсиз. Ҳозиргина муз тагидан чиққандек дағдағ учар, ранг-рўйи кўкариб, кўзлари жайноқлаган — жонини олиш учун келган Азроил қошида турарди гўё титраб-қақшаб. Фалати пихиллаб, кўкси тез-тез кўтарила-тушиб, урина-сурина тисарила бошлади, сўнг, тиф егандек, яна чинқирди жон ҳалпиди. Рафтори мағзава тусида, қараши сўлгин — маъносиз. Қуруқшаган лабларини қимтиб, ваҳм аралаш олайиб, шуки чиранар, қаники қалтироғи босилса, аксинча, зўрайиб, тишлари шақиллар, қон аралаш кўпик сочилар оғзидан. Энди хиёл хотиржам ингалаётган Чақалоқни ноилож авайлаб қўяр тақир ерга. Аламини ичига ютиб, ҳамон питраниб, анча туриб қолар тепасида. Сал ўтиб, қадди букилар, ғужанак ҳолда, ёнабоши билан қийшайиб қулар, ёпирай, бутун бўй-басти акашак тортиб, тош қотди шекилли.

Қай маҳалдир яна баралла янгради фалак даъвати, шунга ҳамоҳанг тарзда, чўнг қаддини ростлаб, ўктам овоз билан, Энабоши увлади, йўқ, Энабоши, бор меҳри ва ғазабини намойиш қилмоқчидек, наъра тортди келиштириб. Поёнсиз уфқ сари чўзилиб кетган айқаш-уйқаш чўққилар силсиласи акс-садо қайтарди, қалдираганча. Дала туз, дара-ўнгир кўйнидан эса бошлаган шамол чанг-тўзон уфурди, энди тамом шаштидан тушди гувранаётган сариқ иблис. Мудҳиш тили бурала-бурала йўқлик сари лекинган маҳалда Энабоши нидо берди қайтадан, кейин, чехрасига нозик табассум инган Чақалоқни тишида тишлаганча, қуюндек ела кетди, сароб оғушида жимирлаб ётган дашт тарафга...

Бурунги замонда ҳам шунақа ҳодиса рӯй берган...

Андак фарқи, унда Чақалоқ ёлғиз қолган ўрмонда, Чақалоқни унда Қабоҳат олови эмас, очлик ва совуқни ниқоб қилиб кийган шумшук Азроил жувонмарг қилиш пайда бўлган.

Шамол чийилларди, ёмғир шиваларди, ивиб кетган дарахтлар паноҳ бўлишга ожиз... Чет-чақадан қора бериб қўяётган парранда-даррандадан ҳам нажот йўқ... Якка ўзи билчиллаган лой ва ҳўл хазонга қоришиб ётарди, типирчилаб. Бирон тирик жон эшитмас йиғи-сиғисини, аҳволидан жамийки тириклик беҳабар, йўғ-а, улкан чинор панасида пусганча, бир ўксиниб, бир жовдираб, икки тинмасак жўра кузатарди Чақалоқни жимгина. Ноласига ҳам қулоқ тутишар ва эзилиб кетар юраклари. Аммо, улар ожиз, қаники ёрдам бергани кўрблари етса. Аксига олиб, Сариеўғлар ёллаган қаҳри қаттиқ хуфиялар шамолдан ҳам тез келар яқинлашиб. Улар, Чақалоқ овозини ўчириш, умуман, Қорахон баҳодир илдизини тамом қуритиш учун бел боғлашган. Бу кўргилик олдини олиш учун нима қилиш керак, осмон узоқ, ер қаттиқ бўлса?!

Энсиз пешонасидаги ажинлари чуқурлашган Ҳазора момо бир маҳзун, бир масрур товушда сўзлай берар шошилмай, бир ҳаяжон, бир кўрқувга кўмилган икки жўра чечанлик ҳадисини олган мулойим табиатли кампир оғзига термилиб қолган, хаёлан, жозиб ва даҳшатли тафсилотлар ортидан қува-қува, улар ўзларини Қорахон ё Ойнигор ёнида, ниҳоят, изиллаган хилват ўрмонда, баҳайбат шохларида зағизғонлар ин қурган чинор тагида, оламни бошига кўтараётган Чақалоқ ҳузурида ҳис этишар.

Ана, тиний-тиний, юқалаша-юқалаша, сокин фалак бир фусункор ёришар, ўрмон зулмати ҳам шоша-пиша чекинар, субҳидам кўрки-тароватини намойиш қилгани сайин йироқдан, баданини селкилатиб, изида учқун сачратиб, ошигич елиб келар Энабоши. Ана-мана у ўрмон пойида пайдо бўлар, меҳр тўла нигоҳини ҳис этишар жўралар, сўнг, унинг қароқлари тубида чақнаётган ёлқин оламни исканжасига тортаётган жаҳолат сиртмоғини бурдалаб ташлашига ишонишар.

Сўнг, янаям аломат ҳодиса рӯй берган: Қорахон баҳодир зуриёдини тишида тишлаб, баҳор ёмғирни севалаган ҳўл сўқмоқ бўйлаб жўнаворган Энабошини бир зум ҳавасланиб кузатишган, сўнг, ортидан ҳаллослаб чопа кетишган. Тақдир ўзи етаклаб борган уларни улуғ ҳомий қўналғасига.

Викорли чўққилар, бири-бирига мингашган қоялар, сокин даралар ва сўлим боғроғларни Саидбек билан Бўзтой фахр-ифтихор билан кузатишган, айна пайда, юксак тоғ қиёфасида акс этган қайғуни чин дилдан ҳис этишган. Қайга қадам босишса, ўша ердан файз-баракани қочирадиган Сариеўғларга лаънатлар ёғдиришган-да, юрак ҳовучлаб қадам босишган дарадаги ғор бўсағасига. Шаксиз, уни Тамғали ғорига ўхшатишган ва жилмайиб қўйишган.

Мундоғ қарашса, ёпирай, ичкари, минг бир шам баравар ёқилган каби, опойдин, ўртада, супага монанд жойда, Тангри назари теккан жонивор бемалол чўзилган, сокин ялтирар тикмачоқ бадани. Шаксиз, хуш-фикри Чақалоқда, тўлиша бошлаган Чақалоқ бир беозор тантиқланар, гоҳ қучар бўйнидан, гоҳ сийнасига суйканар ва эмар қулқиллатиб, бу ажойиб машғулотга у бутун вужуди билан берилар, вақт ўтгани сари куч-қувватга тўлар: ерга урса кўкка сапчийдиган ўсмирга, ниҳоят, мушти билан тоғни талқон қилишга қодир ўктам йигит — Ўғиз полвонга айланар.

Ана энди Ўғизни кўринг: енг шимариб майдон талаб қилар, ҳавода зулфиқорини ўйнатганча, шердек гумбирлатиб наъра тортар: Сариеўғлар қўшинига сичқон ини минг танга! Энабоши, сутини эмиб илиги тўлишган, зафар майини сипқориб, Кўкбўрилар шавқатини тиклаган ва отаси Қорахонни тахтга минғазган азаматни олқишлар, қўлини кўксига қўйган миннатдор эл эса, Ўғиз билан бирга, Энабошини ҳам қутлар, улуғ ҳомий деб эълон қилар уни, қарангки, шу куйинчак ҳабиб ҳомон сафда, ҳамон бурчини унутмаган, ер юзига яхшилиқ уруғини қадаш учун жонини жабборга бериб ела-югурар.

Куйруқсой анчадан бери зор қақшаётганини Эна Кўкбўри аввало нозик сезимлари билан сезган, сўнг, тақдир аёвсиз эканидан ўкинган, йўқса, бу қадар шошилиб келмасди, рост, бургут янглиғ учиб келди Куйруқсойга. Қачонки, осмон устуни бўлишга даъвогарлик қилаётган Сайфини тиз чўктириб, Чақалоқни ҳимоясига олгач, янаям яққолроқ сезилди шиддати. Ҳаракати ҳам эркин, ҳам тезкор. Бинобарин, қадимда, ўрмон зулмати ичра, қанчалик дадил ва ҳушёр иш битирган бўлса, шундай йўл тутди

мотамсаро Қуйруқсойда ҳам. Не-не танларни кул қилиб, не-не руҳларни чирқиратган, ахийри, ўзини ўзи еб битираётган офатдан йироқлашгач, бирдан тезлатди қадамини, шунақа уча кетдики, ҳатто кўз илғамай қолди шарпасини. Тишида Чақалоқни авайлаб тишлаганча елаётганини тасаввур қилишга уринди Саидбек, ажабо, энди уни қайга элтаркин, Сулаймонтов этагида жойлашган қўналғасигами ёки бошқа тагин ҳам тинч-тоқ манзилгами?

Қайга элтса ҳам майли, муҳими бу эмас, муҳими — нур ва зулмат оралигида саросар мозий қаъридан мардона узилиб чиқа олгани, фалокат дарагини сезгани, Қуйруқсойни қора тортиб, чўчимай-нетмай, айни қалтис, ҳал қилувчи паллада етиб келгани. Нияти қанчалар холис: ҳаргиз кўксига савоб ва нек ниятлар униб-ўсадир, куртаклаб-гуллайдир, мева тугадир. Ана шу мевадан қизганмай улашар оламга, аттангки, бундан Сариоёғлар ғофил, жумладан, бунди Сайфи на билар, на кўрар, у ҳатто оёқ остида фақат фалокат эмас, нажот ҳам муқим эканини тасаввурига сиғдирилмас. Мана шунинг учун ҳам у олди насибасини, ана, қаро ерда чийралиб ётадир, оёқ-қўли акашак ҳолда. Шунчаси оз экан, бир келса яхши-ёмон қўшалоқ келаркан, тоқати тоқ оломонники ҳам чапақайига тутди шекилли, қуюндек ёпирилиб борди азобини тортиб ингрнаётган нозир тепасига. Ана энди Саидбек ҳам жўшди: хумори ёзилгунга қадар тепиб-тепкилади баччағарни. Берилиб кетганидан қуйма сўйиллар ишга тушганидан беҳабар қолди. Вишиллаган зарбалардан чўғ сачратди қароқлари. Беҳуш чўзилган нозир ёнига кулади оҳ-воҳ қилганча, ўзига келсаки, зах-моғор анқиган оғилдами-ертўлада тиззаларини кучиб, ғужанак ётадир, сўнгсиз бир зирқираш қамраган борлигини.

Жазавага тушган сўйиллар даҳшатидан тирик қолгани қизиқ, нима, аяброқ уришиптими, э, қайда, булар шафқат нималигини билишарканми, мана, қош-қовоғи ёрилган, пешонаси ғурра, жағи қийшайиб кетган бир ёнга, лекин, булари ҳали ҳолва, зўри, эрта, тонг отганда бошланар: асьасаю дабдаба билан баланд дорга тортишса керак. Ахир, энағар Сайфи, ов, эрка буқача, қишлоғинг ва узоқ-яқининг жамолига тўйвол, ҳадемай сенгайм етар навбат, оловдан кўрқсанг, бошқаси — осонроғига рўпара қиламиз, демаганмиди тунов кунни. Атай тегишмай туришди чоғи унга. Анчадан бери отаси қувғинда бўлса: ҳар қадамига минг тузоқ қўйилган. Агар бирон нарсани хомчўт қилишмаган эса, бир кун тугул, бир соат ҳам тинч қўйишмасди-я. Қисқаси, мана, гали келди, энди нима қилса қилаверишсин — жодига тиқишадими, деворга бостиришадими, тут тагида тик қотириб отишадими, жингиртоб ўт ёки дорга маҳқум этишадими. ихтиёрлари.

Асли, айтишларича, охират бандаси учун, ёшми, кекса, совун суртилган сиртмоқдан афзали йўқ экан. Аммо, булар қурумсоқ, қизғанишса-чи ўлгур бир бурда олқиндини. Гиж қилишар унақада, майли, баттар бўлишсин, эртага — Худо пошшо, ҳозир жароҳатини ўйласин, о, шунақа савалашганки, суяк-суягигача зирқираётир. Энди, ажабмаски, азоби бир умрга етиб ортса...

Ўшанда адашмаган экан, ушбу паллада ҳам ўша сирқирашни қайта-қайта ҳис қилаётир борлигида. Нима қилсин, ўша машғум кундан ажралиб яшаши қийин, бунинг устига, ана, атрофида ўралашиб юрган Сайфининг совуқ ургандек туюладиган турқи ҳам тутдек тўкилган қишлоғини эслатаётир. Ора-сира муғомбирона илжайиб қўяётган Сайфи зимдан кўнглига назар солаётгани аниқ. Ҳозир бунди Саидбек яна бир бор туйди ва баттар хира тортиди таъби. Рост, Сайфи шаксиз сезиб-билиб турипти барини, у, Саидбекка ўхшаб, Ҳазора момо эртагини ҳам, Қуйруқсой воқеасини ҳам бемалол хаёлидан ўтказаетир. Аниқроғи, ҳозир у Саидбек руҳи-қолини юқтирган ўзига, демак, кечмиш сир-синоатида ўзини қайта кўрса, ўша тало-тўпларда бошқатдан иштирок этса не ажаб?

Ўшанда, Эна Кўкбўри панжасидан, қутирган оломон ур калтагию сур калтагидан Сайфи қандай омон қолгани сира ақлга сиғмас. Аммо, лаб-лунжига учуқ тошиб, кечалари ажиналар қуршовида қолгандек алаҳлаб, озиб-тўзиб, бир ойча ётди ўлим тўшагида. Сўнгра, табибга қаратдим, кўрмагандек бўлиб кетди баччағар...

— Сиззи худойингиз борми ўзи, биродар?

Неларнидир хомчўт қилиб, ғалати аланглаб, нари-бери одимлаётган Сайфига ўқрайиб турарди Саидбек, томоғи қақраб, кўнгли озаётган эмасми, нақд бўғилиб чиқди овози, шу асно миясидан, бу одам бўғзимга тиқилган суяк шекилли, деган ўй кечди амиллаб. Куйманиб, ҳатто бир қадар дўлайиб, жаҳл аралаш берган саволи Сайфининг том босган қулоғига етиб бормади, тагин бузмади пинагини, ахир, қачон Худога иши тушиптики, энди тушсин?

Саидбек ичида чигил: нима қилса қутилар бу бедаводан?

Ногоҳ шиғиллаб ишлай кетди мияси, бас, бошқа чидолмас турқига, ҳозироқ тўғрилар суробини, белидаги қуйма резина сўйилни шартта суғириб олар-да, пачакилашиб ўтирмай, худди учкўрғондан кўрсатиб кўяр онасини. Додини Худога айтсин. Илгари бир баҳонада тирик қолган бўлса, энди ҳеч қанақа важи ўтмас. Мана! Мана! Балли, Саидбек, қандингни ур, богладинг, тагидан қирқилган теракдай қулатдинг. Тамом, энди бети пўст бойлаб, лаб-лунжи гупдек шишиб, қаро ерни жим тишлаб ётаверсин. Ҳозир етиб келар насибахўр кузғунлар: бирови бақрайган кўзларини, бирови яра-чақасини, бирови жигарини чўқилай бошлар маза қилиб. Асли шу эди муносиб жазоси, бошқаси бунга кам, фақат ўзи билан кўп аломат сир-асрорни олиб кетадиган бўлди-да. Ахир, Саидбек Умардан ўла-тирила яширмадим «казо-казо»лар билан тил бириктирганини, ўшалар найрангига лаққа учиб юрганини. Қизиқ, хуфия фармонни кимлар бердийкин: Пўлат Қосимийми, Бо-бошми ёки Жобир Кирпи?

Бирдан бошқа фикр урилди миясига: Сайфини авраб, қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб, изида синчи-қоровул қилиб қўйган Чумоли бўлса-чи, о, унда қисмати баттар чигаллашмасми, бир ташвиши устига минг гурбат қўшилмасми?

Нега эслади Чумолини? Нечундир ғалати орзиқиб тушди, анчагача босилмади ҳадик билан омухта ҳаяжони. Хуморини ёзишида хизмат қилган сўйилни бир чеккага улоқтириб, Чумоли ёнига қўйиб кўрди Сайфини. Кейин қизиқиб кетиб, Пўлат Қосимийни, Бо-бошни, Жобир Кирпини... Қай бирини кўз олдига келтирмасин, бари пачоқ, мўрт, эпсиз ва ландовур туюлди Чумолига қараганда, ҳа, Чумоли булар тенги эмас, Чумоли — чиқиш мушкул бўлган баланд тоғ, булар эса, бунинг қошида бамисоли қумалоқ...

Мана бу баттол эса феълидан топди. Кинояли кулди Саидбек ичида, сўнг, керакли тош оғирлик қилмас, деган нақлни эслаб, ачинди қуйма сўйилга. Бекор ташлаворди, тўғриси, ношудлик қилди, ахир, у бир ҳамроҳ эди-да. Яна кутилмаган қалтис вазият-да асқотиб қолмасмиди? Энди пушаймони сут айламас. Атай ўзини хотиржамликка урганча, оғзидан қони келиб ётган Сайфидан йироқлашди шошилмай. Беиззат ўлим буюрди ярамасга, энди тинч қўйгани тузук, атрофида ўралашгани билан барака топмас. Қолаверса, кўз қорачиғи ва жигарни чўқилаб ейишга ўч қушлар галаси ёқтирган машғулотларини бемалол адо этишсин...

Аммо, эрта фалокат очилишини, оқибат, қотил номини орттиражагини ўйларкан, тоғдек оғир қайғу босди борлигини. Қанақа жазога муносиб кўришаркин қариган чоғида? Ҳарқолда отиш ёки осиш ҳақида ҳукм чиқазимас — обрўси ва теккан фойдасини инobatта олишар, бироқ, шўр босган пешонасини силабгина ҳам қўйишмас. Энди ўзи бош эгиб боргани, айбига иқрор бўлгани маъқулдир. Шундай қилса, эҳтимол, гина-кудурга кўпам ўрин қолдиришмас, аzza-базза қийноқ тагига олишдан тийишлишар, шунчаки номига енгилроқ жазо қўллашар. Сайфидан ўтган айб ҳам бор орада.

Афсус, бекор ҳовлиқди, э, ҳовлиқиш ҳам гапми, қутирган туядек хезонглаб кетди-да ўзиям, тавба, шартмиди жони узилгунга қадар савалашади. Ахир, фақат авом эмас, хос ҳам, давру даврон ҳам аллақачон унутган Сайфи кечмишини. Хўш, унут айб учун, орадан неча йиллар ўтиб, яккамоховдай бир ўзи ўқиган ҳукм нимага ҳам арзирди...

Учинчи боб

I

Бўлгани бўлиб, бўёғи синди, ҳозироқ чопқиллаб борар-да, паққос ёрилар Пўлат Қосимийга. Миридан сиригача қолдирмай сўйлар, ҳеч бир икир-чикирини яширмас. Ахир, бошқон кўп йиллик қадрдони, яхши-ёмон кунда неча бор бир майизни бўлиб ейишган, моша хомага миниши қийин кечган таранг лаҳзаларда бир-бирларини гоҳ ошқора, гоҳ хуфия муттасил қўллашган. Ана шулар эсидадир, ўлиптими маслаҳати ва кўмагини аяб? Аммо, занғар, ҳамшигаддек бўғзигача ташвишга кўмилиб ўтирган бўлса керак. Оби-дийдаси кирармикин қулоғига. Кейин, зўрроқ амалдор нуқиб қўйма-са, бунақа ғалвага бурнини тиқишни унчалик истамас. Бир жини қўзиб, ов, мошни тошдан ажрим қилолмаган сўтак, бор, пиширган ошингни ўзинг ейвур тўйгунча, маники етар ўзимга, деб пўнғиллаб қолса, неча пуллик одам бўлур. Соясидан ҳам

хуркадиган бошқон тугул нафаси темирни эритадиган Бо-бош ҳам обқочар ҳозир ўзини. Азалдан Бо-боши тушгур бир машғулотга ошиқ; биров қон ютиб ётса ўламан деб, пана-пастқамда туриб томошабин бўлишга. Қисқаи, бундан ҳам наф кам, бу ҳам эшитмас арзи-додини, эшитган тақдирда ҳам қовоғини очмас, қорни сувини қимирлатмас, нари борса, минг қўйли бойдек узоқ эзмалангач. рўпарасида гап пойлаётган Жобир Кирпига сирли қилиб кўз қисар: ошига ўзи кесак ташлаган алломани сенга топширдим, сени — Худога!

Жобир Кирпига тўғридан-тўғри ўзи учрашса-чи?

Ногоҳ, руҳи сирқираб, санчиқ турди юрагида, вужудининг қай бир нуқтасида беқарор оғриқлар аста-секин бирлашаркан, негадир иккиланди яна: шошган қиз эрга ёлчимас, битта жони бўлса, ажал илқиға вақти-соати билан топширар-да. Ҳовлиққани бефойда, аксинча, аввал нафасини ростлаб олмоғи лозим. Дўпписини ерга олиб қўйиб жиддийроқ ўйласин. Ҳозир биров бурнидан тортса йиқилар, шу аҳволида ишхонасида пишириб қўйилганими?

Бас, Гулбой бинодан тияр оёғини, ҳозир уйига, йўғ-а, сабзага кўмилган чорбоғига боргани тузуқ (ёз боши билан кўчишган), ўша ерда нафасини ростлаб, аввал-охирини яхшироқ ўйлаб олар, токи, кейин пушаймон емасин. Ҳозир қорни ҳам нақд пиёз пўсти, ҳарҳолда, хотинчаси Моҳинахон, оқсочни зир югуртириб, бирон мазали таом ҳозирлаб тургандир...

Нолиш — ношукурлик, қолаверса, турмуш кечириш, яхши-ёмон фарқиға бориш қачон осон кечган? Азал ва абад одамзодни ҳеч қачон аямас, агар аяса, жисми иқлимида юракдаин нозик ва ҳаргиз ҳимояға муҳтож қалъани яратиб қўярмиди?..

Саидбек Умар жилмайди, пар-пар ботаётган, оламини шафаққа бўяган куёшга тикиларкан, руҳи энгил тортди, сўнг, Моҳинаға оғди хаёли: шаксиз, ҳозир у салқинда маза қилаётир, шунингдек, анчайин тажанглик билан дарчаға термилиб ҳам кўяётган бўлса керак. Эҳтимол, ҳозир, эрим ана-мана кеп қолар, деган умидда, чиндан ҳам мазалироқ таом пишириш истағи билан, дуд босган ошхонада, куяға беланиб, пиёз аччиғидан кўзи ёшланиб, гудрана-гудрана қуйманиб ётгандир. Нимасини айтасиз, аксарият аёллар қатори, пазандалик — энг ёқтирган эрмағи, йўлини топса-да, қозон-товоқ ва ўчоқ-ёғдондан бери келмаса, айланишаверса шулар атрофида.

Саидбек Умар адашмапти: Моҳина бурқиратганча пахтаёғ доғлаётган экан ташқаридаги омонат тошқалов ўчоқда. Қозон тағида пастлатиб қуйилган олов ўчайми-ўчмайми деб липиллабгина ёнар. Бир томонда шох-шабба ва ёрилган қуруқ ўтин уйиб қуйилган. Япасқи кундачада чўнқайган Моҳинанинг икки бети яшнаб турган чўғдан андоза олган каби тарам-тарам қизил; ҳар замонда у энкайиб, учи куйик чўп билан ўчоқни титкилар, гоҳо ўзича алланарсани кулимсираб чулдирар, бир нуқтада узоқ туриб қолар хуррак нигоҳи. Ўзи билан ўзи қолган хотинини кузатиб кела-кела у берироқда шовурсиз, ўйға толиб тўхтади, нимадан бошлагани маъқул арзи-ҳолини?

Нимадан бошларди, борини лўнда қилиб, сувамай-нетмай, дангал айтади-қўяди-да. Шалвираб ўтирганидан бир наф чиқмас. Ҳартугур, жазаваға тушиб кетганини яширгани маъқул, даромадини келтиргач, шунчаки силтовдим сўйилни, шакар томириға тегиб, бирдан гуп этиб йиқилиши ва тил тортмай ўлиши тушимға кириптими, дейди мардликни қўлдан бўрмай. Сўнгра, иззат-нафси оғриса-да, ётиғи билан маслаҳат сўрар. Ёпирай, маслаҳат? Сал ёпишмай турибди чоғи шуниси. Ахир, ҳар қанча берилиб тушунтиришға уринса ҳам ишонармикин хотини? Анойи аёлни топибсан, Саидбек? Оғзингдан ўша хабар чиқиб улгурмай, хотинчанг, жон олғувчи кўзларидан таъна учқунини ёғдириб, қўлларини паҳса қилганча, ков-ковға тушиб кетар. Ва сиру савдо тубига етмагунча тинчимас. Майли, шундай экан, қолдирмас ҳеч нарсани, тамом очиб ташлар ипидан игнасиғача. Хотинжон, азизим, кўп ҳовлиқма, хотиржам эшит, деб аста силар елкасини, қариганимда ғалати савдолар тушди бошимға, деб дангал қўшимча қилар, рост шунақа бўлаётир, э, тавба, сен ҳам ҳеч маҳал, бугунинг ё эртанг қолиб, кечмишингни яшашға киришганмисан, ҳимм, шу... шунақа мажбурият туйганмисан? Йўқ, дейсанми, бўлса бордир, аммо эрингга ишон, эринг ўшанақа кўчаларда адашиб юрибди анчадан бери. Ҳамма ишқал ана шунда, қолаверса, бекорға гумдон қилмади Сайфи гуппини.

Саидбек Умар ўчоқбошида чўнқайган Моҳинадан бир неча олим берида тик қотган, маънос нигоҳи — арзимаган эрмак билан ўзини юпатаётган завжаи ҳалолининг елкаси оша кўксини тўлдирган, яккам-дуккам оқ оралаган, учлари жингалак сочлари-

да... Қизгимтир шуълада сокин товланаётган қўнғироқ кокилларга тикилиб тўймас. «Фақир шу жодуга асирман!» Ногоҳ келган шоирона латофатли ўйдан ошиқлик майли билан тўлғин дили яйради, антикиб қўйди енгилгина. Сўнг, бошқа фикр ёпирилди калласига: «Хотин зоти макр арқонини зулфи-гажаклари торидан тўқирмиш, ростмикин?» Беихтиёр жилмайди, кейин шошилмай илгарилади, Моҳина чап ёноғига қуя суртилганини кўргач, ўзини тутолмай, пиқирлаб кулворди телбанамо қиёфада.

Сал шовурга бир гулдан иккинчи гулга нозик қанотларини липиллатганча учиб ўтадиган саросар ва шошқалоқ капалакка сира зеҳн солганмисиз? Ҳозир буткул ўз дунёсига шўнғиган Моҳина шу беозор жонивор ҳолига тушди, оҳ, деди-да, кўксига тез-тез туфлаб, қоқ ерга ташлаворазди ўзини. Яхшики, ҳазилни эпложмаган эр, уни белидан тутиб, қучоқлаб олишни эплади, йўқса, не кечарди ҳоли.

— Ўтакам ёрилди-е, дадаси, — деди Моҳина эри қўйнидан аста сирғалиб чиқаркан. — Қарибам қуюлмадингиз-да. Сал ановроқ жойдан йўталиб-пўталиб қўйсангиз кетмасийди асақангиз.

— Фаҳмим қурсин, — деб ношудлигини тан олди ҳамон лаб-лунжини йиғиштиролмаган эр, — шу эсимга кемапти.

— Баъзан ёлғонга жа тўн кийгизасиз...

— Балосан, хотин, тўғриси, Сайфида эди ҳушим, — хотини ёноғидаги қуяни рўмолчаси билан артиб қўйди Саидбек. — Нимага деб сўрамайсанми? Уччига чиққан шилқим-да, ярамас. Айтганча, уни танийсан-а?

— Сал анаққип... маймоқланиб юрами?

Недир пичингга мойил савол, тап-гайёр тургандек, беихтиёр бодради Моҳина оғзидан, айни пайтда, шубҳа аралаш ҳадик йилт этиб ёнди қорачиқлари тубида. Ажаб ҳол: зум ичида Саидбек Қуйруқсойда кўрди ўзини. Поёнсиз кўк билан бўйлашган гулхан борлиқни ямламай ютмоқчи бўлиб лангиллар. Ўйлаб топган эрмагидан масту масрур Сайфи фигони тутар туйқус атрофни. Чақалоқни тишида авайлаб тишлаган Эна Кўкбўри, қишлоқ аҳлини умидвор қилганча, шитоб ғойиб бўлар қайгадир. Қишлоқ уни жимгина кузатиб қолар, сабр косаси тўлган халойиқ эса дафъатан жунбушга келар: ур калтак, сур калтак. Ана, оғзи-боши қон, бети моматалоқ, танаси пажмурда Сайфи қаро ерда ер тирнаб ётадир, оёқ-қўли — акашак. Ҳозирга қадар маймоқланиб юриши ўшанда орттирган дарди асорати, аммо, Моҳинага қойил, бирдан-бир қусури-ни ёдида сақлаб қолган экан.

— Ўлма, хотин, топдинг, — деди у бирдан шанғилаб. — Жа девона шилқим, канадан баттар, бир ёпишса уввало қўйвормас. Аммо... ўзидан кўрсин, фарқобга қолиб, обқўйди улушини. Нима, кўнглим кўчаси энасининг маҳрига тушганми?

Энсаси қотди шекилли, Моҳина тескари ўтирилди беихтиёр, паршон-ёйиқ сочларини бафуржа йиғиштириб, ўзига ярашган бир ҳаракат билан елкаси оша ташлади-да, яна ҳуркак пари каби чўнқайди ўчоқбошида. Қовун туширдим, деган хаёлга борди Саидбек ва анчагача журъат қилмади сўз қотгани. Индаллосини айтиши зарур: ахир, Сайфи ундан ҳам кўра Энабошидан аламзада-ку! Буни Моҳинадан яширмаслиги керак. Энди у рўй-рост ювишга киришди айбини. Хаяжон бўғзидан гиппа бўққандек, роса чайналди, э, узук-юлуқ ибораларни неча бор такрорлаган бўлса. Қизик, кечмишда яшаш завқлими ёки келажакда? Балки, эртаси йўқолиб қолгандир, йўғ-е, эртаси мозий қўйнида эканидан нега тонсин?

Буни ўзи ҳам гоҳо унча тушунмас, шундай экан, буни Моҳинага тиқиштирганидан фойда борми? Аммо, қизик бўлди, Эна Кўкбўри номини эшитган заҳоти сергакланди Моҳина, юзи хиёл ёришганча, бир четга аста улоқтирди эгри косовни. Сўнг, ўйга толди...

Илгари у эри жаврашларига унча аҳамият бермаган, кейинча, Ёдгор валий қутқуси билан сир тагига етган: фақат хонадонидан эмас, дилида ҳам Эна Кўкбўри меҳри барқарор экан. Очиғи, бора-бора, улуғ ҳомий сўнгсиз қудрати ва сеҳри билан кун сайин ёришиб бораётган дунёсига кириб келганини эътироф этган. Шаксиз, эри ўша жонивор ёдисиз яшолмас, хўш, ўзи-чи?..

— Ёдгор ота салом айтдилар, — деди Моҳина анчадан кейин, томдан тараша тушгандек қилиб.

— Ҳмм, — деди Саидбек ўнғайсизланиб, — отам қизик одам, атай йўғимни пойлаб келадилар. Тан-жонлари соғ эканми?

— Ҳа, шукур... Аммо аввалги ғайратлари қайда. Анча пишиб қоптилар. Эрта-индин думалаб кетмасалар...

— Расо тўқсон билан тўқнашдилар, — деди Саидбек Умар мийғида қулиб ҳам ниманидир чамалаб. — Аммо имони пок, илиги тўқ одамга нима бўпти бу ёш?

— Фузайлни эслаб куйдилар, вайй, бирам ачиндиларки!..

Бир қадар унутилган, гоҳида борлигини сим-сим эслатиб қўядиган ярасига кимдир қалампир селдими-ей... Бас, шафқатсизлик қилди хотини. Ичи ўпирилгандай бўлиб, бир анқовсираб, бир олайиб тикилди унга. Сўнг, узоқ йўл босиб, терлаб-пишиб, толиқиб келган шайхнинг жиддий чеҳрасини, маъюслик дориган чоғир кўзларини гавдалантирди хаёлида, наҳотки, у ҳамон ўғлига аза тутиб юрган бўлса?

Бўлса бордир, ҳазрат жонидан ортиқ кўрарди Фузайлни, қаттиқ меҳр боғлаганди бола пақирга. Саидбек, ўғлинг дўсиригина, жудаям кўзга яқин, тавба қилдим-а, қайсидир жиҳати Бўзтойга тортган, ишқилиб умри ўхшамасин, деган неча марталаб. Аттанг, дилидан чиқазиб айтган тилагига фаришталар омин демаган экан, Бўзтой каби Фузайл ҳам жувонмарг кетди, тоабад қўли уни хазон қилган бандалар ёқасида...

2

Ёдгор валий чорбоғи бўсағасини табаррук айлагани баҳор куёшидек илитди Саидбек Умар борлигини. Шайх кўнгил сўрашдан эринмайдиган оқибатли одам эканлигига яна бир карра ишонди. Фақат, у, Моҳина дили тубида кўмилиб, эскира бошлаган дардни янгилаб кетгани малол ботди анчайин.

Тахмин қилдики, шайх Фузайлни айрилиқ доғи суяк-суягигача ўтиб кетганини билдириб қўйиш учунгина эсламаган. Асосий мақсади, уни — Саидбекни айблаш, у йўл қўйган хатолар етти пуштига ҳам етиб-ортажагини чақмоқлаб қўйиш, шунингдек, Моҳинани ҳушёр торттиришдан иборат бўлган. Илгари у, Фузайл — ўзинг, кўнглинг андозаси, деган гапни гоҳ босиқлик, гоҳ қизиққонлик билан қайта-қайта уқтирган, мавриди келиб қолгани учун буни яна тикиштирган орага, э, келин, эрингиз аввало ўзини хўрлади. бундан оғир гуноҳ борми дунёда, дея роса аламдан чиққан, ҳа, алмисоқдан қолган ашуласини ўйламай-нетмай такрорлаган ва шундоқ ҳам бўлари бўлиб юрган Моҳина ичига қайта ўт қалаган...

Мана энди шўрлик Моҳина — жиз-биз: азиз меҳмонга тўқолмаган аламини тинкаси куриб келган, қорин тўйғазиб, ҳордиқ чиқариш илинжида турган эр устидан мағзава қилиб ағдариш пайида. Нима қилсин Саидбек, орқа-олдига қарамай қочсинми, қочса, эҳтимол, вафосини — жафо, жафосини — вафо қилиб кўрсатишдан ҳаргиз лаззат оладиган хотини ва унинг маза-матрасиз хархашаларидан қутилар, бироқ, ўзидан, ўзининг дардисар қилиқлари, дард устига чипқон ғурбатларидан-чи?

Асли, ҳаётларига маъно-мазмун бағишлаш ўрнига, Фузайл ораларига совуқлик туширди, э, гараз нималигини билмаган навнихол шуни истаптими, асло хоҳламаган, лекин, пешонаси экан, у маққум қисмат оила пойдеворига зиён етказди. Буни эслаганда Саидбек Умар астойдил ўқинар, лекин, шундай эса-да, Худо ҳақи, ўлса ҳам сиғмас хотини бағридан бўлак ерга. Ҳарҳолда Моҳинага кўп қийин, ўзига ҳам осон эмас, энди, меҳру оқибат кўприги буткул вайрон бўлишини истамаса, етти ўлчаб бир кесмоғи ва ҳар бир қадамини билиб босмоғи керак...

— Бир гап учини чиқаздилар, — ниҳоят ўнғайсиз жимликни бузди Моҳина, шийинқираган қовоқларини кафтлари билан артаркан. — Раҳматли отайиздан нимадир мерос қолган экан.

Аввал Саидбек аҳамият бермади, сўнг, бирдан жунбушга келди юраги, истеҳзоли қараш қилди хотинига, ахир, ҳовлиқиш ҳам эви билан-да, орадан шунча йил ўтиб, қанақа мерос можароси кўзғалиши мумкин. Тагин, кечагидек эсида, ота-онаси тасаруфида неки бўлса, Сайфи бошлиқ тозилар барисини шилиб олишган, ҳатто улар ихтиёрида на бир мири танга, на бир бурда нон, на бир мисқол ун ёки дон қолдиришган. Ойлаб бурда зоғорага зор яшашган, бировдан нон сўрашга бетлари чидамай, тишлари кирини сўриб юраверишган. Оиласи чеккан азият Ёдгор валийга кундек равшан эди-ку. Нечун у чўмижда ё капгирда турмайдиган маза-матрасиз олди-қочдини маъқуллашиб кетмиш хотинига?

Лекин, шамолсиз дарахт учи қимирларканми?

Қолаверса, Ёдгор валийга ёлғон ҳаром, ҳатто у бошига қилич келса ҳам ҳақни сўйлар (Худо кечирсин, умрида бир марта одатига хилоф иш тутган, лашкар тузишу жамоа бошини қовуштиришга мулла Умар қобил эмас, деб Сайфини чалғитишга уринган), шунингдек, бўҳтондан ўлғудай ҳазар қилар, биров ҳақиға, бева-бечорага

ола қарамас, алқол, ортиқча қахру ғазаб ёки бирон савобни миннат қилиш — нафс хуружи, кўнгил инқирозга юзланиши, деган ақидага суянишни афзал билур.

«Ҳазрат шайх ҳам кечмишим!» Тум-тароқ хаёлида шу фикр айланишган заҳоти туман каби тарқади гина-гумони, сўнгсиз бир гурур туйди ва ҳаприқиб кетди юраги.

Қизиқ, кечмиши қора тортиб, ажаб иштиёқ билан излаб келган уни, кечмиши шу кунгача номаълум қолган, зеро, мулла Умар, онаизори ва ўзи билан чамбарчас боғлиқ қандайдир сирни айтмоқчи бўлган бетига, аттанги, ҳамишагидек уни учрата олмагач, Моҳинани шунчаки огоҳ этиб қўйган.

Ёдгор валий кўп саводдан воқиф, ўшанда Қуйруқсойга, жабрдийда жамоага қалқон бўлишга урингани ҳам чин, жонинг кўчада қолган эмас, гурур азиз бўлса гамингни егин, э, ғофиллар, дея улусни қўзғани, хусусан, отаси тузган лашкарга маънан раҳнамо бўлгани ҳам рост, ёпирай, қаёқдан олган экан у бунча кучни?

Ўша кунда, Қуйруқсой тақдирни қил устида қолганда, Саидбек ҳам оломон билан оёққа қалққан, ғазабнок ёру биродарлари қаторида жони борича дўппослаган Сайфини. Э, бир чиққан-да хумордан. Сўнг, ўзи ҳам бир ёнга копток каби учиб кетган, кўзини очиб, ўзини қоп-қоронғи, шифти калла теккудек паст, ўргимчаклар тўр солган, ҳавоси ачқимтир ертўлада кўрган. Томоғи — қақроқ, қорни — пиёз пўсти, шериклари — каламушлару сувараклар, хуллас, тақдирдан нолиб, ўлимига рози бўлиб ётаверган, ахийри, бир кун эрталаб, тепиб-тепкилаб, судраб чиқазишган ташқарига. Гулхан ёқилган майдонга обборишиб, шалпанг қулоқларидан чўза-чўза, бир чеккада қоқилган қозикдай тикрайтириб қўйишган.

Жонидан алам ўтган Саидбек ичида Худого ёлворган: «Шу бало илойим Сайфини жизғанақ қилсин!» Ана шу ҳодиса ҳозироқ рўй берадигандек, у Сайфига ер остидан нигоҳ юборган, Сайфи ёнида қад ростлаган қандайдир дароз амалдор қироат билан ҳукм ўқий бошлаган, шунда ногоҳ Бўзтой исмини эшитган. Илкис бош кўтариб, разм солсаки, тут тагида кўзлари боғли Бўзтой турибди, буй эгиб. Ҳалиги амалдор шапалоқдай келадиган қоғозни буклаб, аста қўйнига солгач, Сайфи кимгадир бош ирғаган, қатор тизилган гумашталар орасидан калласи хумдан катта сўлоқмондай киши ажралиб чиқиб, Бўзтой сари хезланган, уни елкасига шап уриб тиззалатган-да, ногоҳ бўғзига ханжар тортворган...

Сокин тўлғанаётган еру кўкни қип-қизил жола тутган, бунга Сайфи эйтибор бермаган, яккам-дуккам чечак излари қолган бетига ним кулги югурган-да, ҳаммага эшиттириб қичқирган: «Кимки Кўкбўрини эмипти, ҳоли шу!» Шўрлик Саидбек музлаб қолган тамомила, шунинг баробарида, совуқ ялтираган тиг ва дўсти кекирдагидан тизиллаб отилган шафақ тусли шарора абадий ўрнашган хотирасида, Сайфи голибона тарзда қилган хитоб ҳам...

Ҳозир ҳам бир санчиқ, бир алам, бир армон билан йўғрилган ўша машғум манзара лоп этиб жонланди хаёлида ва илкис сирқиратиб юборди вужудини.

Эсида, бир оғир оҳ тортганки ўшанда, ер-замин ҳам, осмону фалак ҳам қўшилишиб нола қилган, сўнгсиз бўшлиқ ичра гулгон юлдузлар-да шашқатор ёшларини тиёлмаган. Ҳар қанча бўзлагани, борлиқни ҳар қанча жазавога солгани билан қанийди Бўзтой тирилса, қанийди қалин киприklarини бир бора кўтариб, унга жилмайибгина назар ташласа, ҳамишагидек ҳам шўх, ҳам кинояли, ҳам беозор табассум тортиқ қилса. Шўрлик Бўзтой, типирчилай-типирчилай тинчиб қолгач, қайтиб қилт этмаган, лахта-лахта қонга беланган жасади совий борган.

Тагин ҳукм ўқилган: бузуқи-авбошлар сардори мулла Умар таслим бўлмагунга қадар Эна Кўкбўрини эмган арзанда ўғил Бўзтой жасадини кўмиш учун ижозат берилмас, тажовуз билан машғул мурдор Сариеўларга юкуниб келмас экан, қутирган итлар ва очофат қузғунларга хомталаш қилинур!..

Нега ўшанда паққос ёрилмади Саидбек юраги, нечун йиртилиб кетмади қулоқлари пардаси, ҳе, тавба, томошабин қилиб қўйишганча, бурдалашгани, Бўзтой ёнида сулайтириб қўйишгани авло эмасмиди?

Ҳайҳот, ундай бўлмади, анов сўтаклар каби у ҳам бир ёғоч, ҳа, фарқи йўғийди ёғочдан. Мана энди элас-элас эшитар ажал нафаси билан эврилган ўша тилсимли садоларни. Ичида дарди-алами тўлиб-тошган Ҳазора момо уввос солиб йиғлаганда, қадди дол Ёдгор валий ўпкасини босолмай қолганини кўрганда нақадар эзилган, қасос алангаси жовиллаб тикилган бўғзига. Оппоқ соқоллари жиққа ҳўл бўлган чоллар обидийдасига ўшанда қандоғ чидаган, билмайди, лекин, энди, Худо ҳақи, бунақа нарсага жиндек ҳам чидолмас. Не чораки, ақлга сиғмас манзара ичра у бир хас каби

йўқолмиш ўшанда. Ҳатто ўзини ўзи йўқотиб қўйганди. Мана, орадан неча йиллар ўтибдики, ҳануз жиғи-бийрон бўлиб излар ўзини, қаники тополса. Мени ҳозир ҳеч ким кўрмаётир, чунки, мен йўқман, деган ҳаёлга боргани ҳам хотирида. Ахир, ким ҳам илгар зарраларга бўлинган одамни?

Аммо, билмасдики, ўша кезлар, Саидбекни, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини, бир киши зимдан астойдил кузатаётир. Ким бўларди ўша нокас: Сайфи сардор-да. Шу банда дўстига аза тутган, Ҳазора момо билан Ёдгор валийга чулдираганча ҳамдардлик билдираётган Саидбекни жиддий назорат қилган, ҳатто ундан бир сония ҳам нигоҳини узмаган, жаллод ишини битиргач, бир неча дақиқадан кейин, қади-қоматини ғоз тутганча ёнига келган, кўзига тик қараган-да, дўқ урган: «Уч кундан кейин навбат сенга! Отанг келмаса ўзингдан кўр!» Пўписа аралаш Сайфи илжайган, ер тишлаб ётган Бўзтойга ишора қилиб қўйган, балки сенга дор маъқулдир, деб ярашмаган ҳазил ҳам отган. Лекин, бир бошга бир ўлим борлигини тарозига солган Саидбек унинг ваҳимали тикилишидан ҳам, дўлайтирган муштидан ҳам кўрқмаган. Бўйнига тушажак сиртмоғу санчилажак ханжарни ҳам парвойига келтирмаган, муруватли Оллоҳ мушкулини осон қилишига ишонган.

Аммо, бошқа жиҳатдан ғам еган: Сайфи аҳди-қарори отасига етса, отаси пайтавасига қурт тушмасми, эй, кўзим гавҳари, сенда не гуноҳ, сендай ғунча бемаврид сўлиганидан кўра мендек қариллик остонасига етган банда қурбон бўла қолсин, деб, шитоб йўл тортмасми Қуйруқсой сари. Агар буй эгиб бормагунча жувонмарг кетган Бўзтой жасадини тупроққа топшириш тақиқлаб қўйилганини эшитса-чи? Кейин, тўғри бўлиб чиққан тахмини: дала-даштда атиги уч-тўрт суворий билан қолган падари бир эрта Қуйруқсойга кириб келган-да, жиловини Сайфи ихтиёрига топширган. Иложим қанча, омадим юришмай, Улфат полвондек қўмондонимдан ажрадим, энди якка ўзим қолдим, бу ёғи — таваккал, деганини кўпчилик эшитган...

Кейин, Саидбекни бўшатишган...

Сайфи елкасига уриб қўйган: «Жонинг ўзингга буюрсин!»

Ўшанда у нимани миннат қилганини Саидбек тушунган, оббо, муруватини қаранг, ўз жонимни ўзимга қайтариб туҳфа қилди-я, деб ўкинган. Ҳозир ҳам у ўша кунни сўнгсиз бир қайғу билан эслади. Бир нарсага амин: елкасида Сайфи кафтининг изи қолган...

Тўртинчи боб

I

Мулоҳазалар гирдобидан ўзини аранг тортволиб, Саидбек аста Моҳинага қаради. Хотини нималарни ўйлаётган бўлса? Энабошига оғдими ҳаёли, айтганча, ушбу паллада Энабоши Чақалоқни иссиқ кучоғига тортиб, тийрон ниятлар билан эмизаётгандир. Анча дуркун тортиб қолгандир Чақалоқ... Бу ўйдан у масрур бўлди, руҳи яна тиниқлашди, жилға сари юраркан, ногоҳ қайдадир, яқин-орада шекилли, анча баланд пардада от кишнади, бир калта, бир узун кишнади. Совуқ сувда пишқириб ювинаркан, ҳуш-фикри боғланиб қолди шу овозга. Недир куч пайдар-пай кўча сари чорлади. Чорбоғ биқинидан ўтадиган шағалли-қумлоқ кўча кимсасиз — жимжит, фақат, йигирма қадамча наридан беқасам чопон кийган, сочи патила-патила, қош-кўзи попуқдай ўсмир йигит шошилмай одимлар, оғзида — хиргойиси. Йигитча мағрур боқарди олисларга, буни қарангки, у анчайин навқирон, куч-қувватга тўла, думи калтаю ёли бўлиқ чавқар бия етаклаб олган. Бия изидан гоҳ ирғишлаб, гоҳ йўртиб келаётган ўзига монанд қулунига қарай-қарай безовтаҳол кишнаб қўяр ҳар замонда.

Ниҳоят, субҳидам кўзи ёриди, субҳидам улуғ фарзанди бўлмиш қуёшни шошилмай йўргаклаб олди уфқ билан осмон этагида. Қуёш шиддат билан камолотга етмиш... Ана шу фаройиб маросимни нишонлашга аҳд қилган каби ўсмир машриқ бўстонига ошиқар, бия рафтори ва қош-кўзига мувофиқ тушган сипта-кўн юган учини билагига жипс ўраган, ирғай дастали ўрма қамчини билан гоҳо уриб-уриб қўяр ихчам сахтиёний этикчаси қўнжига.

Чавқар бия етаклаган ўғлон чорбоғ адоғидан бошланиб, олис дашт қўйинини қоплаб ётадиган тўқайни оралаб ўтган, ҳар кимни бағрини ҳайлаводдек очиб қаршилайдиган жар сури бурилмиш. Оҳудек чопағонлиги, қийғирдек чаптадлиги шундоқ кўриниб турган азамат қади-басти, қарашадаги шижоат ва хайрихоҳлик Саидбек Умар

дилига нақшланди осонгина. Бир ҳайратга чўмиб, бир ниманидир ўзидан қизганиб қайтди изига. Кун қандай кечди, билмас, аниқроғи, имиллаган зерикарли вақтни эмас, задасираб қолган тумтароқ хаёлини яшади безовталаниб. Фақат ўзига эмас, еру кўкка ҳам сиғмас. Э, Қодир эгам, хабар бергил, истараси офтобдан-да иссиқ, шахти-шижоати арслонниқидан-да ўктам бул фарзанд ким, субҳи-содиқ ёришар-ёришмас қаёқдан келар, қаёққа борар ошиқиб, хабар бергил!

Жавобга интиқ, лекин, жавоб қайда, на кўнгли иқлимида, на борлиқ-атрофда бирон-бир сазо бор — жимлик ҳоким, бу ҳолдан ажабланган Саидбек Умар, ҳаргиз бўш келмай, ўзича таскин излар, бас, ўзи ечар бу жумбоқни. Кўҳна очун эса, наздида, бўм-бўш, ҳозир у шодлик ёки юпанч ато қилишга ожиз. Аммо, ажабо, куни кеча анов ўғлон илдам юриши, чавкар бия кишнашидаги сирли босиқлик, тантиқ тойчоқ думини хода қилиб югуриши овунч ва юпанч бахш қилмадими кўнглига? Айни пайтда ўшандайин бахтиёрликни қўмсаётир, нигоҳи урим-бурим йўлга қадалган, ажойиб шериклари билан ўғлон чорбоғига ёндош кўча бўйлаб тагин ўтиб қолмасми?

Саидбек ичига чигил тушиб, кайфияти бузилганини Моҳина сезди, эри кўнглини овлаш учун атрофда парвона бўла бошлаган ҳам эдики, ташқарида машина тўхтади, дарчага ёпирилди аллакимлар. Бирин олдинда сал чўлоқланиб келарди, чамаси, у оёғида ланг борлигини сездирмаслик учун атай лапанглаб одимлар, тик тутишга тиришар қадди-бастини.

— Мулла Саид, хиёнат оши шунчалар мазалими?

Кимса, шундай деркан, қаҳ-қаҳа уриб кулди, Саидбек Умарни ҳангу манг қилганча. Зарангдай қаттиқ товуши узоқ жаранглаб турди ҳавода. Анқайиб қолди Саидбек унга тикилганча, ёпирай, ўнгими, туши, ахир, бу — Сайфи гуппи-ку. Вой, ўлгир маймоқ, ҳали ҳам тирикмисан. Ғўр ва гўл Саидбек эса аллақачон ўзича жанозангни ўқиб қўйган.

— Газанда Энабоши билан Чақалоқни яширипсиз.

Ана буниси кўп қизиқ: муғомбир Сайфи, ола кўзларини лўқ қилиб, гавдасини бир ёнга ташлаганча, сарғимтир тишлари орасидан сиздириб чиқараётгандек қилиб айтди бу гапни. Не жавоб айтарини билмай Саидбек бир ҳовриқди, бир куйинди: «Бунинг томи кетган ўпирилиб!» Унинг кўпчиган афтига бошқатдан нафрат билан тикиларкан, ит тирнади ичини. Алжиди бетамизлар сардори, бу талтайиши на қапгирда туради, на чўмичда, ахир, ҳозирча Саидбек Энабоши билан Чақалоқ тақдирдан беҳабар, асли, кошкийди уларга зиғирдаккина нафи теккан бўлса?

Хафсаласи пир бўлган Сайфи, томоғини филтиллатиб, жайрадек хурпайди: «Ай-ай!» Сўнг, бесўнақай кўлларини чўнтақларига тиқиб, қовоқ солганча, ликонглаб юрди нари-берига. Тутаб турган аламини ўчириши керак, аламини. Шанғиллаган товушда гуноҳини бетига сола кетди яна, ҳаддидан ошганини сезди шекилли, кўрслигини андавалашга киришди. Гунг одамдек Саидбек хўмрайиб ўтирарди, аммо, лаҳза сайин тўлиб бораётир сабр косаси. Бирин-сирин муштларини тугаркан, ногоҳ от кишнади ташқарида. У бирдан сергакланди: ўша бия. Кўкси ҳам ғалати жиз этди. Анчагача сир бой бермади, ахийри, чидолмай, кетини билмай чўғга босволган каби, илкис турди отилиб. Нақд қанот боғлаб учди, хуллас, девор оша бемалол кўрди хушрўй ўғлонни.

Чавкар биясини зўр иштиёқ билан етаклаган ўғлон, аввалгидек, оғзида — хирго-йиси, ошиқиб борар машриқ сари. Гоҳ у ёни, гоҳ бу ёнида шўх-шаддод тойчоқ ирғишлаб ўйнар, ажаб эркалик билан ора-сира кишнаб кўяр ингичка товушда. Ҳов, офтоб чехрали азамат, кимсан, қайдан келиб, қайга борурсан, қайси боғда битган хушбўй гулсан?

Сайфи ҳам анойи эмас: ер тагида илон қимирласа билар.

Қуриб кетгур шерикларига зимдан имо қилувдики, улар зумда битиришди ишни: ўз хаёли билан эмин-эркин бораётган ўғлонни юмалоқ-ёстиқ қила-сола тиқишди тим қора янги машинага. Беэга қолган бия билан той физиллаб жўнаган кўнғизнусха улов ортидан анча қараб турди мўлтираб. Кейин искаланиб, безовта юлқинганча, ела кетишди тўқайни мўлжаллаб. Олдинда — бия, орқада — қулун. Гўё, кимдир, нимадир йўлларига интиқ, буни яхши билган каби, улар ўқдек учиб боришар машриқ томонга.

Бу ҳол Саидбек Умарга сирли туюлди.

Бир ишқибозлик билан жилди улар ортидан...

Кўёш қиздираётгани боис тўқай дим, қилт этган шабада эмас, атрофни ўлик сукунат кучган, гўё ҳар қадамда ваҳима қушлари сонсиз уя қурган. Шошганидан

чучмал бир орзиқиш тиқилар Саидбек бўзига. Рўпарасида нимадир аланга олар, аланга яллиғланган қўйи тўқай устини ҳарир парда янглиғ тутар, кейин, ер бағирлаб сузганча тоғлар учини, ниҳоят, бутун фалакни чулғар. Йироқда, парда ортида, семиз бир шарпа гивирлар, шарпа аста-секин силжиб келар бу тарафга. Ёпирай, ўнгими, туши: ахир, бу Энабоши-ку. Кўксидаги хавотир ёруғ бир орзуга айланар. Оҳ, бу қутлуғ учрашув баҳоси борми? Бу саодат мана шу кунга насиб этган экан. Бу кундан минг айланиб-ўргилсин. Қолаверса, Энабоши ҳамияти Чақалоққа ҳам емиш, ҳам либос, ҳам қалқон бўлаётганини англаб, боши кўкка етар. Илоийм, иккаласини ҳам Тангри ола кўзлардан асрасин.

Эна Кўкбўри, тишида гўдак, эриб йўқолар парда ортида.

Бия билан той эргашар унга лўкиллаб...

Саидбек Умар эса — беҳол, қимирлашга мажоли етмас, майсалари қовжирок қумлоқ тепада гўё саксовул янглиғ илдиз отган. Салдан кейин ҳушини ўнглаб, беихтиёр ташланар жазирама қўйнига. Бас, из қувмоғи керак. Топмагунча, топиб, дийдо-рига тўймагунча қўйма. Имони комил, Энабоши кўпам узоққа кетмас, кўналғаси шу атрофда, анов жарликдаги камарлардан ўнғайроғини танлаган, асли, шу атрофдан қулайи йўқ унга. Аммо, Сайфи ҳам қандини урсин, у чорбоғига бекорга ҳид олиб келмаган экан. Кўнгли бир балони сезган.

«Худо берар Сайфи тулки жазосини!» Хумдек оғир калласида шу ўй, қизиган кумни тўпиғидан кечиб бораркан, бирдан Фузайлни эслаб қолса. Ё, Тангри, Эна Кўкбўри тишида тишлаб юрган гўдак чароғбони Фузайл бўлиб чиқса нима қипти? Оллоҳ карами кенг, яна бир кўрсатса не қилур қудратини? Эсини таний бошлаган кунданоқ ўғли қулоғига улуг ҳомий таърифини мунтазам қуйган (Моҳина ҳам гувоҳ суҳбатларига), бора-бора, азаматгинаси шу даражага етганки, Чақалоқ халоскорини тушларида кўра бошлаган. Ҳатто у билан ғойибона баҳс қуришни ҳам одат қилган. «Дадажон, — деган бир кун, — Энабошини эмсам ким бўлардим?» Адашмаса, энди-гина еттини тўлдирувди ўшанда, туйқус берган тагдор саволи олимлар раҳнамосини чинакамига довдиратган. Кейин, ўша бахт насиб этса, Ёфас ўғлон ёки Ўғиз баҳодир каби паҳлавон бўлиб етишардинг, дейиш учун ҳозирланган. Негадир журъат қилмаган, аниқроғи, ҳали эрта, мавриди келар, деб ўйлаган. Хато қилган экан, хато! Ахир, етти яшар боланинг кичиклиги қоларканми? Тагин, унинг зийраклиги ва қуймақулоқлигини айтинг. Кўп нарсага етарди ақли, сира унутмасди бир эшитганини.

Мана, энди Фузайл меҳрига ҳам, тирноғига ҳам, тўпориваш сўровларига ҳам зор, соғинч ўртайди нуқул юрагини, не қилсин, чатоқ экан айрилиқ балоси, доим ўртада девордек кўндаланг. Гоҳо умид қиларки, хотини Моҳина яна бир чироқ ёқар туғиб берармикан, мабодо туғиб берса, уни, чилласи ичида, Энабоши сути билан оғизлан-тириш насиб етармикан?

Жамийки кучини йиғиб қичқирди: «Ҳей, улуг армоним!..»

Олис, жингиртоб дашт қаъридан, живирлаётган фалак тоқидан улкан занг оҳангини эслатувчи акс-садо қайтди гумбирлаб, фақат, ҳуши Фузайлга оғаниданми, у айтарли эшитмади бунини. Силласи тамом қуриб, бутун борлиғи қалтираб, юзтубан қулади қайноқ қумга. Қирғоғига бош қўйган денгиз каби сокин шовуллаётган саҳро тафти вижир-вижир қуйдирар баданини. Недир куч сеҳрлар шуурини: саҳро — голиб, у — мағлуб! Шаксиз, мана шундай ночор аҳволга тушиб қолганини яширар Моҳинадан, мадордан кетиб, кўзлари қароқиб, оғзидан сўлақайи келиб ётганини айтгани билан наф топарканми, аммо, Тангри ажойиб учрашувни лойиқ кўрганини сўйлаб бериши ҳам қарз, ҳам фарз.

Минг офарин: Қуйруқсой Қабоҳат олови ичида жизганак бўлиб ёнган кундан бери Эна Кўкбўри Улфат полвон зуриёди — Чақалоқни тишида авайлаб тишлаб юрган экан. Ёпирай, ўша кундан бери атиги бир неча сония кечгандек... Вақт замирида ниҳон бу сир мағзини чақиш мушкул, зеро, бу имкон ҳар кимга ҳам насиб этмас.

Чорбоғлари этагидан бошланадиган саҳронинг ғаройиб ҳарир парда билан ўралган бир бурчида Эна Кўкбўри билан Чақалоқни учратганини айтса, Моҳина ишонарми, ишонса-да, бу ҳодисани ҳазм қилишга идроки кучи етарми?

Иншооллоҳ, етар, ҳарҳолда, у аввалги Моҳина эмас, ўзи ва Ёдгор валий каби, бутун ер юзига тарқалиб кетган Кўкбўрилар авлодига теран ихлос қўйган. Кўпдан бери айниқса Энабошига ғойибдан астойдил меҳр боғлаган, ўша жонивор гул ва тикан ўртасида балогардон эканини оғзидан бол томиб сўйлар баъзида. Ҳозир эса, Саидбек ҳикоясини тинглаб, ҳушидан айрилаёзди, сўнг, қувонганидан ногоҳ чақнаб кетди

кўзлари. Туни билан ухламади; тонг-азонда, ашаққа обборасиз, деб суйканаверди эрига.

Аввал Саидбек Умар рад қилди, бошқа зарил юмушлари борлигини баҳоналади. Асли у ҳақ: кеча таътили тугаган, ишга чиқмаса кавушини ўнглаб қўйишар. Шундоқ ҳам бир ойдан зиёд қора бермади, қизиққи, ўзлари ҳам тузуқли йўқлашмади. эҳ-ҳе, илгари роса жонига тегишарди суриштиравериб. Шунди ўйлаб хижил бўлди, лекин, яна бир кун бормаса-чи, осмон узилиб ерга тушармиди. Хотинини хафа қилмагани маъқул. қолаверса, Эна Кўкбўри билан Чақалоқни кўришга ўзи ҳам интиқ, кеча тополмади улар дарагини, бугун ҳар не азоб чекканда ҳам топиши керак.

Чорбоғ ортда қолди, сўқмоқ билан, тўқай оралаб илгарилашгани сари ғалати тўлиб-тошар диллари. Безовта нигоҳларида сирли бир соғинч порлар, ажаб бир ҳаяжон эс-хушларини босиб тушгани боис, изларида пайдо бўлган ва гимирлаб судралаётган шарпани сезишмас.

Атроф сирли — сокин, эрталабдан жазирама хуруж қилаётгани туфайли қилт этган шабада уфурмас. Адир ва жарлик пойидан бошланадиган сахро ола-бужир, мингямоқ гилам каби кўримсиз, мағрибдан машриққа чўзилган жарлик биқинида улкан оғзини ҳайлаводдек очиб турган ғор кўзга ташланар.

Чироқдек ёришиб кетди Саидбек Умар руҳи ва илкис қаради ғор ичкарисига. Моҳинани ҳам даъват қилди қувониб. Ғорда гўё қуёш чарақлар: кўзни қамаштирадиган ойдинлик. Бўсағада турган эр-хотин эса ўзларини йўқотар даражада, ими-жим тикилишар ғаройиб манзарага: кенггина тош саҳнда Эна Кўкбўри ёнбоши билан бемалол чўзилганча пинак қиладир, оғиз-бурнини оппоқ-қуюқ сутга белаб, тирсиллаган сий-насига жон-жаҳди билан ёпишволган барака топкур Чақалоқ...

Қоя ортидаги шарпани ногоҳ Моҳина кўрди.

Аста у эрини туртди, аммо, эр, тамом сеҳрланган қўйи, бутун ҳуш-фикрини ғорга, Чақалоқни эрибгина, ҳафсала билан, тўлиб-тошиб эмизаётган Энабошига берган, қолаверса, ваҳима қилишга ҳеч бир асос йўқ, негаки, Энабошидан кўнгли тўқ, уни аввало Эгам асрар. иккиламчи, у чўл шаронти, бунақа ур-сур, қувла-ушлага узоқ йиллар давомида ўрганиб қолган. Лекин, Саидбек бошқа бир жиҳатдан андак хавотирда, ахир, метин кафолат қайда, дафъатан фалокат рўй берса-чи, оламда нима кўп — тасодиф кўп, бирон тасодиф чоҳи қаттолга айланса-да, кўндаланг бўлса оёқлари остида, қолаверса, ҳаргиз тўнғиз тукини санаган Сайфи илкидан нималар келмас?

Ғордан отилиб чиққан Энабоши Сайфи билан шерикларига осонгина чап бериб кетганини Саидбек кўрди, севинганидан бир жойда туролмай қолди, руҳини эса яна ҳам теран ойдинлик чулғади. Руҳи билан олам бирлашиб кетадигандек бир ҳол юзага келди, ажабо, руҳи фалакни, Арш тоқини кўзлаётир, қани учса тезроқ, зил-замбил жисмини кўтариб учса. Бедор бир шоир¹ иншо этибдиким, ҳатто қафасни кўтариб учиш мумкин. Ажаб завқ уйғотган кайфиятини бой бериб қўйишни истамасди сира. Секин Моҳинага юзланди. Моҳина чеҳрасида ҳам сирли бой қониқиш ҳоким, у ҳам гўё бу оламга сиғмай қолган, бошқа олам одамига айланган: ҳозиргина Чақалоқни тишлаганча дашт ичкарисига елиб кетган Эна Кўкбўри изидан интиқланиб термилар...

2

Саидбек Умар хаёли олисларга, Қорахон баҳодир даврига, сўнг, Қуйруқсойни вулқондек комига тортган машъум кунга оғар, сўнг, ажиб масрурлик билан, мулоҳазага берилар: «Ё, Тангрим, хабар бергил, бу гўдак ким ўзи — Қорахон пушти камаридан бўлган шаҳзода Ўғизми ёки бобокалонлари полвон ўтган амир Улфат зуриёди Ўғиз?»

Саидбек жилмайди ҳузур қилиб, мана, Чақалоқ селкилаган таптаранг эмчакка лўппи бетини қўйволган авайлабгина, мўлтироқ кўзларида ойдин бир ҳавас, тиниқ бир сурур, ким билсин, у аллақачон эртанинг улкан шавқи билан яшаётирми?

Анча таскин топгани учунми, яқин-орада биринчи марта, Саидбек мириқиб ухлади, жамийки ҳужайраларига қадар ажиб-сирли роҳатга чўмди чамаси, юз-кўзини майин-майин силаб-сийпалар гурас-гурас тун капалаклари, тилладек товланаётган мўъжаз қанотчалар тўлқини аро ногоҳ кўзга ташланар Эна Кўкбўри билан Чақалоқ...

¹ Шавкат Раҳмон кўзда тутиляётир.

Сўнг, барибир бўлмади, алоғ-чалоғ босриқди: тавба, кул-ифринди тўдаланган ивирсиқ ҳовлида юрарди каловланиб, рўпарасида бир уйки, пардаси қирқилгандек питраб тушган, девори илма-тешик. Ҳайиқ томи гирдида омонат чўнқайган семиз-сержун овчарка ит халқумини қулт-қулт қилганча ириллаб хураётир, қай маҳал у шахт отилди пастга, чўчиб уйғонсаки, жиққа қайноқ терга ботган, қалт-қалт учаётир, хотини кўрқа-пуса мўлтираб турипти тепасида.

Анча тумишиб ўтирди иссиқ тўшакда, сўнг, ташқарига чиқди ҳафсаласи чопмай, одатига, ўрик тагида ул-бул машқларни чала-чулпа бажаргач, яшил девор биқинидан жилдираб оқадиган жилгада ювинди тезгина. Артинаркан, бирдан гашланди, ажабо, ҳувиллаб ётган чалдеворда юрган эмиш-а, адашиб, таъбири нимакин? Кейин, негадир, чавқар бия етаклаган ўғлонга оғди хаёли, лаънати Сайфи уни нима қилдийкин?

Чакки, кўп чакки Гулобий бинодан узилиб қолгани, не сир бор ўртада, нечун йўқламай қўймишлар? Жумбоқ тагида етиш учун урингани сари нохуш сеза бошладу ўзини, ёнида радио-телефон йўқлиги ҳам бир аламини икки қилди. Бир ойча бурун, ҳордиқ арафасидаги ҳисоб-китоб чоғида, хўжалик мудирига топшириб қўйганди савилни. Ортиқча харажатга жон-пони чиқиб кетадиган кексайган мудир, инжиқлик билан оёқ тираб туриб олгани учун эмас, азбаройи ўшани қўйнида кўтариб юришдан зада бўлиб қолгани боис шундай қилган. Мана энди росаям қадри ўтди, унча билмасқан у туппа-тузук чаққон дастёр эканини. Ҳозир қўлида бўлсайди, истаган одами билан боғланарди: кўнглини бўшатиш билан бирга, секин суриштирарди бугун ишхонаси қандай ҳаводан нафас олаётганини.

Ҳаммаси гўрга, Дадашни нима жин чалди, Дадашни.

Намунча ўчиб кетди қораси, шунча вақтдан бери бирон марта йўқлаб келмаса: меҳру оқибат ҳақида сурункали урадиган лофу қофлари шунчаки тил учиде эканми? Ака, гам еманг, ҳар куни хизматингизда қамишдан бел боглаб тураман, деб керилгани-чи. Касал-пасал бўлиб қолгандир, деса, ярамагур ҳўкиздеқ бақувват... Ёки бирон ишқал чиқаздимикан? Ҳа, майли, баттар бўлсин, аммо, ҳали шошмай турсин, ҳали бети-бетига тушар, ана шунда айтадиганини айтар. Мана энди шу ландовур касрига йўл четида сарғайишга мажбур, бошқа чораси ҳам йўқ, бирон инсофли ҳайдовчи олиб кетар шаҳаргача.

«Овв, отам Кўкбўри, онам Кўкбўри!» Инсофини қуритган Дадаш гўрига гишт қалаб, Худодан мушқулини осон қилишни тилаб турган-да, буни қарангки, беҳосдан идроки қатларига қуёшдай иссиқ хитоб айланишса. Ажаб саодатга йўғрилди борлиғи, недир парвозга шайлана бошлади хаёли. Бас, у фақат кечмишида эмас, тез-тез долғаланиб турадиган руҳида ҳам яшар, руҳанки истаркан, бир шоғирди айтганидек, макон ва замон хоҳишига тобе — вақт ва масофа иродасига бўйсунар, яъни, қудратини намоиш этишга ошиққан вақт ўзи уни тегишли манзилга еткизар. Бунинг учун аввал у вақтнинг фазовий қудрати ва сеҳрини кўнгли иқлимидан ўтадиган оҳанраболи ўлчамлар мажмуи билан бирлаштиришга эришса кифоя. Ҳаргиз бунга стар қурби: ана, секин юза бошлади мовий бўшлиқ бўйлаб, ана, олисда ажаб илвираб ҳам тилимлиниб кўринаётир Гулобий бино, ие, унга не қилмиш, қачон бой берибдир аввалги кўрки ва салобатини?

Ҳовлиқма, тишингни тишингга бос, мулла Саид!

Эҳ-ҳе, не яхши-ёмонни кўрмаган алмисоқдан қолган дунё?

Тан олгин, муҳтарам профессор, жисминг, йўқ, руҳинг толиққан, шу боис гоҳида Моҳинадан баттарроқ аҳволга тушасан, кўзингга паст баланд, узун қисқа кўринар, зеро, кўп умрингни бағишлаганинг — анов иморат қиёфаси абгор ва дабдала туюлаётган бўлса не ажаб?

Саидбек Умар турфа ўй-хаёл билан овунишга уринди, аммо, юпаниш осон эмас-да. Ҳеч босилмади қалтироғи. Аранг қўлга олди ўзини, ҳайратини ичига ютиб, Гулобий бинога яна кўз югуртирди; қоқ белидан юқориси чўрт узилиб, палахса-палахса бўлиб қулаган, симон-девор бўлақлари чор-атрофда қалашик, ганч нақшлару чоркунжак-силлиқ мрамар синиқлари қат-қат уйилган; ҳатто қуйиси ҳам тутдек тўкилиб, исмсиз бир ҳолга келган, қисқаси, гўё Саидбек Умар бу ерда озмас-кўпмас минг йилча бўлмаган, қизгин кечган узоқ вақт мобайнида, у, бор доврўғини ер билан яксон қилган-да, энди чорасизлик оғушида мунғайибгина омонат турар, беун нола чекар, бефайз ва беҳосият чалдеворни эслатар.

Мана бунисига нима дейсиз: тобора чўкиб бораётган иморат остонасида ҳам, савлат тўкиб турган баҳайбат ҳайкал атрофида ҳам, қовжирай бошлаган ҳовли-боғ

хийбонларида ҳам қимирлаган бир тирик жон учрамаса-чи. Ҳамма гўё ё ерга кирган, ё осмонга учган. Тўкилиб бораётган бино ҳаётини, эҳтимол, чор-атрофни қоплаб ётган ёввойи сукунат бошқа оқимга буриб юборгандир.

Саидбек бўзариб турар гаройибот қошида...

Товонига тушиб кетди гўё юраги, шунга қарамай, лифтга ёпишди ҳаллослай бориб. Сўнг шап урди манглайига, ҳе, соддаи нотавон, шунча ҳам ақли қосирмисан, ахир, қачондир осмоннинг еттинчи қавати билан бўйлашган улуғвор бино ҳолига маймунлар йиғлаб ётганда бу мўъжаз дастёр қаёқдан қилт этиб қимирласин?

Хавотир, йўқ, даҳшатли ваҳима — нақдина, лекин, Саидбек Умар, қайсарлиги тудими, бошқа сабабданми, қайтишни истамеди, гудраниб сўкинди-да, эски-туски кийим-кечакдан тортиб ҳар хил тутуруқсиз ашёлар, йиртиқ-сиртиқ ва бужмалоқ қоғоз-ҳужжатларгача сочилиб ётган йўлак бўйлаб, нафаси тиқилганча, ҳакалаб кўтарилаверди, гоҳо зинага тўкишиб. Негадир у аввал ўз хосхонасига мўралашдан кўрқди, сўнг, эшик тирқишидан аста қаради. Ўтакаси ёрилган кўйи аста тисарилди ва чопа кетди жимжит коридор бўйлаб. Бир пайт ачқимтир ҳид ёриб юбораёзди димоғини. Йўлак бошида ҳар доим Жобир Кирли савлат тўкиб ўтирадиган бўлмада турадиган бош чаноқ ёнаётир буруқсаб. Қайси нокас қўл урдийкан бу юмушга?

Энди у маълум ва машҳур еттинчи қаватда, илгари юрсинми, тўхтасинми? Негадир иккиланиб қолди. Анчадан кейин недир куч уни кимдадир ҳавас, кимдадир ҳасад уйғотиб келган муҳташам хосхонага рўпара қилмиш. Қани аввалги кўрки, ҳашами? Ҳозир у қароқчилар вайрон қилиб кетган лўли капасидан фарқламас: нафис, қимматбаҳо ялтироқ миз ва курсилар мажақланиб, чинни-сопол гултуваклар чил-чил синдирилган, жовонлар ағдарилиб, китоблар ва ҳужжатлар, рўзнома тахламлари саҳнга аянчли чочилган. Қабулхона тақир полида беҳолу бенаво чўзилиб ётган, ҳар замонда инқиллаб, фигон чекаётган ким, наҳотки Маржона?

— Маржона, қизим, гапирсанг-чи!..

Йўқ, котига — соқов, бир сўз айтмас, айтгани қурби ҳам етмас, ичини ёндираётган аламини жола қилиб тўкишдан нарига ўтмас. Фақат ҳусни эмас, оқилалиги билан барчани ўзига ром қилган қизгина ўзи энди ақлдан озган.

Ҳали-бери Маржона савол-жавоб қилолмаслигини сизди, ноилож, хосхонаси жойлашган учинчи қаватга шошилди. Не кўз билан кўрсин, бу ерда ҳам маъшум ваҳима илони, сукунат паноҳида, ҳамон кулча уриб ётадир.

Ажабо, булар босинқираш аломатими ёки бошқа нарса?

Бошқа нарса, деди ичида, сўнг кулимсиради аламли. Очиғи шу: буларни ўз хоҳиши билан руҳида яратмакда, ўзи кўргизган саъй-ҳаракат боис, ақл бовар қилмас манзара кўнгли кўзгусида жимирлаб акс этаётир. Шунақа, руҳда имкон чексиз, хоҳласа у осмонлар осмони билан ҳам бемалол мулоқотга киришар. Шу хислати шарофати билан одамзод энг мушкул дамда ҳам кўпинча ғолибдир.

Фақат ғолиблик турлича бўлур, бинобарин, киши, Ёдгор валий таъбирича, қобилиятли бўлса, тақво ва жиҳод билан маърифат топмаги, зиёга тўлишмаги ва руҳини Арш шуъласига муносиб ҳолатга келтирмаги мумкин. Шунда, руҳи жисмидан жудо бўлгач, Арш маснадига кўшилиб кетадир, аммо, ақду заковат бобида имкони бўла туриб, тақво ва жиҳод риёзатига киришмаса ва маърифат нуридан бебаҳра қолса, илму сафо топмаса, ундай киши руҳи Ой осмони остида қолажак, бу манзил жафолар ва қийноқлар ўчоғи айни дўзахдир.

Шунақа, кўп нарса руҳга боғлиқ, одамни одам қиладиган, умр ва дилга файзу барокот бағишлайдиган асосий омил — руҳ, агар у кўмак бермаганда Эна Кўкбўри билан ҳам, Чақалоқ билан ҳам, чавқар бия етаклаган ғалати ўсмир билан ҳам душворийди учрашмаги. Лекин, у Фузайлни ҳам қайтариб беришга қодирми?

Хаёли чуваланган Саидбек Умар, дераза раҳига кўксини тираб, ташқарини кузатди жимгина. Юраги орқасига тортиб кетди ногоҳ: кўк билан сирлашган дарахтлари шовуллаб ётадиган ҳовли-ўрмон ўрнида жингиртоб қовжираган, олов нафасли саробга бурканган, қум бўронлари даҳшатли сурон солган саҳрои кабир ястаниб ётадир, ажабо, ям-яшил олам, гул-чечаклар салтанати қайга йўқолмиш? Ҳалигина қад ростлаб турган маҳобатли ҳайкал-чи?

Энди у оғир уф тортди.

Таажжуби ортиб, беихтиёр ўгирди афтини, билмасдики, кулсинми, куйсин? Саросар турарди икки ўт ўртасида, нечун бундай ҳол рўй берганини ўйлаб, гўнғир-гўнғир қилганча, шошилмай кезинди хонада. Шунчаси етмаганидек, бош чаноғини

ёқишипти-я, Кўкбўри бош чаноғини! Шу нарса муқаддас эканини билмаган одам кўр бўлар. Ҳа, чакки бўпти, бу иш хосиятсиз, ҳали кўп пушаймонлар ейишар. Дунёда увол деган нарса борлигидан тонмаслик керак. Эсини еб қўйган Сайфи Чақалоқни ҳам увол қилмоқчи, бошқа эрмак йўқдай унга, аммо, чучварани хом санапти, шунча куч-қуввати ва ҳушёрлиги билан Эна Кўкбўри норасида жонни ўша бетамиз илкига топшириб қўймас. Ҳозир Сайфи саҳрои кабирда изғиб юрган бўлса ажабмас, манов доврўғи кетган иморат тутдек тўкилишида у ўз ҳиссасини қўшмаганига ким кафил ўтсин, ие, қайсидир телефонга жон кирди шекилли, тавба, илгари ҳам шунақа айюҳаннос солиб чийиллармиди?

Ана буниси қизиқ: нарёқдан келган ширали товуш на Пўлат Қосимийникига ўхшар, на Бо-бошникига. Ипакдай эшилиб, ҳатто ўзини яқин олиб, эмин-эркин сўзлашаётган ким? Бирдан юраги ўйноқлади. Худо ҳақи бу Чумоли, ҳа, худди ўзи, оббо, уйинг куйгур-ей, қайси кавакда нафасини ичига ютиб ётган экан.

— Куним сенга қолдим, баччағар? — деди у атайин кўрслик қилиб. — Мени тинч қўй-да, тошингни териб юравер, сенсизам ўзим ўлолмай ётиппан.

— Э-э, оғам Умарий, ўзингизми, хайрият-е?! — симнинг нари учиди турган Чумоли унинг тажанглигига қилча аҳамият бермай, янаям юмшатди товушини. — Қаранг, танимаппан, бой бўларкансиз.

— Худо ҳаққи, менга тиргилма, — деркан, бўгин-бўғинигача бўшашиб бораётганини ҳис қилди Саидбек, — Башарангни газогимга дори қиладиган аҳволда эмасман.

— Про-опе-есо-ор, ростдан чарчапсиз, тўсатдан мунақа ташланманг-да, одамга, — Чумоли юз-кўзида акс этган норозиликни Саидбек аниқ тасаввур қилди. — Бир нарсени тушунинг: сиз қадрини йўқотган улўғ олим ва фуқаросиз, камина шу бойликни сизга абадий қайтариш ниятидаман.

— Ва-аах, мурувват қиларканлар-да! — дея аччиқ кулди Саидбек Умар. — Жа нархингни оширдинг. Шошма, шошма, сен ўша мен билган Чумолимисан ёки бошқа одам?

— Илтимос, бугунги шодликда кечаги ғамни эсламайлик. Агар мени кечаги Чумоли деб ўйласангиз, хато қиласиз. Қўлдош Камон дейдилар бугун мени. Сиз ҳам қулогингизга қуйиб олинг.

— Бас, мен сени танимайман, менга етти ёт бегонасан.

— Жа, яхши танийсиз, бегона ҳам эмассиз, — Чумолининг пиқирлаб кулгани эшитилди. — Сизу биз битта одаммиз, яъни, икки ёрти бир бутунмиз.

— Битта одаммиз деганинг нимаси, тирноғимга ҳам арзимаёсан-ку, мараз!..

— Пўлат Қосимий билан Бо-бошни эсланг, — недир мулоҳазага берилди чоғи, Чумоли бир муддат сукут сақлади. — Бирон фикр ярмисини униси айтарди, ярмисини буниси, бири кўринмай қолса, иккинчиси ўзини тирик санамасди, бирининг жони бирида яшарди. Биз ҳам бир-биримизга суянмасак ҳолимизга вой!..

— Сен улардай бўлгунча етти қовун пишиғи бор!

— Э, йўқ, унақамас, энди улар менинг соямга букилиб салом беришади, негаки, улар замони ўтди. Ажабланиб ўтирманг, эрта-индин барисини ипидан игнасиғача билиб оласиз. Ҳадемай тегишли одам боради. Айтганига кулоқ қоқмай бўйсунинг, ҳозирча хайр, сизга фақат яхшилик тилайман...

Телефон гўшаги чий-чийлаб тинди, унга талмовсираб тикиларкан, аччиқ бир нарса тошди ичида. Илон ёғи ялаган баччағар роса маломат қилдими? Сайфи билан бунинг лойи бир жойдан олинган ва асли бу ҳам ғийбат учун туғилган, мабодо зарил келса тортинмай-нетмай энаси устидан ҳам мағзава тўқар. Нима бўпти Пўлат Қосимий билан Бо-бош энаси олдида? Тавба, улар замони ўтган эмиш, шунақа осон экан-да!? Яна денг, яхшилик тилармишлар, кошки ундан бирон-бир иссиқлик чиқса, у, иложини қилсаки, кўкдан қор-ёмғир эмас, тошу кесак ёғса...

Бешинчи боб

1

Ана холос, бу ёғи қанчага тушаркин? Калласи ғовлаган Саидбек Умар ўзини ўзи овутиш учун беҳуда урина бошлади, абгор ва тўс-тўполон хосхонасида чир айланиб. Мундоғ йўлакка мўралашдан чўчийди ваҳима босганидан. Охири, аллакимлар безориларча бўлақлаб ташлаган диванни сошлашга киришди, бошқа эрмак тополмай. Ул-бул

қисмларини амал-тақал қоқиштириб, сал эпоқага келтирди уни, сўнг, бирпас ором олиш учун эндигина чўзилган эдики, тим қора калта чарм камзул кийган барваста киши кирди томоқ қириб. Суратдай қотди-қолди, ие, Сайфи оғайинча, дея олди, холос.

— Ҳурматли раисимиз Қўлдош Камондан салом!..

Мабодо отаси тирилиб келган тақдирда ҳам Саидбек бунчалик ҳовлиқиб, бунчалик таажжубга тушмасди. Аксига, бўғзига ёнғоқдай бир нарса тиқилиб, ҳиқичоқ тутди, ўзини йўқотгани шунчаки, унга жиддийроқ қарагани анчагача ботинмади. Балки чалғиётгандирман, балки туш кўраётгандирман, деган ўйга ҳам борди. Йўқ, бу ўша — Сайфи, ана, чўзинчоқ иягидаги бир тутамгина қировлаган соқолидан ҳам осонгина таниб олиш мумкин. Ҳамишагидек қийиқ кўзлари олма-кесак теради, о, овози ўзгариб қоптими, салмоқлаб, санагандай қилиб, дона-дона сўйлашини қаранг.

— Буйруқ шу: мен билан бирга борасиз, айтилмаган ҳеч бир ишни қилмайсиз, бесўроқ ҳеч қаерга кирмайсиз, таниш-нотаниш яқинига йўламайсиз. Қани, тезроқ бўлинг.

Ноилож Саидбек Умар бош ирғади, кулиб ҳам қўйди мийиғида. Мушук таталарди гўё ичини. Бу галварс намунача уста енг ичида иш битиришга? Қачон ўзгартириб улгурди ниқобини? Энциси қотиб илгари босаркан, ҳадемай у оч зангори ихчам камзул-шим кийган, бўй-бастрлари қарийб бир хил мулозимлар қуршовида кўрди ўзини. Сўнг, оҳиста ела кетди кўнғизнусха машинада. Ҳали, деразадан кўргани, саргайган ва сукунатга чўмган саҳро ичкарасига кириб боришарди чамаси. Анча равон йўл бўйларида қад ростлаган иморатларни жимгина томоша қилиб борди, ниҳоят, паст-баланд тепаликлар қуршовида осмонга бўй чўзиб турган кошона қаршисида тўхташди.

— Қойил қолдингиз-а, пропесо-ор? Ёруғ оламда бунақаси бошқа йўқ! — шанғиллаганча тушунтира кетди Сайфи, чиндан-да, ҳайратини яширолмай қолган олим қўлидан тутиб. — Бугун ҳамманинг оғзида Тўлин Ой қальаси. Салобатини қаранг, офарин!..

Тили яхлагандек, Саидбек чурқ этмас, жим борди анчагача, ниҳоят қальани оғзидан бол томиб мақтаётган Сайфига эргашиб, ичкарига кираркан, ёқа ушлади яна: кириш зали, чор тарафга шохлаган йўлаклар, эшик-туйнуқлар шундоққина Гулобий бино ранг-рўйдан андоза кўчирган. Деворлар нақши-нигори ҳам кўзига таниш... Манови ҳайкалчалар ҳам... Энди галати ҳол кечди дилидан: боши-кети йўқ маконда адашиб юргандек. Ҳар замонда тўлқинга ўхшаб лопиллаб тургандек туюладиган девор ва шифтга қарар, сирли товланаётган қатламлар ичра сув-буқаламунлар, танаси миттию кўзлари йирик-йирик қуртсимон балиқлар, япроқлари тулки оч-яшил тусли ўсимликлар ва баҳайбат муз тоғларини кўргандай бўлар. Атайин рўпарам-рўпара қурилган, фил суягидек оппоқ эшиклари тепасига муъжаз байроқчалар илинган хоналарга ҳатто мўралаш ҳам тақиқланган. Бу қоида Сайфига тегишли эмаскан, у қирқлик чироқлар ёритган йўлка бўйлаб дадил одимлар, ҳангу манг шеригига тушунуксиз имо-ишоралар қилар ҳар замонда. Ниҳоят у тўхтади, ҳамон анграйиб бораётган Саидбек Умар тўқишиб кетди унга. Қараса, ёпирай, манов эшик манглайига нурлантирилган «Е» ҳарфи зарбланган. Ранг-қути ўчиб қаради Сайфига. У сир бой бермади, ясама бир кулги билан, аста очди эшикни.

Адашмаса, Гулобий бинога қарам бўлган шиша қасрдаги «Е» хужраси пастқам ва чоркунжак эди, бу баланд ва айлана экан, ажабки, бунинг ҳам девори қават-қават ҳарир-кўкимтир шишадан тикланган, бир неча ерида қайси йили Зухра сайёрасига учирилган фазовий кема, галактикада адаша-адаша Ерга кўнган ва катта шов-шувга сабаб бўлган келгиндилар сурати, делфин билан қувлашмачоқ ўйнаётган сув париси тасвирланган плакатлар елимланган. Тагин, шифт гумбазсимон қабариқ ҳолда — сиртида жийда гулидек майда нақшлар ўйилган, яна эътиборли жойи, шарқий тарафда сидирға ойна ўрнатилган бўлиб, ораликдан фаройиб бир махлуқ тикилиб турар бўзариб.

Ойна — сўнгсиз бўшлиқ, шу бўшлиқда махлуқ бемалол муаллақ юзаётир, олақуроқ ва япасқи тумшугини олдинга чўзганча... Қай маҳалдир у тип-тикка турди айри оёқларида, ана шунда хипчалиги ва дарозлиги билинди яққол. Тавба, жунлими ёки шир яланғоч? Қизиқиб кетган Саидбек яқин борди деворга: баданини жунмас, оқимтир тук қоплаган экан, йўғон-тўмтоқ қўйимчи туки қалинроқ, қўлтиги сари йўғон тортиб борган белида қора чилвир, қалайи тусли тангачалар ўраган елкаларидан ёйсимон қўллари галати осилиб тушган, боши учбурчак ва пакки билан қирилгандек

тақир, энсизгина манглайи, чизиқсимон қошлари тагидан боқаётган кўзлари бўртиқ ва бемаъно.

Анчага Саидбек махлуқдан узолмади нигоҳини, аини пайтда, у, оҳак каби оқариб, увоқланиб бораётгани, зарраларга ажралиб кетаётганини сизди бехосдан. Чиндан ҳам у қай маҳалдир эрий-эрий йўқолди ойна-девор қатларидаги бўшлиқда...

— Хўш, бирламчи, йигит нима учун бу ерга келиб қолганига ажабланманг, — дея Саидбек хаёлини пардек тўзитди Сайфи, оғзини катта очиб эснаркан. — Иккиламчи, уни, эсини киритиб, ўз одамимизга айлантириш вазифаси сизга юклатилган.

— Мен ақлимдан адашдим шекилли, — деди Саидбек Умар латтадек бўшашиб. — Жа гужала қилдийиз. Ўлиб қолмайсиз очиқроқ сўзласангиз.

— Кўп ажойиб бола! О, биласизми, эрта шуники, у осмонга устун бўлишга қодир! Фақат, бошқага эмас, бизга қайишмоғи керак. Тушунапсизми?

— Йўқ! — деди профессор кескин.

— Ҳали барини тушунасиз, — унинг дағаллигига эътибор бермади Сайфи. — Ҳимм... қонидан анву газанда сутидан аралашган, қонини покласангиз кифоя, олам гулистон. Бари изга тушиб кетади. Зўр устун бизники бўлади. Хўш?! — Сайфи бетига ясама кулги ёйилди. — Энабошини бизга қўйиб беринг, узоққа кетолмайди. Эрта ё индин Чақалоқ ҳам қўлимизда бўлишига сўз бераман.

Ногоҳ, ваннахонада нимадир тарақлаб кетди, сўнг, жимлик чўкиб, шипиллаган қадам товушлари эшитилди, ниҳоят, остонада ўн иккиларга тўлиб-тўлмаган, баланд бўйли, мўйлаби эндигина майсалаган, пешонаси кенг, тик боқишли ўсмир жамол кўргазди жилмайганча...

Ҳалидан бери Саидбек Умар кўнглида кечган шубҳа, ҳақиқатга айланиб, шундоқ бўй ростлади рўпарасида. Энди у янаям ёмон ўртанди. Чавқар бия етаклаган, Эна Кўкбўри билан Чақалоққа ҳамдард бўлган ўғлон не гуноҳи учун бу гўшага маҳкум қилинди? Шуурининг алақайси бурчида айланишган бу савол бир оғриқ бўлиб тарқалди борлиғига. Зўрға босди ўзини. Сайфи эса сапчилаб кетди, бепарво кириб келган ўғлон пешонасидан чўлпиллатиб ўпди, сўнг, халақит бермай, бемалол суҳбатлашиб олинглар, дея, жуфтак ростлади секин.

— Сен кимсан? — деди профессор ўсмоқчилаб.

Ўғлон камгап экан: жимгина олиб қочди кўзларини.

— Қаерликсан?

Ўғлон яна жавоб бермай, кароватга чўзилди хўрсиниб.

«Қайсарлик қияпти. Жонидан ўтган-да!» Шу ўйда, Саидбек Умар ғашланди, кўнгли чўкди. Тавба, бияси қайда қолдийкин? Қанот боғлаб учишга ҳозир қулуни-чи? Баччагар Сайфи бунинг ҳам ҳар қадамини кузатиб юрган экан-да ўша кезлар, энди ўғлон бунинг чангалидан қутилиши мушкул, у қийналиб кетар бу ерда. Қолаверса, уни азоблаш учун Сайфи ҳар хил найрангларни ўйлаб топар, айтганча, ҳали у Қўлдош Камондан вакил бўлиб келганини пеш қилдими? Ҳа, булар қоронғида топишган, энди булар — ош-қатиқ, фақат, бир думалаб бошқа одамга айланиб қолишгани сира ақлига сиғмас.

Не қиларини билмай, Саидбек нари-бери юраркан, хаёли чуваланиб, лоҳас сеза бошлади ўзини. Ўғлон кимлигини ва насл-насабини билишга тобора ортиб борар қизиқиши. Аммо у жим: бемалол чўзилиб ётар юмшоқ кароватда. Недир ўксиниш билан жиндай иккиланиб турди тепасида, кейин, недир ишонч-ла туртди оҳиста. Бармоқлари елкасига текканда, ажабки, бирдан ток югургандек бўлди томирлари бўйлаб. Енгил қалқиб тушди, лекин, у қимир этмади, шунда яна ҳам ийиб, аста-аста уқалай бошлади бўйни аралаш кифтини, тур, тура қол, дардингни айт, мен ҳам арзи-ҳол қилай, деди қулфи-дили очилиб. Барибир ўғлон гунглигича қолди. Ийй, дея ижирғанди охири, кетинг, деди юмшоқ пичирлаб, кетинг.

Энди Саидбек билдики, ҳозир чироқ ёқса ёришмас ўғлон дили, ҳозир у ўзида эмас: бегона оламда. Ахийри, тамом бурканиб олди кўрпага, кўрпа остида, нафаси қийилгудек бўлиб, пиқир-пиқир қилаётганини сизди Саидбек. Майли, йиғла, тўйиб-тўйиб йиғла, енгил тортасан, деди у кўкси илиб ҳам симиллаб, эрта ҳар қанча бўзлаганинг бефойда, бугун бўшатвол юрагингни. Балки Эна Кўкбўри ҳозир қайдалигини биларсан, балки Эна Кўкбўри Чақалоқни олиб йироқларга, Сайфи қадами етмайдиган Сулаймонтов этаклари ёки мудом уйғоқ шовуллаб ётадиган Яшил денгиз соҳилларига олиб кетганди.

Оғир-босиқ айтди хайр деган сўзни, аммо, кошки бўғзига тикилган аламу армо-

нини шўртак ёш қилиб оқизаётган ўғлон хўрсиниқдан фарқ қилмайдиган нидосини эшитган бўлса? Эрта ё индин келишни кўнглига тугиб жўнади. Қайда, шу кетишда уч кун кўрсатмади қорасини. Чорбоғидан чиқшига чўчирди нимагадир, қизиги, атрофида пашшалашиб юрган Сайфи сўхтаси совуқдан эмас, Тўлин Ой қалъасида бўлиш, ойна девори қатларида ғалати махлуқ яшайдиган «Е» хўжрасида анов ўғлон билан учрашишдан кўпроқ хавотирда. Кейинча сездики, ўғлон дардини супра қилишни сира ёқтирмаскан, аксинча, бошқаларни берилиб тинглашга ишқибоз. Ёшига қараганда, каттароқ ҳам кўринар. Мағрурлиги ҳам ўзига яраша: қўйиб берсанг, гўё оёқлари остида кўрар кўҳна оламни.

«Зуваласи ё армон, ё алам, ё ғазабдан!» Охири бир кун, Саидбек, шундай қарорга келди ўғлон теран кўзларига термилиб. Ногаҳоний фикридан шубҳаланмаса ҳам бўлар: жисми тирилтирувчи омил — руҳ, жисминг аввали ва адоғи бор, руҳники йўқ, демак, ҳалигидай ҳикматга ишониниш гуноҳ эмас. Шаксиз, бунга Оллоҳ қафил, бинобадин, руҳи эмас, тани кишанланган азамат йўлини ҳаргиз Тангри ойдин қилур ва, оқибат, у ўша кишанни парчалар. Бул мағрур ва масрур йигитча ҳам шу хил тоифадан шекилли, фақат сукут ичра унинг сабр-косаси тўлиб кетмаганига Саидбек ҳайрон, ахир, гажирлик қилаверса Кўлдош Камон амри билан қийноқларга гирифтор этишмасми, аллақачон надомат масканида тиклаб қўйилган дор қошига етаклаб боришмасми?

Оллоҳ қарғишига учрагур Сайфи бугун ҳам, тошдай тугилган муштумини ҳавода дўлғаб, тиқилинч қилди: «Она сути оғзидан кетмаган гўдак нега бунча бизни майна қилур? Қоринни қашлаб ётавермай, тезроқ тил топишинг!» Нимадир суяк-суягигача сирқиратиб юборди. Бугун нима бўлганда ҳам кўнглига астойдил қўл солишга аҳд қилди. Ширин сўз билан эритади, шунақа аврасинки, сайраб юборганини ўзи ҳам билмай қолсин. Барини оқизмай-томизмай айтиши керак, айниқса кимлигини. Дастлабки кундан бери, юраги суву селоб бўлиб, кимгадир ўхшатар, лекин кимга? Нуқул шуни ўйлар, қаники тополса. Хитланар, яна кўнгли чўқар, лекин муддаосидан қайтмас, ўзини яқин тутар унга, у билан тўйиб-тўйиб ҳасратлашгиси келар, тикилгани сари хушбичим чехраси, попуқдайгина қош-кўзи, тик қарашли нигоҳидан орзиқар аллатовур.

Ишончи эса кун сайин ортаверар: у кимнингдир қўйиб-қўйган нусхаси, аввал уни қайдадир кўрган, сираям алдамас сезгилари, рост, чиндан ҳам у билан қачондир, қайдадир учрашган, бироқ, қачон, қайда?

Мана шунисидан Саидбек доғда, мана шу нарса чигил бўлиб қолаверди ичида, барибир шунда ҳам сўнмади борлигини иситиб турган умид чўғи, аксинча, кучлироқ яшнайверди, ахири, аҳдини янаям пиштиб, иродасини қатъий қўлга олиб, тиккасига кириб борди гаройиб хўжрага. Бугун ҳал қилувчи кун, ниятига етмоғи керак. Шунча тайёргарлик кўрганига қарамай, унга нигоҳи тушган заҳоти, латтадек бўшашиб, беҳол ўтириб қолди курсида. Анчадан кейин ҳушини йиғиштириб, ўтинч аралаш, юмшоқроқ қилиб буюрди: «Сўйла!» Чамаси, у ҳали-бери ҳовридан тушмоқчи эмас, бирдан афтини ўгириб, номаълум нуқтага қадади маънос нигоҳини. Кейин, бирдан бошини кўтариб, жилмайди беихтиёр: «Е» хўжрасига қадам қўйгандан бери биринчи маротаба чехраси очилиши. Бундан профессор болаларча яйраб, терисига сиғмай кетганини кўрсангиз, эҳтимолки, биргина беғубор мана шу кулги эришган дастлабки ғалабаси, эҳтимолки, келгусида насиб этажак кўпдан-кўп зафарлари муқаддимаси эрур. Бугунча ўғлон кулги тимсолида қилган ҳада кифоя, аммо, у қошки бундан эрта қаноат туйса? Йўқотган ҳазинасини бехос топиб олган одам аҳволига тушди. Ҳовриқшини айтинг. Терчиланган юпқа лаблар устида майса урган майин мўйлаб, туби йўқ қароқларда жилваланган нур бирам яқин эдики кўнглига. Ростакими га чидолмай кетди. Хаёл қилсаки, тириклик нашидаси гуркираган навқирон вужудга зарра-зарра сингиса! Ва бу тилаги теран нигоҳдаги ёлқин билан қовушгандек бўлди сирли тарзда, нимадир жунбушга келди ичида. Қайнаб-тошаётган кўксидан отилиб чиқди ноҳос исёнкорона бир нидо: «Танидим! Худо ҳақи танидим! Бошқа ташлаб кетмайсанми мени?» Руҳи ёришиб кетганидан у баланд товушда қайта-қайта қичқирди, йўқ, хавф-хатар чекинганидан шерикларини огоҳ этаётган шер каби, наъра торти севиниб. Ана шундагина ўғлон ҳаловатини йўқотгандай безовтаҳол қимирлаб қўйди, сўнг, қийғир қараш қилди, оҳиста бошини кўтариб. Қарашидан, нимадир, ўкинчми, ҳаяжон-қувончми, вужудини исканжага олгани англашилари. Барибир шунда ҳам айланмади тили, кўшалоқ юлдуз каби балқиб турган кўзлари сўйлади: «Ўзингиз-чи?» Аламу армон билан йўғрилган саволни мағрур чақнаётган, холис ниятларни ҳамроҳ билган маъсум кўзлар берди, рост, бу кўзлар кечмиш билан келасини юзлаштиришга

қодир саволни бир шивирлаб айтди, бир ҳайқириб. Кўринмас олам устунларидан саналган профессор эса буни, қулоқлари эмас, соғинчу иштиёқ тўла, афсус-надомат ва илинж тўла қорачиқлари билан эшитди, энтикканча. Сўнг, қарийб олтмишни уриб қўйган кап-катта одам, бирдан ҳиқиллаб, ўпкасини босолмай қолди: «Сени зўрга топдим, энди йўқотмаганим бўлсин, меҳрибоним!» Анчагача ўзини тўхтатишга қурби етмади. Сўнг, у курсига бемалол чўкди, бир маромда гапира бошлади бошидан ўтказганларини. Айтган билан булар тугарканми? Ана, тонг оқарди, у, қовоқларини уқалай-уқалай, ўрнидан турди ва имиллаб эшик сари юрди. Остонага етган чоғида бурилиб шивирлади: «Хотирингни жам қил, эрта яна келаман, Бўзтой» Истагини изҳор этаётганда юраги сувга тушган олмадек қалқиб кетди. Ноилож, оғрина-оғрина жилди. Ҳуш-хаёли ўзида эмасди йўлакка чиққанида, қалбининг бир парчаси узилиб қолаётган эди гўё «Е» ҳужрасида...

2

Энди Саидбек бахтиёр: Болалиги билан дийдор кўришмиш...

Энди кўргони бор — йиқилмас, букилмас кўргони...

Бошида абадий паноҳ бўлишга ярайди.

Қанчалар соғинувди, рост, бутун вужуди, бутун дили, ҳатто иккала кўзи билан соғинувди Болалигини, мана, энди у айрилиқ деворини орадан кўтариб, жамол кўргазди ногоҳ, ёпирай, кулган бахти салмоғини хаёлида барқарор ҳалиги тош-тарози ўлчашга қодирми?

Кўнгли тўлишиб, Бўзтой билан гурунглашгиси келар.

Ҳозир у не юмуш, не хаёл билан машғул?

Ҳе, дариг, нечун уни анови ҳужрада сақламишлар?

Имони комилки, Бўзтойга одам зўрга айланадиган каталак торлик қилур, ҳе, тавба, кенг жаҳонни тор билган ўғлон ўша ерга сиғарканми? Ҳечам сиғмас, зеро, Бўзтой феъли ҳам, зуваласи ҳам бошқача: фақат кенгликлар бағрига талпинар. Қисқаси, ўша жойда димиқиб ўлтириши Худога ҳам, ўзига ҳам ҳуш ёқмас. Айни шу дарди шундоқ акс этган нигоҳида. Ҳали бу ҳолдан хабар топса Ёдгор валий роса қайғурса керак. Оллоҳ каромати билан ҳаётини бошқаттан бошлаган ўғли тутқунликка маҳқум этилишига чидарканми?

Эҳтимол, чол аллақачон барисидан хабардордир, анов куни чорбоғига беҳуда келиб кетмаган, мўъжизадан Саидбекни огоҳ этишни ният қилган, аммо, иложини тополмаган. Дайди одамдан фарқ қилмас Саидбек, тузукли билмас кўним нималигини: на уйда ўтиролар босиб, на ишхонасида. Неча марта ҳалак қилди қари одамни. Энди ўзи йўқлаб бормаса инсофдан бўлмас. Дилидан анча-мунча ҳасратлари уйилиб қолган, мундай бир дардлашиб, чигилини ёзиб келса, нима етсин савобига. Борсами, ўзиям чоли тушгурнинг боши кўкка етар, ўтқизгани жой тополмай қолар, типирчилаб. Кўнглини сўраса — савоб, дуосини олса — яна яхши, алҳол, соғинч дегани фаройиб туйғу-да, ана, ўртаб юбораётир юрагини, бас, бугуноқ жўнар: қайдасан, ота юрти Қуйруқсой?

Ёдгор валийга барини оқизмай-томизмай айтиши керак: аввало, бугуни ва эртасини эмас, айнан, аллақачон мозий тўфонлари ичра эриб йўқолган кечмиши — умрининг зулмат билан зиёга бирдек қоришиқ фаслини яшай бошлаганини, қолаверса, хиёл дангаса, хиёл ўйинқароқ, шунингдек, серғайрат ва талпинчоқ Болалиги севиқли ўғли Бўзтой қиёфасида тирилганини, Онабоши билан Чақалоқ ҳамон кувгин қилинаётганини, бутун ишни алакимлар кутқуси билан Сайфи бузаётганини, орқада турган каслар... Уфф, тиқилиб кетган ғалва... Айтаверса юрагига сиғдира оларми қари одам?

Шайхнинг кўнгли ҳам, феъли ҳам кенг, турли икир-чикир тугур бутун курраи арзни ҳам кўтарар елкасида, бутун ер юзи борди-келдисю иссиқ-совугини ҳам ҳазм қилворар. Ана, қировлаган қошлари орасидаги тугун, дўнг пешонасида қатор тизилган ажинлар, анчайин хиралашган ботик, ўйчан кўзлари шуни тасдиқлаётгандек. Ботинан ота кексаликни бўйнига олган, охират сафарига аллақачон шай, зоҳиран эса куч-қувватдан қолаётганини сездирмаслик пайида; ҳаракатлари чаққон, серпай кўллари тутган жойини узиб олгудек чайир, ғайрат ва нур ёғилар соқол босган бичими соз бетидан.

— Ассалому алайкум, падари бузрук!..

Орзиқиш ҳам, соғинч ҳам, ўқтамлик ҳам бор Саидбек товушида, паришонҳол тураркан, ғалати зилзила қамрар гўё бутун борлигини. Кутилмаганда муриди ташриф

буюрганидан қаноат туйган Ёдгор валий эса вазминлик билан алиқ олди, қорасидан оқи кўп кўркам соқоли учини тутамлаганча. Сўнг, қувончини ошқоралаб, елкасига астойдил қоқиб қўйди: «Ота юртингга хуш келибсан, бўтам!» Меҳрибонлик билан шивирлади шайх... Саидбек эса, тилла танга топган боладай севинди. Қулт эткизиб ютинди: «О, ота юртим! Жамолинга зорман ҳамиша!» Негадир энди хўрлиги келди. Нимадир куйдирарди ичини. Бу замин қанчалар табарруқ, бу заминга не-не улуг зотлар пой-қадами тегмаган, Саидбек эса унга бегонадай бўлиб қопти — наҳотки у ўғай фарзанд?

Шунақа эмаслигини, азалдан ота юрти гами ва бахти-қувончига шериклигини, икки дунёда ҳам уни унутмаслигини, уни қадрлаб яшашини, қачондир ичган қасамидан тонса кўзига мил тортишса ҳам рози эканлигини кимга қандай исботласин?

Аммо, бор-йўгини далил қилиб бериши керак, ҳозироқ бари изтиробларидан огоҳ этар ҳазратни. Ахир, ҳазрат энди ҳам билмасинми кимлигини? Хижолат домидан тезроқ қутилиш пайида, ҳовлиқа-ҳовлиқа, қўшиб-чатиб сўйлай бошлади: «Э, пушти паноҳим, не синоатки, фақир ўтмишга кўчдим!..» Юракни нақд ўртаб юборадиган қисқагина сукутни кечирди, сўнг, мубҳам бир ғудранишни тилига чиқазиб, ичи сидирилган кўйи, ўғринча қараш қилди кекса суҳбатдошига.

Во ажабо, Ёдгор валий наmunча собит, зигирча кўрмас унда ҳайрат аломатини. Фақат, мийиғида — нозик, кинояли бир кулги. Анча сукутга толди, ниҳоят, ўнг қўлини Саидбек рўпарасида тикка қилди, қара, деди астагина, таажжубга тушган Саидбек, хиёл ингичка тортган, билинар-билинемас титранаётган панжалар орасидан илкис тикилди йироқларга...

Кимдир бетига қайноқ сув сепдимми?

Шундай ҳолатни туйиб, галати сесканди, ҳайрат ва кўрқув тоши босди кейин киприкларини. Қанчадир вақт кечиб, кўзларини очсаки, ҳамон ўзгармаган мўъжизавий манзара: жазирама селига кўмилган кимсасиз қақроқ дашт... Тўқай жизғанак, майсалар қовжироқ... Қорайган барханлар гоҳо шиддат билан кўчар наридан-бериға. Тўп-тўп учаётган тўрғайлар вижирлашига қулоқ тутган каби, бўзарганча қотиб қолган қинғир-қийшиқ жарликлар. Тоғларни гўё ваҳима чалган, фақат кулранг соқов қояларга туташ саксовулзор сокин бир фараҳ оғушида. Билакдайгина келадиган жилға дарадан ўйноқлаб тушиб, кумликларга сингий-сингий, номаълум мазғили сари ошиқар. Жилға салқини атрофга оз бўлса ҳам тароват бағишлаган, қувраётган гиёҳларга жон ато қилган, борингки, бу тарафда ҳаёт нишонаси ҳукмрон.

Жилға бўйи осойишта... Ногоҳ, атрофни шитир-шитир қадам товуши тутуди. Жимлик бузилади. Ҳарсиллаб келаётган Энабоши бехосдан тўхтайди. Муттасил қувгин туфайли у ҳолдан тойган, мана шу жойда бирпасгина ором олишни истайди. Ора-сира ғашиқиб, ингалаб қўяётган Чақалоқни ётқизади майсага, сўнг, ўзи ёнига чўзилади. Мажнунтоллар соясида она-бола мириқиб ухлайди, бир пашша ҳам халақит бермас уларга. Ниҳоят, аввал Энабоши уйғонади, оҳиста Чақалоқ сари сурилиб, учлари қизариб бўртган, тирсиллаб турган эмчагини авайлаб тутар эркатойига.

Ушбу лаҳза гўё олам энтикар ширингина, аста қовушар азал ва абадга дахлдор икки илоҳий қутб: энг улуг бахтга эришганини қайта туяр таранг сийнага талпина бошлаган мурғак дил...

Саидбек бармоқлар орасидан кўриб туради; болакай эмаётир.

Болакай нафақат эмаётир, ҳаёт мазасига қонмоқда, у қонгани сари томирларида шижоат гупирар, шунингдек, мусаффо тасаввури билан ўз имкони, ўз шавкати — ўзлигига яқинлашар. Катта ҳаёт бўсағасида Чақалоқ...

«Мени тарихга рўпара қилган ота экан!» Нечун шу ўйга борди, тушунолмайд ҳайрон, лекин, ичида шайх кароматгўй зотлигини яна бир карра эътироф этди. Рост, у гойибдан Саидбек билан мулоқотга киришган ва унга ўз фикр-мулоҳазалари орқали таъсир қилган, бинобарин, Саидбек ота йироқдан буюраётган фикрий ва руҳий топшириқларни бажариб келмоқда.

Саидбек теран ҳайрат ичра энтикди, маъюсона кулди, сўнг, яна тикилди мўъжизакор панжалар орасидан йироқларга. Энди, ажабки, чеки-чегараси йўқ оралиқ аро бошқа манзара намоён: тошлоқ йўл бўйлаб чавқар бия қўшилган арава елиб борар, мис қошли эгарга кўнволган хушрўй ўғлон ҳавода бот-бот ўйнатар ўрма қамчисини, гоҳ олдда, гоҳ ортда қулоқлари динг қулун ҳаққон ирғишлар, тебрана-тебрана илгарилаётган арава супчасида йилтираб турган ясатиғли бешик бир сирли. Оҳ, Худойим, хабар бергил, бу ўша эмасми?

Кундек ёришди руҳи, нигоҳида — орзиқиш... Қувончдан юраги тарс ёрилгудек: ахир, узоқдан кўриниб турган чорбоғи сари шошилар арава. Тавба, туш деса — тушмас, ҳуш деса — ҳуш, аммо, хиёл билтанглаб айланаётган филдираклар қалдирашигача чалинар қулоғига. Сўнг арава ими-ҳим йўқолди, таниш-нотаниш башаралар пайдо бўлди тошлоқ йўл четида, чорбоғи атрофи, жар-тўқай пана-пастқамида.

Елкасидан тутун ўрлаёзди: бирови Сайфи муттаҳам! Босар-тусарини билмас лъанати, нуқул кўпик сачратар оғзидан: «Тутинглар!» Совуқ жаранглаган хитоби тарсаки янглиғ додиратар Саидбекни: Болалигини ҳибс қилди. Болалиги кўнглига кишан урмиш, яна нимаёкан муддаоси?

— Э, ўғлим бошқа ниманиям кутардинг ундан?

Ноғоҳ ечилиб кетди гўё Ёдгор валий тилини анчадан бери чийлаб турган тутун... Ҳар каломида минг нафрат жам... Нафратки, замирида, Қуйруқсойни, Кўкбўрилар бахти-тахтини шу кас хор айламиш, бундан яхшилик кутган адашар, деган маъно ниҳон. Ажал ҳам чўчир ундан, ажал ҳам роӣ қилар унга. Шу боис ҳамон тирик, зероки, ўлим йўқ ёмонга. Ҳамон у Кўкбўрилар билан олишар, демак, у Кўкбўриларни ер юзидан супириб ташламагунча ёки уларни мангу мутелик чоҳига йиқитмагунча тинчимас. Ажабмаски, у бир вақтлар Қорахон баҳодир белини ҳийла-найранг билан синдирган маккор хон қўлидан майи ноб ичган бўлса!?

— Нима қилмоқчи улар Бўзтойни?

— Бўзтой уларга эрмак бўлмас, нима қилишни билар!..

Ҳазрати шайх пушти камаридан бўлган ўғлига худди ўзига ишонгандай ишонар, шунинг учун ҳам кўнгли тўқ, қиёфасида ғам-ташвиш асари қатра сезилмас, аксинча, ўзгача нуруланар ажинлари. Ахир, турмушнинг саодат ва кулфат бирдек қайнайидиган муаззам қозонида пишиб чиққан-да бу зот... Қайғуда ҳам, қувонч ҳам бирдек тутта олар ўзини: қадди букилмас, ҳовлиқиб ҳам кетмас.

— Юр, болам, бирпас ҳордиқ ол, чарчагандирсан.

Ҳали Тамғали ғори яқинида, дара ичкарисидан гоҳо юввошгина, гоҳо тўполон билан оқиб тушадиган сой ёқасидаги ажриқли майдонда, ирғайлар ва ёввойи олчалар иҳотасида кўнқайган кулбагача анча толиқиб юриш керак. Анча ўр-да у томон, кўтарилиш осонмас, қачон тиклангани номаълум кулба эса — тошқалов, девори қинғир-қийшиқ, кўримсиз, лекин, доим киши эътиборини тортадиган бетакрор файзи-гаровати ҳам йўқ эмас.

Омонат қулбани тасаввур қилган кўйи, кўнглида недир ғашлик, Саидбек Умар отага эргашди жимгина. Ана, қуёшнинг бебаҳо ва беҳисоб сочқиларига кўмилган Айиқтош тош нигоҳи билан қутлаётир шаҳарлик нозик ва нуфузли меҳмонни.

Ҳарҳолда, таниқли профессор фахрланса арзир, қачондир у иззатли ва тили узун жон бўлган Қуйруқсойда, аҳил ва тўқ яшайдиган ота-онаси туфайлими, бошқа сабаданми, катта-кичик обрўли зотлар қаторида ҳурмат қиларди уни.

Ёдгор валий изидан имиллаб бораркан, ёруғ бир севинч чулғади Саидбекни, шунчалар тўлиб-тошдики меҳри, сиғмай қолди еру жаҳонга. Бу лаҳза Қуйруқсой бор-йўғини очилиб-сочилиб намоёиш қилаётир, ҳозир у шунақа туйғунки, ҳар қаричида поёнсиз олам яширинганини исботлаб бераётганга ўхшар, Қуйруқсойни Саидбек ардоқлашга ошиқар, суйиб, эркалаб, астойдил босгиси келар бағрига.

Не бахт, жозибали бу олам — уники, беозор ва озорлик дамларини эъзозлаб, ялангоёқ, ялангтўш Болалигини вояга етказгани учун ҳам уники бу олам. Ана, шундан огоҳ этгандек, ортидан ҳар зарра, ҳар бута, ҳар япроқ хиёл мамнун, хиёл маъюс шивирлар ненидир. Живирлаётган поёнсиз сарҳадларда ўзлигини ҳам топиб, ҳам йўқотган ҳар жонли, ҳар жонсиз нарсани бутун вужудини кулоққа айлантириб тинглагиси, уларга завқу шавқ билан лиммо-лим кўнглини ёргиси, хусусан, Қуйруқсой эмас, бутун замин жароҳатига айланган ҳаробот силсиласи билан баҳсланиб, ҳасратлашгиси келар. Қаники бунда бир гиёҳ бўлиб илдиз отса, бир кесак ё тош бўлиб думалабгина ётса тоабат ёки анов тинмасак сойга қўшилиб оқса мавжлана-мавжлана. Кўкбўрилар авлодининг улуғлари из солган, шахидлари ва ғозийлари қони ва тери томган қутлуғ тупроқ ишқига қонса жони, илиги ва суяги.

Нимасини айтасиз, қачондир, беғам-беармон кунларида, қиёматли жўраси Бўзтой билан, анов қирнинг букри-тайпоқ белида чалқанча чўзилиб, ғўлинг туршак ёки ёғли қурут шимиганча, туби йўқ тиниқ-зангор осмонга тикила-тикила, кўп ғаройиб орзу-истакларга кўмилмасмиди?!

Ёдгор валий ўрга букилибгина ўрлар — кула-кула...

Саидбек Умар унга эш: қалтирар тиззалари.

Қияликда бир дам тўхтагиси, нафас ростлагиси келар, аммо, истагини айтолмас, айтишдан уялар. Хаҳ, тўқсонни уриб қўйган чолча эмасми, пукиллаб қопти олтмишга кирар-кирмас. Нима қилсин, у ўзини ўзи қаритди, тийилмади яхши-ёмондан. Мана энди қалтираб ураётир юраги.

Саидбек ўзини чалғитиш учун ён-верига қаради.

Куюёнда товланарди Куйруқсой...

Бехос қайтадан ёришди тасавури: ана бир тўда қора-кура, оқ-сарик ўсмир Айиқ-тош энишидаги бутазорда бекинмачоқ ўйнайдир: бири қувар, иккинчиси қочар. Негадир Саидбек билан Бўзтой, бегонасираган каби, уларга қўшилмас — бир четда туришар ўз ўйлари билан машғул бўлишиб. Фамгин оҳангда Бўзтой пичирлар: «Жўра, эшитдингми, ҳамон эммапти Чақалоқ!» Турғайлар вижир-вижири оша чалинар бу хитоб Саидбек қулоғига. Саидбек ўйга ботар, кейин, шалвари боғичини қисиброқ боғлашга уринаётган дўстига кўрқув аралаш тикилар, қулт ютинар-да, Лобар янганга ачиниб кетар: бечорага қийин, ахир, у гўдагини неча ой, неча кун, неча соат юраги тагида авайлабгина кўтариб юрган, гўдаги эса ундан тонган. Бу не кўргилик?

Қош қораяди, қувлашмачоқ эса ҳануз давом этади, Саидбек билан Бўзтой, фирромлик қилиб, бири-бири билан бўғишаётган мишиқилардан бешиб, нари жилишар, сўйлашгилари келмай, қовоқ солиб, бошларини эгиб қайтишар қишлоққа. Жимжит дарадан эна боришгани сари нотинчроқ тепар юраклари, ким билсин, яна бирон қорҳол рўй беришини сезишганми, сиғмай қолишган дунёга. Ўша кеча на униси ухлади, на буниси. Қанақадир хавотирни кутишарди, сўнг, даҳшатли бир тўполон уларни комига тортгандай бўлди. Шовқин-сурон, йиғи-сиғи, урҳо-ур, қарғиш-алқишу сўкинишлар бирдан бошланди тонг-азонда. Ер-кўк қиёфаси бир аҳволдаки, таниш қийин, ҳамма нарса бир бошидан кулга айланаётир. Ана, Лобар янганинг одам суқини кўзгайдиган тим қора кўнғироқ сочлари қовжираб битди, энди навбат — Чақалоққа. Яхшики Эна Кўкбўри етиб келар, Саидбек аниқ-тиниқ кўриб турар Эна Кўкбўри улуғ шажаранинг энг кенжа суянчиғини қандай халос қилганини. Бир мўъжиза шунча бўлар-да. Суллоҳ Сайфи тариқдай титилгани-чи. Аммо, ўзи зимзиё, ваҳ, шўрлаган ертўлада майизак бўлиб, игна еган ит каби қуришиб ётганига ҳайрон: ким тиқиб қўйди жаҳаннамга? Аллақачон тинкаси қуриган, ахир, неча кундан бери бир қултум сув, бир бурда нонга зор, нима, жонини асраб қолиш учун тупроқ капаласинми?

Шу кетишда узоқ чидолмас, тақдирга тан бериб, тақир ерга бошқатдан мук тушар, иложи қанча, охирги дақиқада похол ёки сомон чайнаб жон беради шекилли, бундай укубатга гирифтор этган Сайфига ҳам Худонинг бир атагани бордир.

Сайфини эслаши билан омонат-қийшиқ эшик зорлангандай гичирлаб очилар, ичкарига жонсизгина ёруғлик оқиб кирар, гурсиллатиб яқинлашган кимса, ҳе йўқ-бе йўқ, қорнига тепа кетар, аммо, кўртепки билан қоникмай, чийратма-заранг таёқ билан савалар, ақлини киритиб қўйганига ишонч ҳосил қилар шекилли, ниҳоят, бузоқ ўлигидай ташқарига судраб чиқар.

Ичи эзилиб, суюк-суюгича қақшаётган Саидбек аранг турар оёғида... Илк бор назарига елашган нарса — буруқсаганча кўкка ўрлаётган кўкимтир тутун... Сўнг, бирдек гезарган тумонат одамни кўрди, сўнг, зўр ҳафсала билан каллак урилган тутни... Ёпирай, хиёл кўндаланг тушган, кесилган жойидан симиллабгина нам сирқираётган йўғон шохда арқон билан чапараста осилган ким, наҳотки, иккала кўзи билан соғингани — отаси мулла Умар?

Безовта ураётган, ингичка санчиб қўяётган юраги тўридан отила келди ёввойи бир ўкирик... Гувиллаб айланар боши, йўқ, кўзлари алдаётир, ақли-ҳуши, идроки чалғитмоқда, ёлғон, бариси ёлғон! Кошки шундай бўлса, рўпарасида, йиғлаб-йиғлолмаётган майиб шохда чайқалиб турар пушти-паноҳининг барваста гавдаси. Аввалроқ уни роса қийнашган шекилли: тили оғзига сиғмай қолган, пешонаси бир неча жойидан ёрилган, қовоқлари моматалоқ, жағи бир ёнга қийшайган, борингки, босиб қолган чалдевор остидан ҳозиргина суғуриб олингандек бир алфозда.

Саидбек мўлтирабгина яна кўрар: оназори Болбиби нарироқда, Ёдгор валий билан Ҳазора момо биқинида, яшин чалган каби тек қотган, бор-йўғини чорасизлик ихтиёрига бериб, сочларини юла-юла йиғлар, ҳайҳотки, кўксидан бодраб чиқаётган нолаларини қамчисидан заҳар томаётган Сайфи эшитмас.

Сайфи биргина гапни такрорлар: «Э, қаззоб, айт, қайга яширгансан?!» Сўнг, бош чайқаб, заҳархандали кулар: «Мандан эмас, ўзингдан кўр, тип-тирик қурийсан!» Қаҳр аралаш хитобни эшитган оломон оҳ тортиб тўлганар, ҳар ердан норозилик оҳангида гудранишлар эшитилар, Саидбекнинг ҳам юраги орқасига тортиб кетар, сира тасаввурига сиғдирилмас падари шу ҳолича узоқ осилиб туришини, чўллаб, оч-наҳор, аста-секин чўпу устихонга айланишини. Бу хавф эса нақдга ўхшаётир, буни кўра-била, отаси қайсарлик отидан тушишни истамаётир, аксинча, ўзини қаттиқликка уриб, ҳали-ку бир жоним, минг бўлсаям аямасдим, дер хириллаб.

Ҳанузга қадар Саидбек тушунолмас: баттол Сайфи, ўла-тирила, томоғини йиртиб суриштирган бир парча латта азизмиди шунчалар, ўша нарса умуман бор-йўқлиги ёки қайдалигини айта қолса нетарди отаси, ахир, зарилмиди унга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган хорлик?

Тақдир буюргани шу экан: кўзлари косасидан отилиб чиққудек ҳолга келган мулла Умар уввало тушмади қайсарликнинг гижинглаган отидан, ажабо, Сайфи билан шериклари, тажанглик қилишгани сари, у хотиржам тутарди ўзини. Бунча уқубатни у гўё Худодан атайин тилаб олган, мислсиз оғриқ ва зирқираш роҳат бўлиб қуйилаётир дилига.

Сайфи гуппи бунга қандай чидасин, ярамас ўзини осмон устунни санаса, айтгани айтган, дегани деган бўлса. Манови бандага эса сўзи ўтмаётир, бунинг қошида изза еди, шашти синди, кўзичоққа айланди, лаванг кўзичоққа. Аммо, ҳали бу совунига кир юлмаган, энасидан туғилганига пушаймон қилдирмаса, юрган экан нон еб шу ёруғ дунёда. Ахир, мана буни нега ланғиллатиб қўйипти, қани, алангасига калласини тиксин-чи, бирдан тили чиқиб, сайраб юборар?! Мийиғида кулганча, Сайфи тагин бош чайқади, қамчиси билан сариқ иблисга ишора қилди. Муддаосини мулла Умар тушунди, бурнини жийириб қўйди. «Ҳе, — деди кейин, — ёнса тан ёнар, руҳ эмас!» Ўлмичи қилиб калтаклаш буюрилар, барибир, у, пинағини бузмай, хотиржам гудранар: «Руҳ букилмас, чўкмас, бўлинмас!»

Энди Сайфи бўзарар: «Бу одамми ёки афсунгар!?»

Сўнг, хомуш тортиб қолар, хаёлга толар, гудранганча, чимирилиб, нари-берига пилдираб юрар: бети гоҳ кўкариб, гоҳ оқарар. Ахийри титраб-қақшаганча, депсинар, яраланган айиқ каби бўқира бошлар. Ҳозир бу паққос ёрилса керак, деган хаёлга борар оломон. Аммо, у бирдан тинчиган, бўшашган бир ҳолатда гумашталарига буйруқ берган, улар ўрмалаб қолишган, кейин, ўлик сукунат... Кейин, ҳавода бир лаҳза муаллақ қотган яроқнинг жуфтлаб боғланган қулни чийрата кесиб, намчил кундага чиппа санчилиши... Кўзлари аллатовур киртайиб, ранги саргайган, сим-сим ўртанаётган онасининг ҳушсизлана чайқалиб йиқилиши... Тақир ерда ўзи муз қоғиши, чатнаган қароқларида йилтираган совуқ чақмоқ фалак буржлари билан бирлашиб кетиши, заранг тишлари орасидан сизиб чиққан нола борлиқни янаям кўпчителиб юбориши... Ва, ниҳоят, кирза этиклар босиб-янчиб, тепиб-тепкилаб хор қилган тупроқни бўяган, уфқнинг сийрак тутун қоплаган жамолига тизиллаб сачраган томчи-томчи қон қават-қават пўртанали шафаққа айлана йироқларга юзиши...

Ҳозир ўша яланглик ўлик сароб, ўлик сукунат оғушида.

Жўшқин ҳаёт оқими бу ерда гўё лаҳзалик ҳордиқ учун тўхтаган.

Эҳтимол қилар Саидбек: ана жилар, мана жилар ўрнидан.

Говак, шўрлаган, кўнғир-жигарранг тепачалар гўё кўкка беун муножот қиладир, оғир-босиқ илтижонинг небир умид ва эҳтирос билан йўғрилган эшитилмас оҳанглари замин бўйлаб майин-майин ёйилиб борадир. Бувасидан ёдгор — Қабоҳат гулханига гувоҳ ўтган балхи тутдан асар ҳам қолмаган, бинобарин, айтишларича, ўша воқеадан кейин тут тез қариган, бир баҳорда аразлаган каби куртакламай қўйган-да, шу билан сарғая-сарғая тап-тақир қуриган, кўп ўтмай, кимдир танасига арра қўйиб, кундаков қилган.

Чандиқ каби бўртиқ мана бу тош-кесак уюми, уюм биқинини ёриб чиққан қўша-лоқ дўлана остида кўп сиру савдо сирка бойлаб ётганини Саидбек Умар яхши билар. Қалдироқ билан ўтган ўша тўфондан кейин пайдо бўлган ушбу мунғайган тепача қачондир қуйи гузару юқори гузар чанқоғини қондириб келган, суви зилол ва муздек

қудуқ оғзининг ўрни. Афсонага айланган сахийлиги. Аммо тақдири Кўкбўрилар тақдири янглиг чигал: вақти-соати етиб у хор бўлса — бирдан қуриб қолса, бу ҳам етмаган-дек, падари билан волидаси қабрига айланса, ўзи эса, қўли қисқалик қилиб, чорасиз томошабин бўлиб ўтирса, эвоҳки, бу не кўргилик?

Кейинча сал қаддини тиклаб, кимсан фалончи номини олгач, шу ерда, манов кўнқайган уюмни йўқотиб, падари ва волидаси хотирасига кичикроқми-каттароқ сағана тиклашни чамалаган.

Лекин, у ўзбошимчалик билан иш тутолмасди, мажбур эди ҳожат учун ҳам сўраб боришга. Ўйини пишитгач, ҳаммани қўйган-да, умид билан Бо-бошга дардини ёрган. О, Бо-бош билан иш битириш чиндан осон эмаскан. У, афтига бўзаргандай тикилиб турган-да, елкасини қисиб, қандайдир ҳужжатларни кўтарган, чалам-чатти ёзилган битикларни ҳижжалаб ўқиган, ниҳоят, қош-қовоғини уйиб, мулла, сиз арвоҳларга эмас, бизга суяниб яшанг, деб ёзғирган.

Нима учун йўлини тўсишгани, маломат тошларини отиб, пашшадан фил ясашга уринишгани боиси ҳали-ҳали қоронғи. Гоҳида эса, ота-онам кўкбўричи эди, шунгадир-да, дея фикр қилар, аммо, бу хулосаси ичра тошдек чўккан армонини даф қилишга қачон яраркин?...

Хаёлчан, маҳзун туриб қолди қудуқ тубидаги зимзиё ҳаётни тору мор этишга имкон тополган ва соғинч-ла қуёш жамолига ошиққан навқирон қуш дўлана қошида. Ногоҳ сезди: ҳали атрофдан ўз шаънига ёғилган беун олқишлар қаёққадир чекинган, энди теварақдаги ҳамма нарса — ҳар бута, ҳар гиёҳ, ҳар паррандаю даррандадан тортиб беозор қурт-қумурсқа ва капалакларгача, бариси ўзига ҳам ғуссали, ҳам таъна-ли назар солаётир. Кўпам ажабсинмади бу ҳолга, ахир, хатолар жавобсиз қолмас, деб қўйди ичида.

Ҳартугур у ҳозир қувонишга кўпроқ ҳақли: киндик қони томган маконга тегмиш қадами. Кечмиши билан тирик ҳар қандай одамда кечар бундай тиниқ сурур: ногоҳ, ўт-ўлан қоплаган, ҳар ерида кўлмак юқи қолган, тарс-тарс ёрилган тақир саҳн қаъридан гўё кўкка залварли оҳ-нола ўрлаб, жон ато қилар, ўлик сароб ва ўлик суқунатга. Ҳануз у кимир этмас, ҳалиги нидо оҳиста эшила-эшила, сим-сим оқиб кирар таранг томирларига, қизиққи, сўнгра, шу сирли тўлқин таъсирида, Саидбек ўзи, бутун борлиги ва эс-ҳуши билан, сўнгсиз оҳу-фиғонга айланмиш, ўзи тарам-тарам ёйилмиш суқунат қаърига чўмган харобаларга. Билдики, ёмғир-қорда ивий-ивий тупроққа қўшилиб кетган кесаклар паноҳида ими-жим букланиб ётар оловда куйган кунлари, эҳ, қани улар жўшқинлиги, жозибаси, оҳори?

Қачондир йиғволди ҳушини: тириклик эътиборидан қолган қабр — қудуқ қошида тиззалаб турар энди, аста-секин силкинар толғин елкалари, милтираган шўртак ёш ювар териси хиёл бужмалоқ ёноқларини.

Илкис тасаввурига ёпирилиб келар ланғиллаган олов...

Ва ҳавони изсиз кесган дандон сопли пўлат шамшир...

Ва шарт кесилган икки қўлнинг тақирда бесаранжом сакраши...

Бариси қайта такрор бўлаётирми?

Хиёл гангиган Саидбек оғир хўрсинди, сўнг, хаёлан, анча ерни қоралаган ёшидан, ниҳоят, озми-кўпми таскин берадиган олимлиги, унвон-амали, иззат-икромидан кечди бира-тўласи, кечди-да, туйқус, ялангоёқ, ялангтўш Саидбек — ёруғ оламда ҳали фитнес-фасод, ғаразу ҳасад, қайғу-армон, мискинлик ва араз-ўраз, кўрқув ва интиқом борлигини билиб улгурмаган Саидбек бўлиб ўқирди, телбаларча:

— Отажоним, онагинам! Тавба қилдим, тавба!..

Соқов, ўйчан тоғу тошдан акс-садо қайтди гулдираганча.

Сўнгра, у совуқ терга пишиб, ваража қилиб, жимиб қолди.

Ҳалигина пешонадан қиялатиб тиф ураётган қуёш мағрибдаги айри чўққи кифтида кўниш қилди лаҳзалик... Энди олам уфқ меҳваридан таралаётган шафақнинг бодроқ-бодроқ тўлқинига кўмилган, хаёлан ўзини қудуқ тубига — не-не орзу-армони, мурод-мақсади, алам-нафратини кафан қилишга мажбур бўлган пушти-паноҳлари ёнига сургун айлаган Саидбек Умар ғофил қолди кечки манзара завқидан. Эҳтимол, ҳозир у мангу гафлат азоби ва мангу уйғониш фароғати оралиғида ястанган сирли-поёнсиз дашти кабир аро кезиб юрарди саросар, хусусан, офтоб анчайин қорайтирган, титранишга мойил, ингичка-нозик қўл аста елкасидан тутмаганда, чамаси, гаройиб мулкда сафарни тугатмасди ҳали-бери. Ҳаргиз абадийат иқлимида руҳ ва дил билан иттифоқ тузишга ҳозир нозир ўша мулк фуқароси каби тутаетганди ўзини...

Саидбек Умар, қудуқ тубидаги азобни тарозига солиш билан машғул эмасми, бир сесканиб, ҳадик аралаш ўғирилди: ҳей, Ёдгор валий экан — иймони ойдин одам!..

Пири комил жилмайиб туриши бир ёқимли, кулинқираб, соғинчли тикилиши бир сирли — ҳалим: дардингни олай, суянчиғим — юпанчим, дея сўйланар тийрак нигоҳи, бўйинга бўйтумор, белинга белқувват, ақлу фаросатинга офтоби чароғ бўлай!..

Хотиралар гирдобида сузаётган Саидбек, чолга тикиларкан, дилида сўнгсиз эҳтиром ҳиссини туйди. Рост, шу одамга суяниб яшади эсини таниганидан бери, қанчалар мадад олди ундан қийналган кезларида, яна, не омадки, фақат шу одам билар падаридан қолган мерос нималигини ва қайдалигини. Фақат, ҳаёту мамот қадарли азиз ва мўътабар нарсани шу кунга қадар у ичида димлаб-занглатиб келгани қизиқ ҳол...

— Ўғлим, кўзёш денгиз бўлмас, денгиз бўлса одамзодни ютмайин қўймас, — деди Ёдгор валий ўйчан алфозда. — Эрлик шаъни ҳар нарсадан баланд, биласан буни. Иккиламчи, қарияпсан. Оби-дийда қилиб ўтиришинг нимаси?

— Мени уришманг, қисматимни қарганг, — осудаликка мойил ўкинч бор эди Саидбек Умар товушида, сўнг, сал ўзини тутволиб, Ёдгор валий билан ёнма-ён йўл тортди кулба сари. — Камина гуноҳим нелигини биламан. Лекин билмаганим қанча? Мана шуниси алам қилади одамга. Эсимга тушса, эзиламан-да, нима қилай?

— Зиғирча фойдаси йўқ, нимагаки, бўлгани бўлиб, бўёғи синган, тўғримасми? — зимдан меҳмонига қаради Ёдгор валий. — Буёғини сўрасанг, меники ҳам сеникидаң кам эмас. Қанақа валломат бўлиб ўсаётган эди-я Бўзтой?! Атайлаб хазон қилишди, Эна Кўкбўрини эмганидан қўрқишиб!..

Шиф этди Саидбек Умар юраги, борлигини бир орзиқиш қамраб турди анчагача. Қадрдони Бўзтой Эна Кўкбўрини эмгани ёлғон эмас, у шунинг учун тирилган, хосиятли сут жўрасига шундай улуғ имкон ато қилган. Ажабтовур жойи, у ўзи билан Саидбек Болалигини ҳам етаклаб келган. Бас, бу сирни Ёдгор валийга очиши керак: Бўзтой тирик, Бўзтой ўлмаган, Эна Кўкбўри сийнасидан баҳра олган жон боқий қолар! Ажабо, унда Сайфига ўхшаган муртадлар қандай чап берар ажалга, қаёқдан олишар Азроилни лақиллатиб кетишга имкон берувчи ваколатни?!

Кулбаси сари бафуржа бораётган Ёдгор валий иссиқда қовжираган ўтлоқда беихтиёр тўхтади, ногоҳ рўзданди сокин чеҳраси, синчков тикилишида илиқ меҳр, ёқимтойлик, нажот ёлқини мужассам: «Ўғлим, Саидбек, қарагил!» Хайрихоҳ бир оҳангда айтди бу гапни, кейин, ҳалигидай ҳаракат қилди: шундоқ Саидбек рўпарасига тутди ўнг қўли кафтини. Энди Саидбек янаям хушёр тортди, энди анчайин тажрибали эмасми, тез пайқади шайх не тилақда эканини ва унинг титранишга мойил панжалари орасидан хотиржам тикилди йироқларга.

Ер билан кўкни ҳарир бир парда бирлаштирган, у сокин елпинар, ажаб тарзда тўкилиб турар — тўлқин-тўлқин... Парда гирдлари ҳошияли, бир учи, шахт юксала бориб, фалак тоқига тиралган, ие, бу Тўлин Ой қалъасининг қобирғалари саналиб турган зангор қуббаси эмасми? Ланг очиқ қалъа дарвозаси, беихтиёр Саидбек ўзини муаззам остонада кўрди, бадани ғалати чатнаган кўйи, ичкарига кирди аста.

Оғир ҳаяжон босди Саидбекни: ён-верига кўрқа-пуса бир аланглаб, секин жилди илгарига. Манов зал намунча кенг-мўл, намунча муҳташам? Буниси янаям жозибали экан, ана буниси эса тилсим қилинган саройдан қолишмас. Борингки, бунақа маҳобатли, нақшу нигорлари нозик, юмшоқ мебеллару қимматбаҳо гиламлар билан жиҳозланган бўлмалардан нечтасини қолдирди ортда — билмас, бир маҳал қараса, ғирашира ёритилган йўлка бўйлаб борадир бўйнини қисиб. Ер ости йўлига тушиб қолдимни нима бало?

Шошилмай, кучини аяб, узоқ йўл босди, юра-юра, ниҳоят, фил суягидек оқ темир эшикка рўпара бўлди, ёпирай, бу эшик таниш-ку. Бир орзиқиб тушди. Бўсағада бир муддат иккиланиб тургач, секин қўл чўзди дастага. Жимжит хонага ўқдек отилиб кирди. Ранг-рўйи заъфар тортган Бўзтойга нигоҳи тушгач, таёқ каби қотди: «Оҳ азизим, шу аҳволга солдиларми сени?!» Чиндан ҳам ночор йигитча ҳоли. Аммо у ўзини бардам кўрсатишга тиришди. Овози ҳам ўктамона янгради:

— Ҳи, тавба, сиз ҳам... анови шерикларингиз каби... соядай липиллайсиз. Худди қони йўқ махлуқсиз... Ёки, кимдир сизни тушовлаб қўйган, нима, ёлғонми? Бу юрт ғалати экан, Худо ҳақи айтинг, мен қаердаман?

Бўзтой оқарган юлқа лабларини қимтиди, қулоғи орқасини истар-истамас қашиганча, Саидбек Умарга хўмрайиб қаради ер остидан. Анчайин сирпанчиқ саволи, жавоб қилиш учун қани доврғуи баланд профессорда жон бўлса. Нимани ўйлаган эса, кўпикдек бирин-сирин сўнди шуури қатларида, хусусан, бу ҳолида дилидагини тилига кўчириш азоб унга.

Ўғил бола гап шу: гўр эмасди ҳаёти Гулобий бинода, ҳали Тўлин Ой қалъасида ҳам бирон ибратли натижага эришган эмас, ахир, қисқа вақт ичида нимага ҳам улгурсин? Гоҳо, йиллар бўйи уринар одамзод, аммо, топгани — омадсизлик, бирон бедаво дард... Энди кимдан ҳам яширсин қисмати шунақа бўлиб чиққанини? Бу ёғида умиди — бошқача, зеро, одамга ўхшаб меҳнат қилиш, шунга яраша тўйиб-қувнаб яшаш илинжида, бироқ, шу нарса насиб этармикин?

Тунов кунди Чумоли телефонда ғалати учирик қилди: кимки адашган бўлса, тўғри йўлга солмоқчи эмиш! Вой, томи кетган банда, келиб-келиб шундай зил юмуш сендақа меров чекига тушибди-да. Бир думалаб бошқа қиёфага кирган ва Чумоли этагини тутган Сайфи, кейинроқ, бир баҳонада, надомат қулфи урилган сандиқни очди: моддий-номоддий дунё бошқа ўлчамга кўчганмиш, ушбу жаҳоншумул ҳодиса Сариеғлар сардори хоҳиш-иродаси ва режасига кўра рўй берганмиш, кимки ана шу жараёнга киришиб кетмаса ғазабга учрармиш, энг машъум жазога лойиқ топилармиш. Қолганини ўзингиз хулоса қилаверинг, фақат, куракда турмас бу даҳмазани Бўзтойга уқтириш осонмас. Мабодо гап очса-нетса, роса масхаралаб кулса керак.

— Балки шарпалар мамлакатига кеб қогандирман, — деди Бўзтой тўсатдан, ноўнгай жимликни бузиб. — Бунақасини ҳечам эшитмовдим. Нима, сизам шунинг фуқаросими?

— Кўй, қора кўзим, ярамни тирнама, — деди Саидбек ялинч оҳангида. — Шундоқ ҳам тўйганман. Дардим оғир, дардимга сен малҳам босарсан деган умиддаман.

— Малҳам, о-оо-о?! — деди Бўзтой ҳасратидан чанг чиқиб. — Қайда экан ўша мўъжиза? Неча замондан бери ўзим ҳам ялангоёқ бўлиб қидираман.

Кимдир бир челақ совуқ сув ағдарди гўё тепасидан...

Наҳотки бунинг ўзи ҳам мададга зор?

Ночор қолган Саидбек хаёлга шўнгиди, қай маҳалдир ойна ортидаги махлуқ чийиллаб юборди, олим сесканиб тушди. Паришон ўтирган Бўзтойга умидворлик билан тикилди, бунинг истараси шунчалар иссиқки, аста қўяверасиз. Сўнг, ундан назарини узмай, бошқача сурурга кўмилди, зерикарли «Е» ҳужраси аста-секин чекинди қайгадир. Шундоқ рўпарасида бошқача манзара жонланди: виқорли чўққилар, шиша сувли жилга, паст-баланд ўнгириллар, ҳазонларга қўшилиб учаётган мезон ипларининг сокин товланиши, тирамоҳ нафасига кўника бошлаган кўй-қўзиларнинг чўзиб-чўзиб маъраши... ўзаро уйғунлашиб кетган.

Ана, қишлоқ узра Айиқтош жимгина хаёл сурадир, ундан ҳам юксакда темир қанотли бургутлар сокин сузар ҳавода, этак тарафда ястанган боғ-роғларда эса гоҳ тўрғайлар сайрар, гоҳ тошбулбуллар. Майин ва қувноқ хонишларни гоҳо увлаб қоладиган шамол олисларга учириб кетар. Ажиб бўёқлари билан кўзни ўйнатиб, дилини ҳаприқтирадиган ғаройиб манзара орасидан не-не ҳодисаларни жимгина ичига ютган, бирон сирлашадиган кимса йўлига интиқ қишлоқни Саидбек кўриб турар. Ана, паст-баланд томлар лойсувоқ яғринини офтобга берган, бири-бирига туташ — укувсиз уста кўрган зинапоя янглиғ юқорига нотекис ўрлаган. Ола-чипор дўнглик белида кўнқайган айвонли уй қўшнилари орасида сирли мунғаймиш: у анча эскирган, замини шўрлаган, боринги, қаттиқроқ шамол кўзгалса гуппа йиқиладигандек аҳволда. Лекин у, бўш келмай, сир бой бермасдан, адл турар тикланган жойида.

Уч-тўрт қариган, таналари бужир дарахти бўлган ҳовлида узун-энли оқ чит кўйлак кийиб, дока рўмол тангиган жимитгина кампир пилдираб юрар нари-берига. Тўхтовсиз жаврар алланарсаларни, ким билсин, чоли — Ёдгор валийдан норозими? Айвондаги чорпояда ҳали соч-соқоли тўла оқариб улгурмаган, шунга қарамай, чехрасидан нуронийлик ёғилаётган шайх тасбеҳ ўгириб, беозор кулимсираб, чордона қуриб ўтирар бемалол. Нигоҳи — гувала деворли, шифти паст сайисхонада, у ерда думи калта, ёли бўлиқ, устига шол ёпилган чавқар бия ҳозиргина туғилган, оёққа туришга зўр бериб уринаётган жажжи қулунини искалаб-яламоқда.

Эскироқ беқасам тўни этагини қайирволган, сочлари ўсиб қулоқ-чаккасини босган, очиқ чехрали, хушрўй, эпчил йигитча, эринчоқ куз офтобида қизарган кўйи, чопилган пичан ташиб, тезак ҳиди анқийётган охурни тўлдириш билан овора, ҳар замонда, у — оғзида кўшиқ, боласини эркалаётган байтал сағрисига шап-шап уриб кўяр.

Осойишта ҳаёт давом этар ҳовлида...

Шу маҳал, байтал, янги меҳмонни бир зум эътиборсиз қолдириб, дарвоза томонга қарар мўлтираб, сўнг, қувончга тўлганини яширолмаб, кишнаб юборар баралла. Сал ўтиб, айвон куйида, яна бир ўсмир пайдо бўлар. Саломни куюқ қилар. Кўринишидан у анчайин қайсарлигини, шунингдек, яхши одоб ва яхши муомала кўрганини пайқаб олиш қийин эмас.

Юраги гуширлаб ура кетган профессор ҳовлиқанча хитоб қилди: «Оҳ-ҳо, бу — мен, Худо ҳақи — мен!» Анчагача кўз ўнгидан кетмади жозиб манзара: у ҳузур қилар гоҳ Бўзтойни, гоҳ ўзини кузатиб, илиқ ҳаяжонга тўлар кўкси. Ширингина энтикиб турганда бариси илкис яширинди недир парда ортига. Энди нима ҳам келарди кўлидан, болга тўймай қолган бола ҳолига тушди, тамшаниб ҳам кўйди ғалатиб қилиб. Сўнг, бирдан, «Е» ҳужрасида ўтирганини, кечмишига шунчаки бирров бориб келганини эслади-да, хўрсинди ночорона.

Шундай ҳол атиги бир зумда кечди-я, ёпирай, қандайин гаштли экан ўша ҳаёт... Дўсти Бўзтой ҳам бахтли бўлган ўшанда, кейин, уни кулфат тортиб кетди домига, мана, энди у, узоқ йўл боса келиб, ғужанак бўлиб ётадир алдовнинг юмшоқ қароватида.

Зигирча адашаётгани йўқ: бу ўша, ҳозиргина тасавурида кўргани — Бўзтой, қулунлаган чавқар бия атрофида айланиша кунни кеч қилишдан сира эринмаган кадрдони — Бўзтой... Омади кулганини қаранг, Бўзтой ўша жониворлар билан ташриф буюрган экан чорбоғига. Илгари ҳам валломат эди, шу феълйига содиқ қопти-да. Ишқилиб, у ҳамаша бор бўлсин, яхшилик билан бирга яшасин. Ана, у хотиржамлик билан қовоқларини уқалаётир, нигоҳида дарди ва қувончи учқунлар: ҳа, ошна, мунча тикиласан, танимадинг чоғи, ахир, мен, Қуйруқсой дала-даштида товонини неча бор қақир тиканга қонатган Болалигинг бўламан, нима, мени кўнглинг кўрганидан улоқтириб ташладингми?

Энди тамом ишонар: Бўзтой бўлиб келган Болалиги...

Қадаминга ҳасанот, азизим!..

Кўнгли тоғдек ўсди, ҳа, ахир, қувонмасинми, ифтихор ҳиссини туймасинми, ахир, Болалиги билан юзлашиб турибди, энди Саидбек ҳаётда қийналмас, минг хил жумбоқлар қошида довдираб, не қиларини билмай қолмас, у ёнида экан, тоғ ҳам бўй эгар қошида. Тагин, Бўзтой — Болалиги кўмагида қачонлардир тилсим қилиб ташланган кўнгли кулфини очар, кўнгли сари, кўнглида парвоз қилар, зеро, бу қутлуг ишда Ёдгор валий оқ фотиҳасини ҳам олар, иншооллоҳ, шу кун яқин... Ҳа, шу айём жуда яқин, эҳтимол, мавриди топилса, шайхдан падари бузруквори қолдирган табаррук ёдгорлик нималигини ҳам билиб олар. Азалдан чол феъли кенг, бунга қолганда янаям кенглик қилган, қойил, отаси ишониб айтган сирни неча йил қилт эткиздирмай пинҳон сақлаган ичида. Тавба, пақ ёрилиб кетмабдимиз!

(Давоми келгуси сонда)

Тафаккур хазинасидан 

Оз бўлса ҳам билмоқ учун — кўп ўқимоқ зарур.

Ш. Монтескье

Китобни ўқиб чиқиб, уни тўғри тушуниш — бу ёзувчи даражасига кўтарилиш демақдир.

И.А. Павленко



КАМАЛАК БОШИМДАН НУРЛАР СОЧАДИ

Алимардон Ҳайитов

* * *

*Кўзимнинг тубига чўккан ҳилолсан,
Кўёш балқиб турар ёноқларингда.
Гулдайин мусаффо, сувдай зилолсан,
Умрим оқиб борар қийноқларингда.*

*Ҳали муштоқликни сезмайди қалбинг,
Муштоқ бўлмагансан ўтлиғ дамларга.
Ўзидан ўзгани севмайди қалбинг,
Сен кулиб қарайсан бундай ғамларга.*

*Онам пинҳон тутган дилда алласан,
Эшитсам вужудим сел бўлиб оқар.
Энг оғир шу дамда ботган аламсан,
Сенсан юрагимда ниш урган баҳор.*

*Кунлар ўтаверар, кун бермас тунлар,
Тундай сочларимни босар қировлар.
Бутун қувватимга соҳиб — малъунлар
Миниб олган, ҳисларимни жиловлаб.*

*Сен енгиб боряпсан тобора севгим
Рухимнинг энг мискин сезгиларини.
Мен ҳануз ололмай оввора, дилгир,
Кўлингдан ҳаётим тизгинларини.*

* * *

*Умидвор кўзларни эслатиб қайта,
Ҳазонлар тўшалди йўлларга яна.
Япроқнинг умрига зомин шаббода,
Тундан кунга сакраб қилар тантана.*

*Тонг саҳар дилдираб туради хаёл,
Далага ошиққан қизчадай мудраб.
Тиқилиб келса-да, кўзларга малол,
Бир нигоҳ боқади кўзёшдай титраб.*

*Узоқ кузатади у сизни зимдан,
Ночор аҳволдан кетар эзилиб.
Ранжу озор топиб босган изидан,
Хаёллари қадар борар чўзилиб.*

*Сизмайди. Ўзидан ўтган йўлларга.
Пойингизга тутдай тўшар тўкилиб.
Сиздан иффор қолган ўнгу сўлларда,
Рухим кетиб борар етти букилиб.*

Чироқчи

* * *

Эшигимни очмагин, шамол,
Хаёлларим бузилар яна.
Севган ёрим кўрсатмас жамол,
Умидларим узилар яна.

Ҳижроннинг совуқ тошларини
Яширганман дилим тўрига.
Изтиробнинг шўр ёшларини
Жойлаганман кўзим нурига.

Олис йўллар армонга Ватан,
Соғинчларим — кечиккан дийдор.
Ёлғиз ўзи зерикмасин деб,
Мени излаб топади баҳор...

* * *

Соғинчнинг кўзлари тунда юмилди.
Ҳотиржам ухлайди эгасиз шамол.
Дўнинг шуъласига тўйиб чўмилди,
Қун бўйи миямда чарчаган хаёл.

Зорланиб излайман, ёлғиз қуёшни,
Қоронғу дунёмда кўринмайди нур.
Кўксимга босаман совуқ қабр тошни,
Руҳимни эркалар бу қандай ҳузур?

Эмғирнинг сувига юзини чайди,
Ўзилган япроқнинг қуруқ жасади.
Ҳомаълум туйғулар тунда кучайди,
Пафқатсиз фироқнинг қора ҳасади.

Гуноҳим тополмай ёшланар кўзим,
Эй дунё, сендаги мурувват қани?
Шу азобни кўрганларга минг тўзим,
Менга муносибми ҳижрон ватани?!

Наҳотки мос тушди бўйи-бастимга,
Аламга қурилган кўркам биноси.
Бахтимни яширдим тупроқ остига,
Қўлларимдан кетмай ишқнинг хиноси.

Оқдарё

Турғун Маҳмудов

* * *

али шундай ният қиламан:
улоғингда ухлайди баҳор,
иръатимни ёқиб юбориб.

Ҳали шундай ният қиламан:
оқшом тушиб юлдузлар сени
қалиғингга тўй қилиб берар.

али шундай ният қиламан:
ирвоналар бир гулхан ёқиб
вғимизга берар хотима.

Ҳали шундай ният қиламан:
иккимизга таниш хотира
фақат сенинг юпанчинг бўлар.

* * *

Умидларим кўксимда тилла,
ғурур-ла айтаман, сенга етаман,
Оқтош тоғларининг нозли малаги.

Музробод

* * *

*Мен сени севаман, қолган сўз ортиқ,
Севаман, кўзларим нур билан улфат.
Яшашга чанқоқман, яшашга интиқ,
Сен менга кўлингни узатган фурсат.*

*Йўқ, зинҳор сақламам кудурат ва кин,
Шунчалар асовдир мендаги қудрат.
Мен сенга юрагим тутишим мумкин,
Сен менга кўлингни узатган фурсат.*

*Майли, кутай, дилда ҳижронлар тоша,
Кўзларим ўн бўлар висолни кўмсаб.
Фақат жоним жонимдек яшар,
Сен менга кўлингни узатган фурсат.*

*Кўп ўйлар пойида тутқунман бу кун,
Омад эшикларим қулфлайди кулфат.
Бахт машъали порлаб ёнади дуркун,
Сен менга кўлингни узатган фурсат.*

Оҳангарон

Сулаймон Ҳайдар

* * *

*Менинг кўнглум сенга муштоқ бўлиб тунларда йиғлайдур,
Висолинг доғи ханжардек бўлиб бағримни тиғлайдур.
Жамолинг сувратин чизсам, хаёлим бирла қалбимга,
Яна қалбимни тарк айлаб аламлар мени чулғайдур.*

*Бу қисматлар ниҳосини хазон бўлдим билолмасдан,
Наҳот, телба жаҳон кезгум ўзимга ҳеч келолмасдан,
Наҳот, энди умр ўтгай ҳазин кўнглум кулолмасдан,
Фанимлар кори ҳар дамда ҳаётим қонга булғайдур.*

*Фанимлар корига лозим балони сендан истарман,
Меҳрга ташнавор дилга давони сендан истарман,
Бу кулбама келур бахтга имони сендан истарман,
Сенинг ҳур гарди пойингдан жаҳон ҳам гулга тўлғайдур.*

Касби

Феруза Собитова

* * *

*Осмон қадар жўшарлар анвойи ҳислар,
Эркалар вужудим бир елки дилбар.
Қалбим соғинчларга тўлгани чоғда,
Димоққа урилар қадрдон ислар.*

*Оҳ, мен сени жуда-жуда кўмсадим,
Турбатим тупроғи, тарихи қадим.
Кетяман, дилимда фақат битта сўз
Тезроқ остонанга қадам қўйсайдим.*

*Хув, ана олисларда болалигим бор,
Кўкларга буй чўзган лолалигим бор.
Наҳотки, мен сени унутиб қўйсам,
Қалбимда бир куйки — нолалигим бор.*

*Бир дам унутмасман кўҳна қишлоғим,
Боболардан мерос, шифо булоғим.
Сенинг ҳузурингга шошаман ҳар гал,
Сажадагоҳдай поким, жаннатий боғим.*

* * *

*Сенинг суратингни самодан сўрдим,
Саргардон саҳрода, саҳродан сўрдим.
Субҳидам сочиға сирларим сочиб,
Салқин саҳарларда сабодан сўрдим.*

*Суйганим, севгимнинг созин сўндирма,
Сабр, суянчиғинг сот садоқатга.
Сезаман, синовнинг соати сохта,
Суянай севги солган салобатга.*

Тошкент

* * *

Деворлар ортида нима бор,
Билмаймиз, ҳеч кимса билмайди?
Деворлар ортида балки ёр
Йўлингга интизор йиғлайди.

Деворлар ортида балки бир
Чечак бор, у сенга аталган
Ва ёки, аксинча, бир ўткир
Пичоқ бор, кўксингга қадалган.

Деворлар ортида, эҳтимол,
Суюк бир бахтлар бор, беғубор.
Имкон бор, беҳисоб, безавол,
Буюк бир тахтлар бор пурвиқор.

Деворлар ортида сирлар бор,
Бегона кўзлардан яширин.
Ҳар кимса тиклагай бир девор,
Шубҳасиз, кўймоқ-чун ўз сирин.

Деворлар ортида не-не шум
Тақдирлар, қисматлар тўкар ёш?!
Деворлар ортида тишлаб мум
Не-не соф ҳикматлар тикар бош?!

Деворлар ортида нима бор,
Билмайди ҳеч бир зот, ҳеч кимса?!
Балки қалб кўзлари очилар,
Бир куни деворлар йиқилса?!

* * *

Наҳотки, тириклик бекордир,
Наҳотки, бу дунё алдамчи?!
Кўрдимки, номардга бахт ёрдир,
Ҳақиқат бўйнида арғамчи...

Ва лекин юракда бир илинж,
Дунёмас, кўзларим алдамчи.
Қатрага жо бўлмас дарё ҳеч,
Дарёмас, кўрганам бир томчи...

Шаҳрисабз

Жўрабек Рамазонов

* * *

Чолғувчи лабида ингранар қўшиқ,
Танбурнинг ноласи кўксимни тешар.
Учиб бораётган турналар саси
Менинг ҳам умримга умрлар қўшар.

Ғуборлар тўкилар йўлларим узра,
Печакгул йўлимга сиртмоқ бўлади.
Ёмғирлар томчилар бўйларим узра,
Япроқлар саволга тутмоқ бўлади.

Қизғалдоқ пойимга эгилар аста,
Камалак бошимдан нурлар сочади.
Товоним силайди ям-яшил майса,
Чаманлар гунчалаб, гуллар очади.

Шамоллар оҳиста бошимни силар,
Оқ ранга буркамоқ бўлар оппоқ қор...
Буларнинг бариси, бариси, билгин —
Сенчалик бағритош эмасдир, дилдор.

* * *

Ўн саккиз... Бу муборак ёшдир,
Юрагингни севгига топишар.
Ўн саккиз ёш, баҳоринг бошқа,
Ҳар оқшом, ҳар наҳоринг бошқа.
Ўн саккиз ёш, қутлуғсан жуда,
Гарчи тунлар ўтмас осуда.
Мен ҳам бир кун сенга етганда,
Дилимни ишқ макон этганда,
Муҳаббатдан битарман мактуб,
Ё яшарман бир қизни кутиб...
Ўн саккиз ёш — умр баҳори,
Сени куйлаб толмас дил тори.

Бойсун



Эрвин Умеров

ҲИЖОЯЛАР



Ё Л Ф И З Л И К

Унинг номи Сабрли. Онаси зотли овчарка эди. Отаси эса катта бўри бўлиб, унинг териси кўп вақтлар Сулаймоннинг каравоти олдида тўшовли эди. Бу тери хиди кичкина Сабрлини хуркитар, неча марта жаҳл билан ириллашга мажбур қилар эди.

Сабрли дунёга келишига сабабчи — чўпон Сулаймоннинг узоқ қариндошларидан бири Дағжидан миннатдор бўлиши керак. Дағжи қишлоқнинг хурматли кишиларидан. Ёшлигида у Маккада ва Туркияда бўлди, Болқон давлатларини кезиб чиқди, узоқ муддат Ўрта Осиёда яшади, бир неча тил билади. Йиллар ўтгач, унда бундай саёхатлар иштиёқи сўнди. Она юртига қайтгач, аждодлар касбини давом эттирмоқ учун яйловга кетди. Зотан, дағжилар уруғ-аймоғи билан доимо тоғда яшарди, уларнинг лақаби ҳам шундан пайдо бўлган.

Дағжи қишлоққа кам келарди, тоғдан тушиши билан тўғри колхоз идорасига борарди, қирларда ёввойи фондиклар, ёнғоқ, олма, нок пишиб қиёмига келганини, уларни зудлик билан териб олишни талаб қиларди. Сўнгра бир халтача сеvimли тамакиси — «Дюбек» олар, дўконга кириб қаҳва, қанд, зайтун харид қилгач, яна анча вақт қишлоқда кўринмас эди.

Дағжи ҳамқишлоқларининг хонадонларига камдан-кам кирарди. Дастурхон атрофида керилиб ўтиришни ёқтирмас, аммо тўй-маъракалар, турли тадбирлардан қолмас эди. Зарур одамлар билан қишлоқ қаҳвахонасида учрашар эди. Бир сафар қаҳвахонада янгилик эшитди: чўпон Сулаймон атай Мариуполга бориб, зоти тоза, ёқимтой овчарка олиб келибди. Машхур итбоқар юнон Эмпедаклдан кўппакни қўйга алмаштирган эмиш.

Дағжи эртасига, одатини ўзгартириб, дабдурустан қариндоши ҳовлисига кириб борди. Сертук кўзларини қисиб, девор ёнида ётган итга тикилди. У ёнғоқ ёғочидан ясалган муштугига тамаки солиб, анча вақт индамай турди, кейин аста-секин сўзлади:

— Келишган кучукча экан.

Кейин гўё Сулаймоннинг авзойини сезмагандай, сўзини давом эттирди:

— Ўн кўйнинг ўрнини босадиганга ўхшайди; оёқлари маҳкам, кўзлари ҳам жиддий.

Бу сўзларни ўзига ҳақорат деб билган Сулаймон кинояли кулимсиради.

— Дағжи оға, кўра ёнида қадалиб турманг, уйга қадам ранжида қилинг, — деди.

Дағжи оғзидан муштугини олиб, чўнтагига тикди.

— Ҳа, майли, жаҳлинг чиқмасин. Олиб келган кўппагинг ёмон эмас, аммо чўпонликка ярамайди. Сенга кучига кўра ваҳший, ақлича доно ит керак, — деди Дағжи, сўзини кесиб. — Лекин шундай кўппак сенда бўлади. Ҳар қалай, машалла. Урғочи ит олиб келибсан.

Сулаймон фақат шундагина Дағжининг келишидан мақсадини англади. У қариндоши томон одимлаб, уни елкасидан кучди. Дағжи секин ундан ўзини орқага олди.

— Бизнинг бутун чорвамиз сенинг кўлингда, — деди босиқ овоз билан. — Демак, мен бунга фақат сен учун эмас, ҳамма учун қилишим керак. Бунга миннатдорлик билдиришга ҳожат йўқ...

Дағжи, бир ой ўтгач, овчаркани ўрмоннинг қалин чангалзорига олиб борди. Сербутоқ қозикқа ит занжирини қисқа қилиб боғлади. Кейин кўшни қояга қўй терисини тўшади, муштуги ва милтигини ёнига қўйиб, ухлаб қолди.

Ярим кечада кўзини очди. Овчарка безовта ув-увлар, занжирнинг шилдираши сукунатни бузарди. Осмонда эриб тамом бўлаётган ойнинг ингичка, парчаси сузмоқда. Ой ерни заиф ёритар, аммо ўткир овчи кўзи майда буталарнинг баргчаларини ҳам кўрарди.

Дағжи қорнига айланиб ётди ва милтигини ўзига тортди. Кўппак титраб инграйди. Демак, яқинда душман бор. Бу дақиқаларни бой бермаса бўлгани. Маълумки, бўрилар ўзлари алоқада бўлган урғочи итларни тирик қолдиришмайди, мақсадларига эришгач, уларнинг бўғизларини ғажигади. Дағжи Ўрта Осиёда икки бор шундай воқеа гувоҳи бўлган.

Дағжи қулоқ солди: овчарканинг безовта ириллашидан бошқа ҳеч нарса эшитилмайди. У милтигини елкасига тиради-да, тепкини орқага сурди. Лекин яна узоқ кутишга тўғри келди. Товада эриб тамом бўлаётган сариқ ёгдай кичрайиб бораётган ойга афсусланиб кўз ташлади.

Ниҳоят, бўри журъат этди. У қисқа занжир билан қозикқа боғланган ва қаршилик кўрсатишга ожиз итни истагига тез бўйсундирди.

Дағжи уни мўлжалга олиб узоқ кутди. Бўри бир неча дақиқада ит бўғзини ғажиб ташлаши мумкин. Дағжи тепкини қачон босишни биларди. Шундай дақиқани қўлдан қочирмади. Ўқ овози тоғ-тошларга урилиб, «оҳ!» деган акс-садо берди. Бўри ёнбошига ағдарилди. Сабрлининг ҳаёти шу дақиқадан бошланди...

Сабрли энди анча ёшга борди. Унинг бир қулоғи ва куйруғи йўқ. Улардан беш ёшида маҳрум бўлган.

Каттиқ аёзли қиш эди. Узун қоронғи кечаларда қишлоқ атрофида кўринмас шарпалар ўралашишар, қора осмонга қараб увуллашар эди.

Шу кеча Сабрли ўрнидан туриб керилди-да, кўтонни айланишга кетди. Атрофда сукунат ҳукмрон, гўё, уни ҳеч ким буза олмас эди. Аммо бир оз юриши билан Сабрли шундай ҳид сездики, елка туклари дарров тикланди. Сабрли олдинга ташланди. Қор билан қопланган гўнг тепаликка етиб борганда, у девор тешигидан қўйхона ичига сакраб ўтган бўрини кўрди. Сулаймон бу тешиқдан ташқарига гўнг улоқтирарди, кўтонни шамоллатиш учун очиб қўярди. Демак, бу гал Сулаймон уни ёпишни унутибди, бўрилар эса дарров бундан фойдаланибди.

Сабрли шарпа орқасидан ичкарига сакради. У бўрининг ортидан етиб бориб, уни бурчақда тўпланган шерикларига қўшилишига йўл бермади. Бўри ғажилган бўғзи билан бир оз олдинга судралиб йиқилди. Ҳаёт-мамот олишуви бошланди.

Шовқинни эшитган Сулаймон уйдан ич кийимида югуриб чиқди. Дарвозани очиши билан шиддатли олишаётган шарпаларни кўрди. Нимадир унинг кўкрагига келиб қадалди, жойидан сурилиб, боши билан деворга урилиб йиқилди. Кўрқувдан бурчақда тўпланган қўйлар бирдан очик эшиқдан ташқарига отилдилар. Сулаймон ётган ерида, ёрилган қорнидан чиқаётган ичкаларини қўли билан ушлаб, қўйлар тагида қолмаслик учун оёқларини букди...

Сабрли олишувнинг ўртасида эди, душманларини кўкраги билан уриб йи-

қар, дарров томоқларига ёпишиб тишлар, шиддат билан яна ҳужумга шайланиб, ўзини ҳимоя қилар эди. У думини узганларини, қулоғидан тортганларини сезди, лекин олишувни давом эттирди. Икки бор узилган ўқ итни ўлимдан қутқарди. Чўпон хотини Покиза қўлига милтиқ олиб чопиб келибди. Ўқлар бўриларга тег-маса-да, ўқдорининг париллаган олови уларни ҳайдаб юборди.

Қўшнилар тўпланишди, чўпонни туман марказига олиб бориш учун шошилиб арава қўшдилар. Сулаймон кутилмаганда ёнбошини ушлаб турган қўлларини аста-секин туширди. Улар жонсиз осилиб қолдилар. Дарвоза ёнида ётган Сабр-ли оҳиста ириллади.

Сабрли танасида олишувдан қолган яралар кўп қийнамай, тез тузалди. Лекин энди уни бошқа нарса қийнарди: у билан ҳеч кимнинг иши йўқ, сеvimли одами Сулаймон эса қаергадир ғойиб бўлганди. Итни биринчи марта ёлғизлик туйғу-си чулғаб олди.

Покиза ўғли Айдерни бағрига босиб, тинмай йиғларди. Кейин унинг овози чиқмай қолди, айтадиган гапларини имо-ишора билан тушунтирар, баъзида аста-секин чалқаниб, бир нуқтага қараб қоларди...

Айдер шунда ўн икки ёшда эди. Отасининг ўрнини олишга ҳали эрта; тамаки барги узишга, мева теришга ёрдам берар, молларини боқар, мактабга қатнарди.

Сабрлини баджаҳл ва шафқатсиз бошқа бир чўпонга беришди. Чўпон итни қўриши билан ёқтирмади. Айбсиз бўлса-да, қамчи билан саваларди. Кунаро савалашларнинг бирида чўпон қўлига яна қамчи олганда, Сабрли унга ташланди. Ўтакаси ёрилган чўпон бир неча қадам орқасига ўгирилиб, унинг ҳужумига чидай олмай, қоча бошлади. Сабрли уни таъкиб этмай, орқасига қайрилди-да, аввалги соҳибининг уйига қараб юрди.

Айдер ҳаяжонланиб, итни бўйнидан кучоқлади. Сабрли бир замонлар Сулаймоннинг қўлидан келган иссиқ ҳароратни яна ҳис этди. Кўппак қувонганидан увлдаи ва куйруғи бўлмагани боис орқасини у ёққа-бу ёққа бурди.

Кечқурун ҳовлига оғзидан ароқ хидини бурқиратиб чўпон кириб келди.

— Итни бер, акс ҳолда қандаладай эзиб ташлайман, — деб қичқирди овозини, баланд қилиб. — Покиза, айт болангга, итни менга колхоз берди ва у энди меники.

Сабрли дарвоза ёнига бориб ётди, елкаси туқлари тикланди, кўзлари қатъий ва совуқ чақнади. Айдер уйдан милтиғини олиб чиқди.

— Кет! — деди титраган товуш билан. — Кет дедим сенга! Энди уни сенга бермайман. Сен уни урдинг. У энди сени ўлдиради: итнинг ҳам сабр косаси тўлиши мумкин. Энг яхшиси, кет. Мен сенга ачинганимдан айтяпман.

Чўпон ўзига қаратилган милтиқнинг оғзига боқди, шу пайт ҳиқичоғи тутди, икки қўли билан осилиб турган иштонига ёпишиб, оёқлари тагига тупирди.

— Шу анқов ит менга жуда керакми? — деб тўнғиллади улардан нари кетароқ. — Қандай мағрурлар! Итни деб дарров милтиққа ёпишадилар... Қандалай десанг, қандалай. Итнинг олдида одамни бир чақага ҳам олмайдилар...

Орадан бир неча йил ўтди. Айдер подани бошқара бошлади. Ҳаёт яна аввалгидай ўз изига тушди. Сабрли подани яйловга ҳайдайди, қўйлар чакалакзорларга сочилиб кетишларига йўл бермайди, кечалари қўтонни кўриydi.

Фам-қайғу ва кўз ёшидан кексайиб қолган Покиза ҳам оламдан ўтди. Марҳума худди ювғувчиларга малол келмасин дегандай, қўлларини ўзи кўксига қўйди.

Ватан ва қалам ёлқини

Бу ҳикояларнинг муаллифи, қримтатар адиби Эрвин Умеров 1938 йили Қримда туғилди, ёшлиги Ўзбекистонда кечди, ҳозир Москвада истиқомат қилмоқда. Адиб Хрушчевнинг «музлар эриши» даври таъсирида ёзган бу ҳикояларининг қисмати қримтатарлари тақдиридай фожиали бўлди. Турли сюжетлар асосида ёзилган бу ҳикояларни ягона мақсадга йуналтирилган қисса дейиш мумкин. Бу мақсад эса қримтатарларнинг кучли, чидамли иродаси, соғлом руҳи, пок ният билан яшаш орсуси, соф қалби, бошқа халқлар билан дўст-қадрдон ва оға-ини бўлиб ҳаёт кечиришга бўлган салоҳияти ва меҳнатсеварлигининг ифодасидир.

Эрвин Умеровнинг олтмишинчи йиллари Москва Адабиёт институтини битираётган чоғда диплом иши сифатида «Қора поездлар» туркумида ёзилган ва диплом имтиҳони комиссияси аъло баҳосига сазовор бўлган бу ҳикоялари чорақ аср таҳририятлар стол тортмаларида саргайиб ётдилар. Институт таржима кафедраси мудирини, атоқли шарқшунос олим, профессор Люциан Ипполитович Климович уларни «Новый мир» журналининг бош муҳаррири, машҳур шоир Александр Трифонович Твардовскийга ўз қўли билан тақдим этган эди. Туркумни таҳририят ходимлари мамнуният билан қабул қилиб, иложи борича босишга сўз беришган эди. Аммо турғунлик даври касаллиги хуружга киргач, бу журнал боши узра ҳам қора булутлар пайдо бўлди. Шу муносабат билан бош муҳаррир ўринбосари, таникли адиб

Шундай беозор ва бировга зиёни тегмаган ҳаёт кечирди. Ҳовлида яна хотин халажлар йиғлашди. Сабрли яйловга кетди, ўрмоннинг энг узоқ, қалин буталари орасига, ҳаёти илк бошланган ерга бориб, юзини қишлоқ томонга буриб, ойга тикилганча улиди. Унинг кўкрак бўшлиғида ин қурган ёлғизлик туйғуси янада кенгайди ва теранлашди.

Шундан бери Сабрли суяклари зирқираганини, оғриганини, одимлари секинлашганини тез-тез сезар, у қариётган эди. Итларнинг олишаётганини кўрса, индамай четлаб ўтишга тиришарди. Агар керак бўлса, албатта, ҳар қандай кеккайган ит додини беришга кучи етарди. Атрофдаги итлар уни аввалгидай ҳурмат қилишар, четга чиқиб, унга иззат билан йўл беришар, орқасидан эҳтиром билан қараб қолишарди.

Сабрлининг гўдаклигидан бир камчилиги бор: ҳамма нарсага қизиқувчан. Шу туйғули умрида турли-туман кўнгилсиз воқеаларга дучор бўлди. Кучукчилигида оловда ялтираб кўринган тошчага қизикди. Уни ҳидламоқчи бўлди, бурнини оловга текиб, куйдириб олди. Бир кун оғилда ётарди. Ёнида чипор сигир шошилмай ниманидир кавшарди. Ярим кечада уйғониб, чипорнинг ёнида ингичка оёқли бузоқчани кўриб ҳайрон қолди. Бир мартагина увулади ва унинг ёнига бориб қизикди: «Сен бу ерга қаердан кела қолдинг? Ва, умуман, сен кимсанки, ўзингча пайдо бўлдинг?»

Ит фақат шуни билмоқчи эди, лекин чипор сигир уни шохи билан шундай суздикчи, ўн қадам нарига учиб тушди.

Кексайиб, ҳаёт тажрибаси ортса-да, бу ёмон қилиғини ташламади. Уйдан чиқишнинг имкони бўлса, қишлоқ бўйлаб кезади, ҳовлилар, кўчаларни кўздан кечиради. Бир сафар от тақалайдиган темирчи устахонасининг олдидан чиқиб қолди. Устахонадан куйган жун ҳиди келарди. Унга бу ер ёқмади. Одамлар қандайдир тирик нарсани куйдиришларини хуш кўрмади.

Уруш бошланди. Очлик ёпирилиб келди, уйлар зимистонга чўмдилар. Айдер кўнгилли бўлиб жабҳага кетди, кўп эркакларни армияга олдилар. Шундан кейин колхоз қўйлари, моллари, отларини ҳайдаб кетишди. Сабрли ишсиз қолди.

Немислар пайдо бўлдилар, лекин улар душман эканлигини Сабрли билмасди. Бир кун эски одатига кўра қишлоқни айланиб чиқмоқчи бўлди. Яхшиям айланма йўллардан юрди. Бу эса уни қутқарди. Ўқ узилди ва уни Сабрли кўрди. Йўл ўртасидан думини силкиллашиб чопиб кетаётган сариқ ит бурнини лойга тикқанича йиқилди. Сабрли ит жойидан турарми-йўқми, деб бироз кутди, лекин қонига ботиб ётган ит кимирламади. Бу ҳам камлик қилгандай, калта этикли жирканч одамлар итнинг олдига келиб, тепиб, ўлганини текширдилар.

Сабрли жиддий хатар рўпарасида турганини англаб, ҳушёр бўлиш кераклигини сезди. Тунда уйга қайтди. Хоналар бўм-бўш: ҳаммаёқ алғов-далғов, синган идиш-товоқлар сочилиб ётибди. Қўшни ҳовлида, яқинда кўчиб келган кекса Дағжи хонадониди, унинг хотини қичқириб йиғларди: қизил армияга кўнгилли кетган Айдернинг хотини ва қизини олиб кетишибди. Энди уларнинг аҳволи не кечар экан?

Бўм-бўш хонага кирган Сабрли ёлғизлик туйғусини аввалгидан яна бир неча бор зиёд ҳис этди. Таниш ҳидларни исқаб, чуқур хўрсиниб, хонадан-хонага ўтиб, тентираб юрди. Охири ҳолдан тойиб, эшик олдида ётди, таҳлика остида безовта ухлаб қолди.

Ефим Дорош Эрвин Умеровга йўллаган жавоб хатидаги ушбу сатрлар диққатга сазовор: «Ҳикоялариниз менда яхши таассурот қолдирди. Лекин билишимча, умуман олганда, сиз тасвирлаган воқеалар эртида яна кўп нарсалар қалашиб ётибди, шунинг учун ҳам китобхонлар, айни замонда улар кўпчиликни ташкил этадилар, хусусан уларнинг аксарияти эса ёшлар — сиз ёзган воқеалардан ташланар эмаслар. Бу воқеалардан кейин йигирма йилдан зиёд вақт ўтди, лекин улар тўғрисида ҳеч нарса ёзилмади. Бу хусусда билишни истаган ёшлар кўп нарсаларни англамас, билмоқ истасалар ҳам, зарур материалларни топа олмаслар...»

Ҳаёт ҳақиқати ана шундай эди. Буни, хусусан, биз қримтатар адиблари яхши билардик: асарларимиздан «ТОҒ», «Ўрмон», «денгиз», «ватан», «халқим», «қримтатар» сўзлари қора қалам билан ўчириб ташланар эди. Аммо қоғозда чизиб ташлансалар-да, у муқаддас сўзларни қалбимиздан юлиб ола олмадилар.

Ўзбек китобхонлари Эрвин Умеров номини ва ижодини яхши билишади. Ишонаманки, унинг «Шарқ юлдузи» журналида чоп этилаётган ушбу ҳикоялари бадийий жиҳатдан мағзи тўқлиги, изтироб ва ўзатувларга бойлиги билан уларда чуқур таассурот уйғотади.

Сафтер НАГАЕВ,

таржимон.

Сабрли туш кўрди: ҳовлида баҳор эмиш, эшиқдан ёқимли қуёш шуъласи мўралар, хонани қиздирарди. Ёнида семиз оёқчаларини лўмбиллатиб Айдернинг қизи юрар, эгилиб, қулоғидан чўзар эди. Бу итнинг ёшига келишмаган қилиқ бўлса-да, Сабрли қувонганидан чидаб, секин кўзларини юмиб, ирилларди.

— Сабр! — деб уни чақирди Айдер ва доимо эрталаб такрорлаганидай қўшимча қилди. — Юр, вақт бўлди, кетдик.

Сабрли ўрнидан сакраб турди, у соҳибининг товушини аниқ эшитган эди. Ҳақиқатда айвонда қандайдир овозлар эшитиларди. Ит овоз эшитилган томонга қараб юрди. Аввалгидай ҳамма нарса жойида турар, хоналарда соҳибининг қиз-часи семиз оёқларини чалиштириб югурар эди. Айдер эса яйловга жўнашга даъват этар, деб ўйларди.

Бошига тепки тушгач, ўзига келди. Бор кучини тўплаб, мой ҳиди келган қандайдир этиклар орасидан ўтиб, ташқарига отилди. Орқасидан нимадир тақирлади, у ўнг орқа оёғига тегди. Бир оз югургач, ит оёғи жонсизланганини сезди. «Улар асли қандай одамлар ўзи, бировнинг жонини оғритишдан уларга қандай наф?...»

Сабрли тўхташдан кўрқиб, зўрға уч оёқлаб кетди. Оғриқ эса яна кучайди. У қалин буталар орасига кирди, учли тиканлар танасини тирмалар, тукларини юлқардилар. Хавф-хатарсиз жойга келгач, тўхтади, ётди, қон оқаётган оёғини авайлаб ялади. Кейин оғирлашган бошини осилтириб, ҳансираб, яна йўлини давом эттирди. У қаерга боришни билмас, аммо қишлоқдан иложи борица узоқлашмоқ истар, чунки ҳозир унинг тушуниши қийин, даҳшатли воқеалар содир бўлмоқда эди.

Доимо Дағжи ғамини еган тоғда ўсган сероб фундиқ, ёнғоқ ва бошқа мевалар билан Сабрлининг иши йўқ, агар иложи бўлса, уларни ҳеч оғзига олмас эди. Сабрлининг оёғи шишиб, юра олмагач, ерга тўкилиб чириган мевалар билан кун кўришга мажбур бўлди. Лабларининг учи билан тераклар тагида ўсган баъзи ўтларни узиб олиб чайнади. Гўё, унга ичидан кимдир бу ўтларни ейиш жуда фойдали эканини айтгандай бўларди.

Бахти бор экан, ўқ суякка тегмабди, бир ҳафтадан кейин Сабрли амаллаб овга чиқди. Ини ёнида узоқ ва сабр билан кутиб, каламушни тутди. Ҳозир танлашнинг вақти эмас. Бундан кейин қуёнлар, бўрсиқлар, сичқонлар унинг овқати. Ўрмон эса уйи бўлди.

Итнинг қишлоққа, одамлар ёнига боргиси келар, доимий йўлдошига айланган очликдан, кечалари уйқу бермай чопишга мажбур қилган совуқдан, ўрмон ичида кўкрагигача қор ичида изғишдан эмас, юрагини кемирган ёлғизлик туйғусидан азият чекар эди. Ҳар кунни тушида Айдерни кўрар, у одатига кўра: «Сабр! Юр, кетдик!», дерди. Айдернинг қизчаси эса унинг қулоғидан чўзар, эшиқдан офтоб шуъласи мўраларди. Анча тажрибали ит кечаси нафас чиқармай, ўрмондаги бутун овозлар, шарпалар ва шитирлашларни ҳушёрлик билан кузатарди.

Аёзли қиш кечаларидан бирида Сабрли ниҳоят чидай олмади, тонггача қишлоқ атрофида сандироқлаб юрди. Тонгга яқин яширинча уйига кирди. Оғил ёниб кул бўлибди, хоналарнинг эшик ва деразалари михланибди. Ҳовлида юрди, таниш, кўнгилга хуш ҳидлардан боши гангиб, ярим йиллик ёввойи турмуш давомида ўрганиб қолгани ҳушёрлигини унутди, чорбоғдан ҳовлига чиқиб, қалбига сингиб қолган ўрмонини тарк этган Дағжи хонадонига мўралади.

Кекса Дағжи итни кўриши билан таниди, унинг олдига қандайдир қотган нон бурдаларини қўйди, сўнг, чариқ учун увитилган икки парча буқа терисини берди.

Сабрли ювундини ичиб, шошиб нон ер, баъзида бошини кўтариб қарияга кўз ташларди. Дағжи эса ёшланган кўзларини бир нуқтага тикиб, нималардир деб пичирларди: «Охир замон, охир замон!» дерди чолнинг қуруқшаган дудоклари.

Чариқ учун увитилган териларни Сабрли тишлаб, ўзи билан олиб кетди. Ўрмонда шамол кўтарилган, атрофни қоронғи босган маҳалда инида териларни шошилмай чайнади. Кейин яна тушида эшиқдан мўралаган қуёш шуъласини кўрди. Айдернинг семиз оёқли қизчаси силкина-силкина унинг ёнига келди ва бутун қулоғидан тортиб ўйнади: бу унинг ғашига тегмади, аксинча хуш келди.

Сабрли баъзида Дағжининг ёнига борар, ҳар сафар ейишга бирор нарса олиб қайтарди. Баҳорга чиққач, Дағжи ҳам ғойиб бўлди. Ит эса бошқа уйларга киришга журъат этмайди, аслида хохламайди. Ўзининг ит ақли билан бир ҳақиқат-

ни англади: одамларнинг ўзлари очликдан силласи куриб, шишиб ётганда ким унга овқат берарди.

Ҳамма нарсага қизиқувчанлик одати унга яна бир фалокат бошлаб келди. Энди қор эриган майдонда, энди кўкарган ўтлар орасида кўзига юмалоқ ялтираган нимадир илинди. Оддийгина темир парчаси, бошқа ит бунга аҳамият бермай ўтиб кетарди. Сабрли эса унга яқинлади, искаб кўрди, атрофида айланди, кейин бироз жим туриб кузатди, кейин оёғи билан секин енгил тегди. Шунда даҳшатли фалокат юз берди — нимадир портлади, олов сачради ва кучли зарбадан Сабрли эсидан кетди.

Таажжубланарли жойи шундаки, ит соғ қолди. Умуман, қандай бўлиб шу вақтгача у немислар яйловга кўмган ва ўрмондан тушадиган партизанларга тузоқ деб билган юзлаб миналардан бирида портлаб кетмади.

Қаттиқ лат еган Сабрлининг аҳволи мушкул эди. Энди у тез-тез касалга чалинар, агар очлик ва хатарли ёлғизлик туйғуси бўлмаса ўз инидан чиқмас, бошини кўтармай ётар эди. Қишлоққа тушганда мутлоқ Дағжининг ҳовлисига кирар, лекин уй соҳиби унга овқат беришга чиқмас, сандирақлаб юра-юра яна ўрмонга қайтарди.

Сўнги ҳафта яна Сабрлининг тоби қочди. Шу кунлари оч ётди, вақт кундузми ёки кечалиги, кўрганлари тушми ёки ўнг эканлигининг фарқига бормай қолди. Миясида ҳамма нарса: кечмиши ва бугуни, кўрган тушлари аралаш-қуралаш бўлиб кетди. У энди ҳеч нарсага таажжубланмасди.

Ит бутун кучини тўплаб ўрнидан турди ва қишлоққа қараб кетди. Қишлоққа яқинлашганда хушёрлик билан яширинди: у буталар ичида турган яшил кийимли одамни кўрди. Қўлида қисқа, ялтироқ нимадир бор, ундан қишлоқ кўчасида ўлдирилган сариқ итни эслатувчи ҳид келарди. Одам аста-секин у ёқдан-бу ёққа юрар, баъзан хушёрлик билан ёқимли тонг тумани ичига чўмган қишлоқ томонга қараб кўярди.

Сабрли нотаниш одамни четлаб ўтиш ниятида сўқмоққа бурилди. Ўн қадамча юргач, яна тўхтаб яширинишга мажбур бўлди. Бу ерда ҳам яшил кийимли одам турарди. У теракка суянганича ниманидир хиргойи қиларди. Ўлдирадиган қисқа нарса унинг кўксида ҳам осувли эди.

Сабрли эҳтиёткорлик билан орқага бурилди. Демак, кимнидир кутмоқдалар ёки ниманидир кўримоқдалар. Ит фақат ўзига маълум бўлган сўқмоқлардан ўтиб, қизил буталари зич ўсган жойга кетди. Ҳар қалай унга қишлоқни ўраб олган аскарлар орасидан бемалол ўтиш мумкин бўлди.

Қишлоққа кириши билан Сабрли қандайдир жонланиш сезди. Сўнги йилларда зулмат чўккан, овоз эшитилмаган, ниманидир ғаразлик билан кутаётган қишлоқ қиёфасида бу бир янгилик эди. Бундай ўзгариш унга нафақат таҳлика, фалокат бўлиб кўринарди. Шунинг учун ҳам Сабрли эҳтиёткорлик билан қишлоқнинг катта кўчасига чиқди.

Сабрли бир чеккада туриб, қишлоқ кексалари, хотин-халажлари ва болалар уйларида кўлларида тугунлар ва бўғчалар билан мактаб томонга бораётганларини кузатди, майдонда чехралари ғамгин одамлар тўп-тўп туришарди. Болалар йиғлашар, катталар эса титраган овоз билан аста-секин гурунглашардилар. Кейин ўсти ёпиқ кузовли ҳарбий машиналар келиб тўхтади. Улардан яшил кийимли одамлар сакраб тушдилар. Сабрли истар-истамас кўкрагини ерга бериб, уларни сузата бошлади. Майдонда турган маъюс одамлар овоз чиқармай машиналарга яқиндилар. Фақат бир кампир қичқириб йиғлади, кимларгадир илтижо қилди, кимларнидир чақирди, унга ёш бола йиғиси кўшилди. Бир оздан кейин атроф сув ҳепгандай тинчиб қолди. Машиналар, одамларни ўз ичларига ютгандай, визиллаб ўздан ғойиб бўлдилар. Уларнинг гилдираклари остидан кўтарилган чанг худди цунга ҳайрон бўлгандай анча вақт ҳавода муаллақ тургач, аста-секин ерга чўкди.

Сабрли инсонлардай теран хўрсиниб аста-секин ўрнидан турди-да, ўйчан, койида қотиб қолди. У энди қаерга боришини ўйлар эди: бўшаб қолган ҳовлилар, оғиллар, товук катакларининг атрофида юрсинми ёки тўғри яйловга кетсинми? Энди ўрмонда қишлоққа нисбатан ёлғиз юриш хавфли эди.

Ит ҳолдан тойганини сезди, ҳар ҳолда амал-тақал қилиб инига қайтди. Бу ам камлик қилгандай, қишлоқда бўлиб ўтган, тушуниш қийин бўлган воқеаларнинг юрагига гулгула солиб, кўрқув босди. Бу сафар қишлоқ ичидан ҳайрон

бўларли тарзда осон чикди, бу ерда энди ҳеч ким кўринмасди. Ажабо, унинг ҳозиргина кўрганлари тушмиди ёки очликдан силласи қуригани боис талмов-сираш эдимми, буни ўзи ҳам билмасди.

Бир неча кундан кейин яна қишлоққа тушди: очлик унинг ошқозонини шундай шилдики, вақти-вақти билан боши айланар, ҳушидан кетарди.

Қишлоқ мазордагидек шундай ваҳимали, шундай сокин эдики, Сабрлининг улигиси келди, аммо қорнининг оғриги бунга йўл бермади. У аста-секин майдонда кезар, ҳар қадамда сочилиб ётган бўғчалар, тугунларни, яна қандайдир буюмларни хидлаб кўрар, лекин улардан ейдиган ҳеч вақо топа олмасди.

Сабрли кимсасиз чорбоғлар, ҳовлилардан ўтиб, қишлоқнинг чеккасига чиқди. Шунда иши ўнгидан келди — куёшда исиниб ётган анқов товукни тутди. Тутиши билан ўзини буталар ичига урди. Бир оздан кейин Сабрли ушлаган жонивордан фақат патлар қолди. Сўнг, лабларини ялай-ялай, ахлат чуқурининг ёнига келди, товукни шу ерда ушлаган эди. Худо доим раҳим қилган, балки яна бирор нарса топар. Сабрли чуқурни синчиклаб текширган маҳал кўчадан гулдираб арава ўтди.

Узун бўйли, соқолли одам арава устида тик турганича ориқ отни қамчиларди. Аравадан стол-стул оёқлари, уларнинг устини устига тўнтарилган уч филдиракли велосипедча кўринарди. Уларнинг орасига тикилган оғзи боғловли икки қопдан нафаслари тикилган товукларнинг қақиллашлари эшитиларди.

Арава ўтиб кетгач, Сабрли ҳушёрлик билан яширинган жойидан чиқди ва унинг кетидан қаради, қаради-ю, кўрқувдан қотиб қолди: араванинг орқасига жойлаштирилган каттакон қутида ўзини, кўчани, қудуқ ёнида тебраниб турган толларни, куёш шуъласида ялтираган қарағайни кўрди. Чеккадан ўз-ўзини томоша қилиш мумкинлигига ҳайратланган Сабрли арава, худди унга боғлангандай, орқасидан югурди. Шундай чопиш ва ўзининг югуришини кўриш унга қизиқ эди. Агар қилиш кўлидан келса, ҳозир қаҳ-қаҳ отиб қуларди.

Бирдан кўча, толлар, қарағайлар қаергадир сакраб яшириндилар ва Сабрли ҳозиргина ўзининг қулоқсиз башарасини кўриб турган жойда кўй боши пайдо бўлди. Бу юмшоқ жунли кўзичоқ эди, у тепадан пастга осилган қизил тасмали оқ кўйлакка ўралиб қолган эди. Кўзичоқ боши устида нима борлигини кўрмас, фақат ҳис этар, кўзларини айлантириб, жон-жаҳди билан бошини силкитар, аммо қайси бир стулнинг тепага тикланган оёғига ўралган кўйлақдан қутулишнинг иложи йўқ эди. Кўйлакнинг ёнида яна бошқа латта-путталар илинган. Ҳар хил рангли ва ўлчамли матолар...

Кўзичоқ маъради, олдинга интилди, ҳаммаси аввалгидай ўз аслига қайтди — шкафнинг кўзгули эшига ёпилди ва Сабрли яна ўзини кўрди. Арава гижирлайди, ёнбошига қийшасди. Қишлоқ орқада қолди, ўнг томондан колхоз отхонаси кўринди.

Уруш овозаси Қиримга яқинлашганда отларни ва колхознинг бутун чорвасини ҳайдаб кетишди, фақат оқсоқ Алажа ва Чатир қолди. Уруш арафасида Чатирнинг бир кўзига оқ тушган эди. Алажани тегирмончига, Чатирни эса атроф қишлоқлардан етти етимни уйига олган ёлғиз кампирга беришди. Аслида улардан бутун қишлоқ ўрмондан ўтин ташувда, бозор-ўчарга боришда фойдаланарди. Алажани чекинаётган руминлар тортиб олдилару сўйиб едилар. Чатирни эса, ўзимизникилар қайтиб келгач, яна колхоз отхонасига олиб бордилар ва у билан бир неча гектар ер ҳайдадилар. Одамлар ниҳоят уруш туфайли издан чиққан ҳаётнинг қайтадан тикланишини истардилар.

Сабрли қаттиқ сўқишни, ҳавода ўйнаган қамчи товушини эшитди. Арава тўхтаган. Бундай вақтда четга чиқиб, фалокатдан узоқ бўлиш керак, бир оз қизиқувчанлиги етар.

Ит товуш чиқармай югурди, кўралар орасидан ўтди. Аравага қўшилган от синган оёқларини тиззаларига таяб турар, дир-дир титрар, тўхтамай бошини силкирди. Соқолли араванинг ўтиргичидан сакраб тушди, отнинг боши, қорни, елкасига қамчи билан ура кетди. Отнинг терлаган ёнбошларида қора чуқур излар қолмоқда эди. Унинг соғ кўзидан қонли ёш оқарди. Бечора от: «Инсон, мени урма, сенга айтдим-ку, энди қувватим қолмади. Ўлдирсанг ҳам энди юра олмайман!» деб ёлборгандай хириллаб хўрсинар ва бошини силкир эди.

Отнинг букилган олдинги оёқларидан бири ёнига қайрилган, унинг синган ери оқариб турарди. Соқолли эса қамчисини ҳамон ўйнатиб, унинг тўғри келган жойига туширар эди. Инсоннинг чексиз шафқатсизлигидан Сабрли даҳшатга тушди.

Бир маҳал Соқолли қўлидаги қамчини жаҳл билан улоқтириб, қўра ёнига чолиб борди ва ундан узун қозикни суғуриб олди. Унинг кўриниши ваҳшатли эди. Сабрли ўзини хушёрлиги учун мақташи мумкин — ҳозир қўранинг у тарафида турар ва от бошига келган фалокат ундан холи эди.

Соқоллига яна отни калтаклашга ҳожат қолмади. Биринчи қаттиқ уришдан кейин от жойидан турмоқчи бўлди, бор кучини тўплаб, бир оз кўтарилди, хўрсиниб кишнади, кейин яна букилган оёқлари устига гурсиллаб йиқилди. Отнинг боши, елкасига устма-уст қамчи тушмоқда, харс-харс этган овозлар атрофга тарқалмоқда. Шовқинли хириллаган от кучли қимирлаб силкинди ва юганларини гижирлатиб, қайишларини узиб, аста-секин ёнбошига ағдарилди. Бўйнидаги хомут силжиб, қулоқлари ва оқиб тушаётган кўзини бекитди...

Соқолли қўлидаги таёқни улоқтирди ва нимадир тинглагандай турган жойида қотиб қолди, қўлини қулоғига яқинлаштириб эласлади. Аммо Сабрли отхонада отнинг кучли кишнашини ундан аввал эшитди ва Чатирни овозидан таниди...

Соқолли бирдан овоз келган томонга югурди, этикларининг тарс-тарс товушлари анчагача эшитилиб турди. Соқолли кетгач, Сабрли ўзи яширинган жойидан аста-секин чиқиб арава ёнига келди. Ичида товуклари бўлган қоплар энди қимирламас, аксинча араванинг орқасига бекитилган баланд эшик қимирларди — унинг ичига қамалган кўзичоқ ташқарига чиқишга интилар эди.

От ҳамон қалтирар, янги аччиқ қон хиди итнинг бурнига уриларди.

От туёқларининг товушини эшитиши билан Сабрли яна девор орқасига ўтди. Қандайдир куч уни бу ердан силжимасликка мажбур этар, балки ҳар нарсага қизиқувчанлиги, балки одамлардан қоча-қоча ҳар қандай шитирлашдан ҳадиксираши бунга сабабдир.

Соқолли бир вақтлар итнинг соҳиби Айдер миниб юрган Чатир устида келарди. У аравага қўшилган отнинг қайишларини бўшатди-да, уни оёғидан ушлаб, чеккага суриб ташлади. Бир кўзига оқ тушган Чатир энди ўзига нима бўлишини кутиб индамай турар эди.

Йўл чеккасида ётган ярали жонивор ҳамон бир оёғини қимирлатар, бошини кўтаргиси келар, лекин боши бўйсунмай яна ерга ағнарди. Соқолли ерда ётиб, жон бериб-жон олаётган отнинг бошидан хомутини чиқара бошлади. Сабрли шунда кўзи олдида яна бир адолатсизлик юз бераётганини англади. Ниҳоят, унинг сабри тугади.

Ит Соқоллидан кўзини узмай аста-секин тисарилди. Соқолли Чатирга хомутни кийдиргач, ярали отнинг устидаги бошқа қайишларни ечишга эгилди. Сабрли шиддат билан олдинга ташланмоқ учун етарли масофага тисарилди. Кексалигини, сўнги йилларда бошидан кечган балоларни унутиб, яна ўзини пўлат ўқдай ҳис эди, бўричасига юмшоқ ва товушсиз одимлаб, олдинга ташланди ва шиддат билан унинг устига сакради.

Сабрли кўзлагандай бўлди. Ит Соқолли қаддини кўтара бошлаганда унга ташланган бўлиб, орқасига ёпишди-да, уни ерга ағдарди ва тишлари билан ишга киришди: узилган латта-путталар атрофга учдилар, бу манзарани ҳайрат билан кузатиб турган Чатир таажжубланиб пишқирди. Соқолли оғир ингради. Унинг овози итнинг қувватига қувват қўшди, бутун бошига келган балолар учун қаҳр-ғазаб туйғусини кўзғади, гўё бунга фақат шу Соқолли одам айбдор эди.

Олишув қизиди. Бир оздан кейин Сабрли шижоатининг заифлашганини сезди. Соқолли эса кучли эди. Ерга йиқилиши билан бошини елкалари орасига олди, итга бўйнидан тишлашга имкон бермади, қўллари билан Сабрлининг бўйнидан сиқмоқчи бўларди. Сабрли ҳолсизланганидан жижиринар, душманини ерга босиб, унинг бўғзидан тутиш учун бор кучи билан олишарди...

Бу ҳаёт-мамот олишуви эди. Сабрлининг панжалари остидан узилган эски латта-путталар отилиб чиқарди, шунда у қандайдир қонли нарсани тишлаб четга улоқтирди. Соқолли душманининг қорнига оёқларини тираб, ниҳоят сиртига айланди. Унинг бир қўли итнинг бўғзига бориб етди.

Сабрлининг нафаси қисилар, хирилларди, шунга қарамай унинг ғалабага имкони ортди — ҳозир унинг бўғзига ёпишмоқ осон. Сабрли ҳал қилувчи курашга бор кучини тўплади. Бўйин томирлари кенгайди, Соқоллининг тердан ҳўл бўлган қўли аста-секин бўшай бошлади...

Кутилмаганда Сабрлининг орқасига совуқ нарса тўқинди. Чатир уни таниди-

да, янглишмадимми деб, текшириб кўрмоқчи бўлдимиз ёки бу ерда нима бўлаётганини аниқ билмоқ истадимиз — совуқ тумшуғи билан унинг орқасини ялади.

Кутилмаган душман хужумини шиддат билан қайтариш ниятида Сабрли жаҳл билан орқасига ўгирилди. Ўгирилиши билан бир кўзи оқариб турган Чатирни кўриб доводиради. Шунда унинг томирлари бўшади, бундан душман нафас олиш имконига эга бўлиб, олишув натижаси ҳам шу дақиқада ҳал бўлди.

Темир бармоқлар бир ҳалқага айланиб, Сабрли бўғзидан янада қаттиқ сиқдилар. Ит орқа оёқларини бор кучи билан ерга тиради-да, иложсиз тирмана бошлади. Иккови ҳам кўра томонга юмалади. Шунда Сабрли аста-секин кўзларига қоронғи чўкаётганини сизди. Қоронғилик кенгайиб, унинг кўзлари ичига борган сайин теран ботарди.

Бу бор-йўғи бир неча дақиқа давом этди. Бўғилаётган бўғзидан ичига бир ютум ҳаво киргач, Сабрли зўрба-зўр кўзини очди. Соқолли судралиб бориб, ерда ётган таёқни қўлига олди — бир оз аввал бу таёқ билан у отни калтаклаган эди. Лекин мажолсиз ҳолда аравага суяниб қолди. Соқолли бир кўлида таёқни қаттиқ ушлаб, иккинчиси билан бўйнидан оқаётган қонни сидирди. Чатир бошини осилтириб, анқовланиб турар, бу ерда бўлаётган олишув, ўзи бир замонлар яхши билган ит, қайғу-ҳасратлари билан уни қамраб олган бутун дунё, ҳатто ҳеч нарса уни қизиқтирмасди, унинг мияси фақат кексалиги билан боғлиқ-қувончсиз фикрлар билан банд.

Сабрли ётган жойида бир оз нафас олиб, куч тўплади-да, ярим очиқ кўзлари остидан душманини кузатди. Унинг таслим бўлгиси келмас, охиригача олишгиси келарди. Одам қонли сўлакайини жаҳл билан тупурди-да, кўлидаги таёқни маҳкам ушлаб, аста қайрилиб итга томон юрди. Соқолли шошилмасди, ниҳоятда ҳолдан тойган татар итдан ўчини олишга қудрати етишига ишонарди.

Сабрли кутилмаганда қайрилиб, илк қадамлари ишончсиз бўлса-да, жон-жаҳди билан кўранинг очиқ жойидан сакради. Орқасидан сўкиниш, таёқнинг кўрага қаттиқ урилганини эшитди. Аммо Сабрли энди кўрадан анча узоклашган эди.

Жонивор баланд буталар ичида узок қимирламай ётди. Мудҳиш тушида Соқолли кўлидаги катта таёғи билан тўхтамай уни кетидан қувар. У эса қочар эмиш. Сабрлининг аҳволи жуда оғир эди: танаси зирқираб оғир, ҳамон томонини нимадир сиқарди. Гўё уни ҳозир ташландиқ итлар тўдаси талади.

Безовталиги камайиб, сандироқлари тўхтагач, ҳар галгидек яна очлигини сизди. Гўё, эрталаб анқов товўқни тутиб емагандай эди. Лекин яшашни хоҳласа, оғриқларини енгиб, ўрнидан туриши ва қишлоққа бориши зарур. Бундан ўзга чора йўқ. Акс ҳолда ҳалок бўлиши турган гап. Яширинган инидан йўлга чиққан Сабрли янада хушёрлик билан одимлаб кўзга кўринмас кўланкадай силжиб қишлоқ четидаги уй ёнига келди. У анчагача атрофини айланди, ҳидлади. Ейиладиган бирор нарса исини сезмади. Қишлоқда ҳеч ким кўринмади.

Ит судралиб отхона ёнига келди. Сукунат. Оғзидан оқаётган сўлакайларнинг бир қисмини ютди, томоғи ачишди. Катакка яқин бориб кузатди. Катак бўш эди.

Уй ичига киришга журъати етмади, ичкарида қандай тузоқ кутаётгани фақат Тангрига маълум. Худога шукр, энди бундай балолар нима эканлигига ақли етади.

Очликдан силласи қуриган ит қаерга боришини билмай, уйлар ортида кезинди. Бу тинчлик — бундай мудҳиш сукунат уни ваҳимага солди. Қоронғи чўқ бошлади. Атрофда ҳамма нарса худди ўлгандай (ҳар хил соқоллиларнинг қўллари ҳозирча бориб етмаган, кечадан бери оғилларида оч ҳайвонлар ва бошқа маҳлуқларнинг ҳам аҳволи шундай эди).

Ит одамларни ҳеч вақт ҳақиқий кўриниши билан тушуна олмас эди. Ҳозир эса янада англамай ҳайрон. Нега шундай? Бутун бир қишлоқнинг аҳолиси бир данига кўтарилиб, шовқин-суронсиз яшил машиналарга ўтириб, қаергадир жўнаб кетди. Уларга нима бўлди, ақлдан оздиларми? Албатта, тўп-тўп бир-бирларини кига меҳмондорчиликка, тўй-маъракаларга боришни хуш кўрардилар, аммо бу тун қишлоқни бўш ташлаб кетганларига ақл етмайди. Ҳеч бундай бўлмаган эди шунинг учун Сабрли бунга ўйлаб, ўйининг охирига етолмай ҳайрон.

Одамлар сўнгги йилларда итни камдан-кам эркалашарди, ҳозир эса бутунлай кетишгач, ёлғизлик туйғуси чидаб бўлмайдиган азобга айланди.

Улар хоҳишлари билан туғилган тупроқларини тарк этмаганларини, ўз истаклари билан маконлари, мол-мулклари, ота-боболари мазорларини ташлаб кет

маганларини, бекорга қишлоқ эгасиз маконга айланмаганини, қўшни қишлоқ ҳам, ундан наригиси ҳам, учинчиси ҳам, тўртинчиси, бешинчиси, юзинчиси ҳам — денгизга боргунча бутун яриморол тамомила бўшаб қолганини, ерлик аҳолини хоҳишларига қулоқ солмай ҳайдаб кетганларини, албатта, ғам-ҳасрат ичида жон бериб жон олаётган ит билмас ва била олмас ҳам эди.

Фақат шундай алғов-далғовлар даврида ер юзига қалқиб чиққан соқоллилар — бировларнинг мол-мулки ҳам, ғам-ғуссаси, ор-номуси ҳам керак бўлмаган бир ҳовуч одам. Таассуфки, кўтарилган тўфоннинг даҳшатли шиддати уларга тегмади, ёнларидан четлаб ўтди. Ҳозир улар хотиржамлик билан: «Нималар бўлмоқда? Касаллар ва ногиронлар, болалар ва кексалар, бутун бир миллатнинг айби нима? Шундай фожианинг томир отишига йўл бериш мумкинми, бундан Тангрининг ўзи сақласин?!» — деб бақираётган фожиали сукунатни тинглаётган бўлсалар керак?

Яшил машиналар ичига текилиб, номаълум томонларга олиб кетилган одамлар буни билмас эдилар, уларни шу яшил машиналарга текиб олиб кетган одамлар ҳам, бу фожиа юз бераётган вақтда қишлоқни ўраб турганлар ҳам билмас эдилар... Ҳеч ким ҳеч нарса билмас эди. Сен уларни кечир, Сабрли...

Сабрлини иштаҳа кўзгайдиган қандайдир хид тўхтатди. У атрофни ҳидлади. У ёқ-бу ёққа қаради ва эрталаб ўзи товўқни паққос туширган жойни таниди. У шошилганидан унутиб қолдирган панжаларни тез-тез ямлаб ютди, иштаҳасини қитиқлаган қанотлар, патларни бир-бир текшириб кўрди. Сочилиб ётган қанотларни чайнаган эди, кўнгли айнаиди, йўтали тутди. Йўтала-йўтала, танасида оғир бир чарчаш, юрагида жиддий ёлғизлик ҳис этиб, баъзи-баъзида овқат берилган жой — Дағжи уйига қараб кетди. Бўм-бўш ҳовли ичида айлангач, у бирдан куйган нон ҳидини ҳис қилди ва чидай олмайдиган бир сезги уни Анифе кампир ҳовлисига олиб келди.

Сабрли нон куюётганини сезди, унинг ўзи эмас, аччиқ тутуни жалб этар эди. Унинг эшиги охиригача очиқ. Журъатсизлигини енгиб, Сабрли бўсағадан ичкарига кирди. Унинг елка туклари тикрайди, ҳар эҳтимолга қарши тишларини қайради: бу эса қутилмаган ҳужумни бирдан қайтариш, ҳеч бўлмаса душманни кўрқитишга ёрдам беради.

Куюётган нон тутунини очкўзлик билан ютаётган ит аста-секин одимлади. У ичкарида оловнинг шитирлаганини эшитарди, агар нон ҳиди бўлмаганда, орқасига қайрилиб, жуфтагини ростлар эди. Аммо бу хид уни ҳамон олдинга судрамоқда.

Сабрли катта ўчоқ олдида тўхтади, унинг очиқ оғзидан чидаб бўлмайдиган нон ҳиди атрофга тарқалар, кўнгли айнаитар тутун ҳавога кўтарилмоқда. Сабрли секин увлади, ўчоқ ёнига яқинлашса-да, унинг ичига бош суқиб нон ололмаслигини фаҳмлади. Орқасига ўгирилиб, яна эшик олдида қайтди ва ўчоқ оғзидан чиққан учкун яқиндаги шох-шаббага сачраганини кўрди. Шох-шабба уюми шиддатли шитирлай бошлади. Энди бу ерда қолиш хавfli эди. Сабрли аста-секин бурилиб, яна ҳовлига чиқди. Бу уйнинг ичида тушунилмас бир таҳлика пайдо бўлди, деб ўйлади ит ва янглишмади. Кўчага чиққач, уйнинг очиқ эшигидан, деразалари орасидан учкун аралаш қора тутун осмонга кўтарилганини анча томоша қилиб турди.

Қишлоқ узра қоронғи чўкмоқда эди. Сабрли олдинги оёқларига суяниб, орқа оёқлари устига ўтирди ва сабр билан ниманидир кутди. Сўнгра уни бирдан қайғу босди, бошини кўтариб, кўнглидаги ёлғизлик туйғусини янада кучайтираётган совуқ ва сассиз юлдузларга қараб, ингичка, ғамгин овоз билан увуллади. Овози заиф, хириллаб чиқди. Сабрли тез ҳолдан тойди.

Анифе кампир уйдаги вазият анча мушуллашди. Энди учкунлар ўрнига тутунга қўшилиб олов ҳам чиқарди, кеча қоронғулигида қора тутун ичидаги олов шиддатли ҳилпираган қизил алвонга ўхшади. Олов ўғриларча уй томини ялаб олар, ёнаётган нон ҳиди ҳам ғойиб бўлган эди.

Сабрли қимирламай анча турди. Унинг атрофида ҳар хил шарпалар айланишарди. Бирдан итнинг бутун вужуди оғирлашди, ажабо, у қанча вақт ўзини унутди экан? Бу вақтда уни калтаклашлари, танасини паншаҳа билан илмалешик қилишлари ёхуд отиб кетишлари ҳеч гап эмас эди.

У кўзларини йирганча атрофини кузатди. Оловнинг узун тиллари эшиқдан шошилиб чиқар, яна баландга, томга интилар, у ерда деразалардан отилиб

чиққан ўзидай қизил тиллар билан бирлашар, пишқирган ягона қудратли машъ-алга айланар эди.

Сабрли шитирлаб ёнаётган уйга яқинроқ борди. У бундай катта оловни умрида биринчи кўриб турарди. Унинг кекса суяклари кўпдан бери шундай кизимаган эди.

Сабрли ибтидоий, қудратли, мухташам, порлоқ, айна замонда дабдабали оловга суқланиб, мафтун бўлиб қараб қолди. Ҳатто шу дақиқада ошқозонини сўриб турган очлик ҳам гўё уни тарк этган эди. Ёлғизлик туйғуси ҳам бирмунча унутилди. Магар жонли махлуқ рўпарасида олов гуриллар экан, демак, у ёлғиз эмас.

Уй томи гурсиллаб йиқилганда ва унга иссиқ ҳаво шиддатли келиб урилганда ҳам Сабрли кўрқмади. Бу вақтда бинодан атрофга отилган кўрларнинг баъзилари унинг ёнига келиб тушдилар. Ит, шунда ақл ва мантиқ доирасида иш кўриб, орқага тисарилди. Уйнинг томи йиқилиб, олов бир оз пасайгач, энди тўсинлари гупиллай кетди.

Одатда, кўчада юз берган ҳодиса томошабинидай, Сабрли ҳам завқ-шавқ ва сабрсизлик билан атрофга кўз ташлади, ажабо, меним кўрганларимни бошқалар ҳам кўрмоқдаларми, деган хаёлга борди. Таассуротларини кимлар биландир бўлишишга ошиқди.

Итнинг кўзига қандайдир қимирламай турган нарса илинди, аммо нотаниш ва мароқсиз бир нимадай унга аҳамият бермади. Бир оздан кейин яна қаради. Ундан йигирма метр узоқда қимирламай бир одам турарди. Модомики, яқин ерда одам турар экан, ундан узоқ бўлиш керак. Сабрли эҳтиёткорлик билан аста-секин силжиб, қайрағоч тагидаги кўра орқасига ўзини олди, яширинган жойидан одамга, балки ўзининг душманига қаради. Ёнаётган уйдан чиққан иссиқни ит осонликча тарк этгиси келмасди.

Одамнинг ташқи кўринишида ғайри табиий ҳеч нарса йўқ, оёқларида этик, устида шинель, бир кўлида кўлтиқ таёқ, унга суяниб турарди. Бу одамнинг тошдай қаққайиб туриши итни шубҳалантирди. Одам қимирламас ва кўзларини қисмай оловга қараб турарди. Оловнинг қизил шуълалари тош одамнинг юзида ўйнар, шунда унинг жони борга ўхшар эди. Ит эса шундай тош одамлар билан эскидан таниш эди.

Шундай бир тош одам мактаб олдидаги майдонда осмонга бўй чўзиб турарди. Устида худди шундай шинель, фақат кўлтиқ таёғи йўқ, ўнг кўлини кўйнига тикиб, гўё тушиб кетадиган юрагини ушлаб турарди. Уни бир замонлар қишлоққа бўлак-бўлак олиб келдилар: аввал бошини аравада, кейин машина билан оёқларини, сўнгра гавдасини олиб келдилар. Шу бўлақлар мактаб ҳовлисида қаланиб ташланганида Сабрли уларни ҳидлаб кўриб нима эканини билмоқчи бўлган. Албатта, тушунарли, ит ҳидлаган жойида ўз белгисини қолдириши керак.

Сабрли «белги» қолдириб турганда, уни соҳибни Айдер кўрди. Ақлдан озгандай юғуриб келди-да, кўлига тош олиб, Сабрлининг қорнига урди. Ит калтақдан кўриб, дарров оёғини пастга туширди-да, қочди. Шунгача соҳибни уни ҳеч урмаган, сўкмаган эди. Демак, ҳозир у жуда ёмон ва кечириш мумкин бўлмаган иш қилибди.

Шундай кейин тош одам жойига тикланиб, мактаб биносидан ҳам, қишлоқнинг энг юксак уйдан ҳам баланд кўтарилгач, ўз юмушлари билан банд одамларнинг сиртига уйғоқлик билан, кескин кўз ва нуфузли назар билан қарай бошлади. Сабрли уни энди андиша ва эҳтиёткорлик билан четлаб ўтар эди.

Демак, ҳозир ҳам ҳушёр бўлса зарар қилмайди. Нотаниш одамнинг юзида олов шуълалари ўйнайди, у ҳамон қимирламай, нафас олмагандай турар эди. Худди ўша тош одамнинг ўзи...

Лекин Сабрли янглишган эди. Бугун эрталаб Соқолли ярадор қилган отнинг оққан кўз ёшидай бу одамнинг ҳам кўзларидан оққан кўзёшларидан ёноқлари ҳўл бўлган эди. Сабрли қоронғида буни кўрмасди. Бу одам тошдан эмасди. Тошдан ясалган одамлар йиғлашни билмайдилар.

Ҳа, ит қариди, йиғлаётганини сезмабдими, демак, қарибди. Бунга ҳайрон қолмаса бўлади. Очлик яна унинг бутун танасини кўринмас зулукдай сўрарди. Вужуди совуқдан титрай бошлади. Лекин ёниб тамом бўлаётган оловга яқин бориш хатарли эканини яхши биларди. Сабрли бир одамга, бир сўнаётган оловга қараб турди. Бутун шу вақт давомида одам жойидан жилмади.

Бундай кутишдан зериккан ит увуллаб хўрсинди. Шунда одамнинг бутун гавдаси бирдан қимирлади, силкинди, халтасини қўлига олди — ундан тақиллаган темир овозлари эшитилди. Одам қўлтиқ таёғига суяниб, бир оёғини судрай-судрай рўпарадаги уйга томон юрди.

Итни бу одам кўпам қизиқтирмасди. Лекин у нозик туйғуси билан одамнинг халтасидан келаётган нон ҳидини сезди. Бу ҳид итнинг ич-бағрини ёқди, сўла-кайларини оқизди.

Бояги одам оғил томонга бурилди. Сабрли эшик олдига келиб тўхтади, деворга яқин жойда чўккалади. Агар кутилмаганда хужум қилинса, орқадан уни девор ҳимоя қилади. Одам ичкаридан чиқди, халтасини остона олдида қолдирди, ўзи оқсай-оқсай айвондаги пичан ғарамига яқинлашди.

Сабрли дарҳол халтани ҳидлаб кўрди, ҳатто боши айланди, уни авайлаб тишлари билан тирнаб кўрди — матоси пишиқ экан. Оёқ товушларини эшитиб, дарҳол четга ўтди. Одам оқсаганча бир кучоқ пичанни бўш қўли билан кўкрагига босганча оғилга қайтиб келди.

Сабрли яна халта сари сурилди, унга етай деганда яна орқага чекинди. Одам қайтиб келмоқда эди. Бир ерда тайинли турмаган одам, дам олдинга, дам орқага қараб юрганининг сабаби нима экан?

Одам нимадир олмоқчи бўлиб ерга эгилганда, Сабрли кўчага қараб югурди. Албатта, унинг ердан нима олмоқчи бўлгани маълум: тош олиб, унга отмоқчи!

Одам халтасини судраб, Сабрлига қараб юрди. Ҳаракатида ёмонлик йўқлиги билинар, итни кўрмаган бўлса ҳам керак. Одам итнинг ёнидан индамай ўтиб кетди. Сабрли ҳам халтасида нон бўлиб, уни емаган ғаройиб одамнинг орқасидан юрди. Одам аввал иккинчи, сўнг учинчи уйнинг оғилига кириб чиқди. У энди пичан ташимасди. Бир рав кирди-ю, орқасига қайтди. Тўртинчи уйнинг ҳовлисини айланди, хоналарга ҳам мўралади. Нималарнидир нохуш пичирлади, оқсай-оқсай яна биринчи уйга келди. Халтасини олмади. Сабрли эса халта қаерда қолганини сезмади. Унинг кетидан ҳовлига киришга юраги бетламади. Агар бу гузоқ бўлса, унда қандай қутулади?

Итнинг азоб чекиши чидаб бўлмас даражага етди. У аста-секин улиди. Совуқ за қуюқ туманли осмонга, қоронғи ва кимсасиз кўчаларга, бўм-бўш уйларга қараб шундай қаттиқ улумоқни хоҳладики, бундай истак унда илгари ҳеч ҳам бўлмаган эди.

Бир қўли билан пичан кучоқлаган бояги одам йўл бўйи қўлтиқ таёғини гақиллатиб келаётганини кўрган Сабрли яна четга қочиб ўтди. Одам ҳовлига иришда қўрага суяниб турди. Сабрли тукларини тиклаб, ҳар қандай хужумга иай турган ҳолда одамга ғамгин тикилди. Одам овоз чиқариб, уни чақирди:

— Кел! Бу ёққа кел!

Сабрли жойидан қимирламади. Одам яна ичкарига кирди. Ит турган жойида йўнқайиб ўтирди. Кутди. Кўп ўтмай оёқ товушлари яна эшитилди. Ит одамни ўрмаса-да, ноннинг ёқимли ҳидини сезди.

— Келсанг-чи, кўрқма! — деди одам овозини кўтариб. Сабрли унинг чақиривига эмас, ичини тирнаётган очликка чидай олмай инграшга ўхшаган товуш икарди.

Шунда у томонга нимадир улоқтирилди. Сабрли одатича четга отилди, аммо ерга тушган нарса нон эканлигини кўриб, унга томон сакради.

Юмшоқ нондан бир оз тамаки ҳиди келар, пўстлоғи эса тишлари орасида қимли қирсиллар эди. Сабрли ноннинг бир ушоғини ҳам ерда қолдирмай млаб ютди. Хурсандлигидан боши айланар эди.

— Кел бу ёққа, келгин дейман, бағрим, — деб бўғиқ овоз билан чақирди дам. Сабрли бир оз олдин ўзига ташланган нонни хузур қилиб, еган эмасми, нди хавфсирамасди. Товуш келган томонга аста-секин одимлади.

— Кел, кўрқма, — деди одам ва ўзи ерга ўтирди.

Бутун ғам-ғуссаларини, бошидан кечирган даҳшатли фалокатларни унутиб, ир бурда нонга ташаккур билдириш учун эмас, бу одамда, бу одам овозида лжрон оҳангини сезгани учун, ҳасратли ва маҳзун товуш даъватига берилиб, чинг ёнига борди. У одам ҳам, балки бирдан бу осмон остида бегона бўлиб элгандир ва юрагини эзган бўшлиқ — ёлғизликдан қочиб қутулмоқ истайдир.

Одам унинг бошини сийпади, ҳароратли, жўмард инсон қўли Сабрлини бош

эгиш ва кўзларини юмишга ундади. Лекин итнинг оловли юмиқ кўзлари орасидан, бу одамникидай, бирин-кетин ёшлари пастга оқиб тушмоқда эди.

— Очкадингми, кексам? Сенга нима бўлди? — деб пичирлади одам. Сабрли хўрсинди: қани энди ўзига нима бўлганини тушунтира олса, агар у гапира олса эди...

Одам ўрnidан турди ва итни ёнига чақириб, аста-секин ҳуштак чалди. Улар ҳовлига кирдилар. Одам халтасидан ноннинг ҳаммаси — ярим буханкани чиқарди ва бурдалаб итнинг олдига қўйди. Ит шошилмай, нафас ола-ола, еди. Ўзини тўқ ҳис қилди, ичига иссиқ кирди. Эҳ, сени, кексалик... Бир бурда нон ва бир оғиз ширин сўз кифоя...

Кейин улар анча вақтгача пичан ташидилар, тўғриси, одам ташиди. Сабрли эса унинг ёнида ўйноқлаб юрди, баъзида унинг олдига югуриб чиқар, кейин тўхтаб, интиқиб кутарди. У ўзини ёш ва кучли ҳис этар, агар анави Соқолли яна учраб қолса, ўйлаб ўтирмасдан ғажиб ташлар, бу сафар унинг озиқ тишларидан қочиб қутулмас эди.

Улар шу тарзда қишлоқнинг ҳамма ҳовлиларини айланиб чиқдилар, оғир уруш йилларида омон қолган ҳайвонларнинг ҳаммасига ем беришди. Сўнгра мактаб ёнига келишди. Одам инқиллаб-синқиллаб йўл четидаги ариқ ёнида ётган қандайдир ғилдиракли нарсани кўтарди. Эрталаб қишлоқ аҳли бу нарсанинг ёнида турар эди. Улар бу нарсани яқиндаги уйга олиб кирдилар. Шундан кейин кўринишидан баҳайбат, аммо унча оғир бўлмаган бошқа нарсани ҳам кўтариб, ҳовлига жойлашди.

— Ҳамма нарсани кўча юзига ташлаб кетишибди, — деб жавради одам. — Гўё энди ҳаёт тамом бўлгандай... Тиқиш машинаси дейсанми, тоғора дейсанми, ҳаммасини майдонда қолдиришибди. Гўё, энди кийим ҳам киймайдилар, бола ҳам туғмайдилар...

Сабрли, одамнинг фикрларига қўшилгандай, енгил одимлар билан унинг ёнида гирдиқапалак бўлар, қора осмон оқариб борарди. Юлдузлар ҳам қаергадир ғойиб бўла бошладилар. Салқин ва соқов тонг отмоқда эди!

Одам қишлоқни тарк этмоқда эди. У шиддатли ҳаракатлари билан қўлтиқ таёқлари ва соғ оёғини кўтариб-кўтариб босади. Ногирон оёғи эса билинар-билинемас из қолдириб судралмоқда. Гўё, бу инсон оёғининг изи эмас, тақдирнинг қандайдир сирли ёзувлари эди...

Сабрли оғир бошини эгилтириб, одамнинг ёнида зеҳнини бир нуқтага тўплаб, аста-секин одимлар эди. Улар ёриша бошлаган осмонга санчилгандай бўлиб турган тепаликка кўтарилдилар. Улар ҳозиргина ўзлари келган томонга қараб, анча вақт индамай турдилар. Қишлоқ энди кўринмас эди. Теран хўрсиниб, чанг босган ерга ўтирди одам ва итнинг бўйинини сийпади. Халтадан бири-бирига урилиб думалаган икки консерва банкаси чиқарди. Уларнинг қопқоқларини пичоқ билан очгач, чўнтагидан букланган дастрўмолини чиқариб ерга ёйди, банкалардаги буғланган гўштни унинг устига тўқди-да, кекса ит томонга сурди. Ит бир оз индамай турди, сўнгра гўштни ҳидлаб, нарироққа жилди.

— Ол, — деди одам меҳрибон товуш билан. — Нега бундай қиласан?

Ит турган жойидан қимирламади. Оёғи оғриган одам зўрға ўрnidан турди. У бир қўли билан ерга таянди, ҳовучи чанг босган тупроқ ичида ботиб қолди, бармоқларини сиқиб, инқиллаб яна жойидан турди. Ҳовучига ёпишган кумга қаради, шошилиб уни чўнтагига тикди. Сўнгра, хунук бир иш қилгандай, атрофига кўз ташлади: ит унга қарамас эди. Одам бармоқлари орасидан тўкилаётган кулранг юмшоқ кумни шошилиб олар ва дарров чўнтагига тикарди.

Бир оздан кейин бошини эгиб, аста-секин йўлга тушди. Ит бир оз турди. Дастрўмол устидаги гўштни ҳидлаб кўрди, яна бир оз турди ва одамнинг орқасидан аста-секин кетди.

Одам елкасини қисиб, кенг қадамлар билан орқасига қарамай кетмоқда; Сабрли нимагадир унинг орқасидан етиб боришга журъат этмади, йигирма қадамча орқада юрди. Шундай қилиб, улар кўп юрдилар. Уларнинг орасидаги масофа борган сайин узоклашди ва узоклашиб борди.

Ниҳоят, Сабрли жуда орқада қолди. Одам олдиндаги тепаликнинг орқасига ўтиб кетмагунча Сабрли унга қараб турди, сўнг йўлдан четга чиқди, бир оз юргач, ўт ўсган уватга кириб ётди. Бошини оёқлари устига қўйиб, чўзилган

ҳолда анчагача ойдин осмонга тикилди. Сабрлининг очик кўзига пашша қўнди, у энди пашшани ҳам қувишга мажолсиз эди.

Улуғ жудоликдан сўнг орадан бир кун ўтди ва иккинчи кун бошланди...

1964

ҚОРА ПОЕЗДЛАР

Бола чинқириб, бўғилиб, нимадир истаб йиғларди. Бор кучи билан ёрдам сўраб, томоғи қақраб йиғларди. Ёпиқ эшик орасидан ичкарига суқилиб кирган яшин учкунлари ёритган эски вагон ичида гўё, унинг нозик қўлчаларини қайирмоқдалар. Бола йиғиси ҳавони пичоқ билан кесгандай титратиб, вужудларда акс-садо берар, унинг оғзидан чиққан чидаб бўлмайдиган оғриқ оҳанглари атрофга тарқаларди.

— Ўчир боланинг овозини! — деган овозлар эшитилар вагоннинг қоронғи бурчакларидан.

Аксига боланинг товуши янада баланд кўтарилди. Гўё, уни қийнаётган одам шошилиб, бутун суяқларини қисирлатиб синдирмоқда. Филдираклар эса «ана шундай, шундай, албатта, шундай!» деб тунука қопланган тахта деворлар ичидаги дим ҳаво ва бад ҳидли зулмат билан, ҳолдан тойган ва терлаган одамлару касал боланинг йиғиси билан, онанинг қўрқув аралаш минғирлаши билан тўла бўшлиқни тебратиб, ким билсин қаерга ошиқмоқдалар.

— Йиғлама, кичкинам. Тинчлан, жонгинам... Қаеринг оғрияпти? Қорнинг очди-ми? Мана ҳозир, мана ҳозир, — деб пичирларди она титраган овоз билан.

Яна қаттиқ тажанг товушлар эшитиларди:

— Ўчир овозини дедилар-ку сенга!

Филдираклар эса «ана шундай, шундай, албатта шундай!» деб темир изларга дазмол босгандай олдинга интиладилар. Вагон силкинар, қуриган тахталар гижирлар. Вагон ташқарисида қопланган қандайдир тунукалар бир-бирларига тинмай урилар, гўё, морзе алифбоси тилида нимадир сўйларди.

Бола нафасини ичига ютиб, яна бор кучи билан чирқиради. Унинг овози у ёқ-бу ёққа силкинган радио карнайидан атрофга таралган товушдай баъзан узоқлашар, баъзан яқинлашарди. Она эса энг сўнги чорани кўриш билан овора — она боласини тебратиб, юпатмоқчи бўлар, оғзига қўлини қўйиб аллаларди.

— Кучукваччангни тинчитмасанг, бошини узиб ташлайман, — деган ўшқириқ қайсидир бурчакдан келди.

Бу овозда нафрат, дўқ уриш оҳанги ҳукмрон эди. Лекин филдиракларнинг тақиллаши, тахталарнинг гижирлаши, боланинг йиғиси, девор орқасида тўхтамасдан бир-бирига урилиб морзе алифбоси билан атрофга «сос» ёрдами сигналлари йўллаб турган темир парчасининг шовқини ичида бу овоз аянчли, аммо кўрқувсиз бўлиб эшитилди:

— Ўчирсанг-чи!..

— Ўзинг ўчир, — деди кимдир журъатсизлик билан. — Кўрмайсанми, бола касал.

— Эй сени онангни...

Шовқин-сурондан кимдир уйғонди, кимдир ингради, бошқаси йўталди, бири ўзича сўкинди, яна бири нималардир деди. Ҳамма — эркагу хотин, кексаю ёш овозларининг бирлашувидан яна жонланиш бошланди.

— Йўқ! — деб додлади фарёд билан телбаларча кимдир. — Мен энди бунга чидай олмайман! Чидай олмайман!

Кимдир ётган жойидан сакраб тушди, вагон тебранишига қўшилиб тор йўлакда туриб қолди.

— Мен энди чидай олмайман. Мен жинни бўлиб қоламан...

Одамнинг ўзи кўринмайди. Лекин овозининг ўзгаришидан қаттиқ тамбаланган эшикка яқинлашгани сезилмоқда.

— Эшикни очинг! Очинг! — У мушти билан икки табақали, тунука қопланган, михли қалин тахталарни дўппослай бошлади.

— Очинг! Ҳаво беринг!

У энди этиклари билан эшикни тепарди. Унинг шовқинидан шу ерда турган челақ данғилларди.

— Анави йигит ақлдан озибди!

— Унинг овозини ўчиринглар!

— Тўри-да, нафас олишга ҳаво йўқ. Айтинглар, эшикни очсинлар!

— Кут ёки бошинг билан эшикни урсанг, очишар!

Одамлар атрофларида айланиб юрган ўлим шарпасини сезиб, унинг янглишиб кимда тўхташидан қўриқиб, ухламай ётсалар керак, ғилдираклар устидаги тунука ёғоч девор ичидаги қора бўшлиқ бирдан жонланди, яна шовқин-сурон кўтарилди...

Баъзан вагон тахталарининг орасидан йўлак-йўлак ёриқлар кўринар, иложсизликдан кенг очилган кўзларни, ғазабли юзларни ёритгач, яна ғойиб бўлиб кетар, гўё, ёпишқоқ, ёқимсиз ҳидли қоронғилик ичида ботиб қолган ғамгин овозларни заифлатар эдилар.

— Очинг, ўлмоқдамиз! Очинг! Очинг!

Эшик олдидаги овоз бирдан бўғилди, тўнғиллади. Бўкирган йиғи эшитилди.

— Очинг!.. — деб ялинди бояги одам ўртаниб, ачинарли овоз билан. Овозининг пасайишидан, одам тебраниб турган полга чўккани билинди.

Қоронғилик ичида яна кимдир қимирлаб, типирчилади.

— Мени ўтказ, қизим... Тур, мен ўтай.

— Эҳ, кўргилик экан-да... Бу аҳволингни аканг кўрса эди! Ота, сиз ўрнингизда ёта беринг...

— Мен етмишдаман, лекин бундай шармандаликни ҳали кўрганим йўқ. Шу менинг ўғлимми?

Анча типирчилашдан кейин кимдир аста-секин пастга тушди, йўлакда қоқилиб-суқилиб, ялангоёқ ҳолда эшик олдига келди.

— Жойингга чиқ!

— Ота! Мен энди чидай олмайман!

— Ёлғон айтма, ифлос, чидайсан!

Тарсаки овози ғилдираклар тақиллашида, темирларнинг шитирлашидан, касал боланинг фарёдидан кучли эди.

— Уринг, уринг! Мен энди чидай олмайман! Иложим йўқ!

— Иложинг бор! — Энди тарсакилар овози ўқдай кескин эмас, соқовланиб, узун бўлиб эшитиларди, гўё, юмшоқ лой тўп-тўп чаплангандай эди. — Иложинг бор, дедим сенга! Бор!

— Ота! Ялинаман, урманг мени, сизга қўл кўтаришга мажбур қилманг! Мен энди бунга чидай олмаганимга айбдорманми?!

Ўғил овозида таҳдид, ялинув сезиларди, томоғига текилиб қолган қичқириқ, ёноқларига тушган тарсакилар оғриғи... аламли.

— Жойингга чиқиб ёт. Ухла.

— Иложим йўқ, ота! Қорним пичоқ билан кесгандай оғрияпти.

— Иложинг бор. Ҳамманикидай сенинг ҳам иложинг бор. Бор, жойингга ёт.

Гўдак бу гапларга қулоқ осгандай тинчланди. Боласига нимадир едиргиси келган онанинг нотинч овози билан ялингани эшитиларди:

— Эҳ, кичкина, очиққандирсан... Ол, жонгинам, эм...

Ғилдираклар темир изларнинг уланган жойларидан эҳтиёткорлик билан ўтиб борардилар: «Шундай, шундай, албатта, шундай!..»

— Тур, ўғлим... — Чолнинг овози юмшоқ ва секин эди. — Қани, тур, ўрнингга бориб ёт.

Ўғил тинчланди. Ота ҳам анча вақт сукут ичида индамади. Темир изларнинг бепоён тасмалари узра югураётган ғилдираклар тақиллайдилар, баъзида ичкарига ёруғ мўраларди, бу зулматда одамлардан қўрққандай дарров ғойиб бўларди.

Тунука қопланган ёғоч деворлар ичига қамалган қора бўшлиқ ваҳимали, давомли югуришдан кейин, бора-бора секинлайди ва ниҳоят, тўхтайди. Гўё, эшелоннинг турткиларидан уйғонгандай, эшикда этиклар урилишидан портловлар ҳосил бўлади.

— Очинг! Очинг!

Эшик олдида кимлардир уймалашар. Ёш ғолиб келиш истагида яна эшикни тақиллатади. Яқиндагина бошидан ўтган даҳшатдан, шармандалик ва оғриқдан унинг овози янада шиддатли эшитилади. Эшикнинг қалин тахталарини тўхтовсиз дўппослайди, тепади.

— Очинг! — бу овоз давомли ялиниш ва қарғишдай эшитилади. «Очинг, бироз ҳаво кирсин. Очинг!» — қаергадир учиб бораётган бу қоронғи қудуқнинг ичини ҳам юлдузли кечанинг бир парчаси ёритсин. «Очинг, ўзимнинг кўлларимни, одамларнинг юзларини кўрай, мен ҳам бошқалардай инсон эканимни ҳис этай. Очинг!» — Мана бу чақалоқ жон беролмай қийналмоқда, унинг жони ҳар томони тунака ва темирлар билан бекитилган бу ўлим қутисининг ичини тарк эта олмайди.

— Очинг!

Юғуриб келаётган одамларнинг товушлари эшитилади. Соқчи итларнинг воуллашлари яқинлашади. Бири-бирига қичқирган бўғиқ ва қалин овозлар:

— Биз томонда ҳаммаси жойида!

— Бизда ҳам!

— Бу ерда нима бўлмоқда? — Нур эшик очилишини талаб этган одамнинг юзини ёритади, унинг ғариб юзига, оқ тушган кўзига минглаб игналар санчилди. Қорақўл қалпоқли чол ҳолсизланиб тахта сўрига суянади.

— Айтинг-чи, бу ерда нима бўлмоқда? — деб қичқиради пастдан қандайдир овоз. Вагон эшиги олдида уч одам турар эди. Бири кўлидаги фонус билан вагон ичини ёруғлантирар, унинг икки ёнида эса икки аскар автоматларини тутган ҳолда ичкарига тикиларди.

— Сизлардан сўраяпман...

— Бола жон бермоқда... — деди бир кўзига оқ тушган куёндудақли одам титраган овоз билан. У русча зўрға гапирар эди. — Ҳаво етишмайди. Нафас олишга қийналмоқдамиз.

Халиги одам орқасига ўгирилиб олди-да, яна зобитга қаради. Чўнтак фонусининг нури ичкари бўйлаб бемалол юрар, тахта сўриларда ўтирган ва ётган одамларнинг юзларидан ўтиб, кўлида боласи бўлган хотинда тўхтар. Хотин кўзларини қамаштирган ёруғни сезмади. Унинг қора, ялтираган сочлари тарқоқ, очиқ учбурчак елкалари, оппоқ кўкраклари устида тўлқинланар эдилар. У кўкракларининг аввал бирини, кейин иккинчисини чорасиз ҳолда пастга тушган бола оғзига тикмоқчи бўларди. Аёл, юзида даҳшат аломати қотиб қолганига қарамай, чиройли эди.

— Ўртоқ капитан!.. — деди аскарлардан бири.

— Нима капитан, нима капитан?!.. — фонуснинг нури сўнди, кейин яна ёнди, аёлнинг учбурчак елкаларини эҳтиёткорлик билан ёритиб, гўё, сийпарди. Аёл совуқ егандай титрайди, унинг узун бармоқлари болани қаттиқроқ ўраш учун у ёқ-бу ёққа чўзиладилар.

— Челақларни ҳам бўшатиш керак. Жуда сасияпти, — деб сўзини давом эттиради куёндудақли одам. — Кеча-кундуз вагондан чиқмадик.

— Тўкишга улгурарсан, — нур капитаннинг оёқлари тагига тўшалди, майда тошларни ёритди. — Тезда катта станция бўлади.

Эшик очиқ қолди, капитан олдинга юриб кетди. Унга мурожаат қилган аскар тасмасини тузатиб, секин кулди.

— Лекин, қаранг, шовқин-сурон бўлмасин, — деди-да, командири ва шериги орқасидан чопиб кетди. Вагоннинг ичи анча ёришди, юлдузли осмоннинг бир бўлаги унинг ичига мўралаб турарди. Челақларнинг сассиғи ҳам ғойиб бўлди. У ер-бу ердан мамнун овозлар эшитилди...

Чол овоз чиқармай сўри ёнидан узоқлашди-да, тепага чиқа бошлади. Ўгли мағрурлик билан атрофга кўз ташлади. Унинг синчков ва очкўз назари болали аёлда эди.

Бола бутунлай тинчиди. Жаваире чақалоғининг заифлашган ва аста-секин совий бошлаган танасини ҳамон бағрига босар, уни кучоқлаган сайин юрагининг уришини эшитгандай бўларди. Бу — чарчаган қонни ишга солган ўз юрагининг уриши эди: бола юраги эса энди тўхтаган эди.

Жаваиренинг қалбини ғалати сокинлик чулғади, уч кунлик уйқусизликдан сўнг энди ором олиши мумкин. Энди ухласа ҳам бўлади, бу дақиқаларни унга эгам бағишлади: ўғли ширин уйкуда, демак, энди тузала бошлар...

Ўзининг чексиз алласини айтиб, вагон қандай яхши тебранади: «Энди ухлаш мумкин, энди ухлаш мумкин, энди ухла...» Ва у бунга қарши тура олмайди. Шундай оҳанг остида у теран уйкуга кетди ва бу дим ва сассиқ вагон ичини тарк этиб, порлоқ нурларга фарқ йўл кетдида турар эди. Бу жуда кенг йўлда араванинг орқасидан кичкина чанг булутча югуриб-келар, чапда, кўз етгудай мовий уфқда тоғлар кўкка бўй чўзиб турарди, кўз етгудай жойда дашт ястаниб ётарди. Мовий осмон теранликларида тўрғай чивиллайди. Ҳавода баҳорий чўл чечакларининг ҳиди... Энди оз қолди, улар тезда қайтадилар... Бу «тилсизлар» қувилгач, энди ҳаммаси яхши бўлади...

...Жаваире Оқмасжидда (ҳозир Симферополь) яшайдиган опасига хат ёзди. Эридан ҳеч бир хабар бўлмагани, қишлоқда, бўм-бўш уйда бола билан яшаш қийинлиги, агар иложи бўлса, унинг ёнига кўчмоқ истаги борлигини билдирди. Агар унга оғирлик қилмаса, ўзи бирор ишга кирар, хизматда бўлганда болага опасининг қизлари қарашар. Жаваире эри билан келган вақтларда уй ишларида опасига ёрдам берар эдилар. Бир оз муддат яшаб турарлар, кейин Экрем қайтиб келар, айтишларича, уруш ҳам тезда тамом бўлар эмиш... Уйда Жаваире ҳеч қола олмайди, хусусан қайнотасини дафн этгач... Ҳа, энди опасининг олдига бормаса, қаерга ҳам борсин?

Опаси ёзган мактуб жавобини ҳам кутиб ўтирмади. Фурсати келиб қолди — ўғлини иссиқроқ кийинтирди, бир бўғча озиқ-овқат олди, қахрабо шодасини (эри томонидан тўйда берилган совға) ва одамлар кўриш учун энг узоқ қишлоқлардан ҳам келган машҳур эгарни олиб йўлга тушди.

Экрем отасининг катта бобоси, темирчилик касбининг моҳир устаси, ўғлини ҳарбий хизматга кузатганда, бу эгарни ясаганига ҳам юз эллик йилдан ошибди: ғоят нозик кумуш тангалар билан уни безаган, узангиларига шу сўзларни ўйиб ёзган: «Эгардан ергача бир одим, лекин отлик учун аксари ҳолларда у сўнги одим бўлади. Она тупроқ узангиларини йўқотма».

Бу эгар фақат ўзининг дилбарлиги билан машҳур бўлмади. У буюк воқеаларнинг иштирокчиси бўлди. 1812 йили Экрем отасининг катта бобоси шу даврда ташкил этилган Симферополь полкига ўз оти билан келди. Бир оздан кейин полк Русиянинг оловли ўлкаларида бўлди — Наполеон Москвага йўл олган эди.

Бородино жангининг ҳал қилувчи дақиқаларида Платовнинг казаклар корпуси ва Уваровнинг отликлар корпуси Колочо дарёсидан ўтиб, душманни орқасидан урдилар. Бу ажойиб ҳужумда қримтатарларидан ташкил этилган Симферополь ва Перекоп отликлар полклари ҳам қатнашдилар. Экремнинг катта бобоси бу жангда бошидан яраланди, аммо узангиларини йўқотмади. Дрезден ёнидаги савашларда қиличлар сизғирувини ва снарядлар портлашини эшитди. Катта бобонинг оти уч марта ҳалок бўлди, аммо энг қизгин ҳаёт-мамот жанглирида эгарини ташламади, баъзида юзлаб чақирим пиёда юриш керак бўлганда ҳам, эгарни ўзи билан бирга олиб юрди, янги от топгач, эгарни қўндириб, яна устига минди. Бу эгар жанговар суворий учун уни жангларда қўриган тимсол хизматини қилди, у бир кўзгу эдики, унга, боқиб аскар ўзининг омон қайтишини кутган насл-насаблари чеҳраларини кўрарди. Жанговар аскар татар қалпоғини бир томонга қийшайтириб кийиб, Париж кўчаларидан оти устида ўтганда ҳам туғилган тупроғининг меҳри уни тарк этмади. Ниҳоят, 1814 йили полк Қримга қайтиб келгач, тарқатиб юборилди.

Шундан бери бу эгар оиланинг табаррук ёдгорлигига айланиб қолди, у эҳтиёт-корлик билан сақланди, авлоддан-авлодга ўтиб келди. Бу эгар билан Экрем ҳам отга минди. Қўй ва эчкиларини Байбуған яйловига ҳайдаб чиқар, от билан дала ишига борар, пойгаларда омадини синар, китоб-дафтарларини қўйнига тиқиб қўшни қишлоқдаги мактабга қатнарди.

Таҳсил уни шаҳарга олиб кетди, эгардан айирди. Экрем муаллим бўлди, энди отни ҳар замонда эгарлайди. Барибир, унинг учун бундан қимматли нарса йўқ эди. Эгар унинг сулоласи, демак халқининг бир қисми эди: кумуш тангалар хираланди, вақт ўтиши билан қорайди, аммо унинг нақшлари кўзни қамаштириб, бир замонда яшаган уста катта бобо қўлларининг ҳароратини бугунга олиб келиб, ҳамон яшамоқдалар: унинг узангиларига ўйиб ёзилган сўзлари ҳам барҳаётлар. Экрем қадимий васиятга содиқ бўлиб, узангиларни йўқотмади. Она юртини унутмади. Вақти келганда эса уни ҳимоя қилишга пўлат от — танк билан

кетди. Уйдан эгарсиз чиқди, албатта, ҳар бир даврнинг ўз эгари бўларкан. Лекин шуниси ачинарлики, Экрем ўз рафиқаси — Жаваирени унутмадимикан? Доимо хат ёзарди, энг оғир дақиқаларда ёзарди, энди эса, гўё, йўқ, худди дунёда бўлмагандай...

Немисларни қувиб чиқишлари билан бировлар бирдан ўнлаб мактуб олдилар. Жаваире эса ҳеч нарса олмади. Ҳатто «қора хат» ҳам олмади. Унинг эгардан ергача бўлган сўнги одимини отганини билса ҳам енгил бўлар эди. Белгисизлик эса... Шундай Тарзда Жаваире туғилган қишлоғидан чиқиб кетди. Чатирдоғгача олиб боришга рози бўлган ҳамқишлоғи аравасида икки-уч кунгача силкиниб юрди. Олижаноб одамларнинг уйларида тунашди. Кейин Алушта-Симферополь йўли бўйида туриб, қайси бир машинани тўхтатмоқчи бўлди. Ҳарбий машиналар визиллаб қаергадир ошиқардилар. Ниҳоят, шофёрлардан бири унга ачинди. Қаттиқ қонидани бузиб, уни қандайдир кутилар орасида ўтиргизиб, устини брезент билан ёпди: «Товушингни чиқарма, аксирма, янга. Симферополга боргунча нафас олма. Акс ҳолда икковимизнинг ҳолимиз вой бўлади!»

Шаҳарга кирдилар. Бир йилдан бери ному нишонсиз опасининг ёнига кетаётган Жаваире нимага ишонарди? Буни унинг ўзи ҳам билмас эди. Ўз бошига йўлга чиқдию кела берди. Чунки бошқа чораси йўқ эди. Балки, бахтига ишонгандир? Бахт эса энди кўпдан бери унга кулиб боқмасди.

Бир замонлар опасининг уйи турган ерда фугас бомбасидан ҳосил бўлган чуқур қорайиб турарди. Опасининг соғлиги, қаерда экани ҳақида Жаваире ҳеч нарса била олмади. Шаҳар деганлари шу бўлса керак, қўшни қўшнисини танимайди. Ачинарли жойи шуки, опаси ва болаларининг тақдири учун ёниб-куйиш, йиғлашга ўзида куч-қувват, сабр-тоқат топа олмади.

Кўлида боласи билан бир чақасиз қаерга бориш ва нима қилишнинг ғамини ейиши керак эди. Бомбардимондан кейин алғов-далғов бўлган шаҳар боғидаги скамейка устида тонг оттирди, эрталаб бозорни қидириб топди. Орқага қайтмайдиган, узун ва узоқ йўлга чиқишдан аввал бир оз озиқ-овқат топиш керак. Ўзи бир илож қилиб чидар, болага сут ёки бир бурда нон топмаса бўлмас, ноннинг юмшоғини чайнаб латта ичига қўйиб оғзига тикса, ҳар ҳолда унга мадад бўлар.

Одамлар унинг кичкина ҳовучида осилиб турган қахрабо шодасига қайрилиб ҳам қарамайдилар... Уялганидан вужуди оловланиб ёнса-да, Жаваире ёлворган овоз билан қичқирарди:

— Қахрабо мунчоқ олинглар! Олинглар... арзон бераман...

Одамларнинг зийнат, безак билан, ҳатто энг арзон тақинчоқлар билан ишлари йўқ. Жаваире оч одамлар тўдаси ичида анча юрди. Одамлар уни сиқдилар, эздилар, сўнгра уни даҳшатли оқимларига қўшиб, қайларгадир олиб кетдилар. Шу вақт кимдир унинг тирсагидан ушлади.

— Қани, синглим, шиша ўйинчоқларингни кўрсат-чи...

Муштари катта кўзлари билан мўлтираб қарайдиган, буғдойранг, ёш ва чиройли лўли эди. Жаваире шаҳарлик лўлилар одамларнинг бошини айлантириб товламачилик, алдоқчилик, фирибгарлик қилишлари тўғрисида кўп эшитган эди. Шунинг учун ҳам ўз бойлигини дарҳол кўксига босди.

— Кўрқма, тентак! Юр. Қани, эй, четга чиқ! Йўлни бўшатинг!

У одамлар орасидан чақонлик билан ўтиб, Жаваирени катта кўчага олиб чиқди.

— Овқат егинг келяптими? — деди лўли хотин ва Жаваире унинг овозидаги ўзгаришга шошиб қолди. Вужудидаги безовталиқ камайгандай бўлди. Яқиндагина кўпол, хунук эшитилган овоз энди ҳоргин, она оҳангидай самимий эди.

— Юр, синглим, мен энди бирор нарсалар топдим. Қахрабонгни эса, сақла, унга ҳозир бултурдан қолган тезакни ҳам бермаслар... Шармандалик... Ҳозир вазият шундай...

Чақонлик билан, бурмали жимжимадор этагини йиғиштириб, йўлга тушди. Лўли хотин икки қаватли, деворлари қорайган эски уйда турар экан. Коридорда болалар чопқиллашар, примуслар гуриллардилар, уй бекалари қичқиришар, иқиндилар беҳад сасирди. Жаваире ўзи билмаган ҳолда бурнини жийирди.

— Синглим, чида, бу ерда турли одамлар тўпланган. Албатта, яхши турмуш сабабли эмас. Ҳа, майли, ўрганиб кетарсан. Қишлоқдан кейин шаҳарнинг сасиғи жудаям сезилади, — деди лўли хотин уни тинчлантирадиган овоз билан. — Бизнинг кўноғимиз эса зоопаркдай... Уруш даврида биз ҳаммасига ўргандик,

нафас оласанми, Худонинг қуёшини кўрасанми — шукур қил... — Ўзи кўтариб келган эгарни полга қўйди, энги билан пешонасининг терини артди. — Эй, чиройли лейтенант, тўхта, қорақўзли жонон йигит, манави олтин тўла сандиқни иккинчи қаватга олиб чиқишга ёрдам бер! Кўряпсанми, менинг дилбарим, бу ерда тасмалари ялтираган қуёвлар ҳам бор. Бир оз яшагач, балки бирон генерал ёки лейтенантнинг, деншчик ёки оддий аскарнинг бошини айлантирарсан...

Лейтенант тўхтади ва бидиллаётган лўли хотинга жилмайиб қаради.

— Шундай нотикқа ёрдам бермаслик гуноҳ бўлар, — деди ва эгарни кўтариб, энгил одимлар билан олдинга юрди. Жаваире қизариб, босган ерини кўзи кўрмади, нарвондан пастга юмалашига оз қолди.

— Эҳтиёт бўл, синглим, йиқилма, менда сендагидай оёқлар бўлса, уларни уйда сақлар эдим.

— Сандигинг галати экан, эй, гапдон аёл, — деб кулди лейтенант катак рўмолга ўралган эгарни бир қўлидан иккинчисига алмаштирар экан. — Нима бу?

— Эгар, — деб пичирлади Жаваире. Биринчи марта, бу эгарни билганидан бери, илк бор шундай муҳитда ва шундай одамлар орасида, биринчи марта у бутунлай ўнғайсиз ва кераксиз нарса бўлиб кўринди.

— Эгар? — деб сўради таажжубланган лейтенант ва Жаваиренинг қизарган, ҳайрон юзига бир қараб олди. Жаваире кўзларини пастга қаратиб, бошини силкитди.

— Демак, эгар бор экан, кимни эгарламоқчисан, қизгина? — деб кулди лўли хотин. — Умуман олганда, эгар бўлса, той топилар. Лейтенант, энди чапга. Тўхта. Мана мен шу ерда яшайман. Ҳозир калитларимни топай. Эркак киши, юзингни ўғир, мен калитларимни қидиряпман.

Лўли хотин бурмали этагини юқори кўтариб, кенг шараварининг ичидан анча вақтгача калит қидирди.

— Худога шукур, шу ерда эканлар... Мен эса анави қора буталар ичида қолдиларми, деб кўрқдим. Энди қарашинг мумкин... Эй, сени, бу увада-чувада-ни ҳали ҳам кўтариб турибсанми, ерга қўй. Раҳмат, қора кўзлим... Сенга Худо узун умр, кўпдан-кўп орден-медаллар ва бахтинг учун яхши бир келин берсин... Балки уйга кирарсан, қаҳва билан меҳмон қиламан. Хоҳламайсанми? Ўзинг биласан, қаҳвамиз қоп-қора, ёқимли хидли, ҳақиқий сули қаҳваси...

Бу сўзларни айтгач, лўли хотин узун ва хунук сўкиш билан қўшимча қилди.

— Раҳмат, мен борай... — лейтенантнинг уялгани билиниб турарди. — Ҳозир қаҳва ичадиган вақт эмас...

Лейтенант тасмасини тузатиб, қошларини чатиштирди, юзидаги қизил ранг-ни кетказмоқчи бўлди. У янги тасмасини ялтиратиб бир неча одим отди, тўхтади, қандайдир ўнғайсизлик унга кетишга имкон бермади.

— Сиз, нима, меҳмонга келдингизми? — деб сўради боласининг кўйлагини тузатаётган Жаваирега тик боқа олмай.

— Ҳа, — деди у, ўз вазиятидан уялиб. Албатта, ҳар бир учраган одамга ўзининг ҳасрати, ғам-қайғуси ва бахтсизлиги ҳақида айта бермайди-ку...

Лейтенант нимадир демоқчи бўлгандай бир оз турди ва кейин қўлини силкитди-да, нағалли этиклари билан қуриган пол тахталарини тақиллатиб, тез-тез юриб чиқиб кетди.

— Ичкари кир, жонгинам, ўзингни уйингдагидай ҳис эт, — деди лўли хотин деворларида қандайдир латта-путталар осилиб турган ярим қоронғи хонанинг эшигини ланг очиб. — Айғирлардан узоқроқ бўл, улар қўлингда бола бор, деб қараб турмайди, иккинчисини осонгина дунёга келтиришдан тортинмайдилар.

Жаваире девор ёнидаги курсига ўтирди, ўглини кўксига босди, кейинги кунларнинг ҳасратлари, лўли хотиннинг уялмай айтган гапларидан юраги тошиб ўкириб йиғлади.

Лўли хотин сесканди, бир одим орқага тисарилди ва унга диққат билан қараб қолди. Кейин унинг ёнига келди, эҳтиёткорлик билан қўлини елкасига қўйди. Жаваире қизиган темир теккандай ўрнидан сакраб турди.

— Менга тегма, — деб қичқирди.

Лўли хотин ҳаммасини тушунди. У гурсиллаб ерга йиқилди ва бўридай увуллаган овоз билан қичқирди, устидаги бир қанча ямоқлардан иборат қизил коф-тасини еча бошлади.

— Қара, бу ҳайвонлар мени қандай қийнадилар! — қизил-сафсар тусли суякларни бўртиб чиққан хотин кўкраклари ва елкаларидаги қизил-кўкимтир тамға изларини кўрсатиб, Жаваире оёқлари остида судралар эди.

— Мана, улар менга қандай ваҳшийлик қилдилар?! Бизларни, қирим лўлиларини ҳам яҳудийлардай йўқ қилмоқчи бўлдилар. Эримни, сенинг гўдагингдай боламни, ота-онамни, бутун оиламизни ўлдирдилар. Мен эса мушукман, мен тирик қолдим, ўлимдан қочиб қутулдим ва яшамокдаман! Дунёдаги бутун жаллодларнинг бошларига абадий таъна, абадий лаънат, битмас-тугунмас қарғиш бўлиб яшайман, яшамокчиман! Қўлимдан келганича яшамокдаман, лекин ўзимни ҳеч вақт сотмадим...

У қўрқиб, елкаларини пастга осилтириб ўтирган Жаваирега қаради.

— Сени учратганимга хурсандман. Сенинг ҳам аҳволинг меникидан енгил эмаслигини дарҳол тушундим... Иккимиз бирга бўлсак, ҳаётимиз унчалик хатарли ва зерикарли бўлмас, деб ўйлайман.

Лўли хотин, бу сўзларни айтгач, шошилиб кофтасини кия бошлади. Ҳовлиққанидан қўлини енгига тика олмай қийналди.

— Кел, энди бу аҳмоқона гаплардан воз кечайлик! — деб кулимсиради бирдан. — Бизга гап қозони керак эмас, болани каравотга ётқиз-да, менга қарашиб юбор. Кечқурунлик бирор нарса уюштирайлик...

Оқшомга жуда мазали овқат тайёрланди: бир парча уй пишлоғи, сули нони, бир бош пиёз, икки олма ва «қора қаҳва». Бола каравотда роҳатланиб ухламоқда. Шижасининг бир чети синган чироқ тебранган қизил тусли шуъла сочмоқда.

Эшикни секин тақиллатдилар.

Лўли хотин бирдан сесканди, қалтираган бармоқлари билан чироқ пилигини пасайтирди. Кейин эшикка қараб хириллаган овоз билан:

— Ким у? — деб қичқирди. Эшикни кимдир тирнагандай бўлди; аммо овоз эшитилмади. Лўли хотин Жаваирега ғамгин қараб, зўраки жилмайди.

— Қўрқишга ҳожат йўқ. Қўшниларимиздан бири бўлса керак.

У эшикка яқинлашди, бир оз сукут сақлаб турди, кейин чаққонлик билан қалитни буради.

— Мени кечиринг... — Қундузи эгарни иккинчи қаватга олиб чиқишга ёрдам берган лейтенант, секин бўсагадан ичкари одимлади. — Қўрқманг, мен фақат бир дақиқага келдим. — Ичкари кириши билан атрофга кўз ташлади, бегона одам йўқлигини англагач, эшикни ёпди ва орқаси билан унга суянди.

— Худо хайрингизни берсин, бақирманглар. Ўкириб йиғламанглар. Мен сизларга айтишим керакки... айтишим ва огоҳлантиришим лозимки... Сиз хотинларнинг, хусусан болали аёлларнинг аҳволи мушкул бўлар, оғир... Умуман, шундай. Эрталаб сизларни бу ердан кўчиришади...

Бу сўзларни айтгач, лейтенант жим бўлди, ҳозир хотинлар эсдан кетиб йиқилишади, деб қўрқди, уларга тикилди. Лекин бундай бўлмади. Лўли хотин чорасиз ҳолда қўлларини осилтириб турар ва унга ҳеч бир маъно англамаган анқов назар билан тикилган эди. Жаваиренинг кўзлари кенгайиб қотиб қолдилар. Унинг юзида пилиги паст чироқ шуълалари ўйнамоқда.

— Ейдиган озиқ-овқатларингизни ва қимматли нарсаларингизни йиғиштиринглар. Ҳамма нарсани шошилмасдан пухта боғлангиз. Эрталаб бунга имкон бўлмайди. Йиғиштириш учун жуда оз муддат берилади.

— Қаерга кўчиришади? — деб сўради лўли хотин хириллаган овоз билан. — Фақат лўлиларни кўчиришадими?

— Йўқ. Бутун қримтатарларни. Лўлиларни ҳам. Албатта тирик қолганларни...

— Нега? Қаёққа? Нега ҳаммани?

Лейтенант елкаларини қисди.

— Мен ҳеч нарса билмайман, фақат бир нарсани — сизни кўчиришларини билман. Ваҳима қилмай, энг зарур нарсаларингизни йиғиштиринглар ва ҳеч кимга бир сўз айтманглар, сизлардан жуда илтимос қиламан. Ҳеч кимга оғиз очмангиз...

У орқасига бурилди, эшик дастасини ушлади.

— Мен кетишим керак, — деб тўнғиллаб қўшимча қилди, — навбатчиликка.

Лейтенант ўз аскарлари билан шаҳар ташқарисига чиқиши ва уни қамалга элиб туришда қатнашиши керак эди. Бу ёш кишига, жангчига, урушнинг барча зобларини бошидан кечиришга улгурган ва кўп марта ўлимнинг кўзига тик

караган, фавкулудда НКВД армиясига келиб қўшилган одамга бу операция жуда дахшатли ҳодиса, тушунилмаган ва қандайдир мантиқсиз бўлиб кўринди. Ўз халқига қарши курашишга у ҳали ўрганмаган эди.

— Алвидо!.. — у кескин бурилиб хонадан чиққач, эшикни секин ёпди.

Чироқнинг фишиллаши кучайди. У ҳавони ўзига оҳанрабодай тортарди. Шошиб қолган хотинлар сукут ичида эдилар: лўли хотин ҳамон манглайини ишқалар, гўё, кўзларига тўзғиб тушган сочларини тортмоқчи бўлар эди. Сўнгра бирдан сесканди ва хона ичида чопқиллай бошлади.

— Қимматли нарсаларингни олингиз... Кел, қидирайлик, балки бирор матоҳ топармиз? Худо нима бермабди? Қимматли нарса? — У деразанинг ёнига борди, кичкина кўзгуни қўлига олиб, полга улоқтирди.

— Бу, менинг энг қимматли нарсам эди. Ҳа, озиқ-овқатни ҳам унутмайлик. Кўпроқ озуқа олайлик! — Лўли хотин столдаги нон увоқларини эҳтиёткорлик билан йиғди ва ҳовучига олди.

— Энди, дўстгинам, сен билан мен гойиб бўлмасмиз. Тўппа-тўғри оқ айиқлар маконига бориб қолсаг-а. Эҳ, сени!..

У ақлдан озган одамдай овозини баланд кўтариб кулди ва «Ҳайтарма» раксидан бир неча навога кескин ҳаракат қилди.

Жаваире челақдан бир машраба сув олиб, унинг ёнига келди.

— Тинчлан, — деди қатъийлик билан. — Худо хоҳласа, ўлмасмиз. Жамоат билан бирга ўлим кўрқинчли эмас. Лекин биз ўлмаймиз. Ўтир, илтимос қиламан.

— Танишларимга югурай, улар ҳам нарсаларини йиғиштирсинлар. Уларнинг ҳам ёш болалари бор. Чол-кампирлари, касаллари бор.

— Тўхта, югурма, — Жаваире унинг қўлидан ушлаб тўхтатди. — Шошилма. Ма, манави гугуртни ол, ташқарида зулмат, қоронғи. Керак бўлса, ёқарсан. Қара, бирор нарса бўлгудай бўлса, лейтенант тўғрисида оғиз очма.

— Майли, эмчакларимнинг қолганини ҳам кесиб олсинлар. Қўлларимни ҳам қайирсинлар, лейтенант ҳақида — мана уларга! — Лўли хотин орқасига шапилла-тиб урди-да, хонадан чиқди, бўсағада кичқирди: — Мен тез қайтаман, сен ётиб дамингни ол.

Жаваире тонггача кўз юммади. Бошига келган минг хил фикрлар юрагини сиқди: балки лўли хотин умидсизлик билан ўзига бир нарса қилгандир? Балки, яширин қочиб кетмоқчи бўлгандир? Балки, Худо сақласин, йўлда қандайдир ёмон одамларга учрагандир?

У кеча эрталаб ўзи ва ўғлининг тақдири қандай бўлишини ўйламаган эди. Соат қапгирининг ҳар бир силжиши билан, бу хона эшигига тобора яқин келаётган тақдир унга нима ҳозирламоқда?..

Жаваире бутун халқнинг бирданига кўчирилишига ишонмас эди. Шундай қилишса яриморол бутунлай бўшаб қолади-ку? Бу ерга кимларни олиб келишар экан? Қрим-татарларни нима қилишади? Уруш бу ерлардан ҳали узоқлашгани йўқ ва қандайдир ҳарбий машқлар учун баъзи жойларни вақтинчалик бўшатмоқ зарурдир?

Тонг оқара бошлади. Лўли хотиндан дарак бўлмади. Жаваире унинг исмини сўраш ақлига келмаганини эслади. Кўзлари совуқ мунчоқ-мунчоқ ёшга тўлди. «Мен аҳмоқ, мен телба...»

Уй олдига машина келиб тўхтади. Унинг фонарлари ёруғи деразадан суқилиб ичкарига кирди. «Ҳаммаси тамом бўлди?» — деган фикр хаёлидан ўтди. Ўғли ёнига борди. Пешонасига қўлини қўйиб кўрди: иссиқ. Юраги орқага тортиб, тез-тез ура бошлади. «Ўғилгинам касал!» — деган кўрқинчли фикр вужудини қоплади.

Ўғлини кийинтирди. Йўлақда оёқ товушлари эшитилди, эшик тақиллади.

— Очиқ, киринглар, — деди у ҳадикли овоз билан. Эшик томонга қарамай, бир қўлига ўғлини, иккинчисига эгарни олди.

— Мен тайёрман, — деб эшик томонга қаради. Кирган йирик гавдали, юзи чечак касалидан гудирлашган аскар эди. Унинг мовий кўзлари нурсиз сариқ қошлари остидан унга боқдилар, киприклари эса кўринмасди.

— Мен тайёрман, — деб такрорлади Жаваире. Унинг юзи сокин, кўзлари қатъий боқар, уларда шошилиш аломатлари сезилмас на оғир синов олдидан одамни камситувчи кўркув йўқ эди.

Аскар ноқулай аҳволда қолди, ҳозир кераксиз автоматига нафрат билан қаради, сўнгра уни эҳтиётлик билан бурчакка суяб қўйди.

— Бу ерда чекиш мумкинми? — деб сўради, ҳовучини оғзига яқинлаштириб йўталаркан.

— Чекаверинг...

Аскар чўнтагидан тамаки халтачасини чиқарди, кўзлари билан ўтиришга жой излади. Курсига чўккач, Жаваирега имо қилди.

— Ўтиринг. Шошилишга ҳожат йўқ. Ҳали вақт бор. Аслида ҳозирланишга икки соат муҳлат берилади.

Жаваире эгарни ерга қўйди, ўглини кўтарганча каравот четига ўтирди. Аскар тамаки ўради, бошини қуйи эгиб, чека бошлади. Йўлақда одамлар югуришар, бири-бирини чақирар, буйруқ овозлари эшитиларди. Улар эса ўз хаёлларига берилиб индамай ўтиришарди.

Бола ўйғонди, мунгли ва аянчли овоз чиқариб, секин йиғлади. Жаваире ўрнидан туриб, уни тебратди. Лекин бола тинчимади.

— Бола балки тамаки ҳидидан йиғлаётгандир?

— Йўқ, унинг иситмаси баланд. Ҳижолат бўлманг, чекаверинг...

Аскар чуқур нафас олди, кўзлари билан тамаки қолдигини ташлашга жой кидирди, сўнгра уни полга улоқтириб, ғазаб-ла этиги билан эзди. Яна курсига ўтирди-да, қўлларини тиззалари устига қўйди, узун ва кераксиз қўллар титрамокда эди. Улар яна тамаки халтасини чўнтақдан тортиб чиқардилар.

— Ҳамма нарсангизни йиғдингизми? — деб сўради аскар заиф овоз билан. Жаваире бошини силкиди.

— Егулик ҳам олдингизми? — У хотин бир бўғчадан бошқа ҳеч нарса олмаганини кўрди. Бўғчасида ҳам озиқ-овқат бўлмаса керак, аксига ерга қўймас эди.

Жаваире елкаларини қисди. Аскар ўрнидан турди ва оёқ учларида юриб хонадан чиқди. Ярим соатча ўтгач, қайтиб келди. Қўлида кичкина халта: нима биландир тўла. Аскар енгги билан манглай терини сидирди-да, кулимсиради:

— Мана, бир оз нарса топдим. — Овозидан самимийлик оҳанглари сезилди. — Инсон ва тегирмон қариндош. Тегирмон сувсиз, инсон эса нонсиз яшай олмайди.

У тиззалаб, халтадан тўрт буханка нон ва каттагина уч қоғоз ўрами чиқарди.

— Бу нима? — аскар чўзилиб Жаваиренинг бўғчасини олди. — Сенинг бу нарсангни такка қўямиз, устига эса егуликларни жойлаштирамиз. Шундай қилсак маъқул.

Шундай дедию ҳайрон бўлди.

— Бу қандай ёғоч нарса?

— Эгар.

— Эгар? Қандай эгар?

— Оддий эгар.

— Қўйсанг-чи, бу сенга нимага керак? Қандайдир эгар ўрнига кўпроқ емак олмоқ лозим.

— Йўқ! Йўқ! — деб бақирди Жаваире ва унинг қўлидан эгарни тортиб олди. — Мен уни ташламайман.

— Менга қара, жой оз, боланг ҳам бор. Уни кўтариб юриш оғирлик қилади. Сенга шу эгардан нима фойда? Яхшиси, кўпроқ егулик ол. Егулик.

— Йўқ, мен эгарни ташлай олмайман.

— Шундай экан, бу халтага ҳамма нон сигмайди.

— Сигмаса, сигмасин. Эгарни эса... эгарни мен ташлай олмайман...

Аскар қанчалик таажжубланмасин, даъволашиб ўтирмади. «Оиласига содиқ аёл экан», деб тушунди. Лекин бу кераксиз нарсани ўзи билан олиб кетишда қандай маъно бор? Ҳозир унинг бир чақалик қиммати йўқ. Эҳ, хотин ақли бошқа олам!.. Эгарни халта ичига бир илож қилиб жойлаштиргач, устидан нонларни қўйди.

— Ун ва кўрпани қолдиришга тўғри келади, — деб тўнғиллади аскар, бунга Жаваиредан зиёд ачиниб. Жаваирега эса бу гаплар қаердадир узоқ-узоқларда бўлиб ўтаётгандек туюлди. У тушида юргандай хонани тарк этди, машина кузовига чиқди. Анави халтани унинг оёқлари олдига қўйдилар. Ўгли ҳамон йиғларди, у эса тўхтамай мингилларди:

— Қаеринг оғрийди, жонгинам? Қуёшим менинг... ухла, тинчлан.

Машиналар вагонлар ёнига келар, орқаси билан улар эшигига яқинлаб тўхтарди. Одамлар машиналардан тўппа-тўғри мол ташиш учун ясалган, ҳозир одам-

лар учун мослаштирилган вагонларга кирардилар. Жаваире эса ҳамон йиғлаётган ўғлига шивирларди:

— Қаеринг оғрийди, болагинам? Йиғлама, ухла...

Поезд жойидан кўзгалди, кейин қоронғи ичида силкиниб олдинга интилди. Жаваире учун дунёда фақат касал боласи ва доимо тутуруқсиз қоронғилик бор эди...

Йўқ, атроф қоронғи деб ким айтди? У қандайдир вагонда кетмоқда ва унинг ўғли касал деб ким айтди? Йўқ, ундай эмас, бу яйловни у жуда яхши билади. Улар Байбуган яйловидалар, бир замонлар улар бу ерда Экрем билан эчки боқар эдилар. Бир сафар шувуллаб ёлган баҳор ёмғири тагида қолганда, афсонавий жониворнинг бошига ўхшаш улкан қоя остида жон сақлаган эдилар. Осмонда момақалдироқ гулдирар, сутдай оқ яшинлар чақнар, томчилар шиддат билан ерга урилар, жиққа ҳўл бўлган улоқлар дикирлаб сакрашар, эчкилар эса галати овоз билан маърашар эди: «Ма-а-а!» дейишиб, улар гўё бировлар устидан масхара қилиб кулишарди.

«Болани бер, — дейди Экрем ва ўғилчасини қўлига олади. — Ухламоқда, ҳозир уни ҳам қоя тагига қўйиш мумкин. Мен сени жуда соғиндим».

«Мен ҳам, — деб жавоб берарди Жаваире: Экремнинг ҳаддан ташқари қўпол ва ҳирсли қўллари унинг ёнбошларида, қорни ва кўкракларида силжиб юрарди. Унга ўнғайсиз ва уят эди. Экрем эса унинг қовоқларига тегиб пичирлайди: «Сен ухлаяпсан, ҳолбуки соғиндим, деган эдинг. Сенинг кўзларинг юмилган. Сен ухлаяпсан. Сен мени севмайсан!»

«Йўқ, — деб жавоб қилар Жаваире. У Экремни хафа қилишдан қўрқади. Уни сабрсизлик билан урган эди-да! — Йўқ, мен ухлаётганим йўқ. Ёнимизда ариқ-ариқ бўлиб оқаётган ёмғир сувларини кўрмоқдаман, кўк гулдурашини эшитмоқдаман, яшин яшнаганини сезмоқдаман, эчкиларнинг ўт чайнашларини тасаввур этмоқдаман...»

«Жим, жим бўл!» — дер Экрем ва унинг қўллари янада пастга силжий бошлар. Бу қўллар шундай қўпол ва оғир... демак, жангда унга осон бўлмаган.

— Жим, жим бўл!

Экремнинг оғзи тиканли, бу тиканлар унинг дудоқларига санчилмоқдалар. Жаваирега ҳаво етишмайди. Экрем эса қатъий титраган овоз билан ҳамон пичирлайди:

— Жим... Одамлар эшитишади! Жим!

Қандай одамлар! Атрофда ҳеч ким йўқ-ку... Эчкилар қаерда? Ёмғир қаерда? Қоронғи. Жимлик, гўё, кимдир уни бўғмоқда, гўё, кимдир устидан босиб турибди...

У бирдан, кимнингдир оғир нафаси орасидан ғилдираклар тақиллашини аниқ эшитди. Уни сўрига босган оғир гавдани ҳис этди. Уни даҳшатли кўрқув босди. У талвасаланар, бегона, разил, жирканч, беҳаё гавдани кўтариб отмоқ, қичқирмоқ истарди, аммо унинг оғзини бекитдилар. Бор кучи билан гавдани дўппослар, тишлар... Сўнги кучини тўплаб қичқирар, ёрдамга чақирар... Ёнидан уйқули овозлар эшитилар. У яна шу гавдани қўллари билан дўппослар, тирнар, кейин кимнингдир оғир ботинкаси билан урар. Кимлар гугурт чақди. Анави озор берувчининг елкасидан олар, унинг устидан тортиб, итариб юборар. Улар пастга юмалайдилар. Ерда, йўлақда олишув давом этар.

— Менинг ўғлим? Ўғилчам! — деб қичқирар Жаваире. Лекин ўғлини унга беришмас. Аёл эсдан кетар. Бир неча аёл унинг боши узра уймалашар.

Поезд тўхтар.

— Ҳеч ким чиқмасин! — деб қичқиради пастдан қаттиқ овоз. Хавфли ҳуштак овозлари, буферларнинг шитирлашлари.

Вагон сукут ичида. Ерда деворга суяниб анави гавда ўтирар. Бирдан қаҳр-ғазаб билан қаҳқаҳа эшитилар:

— — Чиқинглар, нега қараб турибсиз? Чиқинглар, челақни ҳам олиб чиқинглар! Бизни отиб ўлдирмадилар, аяшди. Ажимушқай тош ғорлари бизга мос эмас — уларни немислар тўлдирдилар! Йўқ, бизникилар меҳрибонроқ! Бу вагонларни эрта бизнинг чиройли мурдаларимиздан бўшатадилар! Қани, челақни бўшатиңг! Эй, уришқоқ зот, челақларни олиб пастга туш! Ҳа, энди умуман кераги ҳам йўқ, барибир тезда ҳаммамиз гўнга айланамиз. Бир ерларимизни ўргимчак уяси қоплайди ва челақлар ҳам бўшайди...

Вагон жимжит. Тепада, фақат ор-номуси поймол бўлган Жаваире тўхтовсиз кўз ёшлари ичида қийналар. Қаерлардадир узоқларда, қоронғилик ичида одамлар югуришар. Анави беномус эса ҳамон қарганар, лаънатлар, сўкинар.

Хуштак чалинар, поезд жўнаши эълон қилинади. Паровоз гудок бериб, эшелонни орқасидан судрайди.

Бирдан, ҳалигидай, кекса овоз эшитилади:

— Менга йўл бергин, қизим... Сурил, ўтай.

— Амаки, қўйинг. У ақлдан озибди.

— Йўқ! Сурил! Шундай беҳаёни ўстирган отанинг юзини кўрмасинлар, деб, яширинмоқчи бўлган эдим. Энди, майли, барча кўрсин, мен етмиш ёшдаман... Кўрсинлар, ундан воз кечаман...

Чол оғир-оғир нафас олиб, пастга тушди.

— Чиқ жойингга! — тушунилмас минғирлаш эшитилди.

— Кет! Кет!

— Ота!

— Мен кимга айтдим? Кет бу ердан.

— Сиз биласиз-ку, ахир? Мен қаерга борай?

— Даф бўл!

— Менга тегманг! Ота, менинг кучим сизга етади, тегманг. Мени гуноҳга ботирманг...

— Ақлсиз куч сенда етарли. Сен буни намойиш қилдинг. Аммо сенинг додингни берадиганлар ҳам топилади. Даф бўл, мен оқ қилдим... Омин...

— Охир, улар мени отиб ташлайдилар.

— Шундай қилсалар, тўғри бўлар эди. Кет!

— Кетмайман. Ке-то-олмайман.

— Одамлар олдида мен сен учун жавобгарман. Ва мен буни қилишим керак. Сени барибир кетасан. Кетмасанг барибир, сенга одамлар орасида жой йўқ. Кетмасанг, ўзимиз кўтариб отармиз. Бу янада даҳшатли. Яхшиси ўзинг кет.

Поезд аста-секин йўлга тушди. Сукут ичида, қоронғида гўё қисилиб турган бекат ёнидан тақиллаб ўтиб кетди.

— Даф бўл, мен кутаяпман.

— Йўқ! Йў-қ-қ!..

— Мен кутмоқдаман!

Эшик олдида катта соя пайдо бўлди, кейин орқасига қараб қайрилди:

— Улар мени ўлдирешади.

— Кет! — Чол товуши қатъий, ҳеч қандай эътирозни эшитгиси келмасди. — Кет! Говда гурсиллаб ерга йиқилди.

— Мени кечиринг, ота!.. Одамлар, мени кечиринглар!

Вагон жимжит.

— Ўғлим, кет. Халқнинг қора кунда унинг қора қузғунлари керак эмас. Кет!

Сен оғир, кечириб бўлмайдиган гуноҳ қилдинг. Сен бизнинг ғанимларимизга қўл тутдинг. Улардан ҳам баттар иш қилдинг. Ҳатто зобит, соқчи аскар ҳам бизни аяб, эшикни очиқ қолдирди. Сен-чи? Бор, йўқол!

Ўқириб йиғлаган овоз чол товушини бостирадди, қора соя эшикка томон силжир, секин қалтираб, оёқ устида турарди.

— Кет!..

Йўл баланд бўлгани учун поезд секин юрарди: соя бир неча дақиқа эшик олдида кўринди, сўнгра бирдан ғойиб бўлди. Бу сонияда вагонлар танбурларига ўрнатилган прожекторлар париллаб ёнади, узун, давомли автомат ўқлари қоронғиликни кесадилар. Ўқ овозлари устида узун қичқириқ айланар:

— А!.. А-а-а!

Кейин яна атрофни сукунат босар. Ўзининг ошиққанини, кечикишини билдиргандай, паровоз чўзиб гудок берар ва пишқириб тезлигини оширар.

Вагоннинг очиқ эшигидан ел кирар, паст осмоннинг бир парчаси ичкари мўралар...

Поезд бор кучи билан олдинга интилар, у баҳор кунларида мамлакат темир йўллари бўйлаб судралиб бораётган минглаб поездларнинг бири эди...



560 €

НАВОИЙ ВА БОБУР

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларида Хуросон ва Мовароуннахрда маданият ва маърифат ниҳоятда гуллаб-яшнаган эди. Бу давр ҳаёти ва адабий муҳити Бобурнинг «Бобурнома» асарида ўзининг муайян ифодасини топган. «Бобурнома» Навоийнинг насрий асарларидан сўнг, туркий тилдаги нодир бадий, илмий наср намунасидир. Бобур ўзининг бу асарида XV асрнинг иккинчи ярмидаги адабий муҳитга алоҳида тўхталиб, ўша даврда яшаб, ижод этган адиблар фаолиятига муносабат билдиради.

Хусусан, Навоийга муносабати масаласи, Бобур фаолияти ва ижодининг муҳим қирраларидан бири десак, хато қилмаган бўламиз. Ушбу масала замирида Бобур дунёқарашининг ҳамма томонлари, ҳатто ундаги айрим зиддиятлар ҳам яққол кўзга ташланади. Бобур Навоийни, аввало, ўз давридаги энг йирик шахс, барча замондошлари томонидан тан олинган, ҳатто ҳукмдорларга ҳам ўз сўзини ўтказа оладиган донишманд сифатида ҳурмат қилади. Улуғ шоирга нисбатан бундай катта эътиқод Бобур умрининг охирига қадар сақланган.

Навоийнинг шоирлик фаолиятдан, унинг халқ ва мамлакат учун қилган улуғвор ишларидан Бобур ёшлигиданоқ яхши хабардор бўлган. «Бобурнома»да Навоийнинг ҳар томонлама етук инсон бўлганлигини таъкидлайди. Унинг адабиёт, фан, санъат, давлат ишлари билан шуғулланувчи кишиларга устозлик қилганлигини, Навоийнинг ёрдамида кўплаб машҳур кишилар вояга етганини айтади.

Бобур Самарқандни иккинчи маротаба эгаллаганда, Навоийдан хат олади. Бу ҳақда «Бобурнома»да шундай ёзади: «Бу иккинчи навбат Самарқандни олғонда, Алишербек тирик эди». (Бобур. «Бобурнома». Тошкент. 1960 йил. 142-бет.).

Бобур Навоий ҳақида «Бобурнома»да шундай жумлани келтиради: «Алишербек назир ийўқ киши эди». (Ўша асар, 233-бет). Бу жумладан англашилиб турибдики, Навоий ўз замонасининг тенги йўқ одами бўлган. У ҳамма вақт халқ дарди, ғами билан яшаган. Ўзи айтганидек:

*Оғамий эрсанг гемагил оғами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.*

Яна «Бобурнома»да шундай фикр келтирилганки, бу эътироф орқали биз Навоийнинг салоҳияти, истеъдодини тўла ҳис этамиз: «Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас». (Ўша асар, 233-бет).

Бобур шеърлятида ҳам Навоий анъаналарини давом эттирган, бойитган.
Навоий:

*Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим,
Жон баса қилдим фиго, оромижоне топмадим. —*

деб, дилига қувват бергувчи киши топмаганлигини ёза,

Бобур:

*Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳраму асрор топмадим. —*

деган йўсинда Навоий оҳангларида давом эттириб, ўз жонидан ва кўнглудан бошқа ўзига ҳамдам топмаганлигини баён этади.

Ҳар икки ғазал муқоясасидан кўришиб турибдики, иккаласига ҳам «жон» образи асос қилиб олинган бўлса-да, лекин бошқа-бошқа мазмун ифодаланган.

Навоий қуйидаги ғазални ишқий мавзуда ёзади:

*Тушта кўрдум ёрни хандон рақибин ўтруга,
Рашқдин ҳар лаҳза тиш қирчиллатурмен уйқуга...*

Байтда ёрни тушумда рақибим қаршисида ўтирганини кўрдум ва рашқдин уйқумда тишларимни қирчиллатдим, деган маъно ифода этилади.

Бобурнинг шу мавзуда ёзилган мазкур ғазалида Навоий ғазалидаги оҳанг давом этса-да, маъно бошқа йўсинда келади:

*Ўлум уйқусига бориб жаҳондин бўлдум осуга,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуга...*

Бунда ўлим уйқусига кетиб, жаҳон ташвишларидан тинчландим, мени кўришни истасангиз дўстларим уйқуда кўрасиз деб, уйқуни ўлимга менгзалади.

Навоий ғазалини:

*Чун Навоий ёр сори ёзланур, қайғу қолур,
Соя қолғондек кейин, хуришд бўлғоч ўтруга. —*

деб тутатади. Ва эй Навоий ёрга қараганинда юзингда қайғу қолади, гўёки қуёш чиққанда соя пайдо бўлганидек дейди.

Бобурнинг:

*Улусдин тинмадим умримга ҳаргиз лаҳзаи, Бобур,
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлмаймен осуга. —*

дейишидан, халқ ғамида бир лаҳза ҳам тинчимадим, фақат ўлсамгина бу олам ташвишларидан озод бўламан деган маъно англашилади.

Бундан аёнки, демак, Бобурнинг Навоий ижодига муносабати фақат «Бобурнома»дагина ўз ифодасини топиб қолмасдан, балки унинг ғазалиётида ҳам муҳим ўринга эга. Бобур Навоий анъаналарини давомчиси сифатида шеърятнинг янги-янги мавзуларини очиб берган.

Нилуфар Муҳаммадиева


Азиз адабиёт дўстлари!

Ҳар қандай шароитда, кўп бўлмаса-да бизнинг журналимизнинг доимий ўз мухлислари, куюнчак-Фидойи уқувчилари бор, деб уйлаймиз. Журнал иши, фаолияти Сизнинг эътиборингиз, меҳрингиз билангина яхшилланиб боради. 2001 йил учун журналга обуна давом этипти.

Индекс — 911.

Йиллик обуна баҳоси — 8000 сўм.

«Шарқ юлдузи»га обуна бўлишни унутманг.



Зокир Худойшукур

«ҲУРИ ҲАҚДУИ ҚИММЕ МОИСАМ КЕРАК...»

Машраб сўфийлик ҳирқасини нақшбандия пирларидан бўлган Офоқ Хожанинг қўлидан кияди. Ҳаётининг катта қисмини эса, қаландарлик билан ўтказган. Шоир ўз вақтида қаландария орқали маломатия маслағига ҳам мансуб бўлган. Шунингдек, унинг девонидаги ғазалларнинг кўпчилиги Мансур Ҳаллож таълимотининг ғоялари билан суғорилганини кўрамиз. Демак, Мансур Ҳаллож таълимотига ҳам мансуб ёки унинг ғояларини жиддий ўзлаштириб, ўз қарашларини шакллантирган, ривожлантирган.

Машрабнинг Мансур Ҳаллож қарашларига нечоғлик яқин эканлигини билиш учун, дастлаб Мансур Ҳаллож таълимотининг моҳияти билан яқиндан танишиб чиқиш зарур. Мазкур таълимот адабиётшуносларимиз томонидан етарли даражада ўрганилган, моҳияти очиб берилган.

Турк олими Иброҳим Чубукчу «Ҳаллож» номли мақоласида шундай ёзади: «Мансур Ҳаллож ибодат ва риёзат билан Тангрига яқинлашишни истайди. Баъзан илоҳий файзга таянмаган тошқин ва англашилмас ифодалар қўлланилади. Бу ифодаларнинг баъзиларини диний доғмалар билан мувофиқлаштириш мумкин бўлмай қолади».

Мутаассиб дин вакиллари билан Мансур Ҳалложнинг чиқиша олмаганлигининг ўзига хос сабаблари бор. Ишқ йўлидаги солиқларнинг турли хил йўллардан бориб, ўзига хос услубларни қўллаганлари билан танишиб чиққанамиздан сўнг, мазкур «келиша олмаслик»нинг сабаби аён бўлади. Бу ҳақда адабиётшунос олим Нажмиддин Комилов «Тасаввуф» китобида шундай фикрларни билдирган: «Ишқ солиқни фанога ва ундан кейин бақога олиб боради. Аммо, бунда икки хил йўл, тўғриси — икки хил майл бор: бири — ҳаяжонли, сершовқин, руҳий кечинмаларни ғалаёнлар ичра изҳор этиб бориш майли бўлса, иккинчиси — осойишта, тамкинли, чуқур дарёнинг тубига ўхшаган ҳайбатли, вазмин, ички дарди қудратини яшириш майлидир. Биринчи майлнинг йирик намоёндалари Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Абусаид Абулхайр, Фаридиддин Агтор, Жалолиддин Румий, Шамс Табризий, Бобораҳим Машраб».

Ошиқлардаги бу ҳолат тасаввуф илмида «сукра», яъни мастлик атамаси билан аталган. Бобораҳим Машраб ҳам ана шу «мастлик» йўлидан борган. Шунинг учун унинг ғазалларида мансурона майл яққол сезилади.

*Этти, дарёга қўшилди оби чашми ҳимматим,
Неча Мажнунга сабоқ берди дилимда ҳайратим.*

Байтда ошиқ қалбидаги ғалаба сурурининг тантанаси намоён бўлади. Ошиқ ҳимматли, яъни у ёр васлига етишиш учун садоқатни маҳкам тутган. Садоқат меваси — чашма сувининг дарёга қўшилишидир. Чашма суви қиёсий тимсол. Чашма ўз табиатига кўра дарёнинг хусусиятига эга. Фақат чашма дарё хусусиятини ўзида кичикроқ кўринишда акс эттирган. Чашманинг мақсади дарёга қўшилиш ва унга сингиб кетишдан иборатдир. Чашма — ошиқ қалбидаги илоҳий жавохир, яъни, руҳ. Дарё — Оллоҳ, маъшуқа, яъни, яккалик. Ўзлигини кашф этган ёки яккаликка тегишли эканлигини англаган руҳ доимий яккаликка интилиб яшайди. Бу — узлуксиз жараён.

Чашма суви, яъни, ошиқ ишқ йўлини садоқат билан босиб ўтиб, дарёга — яккаликка, Худога қўшилади. Айни шу пайтда, у жунунликнинг — «мастлик»нинг энг

юксак босқичига кўтарилди. Шу боис, неча-неча Мажнунлар ёки жунун даштидаги ошиқлар унинг ҳайратидан сабоқ олади. Бу билан шоир ўзининг ишқ жунунларидан — неча Мажнунлардан ўзиб кетганлигини, улардан юқорироқ мақомга эришганлигини ифодалаган.

Байт мазмуни: «Ҳимматим чашмаси суви дарёга етди, қўшилди — кўнгилдаги илоҳий нур ишқ йўлидаги садоқатим туфайли висолга етди, яъни, Оллоҳнинг маърифат дарёсига қўшилди. Шунинг учун ҳам мен неча Мажнунга — жунун даштидагиларга ҳайратдан сабоқ беряпман. Чунки, ҳали улар мен етган босқичга етгани йўқ».

*Домонимдан тортиб, дунёни кўрунғ дунни дағал,
Варна аршининг устида эрди камоли миннатим.*

Ошиқлар учун дунё ва унга боғлаб турувчи барча жиҳатлар душман ҳисобланади. Шунинг учун шоир уни «дунни дағал» — пасткаш, фирибгар деб атайди. Чунки, у кишининг домонидан — этагидан тортиб, фириб билан ўз муҳаббатини қозонтироқчи бўлади. «Варна» — агар шулар бўлмаганда эди «камоли миннатим» «аршининг устида» бўлар эди, демоқчи. Шу ўринда мисрадаги баъзи изоҳ талаб нуқталарни ойдинлаштириб олишимиз шарт. «Аршининг усти» — аршдан ҳам юқори. А. Насафийнинг «Зубдатул ҳақойиқ» асаридан биламизки, арш ибтидода Ҳотам пайғамбарга, яъни, Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассалламга берилган мақом. Аршининг юқориси эса, Оллоҳнинг шахсига тегишли мулк, яъни, Оллоҳнинг ўзи.

Байт мазмуни: «Дунёни кўринг, у пасткаш фирибгардир. Агар у домонимдан тортиб, турли хил фириблар билан алдамаганда эди, камоли миннатим аршининг устида бўлар эди, яъни Оллоҳнинг мулкигача камолатга эришардим, унга қўшилардим».

*Хуни фарқ бирла адо қилдим, баса Мансурман,
Оҳи сардим бўлди савмим, ҳам фиғоним тоатим.*

Мансур Ҳаллож Машрабнинг идеали. Мансур Ҳаллож даражасига етишиш шоир учун Оллоҳга етишиш билан баробар. У Мансур Ҳаллож даражасига етишишни хуни фарқ бирла адо этган. «Хуни фарқ»га, яъни, қонга фарқ бўлишга балоғатга етган садоқат маъноси берилган. Шу садоқати туфайли ошиқ Мансур Ҳалложга етишган — руҳи Оллоҳнинг руҳоният оламига, яъни, нур оламига бориб қўшилган. Шунинг учун унинг оҳи сарди-совуқ оҳи, савми — рўзаси, фиғони эса тоат-ибодати бўлган. Аммо, буни рўза ва тоат-ибодатни тўғридан-тўғри тарқ этиш, деб тушунмаслик керак. Кўриб ўтдикки, ошиқ Мансур Ҳаллож мақомига эришган, шу орқали руҳи Оллоҳнинг нур дарёсига қўшилган. Шу ўринда айтиш керакки, рўза ва турли хилдаги тоат-ибодатлардан мақсад кишининг руҳини камол топтиришдан иборатдир. Байт қаҳрамонининг руҳи эса камолатга эришиб бўлган. Унинг руҳи учун тоат-ибодатлар босиб ўтилган йўл. Ошиқ шоир шу маънода рўза ва бошқа тоат-ибодатларни рад этаётган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, унинг совуқ оҳ тортиб, фиғон чекаётганлигини мажзуб ошиқлардаги жазба ҳолати билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шу ҳолатда ошиқ ишқ гулғуласига тушадики, бошқа нарсалар, шунингдек, рўзаю тоат-ибодатлар унинг хаёлидан мутлақо чиқиб кетган.

Байт мазмуни: «Мансур даражасига етишишни хуни фарқ бирла адо этдим — балоғатга етган садоқатим кўмагида амалга оширдим. Шу орқали оҳи-сардим — совуқ оҳим, савмим — рўзам, фиғоним эса тоатим бўлди — совуқ оҳ тортиб, фиғон чекаётганимда — қучли ишқ гулғуласига тушганимда рўза ва тоат-ибодатлар хотирамдан кўтарилди».

*Гарчи зоҳир хушк хоку бибизоатман букун,
Мусову Исони давронига бордур нисбатим.*

Байтдаги «хушк» — қуруқ, «бибизоат» — камбағал, мол-мулксиз маъносида келган. Демак, шоир: «Гарчи зоҳиран қаралганда қуруқ тупроғу камбағалман», деган фикрни биринчи мисрага сингдирган. Унинг зоҳири шундай. Аммо, ботини бутунлай бошқа. Унинг нисбати Мусо ва Исо пайғамбарларнинг давронича бор. Байтдаги «даврон» сўзи Мусо ва Исо пайғамбарларнинг яшаган замонига нисбатан ишлатилмаган. Аксинча, уларнинг руҳий камолоти — даражаси эътиборга олинган. Шоир ўзининг ҳам улар даражасига етганлигини айтганки, буни тасаввуф фалсафаси кўмагида тушуниш қийин эмас.

Байт мазмуни: «Гарчи зоҳирим хушк — қуруқ тупроғу бибизоат — камбағал бўлгани билан, ботиним соғ-саломат, яъни, руҳим юксак мақомга кўтарилган. Шу боис, унга Мусо ва Исонинг давронига — руҳий камолот даражасига нисбат берса бўлади».

*Эй сафобахш, нафси фиръавнимга бир шамшир ур,
Токи ҳамроҳи Мусо бўлсун мени бу ҳислатим.*

Байтдаги «сафобахш» — сафо бахш этувчи, яъни, Тангри таоло. Агар Тангри таоло истаса кишини ўз йўлига солиши ҳам, тўғри йўлдан адаштириши ҳам мумкин. Шунинг учун қаҳрамон «нафси фиръавнимга», яъни, шоҳ нафсимга шамшир уриб, уни ўлдириб, қалбимга сафо-илоҳий маърифатингдан бер, дея Тангридан сўрапти. Иккинчи мисрага эса «токи бу ҳислатим Мусонинг ҳамроҳи бўлсин, яъни, мен ҳам Мусода мавжуд бўлган ҳислатларга эришайин, шунгача шамширингни уравер — илоҳий маърифатингдан беравер», деган фикрни сингдирган.

Байт мазмуни: «Эй сафобахш — эй Тангрим, нафси фиръавнимга — шоҳ нафсимга бир шамшир ур — нафсимни ўлдириб, менга илоҳий маърифатингдан бер. Токи, бу ҳислатим Мусонинг ҳамроҳи бўлсин, яъни, мен ҳам Мусодаги ҳислатларга эришайин».

*Умр азал дорул бақо дайри фанода турғали,
Лоладек бир соати йўқдир менинг ҳеч фурсатим.*

Байтда дастлаб руҳнинг ибтидоси ҳақида сўз юритилган. Руҳ ибтидода дорул бақо, яъни, мангу тирикликка тегишли эди. Мангу тириклик ёлғиз Оллоҳга тегишли эди. Шу боис, у азалий ватанни истаб, яккалик, абадийлик сари интилаётир. Дайри фанода, яъни, ўткинчи дунёда туришга унинг тоқати эмас, фурсати ҳам йўқ. Чунки, ишқ жунуни ошиқни ёлғизгина тоқатидан эмас, фурсатидан ҳам айирган. Ошиқ энди беихтиёр ишқ жунунига бўйсунди, унинг йўриғидан юради. Ошиқнинг фурсатсизлиги лоланинг қисматига ҳамоҳанг. Лола қисмат ҳукмига бўйсуниб, бир зумда очилиб, бир зумда тўкилади. Лоланинг айнан шу фурсатсизлиги ошиқнинг ҳолатига кўчирилган. Ошиқ ишқ жунуни чангалидан чиқиб кетолмайди. Чунки, жунун — жазба унинг бутун борлигини қамраб олган. Юксак палласига кўтарилган жунунлик ошиққа бир соатга эмас, бир лаҳзага ҳам дайри фанода қолишга фурсат ёки имконият бермаётир.

Байт мазмуни: «Умрим азалда дорул бақода — абадийлик кучоғида, яъни, Тангри таолонинг нур дарёсида эди. Шу боис азал ватанни соғиниш — ишқ жунуни лоладек бир соатга ҳам фурсат ёки имконият бермаяпти, яъни, лола бир зумда очилиб тўкилганидек, бир соат ҳам фурсатим йўқ».

*Покбозам, хорижи дунёи уқбодин жудо,
Суратим гарчи башар келди, малактур сийратим.*

Жунунликнинг юксак палласига кўтарилган ошиқ «хорижи дунёи уқбодин», яъни, мангулик дунёсига бегона бўлган дунёдан жудо бўлган, ундан халос бўлган, покланган. Шу дамда ошиқ ўзини «покбозам» дейишга ҳақли. Унинг суврати башар-инсон қиёфасида келгани билан сийрати малакларга хос. Чунки, унинг руҳи Оллоҳга тегишлидир ва ҳатто унинг ўзидир. Қолаверса, покланишлар жараёнида унинг малак сийрати сувратига ҳам кўчган.

Байт мазмуни: «Покбозам, хорижи дунёи уқбодин, яъни, мангу дунёга бегона бўлган дунёдан — моддий дунёдан жудо бўлдим, покландим. Гарчи сувратим башар — инсон қиёфасида келгани билан сийратим, яъни, ботиним малакларга хосдир. Чунки, ботинимни тозалладим, ундан илоҳий маърифат жой олган».

*Неча Мансур ўлди иршодманд муҳаббат йўлида,
Менга ҳам дори қурулғонда етар бу қисматим.*

Байтдаги бироз тушунарсиз бўлган «иршодманд» сўзи луғатларда йўлга солинган маъносида келган. Демак, мисрадан «неча йўлга солинган Мансурлар муҳаббат йўлида ўлди — жон берди», деган маъно келиб чиқади. Бу билан шоир ҳол мақомига кўтарилган солиқларнинг — ҳайратини яшира олмаганлиги учун қатл этилган ёки турли таъқибларга учраган Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож, Фаридиддин Аттор, Абусаид Абулхайр каби намоеਂдаларнинг қисматига ишора қилгандир. Аммо, бу юзаки маъноси. Мисрага «неча Мансурлар ишқ йўлидан юриб, «аналҳақ»ликка эришди ва бақога етдилар», деган маъно ҳам сингдирилган. Иккинчи мисранинг ҳам ички ва ташқи маънолари бор. Зоҳирий маъноси: «Менга ҳам дори қурулғонда, яъни, ҳол мақомидаги ҳайратларимни ошкор этганимда менга ҳам дор қурадилар ва шунда менинг ҳам қисматим етади, яъни, улардек дорга осиламан». Ботиний маъноси: «Менга ҳам дори қурулғонда — Мансур мақомига кўтарилиб, «аналҳақ»ликни ошкор этганимда, бу қисмат менга ҳам етади, яъни, бақога эришаман».

Машраб жуда кўплаб ошиқона ғазалларида Мансур Ҳаллож тимсолини гавдалантирган. Бу шоирнинг Мансур Ҳалложга бўлган хурмати, эътиқоди ва муҳаббатининг ниҳоятда кучли эканлигини кўрсатади.

*Минг шукр Худойимга Мансурга қўшулдим мен,
Ул рўйи сияҳларким Мансурни ўлдирган.*

Шоир қахрамони Мансурга қўшилгани учун Худога беадад шукрлар айтмоқда. Чунки, унинг эътиқодича, Мансур Ҳалложга қўшилиш Оллоҳнинг маърифат дарёсига бориб қўшилиш билан тенгдир. Байт мазмунини чуқурроқ ҳам тушуниш мумкин. Қахрамоннинг Мансурга қўшилишини ўша ошиқнинг Ҳаллож етган руҳий мақомга — камолотга етишиши, деб тушуниш ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Худди ўша мақомда, яъни «аналҳақ» лафзини айтган пайтда, Мансур Худога қўшилган эди. Демак, аён бўладики, Мансурга қўшилиш, яъни, «аналҳақ»лик мақомига етиши, Оллоҳга — унинг руҳий вужудига сингишидир.

«Аналҳақ»лик шу қадар юксак бир руҳий даражаки, унинг моҳиятини, сирини бу ҳолдан йироқ бўлганлар асло тушунмаган ва шунинг оқибатида «Рўйи сияҳлар», яъни, мутаассиб диндорлар Мансур Ҳалложни «шаккоклик»да айблаб, уни дор остига олиб келганлар.

Байт мазмуни: «Худойимга минг шукрки, Мансурга қўшилдим, яъни, «аналҳақ»-лик босқичига кўтарилиб, Мансурга — яккаликнинг мангу дарёсига қўшилдим. Мансурни ўлдирган ул рўйи сияҳлар ёки «аналҳақ»ликнинг моҳиятига тушунмаган мутаассиб диндорлардирки, охиратда уларнинг юзлари қора бўлади».

Мансурга қўшилган ошиқ ажалдан чўчимайди. Аксинча, уни шоду хуррамлик билан кутиб олади. Чунки, ажал ваҳдатул-вужудни рўёбга чиқарувчи восита. Қолаверса, барча тариқатларда ҳам ошиқлик йўлига кирган солиқларнинг жонидан кечиб қўйиши талаб этилади. Шунинг учун Машраб:

*Кўр ошиқ эранларни, эй Машраби девона,
Келганда ажал жоми жони билан сипқорган, —*

деб ёзган бўлса ажаб эмас. «Ошиқ эранлар» — мардонлар, яъни, ишқ йўлига ҳиммат билан киришган ошиқлар. Машраб ўзини мардонлардан ўрناق олиб, ажал жомини ўшалардай сипқоришга ундаяпти. Чунки, ажал висолга, яъни, Тангрининг руҳоний вужудига бутунлай сингиб кетишига тўсқинлик қилиб турган жисмни — танани ўлдирувчи ёки руҳни тана қафасидан қўтқарувчи ҳалоскор. Байтдаги «ажал жоми» худди шу маънода келган. Демак, «ажал жоми» ошиқ учун хавfli эмас, балки ҳидоятдир. Шунинг учун ошиқлар бу жомни илҳақлик, яъни, ташналик билан сипқоришган.

Байт мазмуни: «Эй девона Машраб, ошиқ эранларга, яъни, ҳимматли ошиқларга назар қил. Улар ажал жоми келганда уни жонлари билан сипқоришган. Чунки, ажал руҳни жисм қафасидан қўтқариб, уни яккалик вужудига, яъни, Тангри таолонинг руҳоният оламига етказувчи воситадир».

Ажал, яъни, ўлим ошиқларининг илоҳият оламига бутунлай сингиб кетишларини таъминловчи энг сўнгги ва қудратли восита бўлганлиги учун Машрабнинг бир қанча ғазалларида шу ҳақдаги фикрлар баён этилган.

*Эй мусулмонлар, қазо топсам керак,
Нури ҳақдин кимиё топсам керак.*

Бир қарашда ачиниш ҳисси туғилиши мумкин. Гўё қахрамон мусулмонларга умид-ла боқиб, улардан мадад кутаётгандек. Бироқ, кейинги мисра фикримизни кескин ўзгартириб юборади. «Нури ҳақ» — Оллоҳ нури ёки маъшуқанинг лутфу эҳсонини, яъни, ваҳдатул-вужуднинг рўёбга чиқиши хабари. Ошиқ шу маъшуқанинг лутфу эҳсонидан «кимиё» топиш арафасида. «Кимиё» нимага англатади? Буни мукаммал билмоқ учун тарихга назар солишга тўғри келади. Ўтмишда бир гуруҳ олимлар турли хил металллардан кимёвий йўл билан олтин ва жавоҳирлар олишга уриниб кўришган. Одамлар мақсадига ета олишмаган. Бироқ бу усул, яъни, кимиё мумтоз адабиётимизда янгиликка интилиш ёки уни кашф этиш маъносидан талқин этилган. Байтдаги «кимиё» ҳам рўй бераётган янги бир жараён ёки босқичга ишора маъносидан келган. Оллоҳ нуридан ошиқнинг кимиё топиши, унинг тан нафасидан қўтулиб, ҳидоят топиши маъносидан келган. Бошқача айтганда, ошиқ қазо топиш, тан қафасидан халос бўлиб, Оллоҳ нуридан баҳраманд бўлиш, яъни, яккаликка бирикиш арафасида турибди.

Байт мазмуни: «Эй мусулмонлар, қазо топсам керак. Нури ҳақдан, яъни, маъшуқа эҳсони кўмагида танадан халос бўлиб, кимиё топсам керак — ваҳдатга сингисам керак».

Мансур Ҳаллож даражасига кўтарилган ошиқ учун ишқ йўлида жон фидолик қилиш — жон бериш юксак орзуга айланган. Шунинг учун у ўз қатлгоҳи бўлган Балх шаҳрига қараб йўл олади. Чунки, у авлиё сифатида Балхда қатл этилишини олдиндан билган. Қолаверса, пири муршиди Офоқ Хожа шу ҳақда башорат қилган эди. Бу ҳақда «Қиссаи Машраб»да шундай ёзилади: «Ҳазрати подшоҳим марҳамат қилиб айдилар: «Эй Машраб, анонгни зиёрат қилғил санинг кушанданг Балх шаҳрида подшоҳи Маҳмудур».

Қисмат ҳукмига ошиқнинг қаршилиги йўқ. Аксинча, у муҳаббат майидан сархуш бўлиб, қатлгоҳи сари мардона боради.

*Шавқи муҳаббатингда кезиб Балх шаҳрини,
Хатти шаҳидлик кўриб ошкор ўқуй.*

«Муҳаббат шавқи» — маъшуқа хаёли билан сархушлик ёки унинг ишқи билан тўлган дилнинг роҳат-фароғатга йўғрилиши. Ишқ роҳатидан мастона, яъни, маст бўлган ошиқ Балх шаҳрини — қатлгоҳини телбавор айланаётир. Ошиқ қатлгоҳи аро шаҳидлик хатини кўрган, яъни, ишқ йўлида жони кетиши қисматида бор эканлигини англаган. Ошиқ «шаҳидлик хатини ошкор» ўқимоқчи. Юқорида «шаҳидлик хати»ни ишқ йўлида жон фидо қилиш деб қарадик. Аммо, бу ифода байтнинг тўла мазмунини очиб бера олмайди. Байтга эътибор берсак, «ошқора ўқиш» «хатти шаҳидлик»дан кейинги жараёнга тегишли эканлигини кўраимиз. Шаҳидликдан, яъни, жон беришдан кейинги жараён эса равшан — ошиқ тан қафасидан қутилиб, Тангрининг руҳоният оламига кўшилиб кетади, яъни, ваҳдатул-вужуд ҳодисаси рўй беради. Демак, ошиқ ўқимоқчи бўлган ёки ўқиётган «хатти шаҳидлик» «аналҳақ»лик лафзидир.

Байт мазмуни: «Қалбим муҳаббат шавқи билан лиммо-лим тўлиб, Балх шаҳрини кездим. Хатти шаҳидликни кўриб — ишқ йўлида жон беришим қисматимда бор эканлигини англадим ва руҳим ваҳдатул-вужуд босқичига кўтарилди. Шунинг учун «аналҳақ»ликни эл аро ошқора ўқияпман ва ёки ўқимоқчиман».

*Чун муборак бўлсин, эй Машраб, қизил қонинг сенинг,
Хўб иш бўлди сенга, жон берганинг офат эмас.*

Машрабнинг қалби қисмат хотимасидан севинчга тўлган. Шу боисдан ҳам қизил қони тўкилганлиги ва ишқ йўлида жон берганлиги билан ўзини муборакбод этган. Чунки, бу нарса ишқ йўлида офат эмас, аксинча, шараф-шон эканлигини ошиқ жуда яхши тушунган.

Ошиқ қизил қони билан ўзини муборакбод этар экан, жисмдан қоннинг тўкилишини назарда тутмаган. Аксинча, «қизил қон» тасаввуфона мазмунга эга. Тасаввуф адабиётларидан маълумки, кўздан ёш ўрнига қизил қон оқиши маъшуқага бўлган садоқатнинг балоғатга етганлигини англатади. Шу маънода, «қизил қон»ни ҳам садоқатнинг юксак бир кўриниши маъносида тушиниш мумкин бўлади. Шоир ўзининг ишқ йўлидаги ана шу садоқатини — фидойилигини «хўб иш бўлди», дея алқамокда. Чунки, шу садоқату фидойиликнинг орқасидан ошиқ руҳи раҳмоний руҳга бориб кўшилган. Шундай экан, ошиқнинг жон берганлиги — руҳнинг тана қафасидан қутилганлиги сира офат эмас.

Байт мазмуни: «Эй Машраб, сенинг қизил қонинг, яъни, ишқ йўлидаги шаҳидлигинг — фидойилигинг муборак бўлсин! Сенга хўб иш бўлди — яхши иш бўлди, яъни, маъшуқа — Оллоҳ висолига етишасан ёки етишдинг. Шундай экан, жон берганинг офат эмас».

Машрабнинг адабий меросида Мансур Ҳаллож таълимотининг ғояси билан суғорилган ғазаллар жуда кўп. Бироқ, қузатувга асос бўлган байтларнинг ўзиёқ шоирнинг Мансур Ҳаллож шахсига ва унинг таълимотига бўлган ихлосининг нечоғлиқ кучли эканлигини кўрсатиб турибди. Машраб таълимот ғояларини куйловчи шоиргина эмас, аксинча, у таълимот ғоялари билан қуролланган ҳолда, Мансур Ҳаллож босиб ўтган долғали ишқ йўлини фидойилик билан босиб ўтган ошиқдир. Ҳатто, уларнинг қисматлари ҳам бир-бирига ўхшаш. Шу маънода, Машрабни Мансур Ҳалложнинг маслакдоши, издоши деб аташ мумкин.

«КИ, БУ ЗУЛМАТ ИЧРА НЕЧА ИСКАНДАР АДОШИБДУР...»

Қадимда мамлакат сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган алоҳида шахслар ҳақида кўплаб афсона, ривоятлар тўқилган. Фольклор асарлари ва ёзма адабиётда кенг тарқалган ана шундай образлардан бири македониялик Александр бўлиб, у шарқда Искандар Зулқарнайн номи билан машҳурдир. У ҳақдаги ривоят ва афсоналар туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқи орасида ҳозирги кунгача яшаб келмоқда. Улуғ озар шоири Низомийнинг «Искандарнома» асаридан кейин яқин ва ўрта шарқ халқлари адабиётида хамсачиликнинг анъанавий образи бўлиб қолди. Ҳазрат Алишер Навоий ҳам у ҳақда дoston яратиб, Искандар образини янги тараққиёт поғонасига кўтарди. Навоий «Садди Искандарий» достонида реал тарихий воқеа-ҳодисалар билан бир қаторда, халқ оғзаки ижоди материалларидан Искандар ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлардан кенг фойдаланди. Бу эса Искандар образининг биринчи навбатда халқ ижодиёти билан яқиндан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Шарқ классик шеърียатида Искандар образи реал ҳаётга мувофиқлаштирилиб, ижоднинг гоъвий-эстетик, ижтимоий-фалсафий қарашларини акс эттиришда восита ролини бажаради. Шарқ адабиёти анъаналарининг давомчиси сифатида қалам тебратган Огаҳийнинг лирик ижодида Искандар образи тез-тез кўзга ташланиб, бу образ шоирнинг эзгу ниятларини ижодий эҳтиёж даражасида акс эттириш учун хизмат қилади. «Чин маъноси билан ёзувчи ёки шоир бўладиган кишига фақат тил ва адабиётни яхши билиш кифоя қилмайди, албатта, — деб ёзган эди академик Воҳид Абдуллаев. — Ёзувчи жаҳондаги халқлар, давлатлар, дунёнинг географик тузилиши, сув ва қуруқликлар, табиий бойликлар, халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳам чуқур билимга эга бўлиши зарур». Шу жиҳатдан олиб қараганимизда Огаҳий умри давомида қадимги ва ўрта асрларга оид тарих, география ва фалсафага доир китобларни ўргангани, шубҳасиз.

Огаҳий лирикасида энг фаол намоён бўладиган тарихий шахслардан бири Искандар бўлиб, у билан боғлиқ тасвирлар қуйидаги ҳолларда, яъни. Искандар образи воситасида маъшуқа сифатларининг куйланишида, Искандар билан боғлиқ тафсилотларга шоирнинг ҳаёт, борлиқ, инсон умри ҳақидаги фалсафий қарашларининг куйланишида, Искандар образи орқали ижтимоий тузумдан норозилик кайфиятларининг ифодаланишида намоён бўлади.

Огаҳий лирикасида Искандар, даставвал, лирик қаҳрамоннинг ишқий саргузаштлари билан боғлиқ ўринларда кўринади. Бунда шоир фольклор асарларида кенг тарқалган Искандар образининг сифат ва хусусиятларига ишора қилиш орқали маҳбуба гўзаллигини улуғлайди.

Маъшуқанинг беқиёс гўзаллигини ва бетакроп сифатларини акс эттиришда Искандар образи восита ролини ўтайди.

Шоир шундай ёзди:

*Сочи савдосида гар етмасам лаълига тонг эрмаски,
Ки, бу зулмат ичра неча Искандар адошибдур.*

Афсоналарда айтилишича, Искандар билан Хизр тириклик сувини излаб зулмат дунёсига равона бўлади. Гоятда чарчаган Искандар ўзига ҳам тириклик сувидан келти-

ришини илтимос қилиб Хизрга отини бериб, ўзи эса йўлда қолади. Хуллас, у ердаги тириклик сувидан ичиш Хизрга насиб этибди-ю Искандар ундан бебаҳра қолибди.

Оғаҳий зулмат дунёсига кириб тириклик суви излаб юришга ҳожат йўқлигини, чунки бу нарсалар маъшуқада мавжудлигини айтяпти. Зулмат маъшуқанинг сочи бўлса, тириклик суви эса лабидир.

Оғаҳий Искандарнинг зулмат дунёсидан тириклик суви излаши ҳақидаги афсонага ишора қилиш орқали, маъшуқанинг лаби ва сочининг бетакрор лавҳасини чизиб беради. Унга етишган киши мангу барҳаётликка эришиш ҳақидаги муболағали тасвирни гавдалантиради.

Байт бадиий санъатларнинг қўлланиши жиҳатидан ҳам алоҳида диққатга молик. Сочи зулматга, лабни тириклик булогига ўхшатилиши орқали (ташбеҳ) Искандар образига мурожаат қилиб (талмеҳ) муболаға санъатининг энг гўзал намуналари яратилган.

Оғаҳий ижодида ҳаёт ва борлиқнинг кенг манзаралари, умрнинг мазмуни ҳақида кўплаб фикру мулоҳазалар мавжуд бўлиб, уларда шоирнинг лирик қаҳрамони етук файласуф сифатида чуқур, теран фалсафий фикрларни илгари суради. Бундай характердаги байтларда ҳам Искандар образи шоирнинг бадиий ниятини амалга оширишга қўл келади:

*Чун-куюб кетгундур охир юз туман армон била,
Бас Фаридун молию, мулки Скандардин на хаз.*

Афсоналарда келтирилишича, Искандар умри охирида ўзи вафот этгач, бир қўлини тобутдан чиқариб қўйишларини сўрайди. Бу билан моҳир саркарда умри поёнига етиб борган дунё, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини теранроқ англаб етганини кўришимиз мумкин. Бутун дунёни забт этган баҳодирлар ҳам бу дунёдан қўли очиқ кетишини яна бир қарра исботини кузатишимиз мумкин.

Байтда шоир ана шу афсонага ишора қилиб, мол-дунё, бойлик ўткинчи эканини, бу дунёдан неча-неча кишилар армон билан кетганини айтмоқчи. Одамларни амал каби ўткинчи нарсаларга ружу қўймасликка, умрнинг қадрига етишга чақиради.

Оғаҳий нозиктаъб шоир сифатида ўз теварак-атрофидаги кишиларнинг хатти-ҳаракатларига, айрим салбий хусусиятларига бефарқ қараб тура олмайди. Шоир кишиларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилишларини, ҳар бир кишига, аввало, инсон деб қаралишини хоҳлайди. Лекин унинг бу орзу-хаёллари ҳамиша ҳам турмуш ҳақиқатларига мос келавермайди. Шунинг учун ҳам шоир ҳаётнинг айрим тартиб ва қоидалари билан чиқиша олмайди. Натижада унинг ижодида ҳаётдан, ижтимоий тузумдан норозилик руҳида яратилган асарлар пайдо бўла бошлайди. Буни биз «Шикор» радиопиёғазали мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Шоир беозор қушларни, паррандаю даррандаларнинг қирилиб кетишини истамайди. Кишиларни овга чиқиб бу тилсиз жонзотларга озор бериб, кайфу сафо билан вақтларини хушчақчақликда ўтказишидан унинг дили ранжийди. Бундай кишиларга хитобан шоир шикаста дил кишиларнинг кўнгул қушларини овламоқ лозимлигини айтади:


*Гар айлар бу янглиғ овни, лекин ёвни ҳам
Ҳаргиз андоқ қилмагай Жамшиду Искандар шикор.*

Байтда шоир озорсиз жонзотларни бунчалик қирғин қилинишини Искандар ва Жамшид образларини келтириш йўли билан очиб беради. Кўпгина мамлакатларни забт этган фотиҳлар ов уёқда турсин ўз душманларига ҳам бундай жазони лойиқ топишмаган. Наҳотки, инсон атрофни безаб турган энг яқин дўстларини қирғин қилиш каби разилликдан руҳий озиқ олса. Мазкур ўринда Искандар воситасида ҳаётнинг ўткинчи, бевафолиги, инсон умрининг ниҳоятда қисқалиги, инсон яшаши лозим бўлган муддатни эзгу ва хайрли ишларга сарф этмоғи ва меҳр-оқибатли бўлиши лозимлиги уқтирилган.

Демак, шоир лирик шеъриятида Искандар образига кўп маротаба мурожаат қилиб, шеърларини ғоявий-бадиий жиҳатдан теран ва бетакрор бўлишига эришган. Искандар образи воситасида ўз қарашларини тасдиқлаши Оғаҳий қаламга олган фикр ва туйғуларнинг ҳақиқий чиқишини таъминлаган.

Тозагул Матёкубова,

Урганч Давлат Университети
аспиранти.



Манзар Абдулхайров,

филология фанлари номзоди

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ҲҚИТИШ МУАММОЛАРИ

Она тилини чуқур ўзлаштириш, унинг тарихий ривожланиш тараққиётини англаб етиш ва илмий асослаб бериш таълим ва тарбиянинг асосий жиҳатларидан биридир. Ўз тилини пухта эгаллаган ҳар бир киши, жамият аъзоси қатъий эътиқоди, идеали билан халқнинг маънавий жиҳатдан янада ўсиши ва ривожланишига муносиб ҳисса қўша олади.

Жумҳуриятимиздаги ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги ҳозирги катта ўзгаришлар шароитида, олий ва ўрта мактабларда ўзбек тилининг ўргатилиши бора-сида ютуқ ва камчиликларни тўғри баҳолай билиш, бу ишга ҳаққоний танқидий назар билан қараш ҳозирги куннинг талабидир.

Ўзбек тилининг ўқитилиши ва ўрганилишида ҳали амалга ошмаган ва оширилиши зарур бўлган қатор муаммолар бор. Айниқса, олий ўқув юртлари учун ўзбек тилшунослигининг муҳим бир бўлими ҳисобланган нутқ маданиятига оид махсус дарслик, ўқув қўлланма йўқлиги, ўрта мактаб ўқитувчиларига мўлжалланган талаффуз мезонларини белгилловчи тўлиқ орфоэпик луғатларнинг тузилмаганлиги ва бошқа қатор муҳим масалалар шулар жумласидандир. Шунингдек, маънавий камолга етишишнинг асосий талабларидан ҳисобланувчи ўрта ва олий ўқув юртларига мўлжалланган она тилини ўқитишда орфография ва нутқий равонлик, ифодали ўқиш, ёзма равишда ўз фикрини хатосиз баён қилишга эришиш ва пунктуацион қоидаларни ўрганишга алоҳида услубий тавсия ва мукамал қўлланмалар йўқлиги сезилади.

«Она тили ҳар қандай тараққиётнинг, бутун билимларнинг асосидир», деган эди бир мутафаккир. Албатта, она тили ижтимоий ҳаёт тўғрисида билимларни кучайтиради, мустаҳкамлайди. Унинг асосий хусусияти ўқувчиларни мантиқий фикрлашга йўл очиш, ўз миллий маданий бойликларига тўғри, ўринли муносабатда бўлишга, бу бойликларни чуқур эгаллаш учун интилишга даъват этади. Шу маънода ўзбек тили фани педагогика институтларининг барча факультетларида қайтадан дарс йўриғига киритилиши, айниқса, ўзбек тилининг амалий машғулотлари, иш юритиш тартиби (идора ишлари), нутқ маданияти, орфография, орфоэпия, пунктуация қоидаларининг тўлиқ ўқитилиши ва грамматиканинг асосий қоидаларини жорий этилаётган лотин-ўзбек ёзуви билан бирга билишлари зарур. Чунки, педагогика институтини битирувчи талаба қайси факультетни тамомлашидан қатъий назар, олий маълумотли, ўз фанининг ўқитувчисидир. Мактабда ҳамма фанлар ўз она тилида олиб борилар экан, ўқитувчи дарсни соф адабий тилда, оғзаки ва лотин-ўзбек ёзувида ёзма тушунтиришини тақозо этади. Бу эса, фақат она тили ва адабиёти ўқитувчилари зиммасидагина бўлмай, балки, барча фан ўқитувчиларининг лингвистик, умумий педагогик ва услубий тайёргарлиги билан ҳам боғлиқ вазифадир.

Педагогика институтлари филология факультетларида қадимги туркий тил, эски ўзбек тили, ўзбек тилининг тарихий грамматикаси, ўзбек адабий тили тарихи фанла-

ри ўқитилади. Мазкур фанларга мўлжалланган дарслик йўриғлари бутунги кун талабидан келиб чиқиб, янги маълумот ва йўналишлар асосида яратилиши зарур. Чунки кенг халқ оммаси ҳозирги ўзбек адабий тилини ўзлаштиришда реал замин тайёрлайди. Тил тараққиёти жамият тараққиёти билан узвий боғлиқлиги, турли даврларда хилма-хил маъно касб этувчи сўзлар қўлланилганлигини, аниқ манбалар асосида тушунтира билиш имкониятига эга бўлишни талаб этади. Бунинг учун ёзувимиз тарихи, ўзбек тили тарихига, маданиятига оид манбаларни тўғри тақдир қиладиган, равон ўқийдиган ёш малакали мутахассислар тайёрлашга эътибор бериш керак.

Тилшуносликда тил тарихи материаллари, қўлёзма асарлар бирламчи манба ҳисобланади. Бирламчи манбаларни чуқур ва пухта ўрганмаган талабалар, ёш тадқиқотчиларнинг эртанги ижодий фаолиятларини умри қисқа бўлади. Шунингдек, бу ҳол ўз она тилларини у қадар чуқур ўзлаштира олишларига монеълик қилади. Шунга кўра, бутунги талабалар, ёш тадқиқотчилар давр талабидан келиб чиққан ҳолда, кўпроқ бирламчи манбаларга мурожаат қилишлари мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, аввало, ўрта ва олий ўқув юртларида манбашунослик, матншунослик, қадимги туркий тил, ўзбек тили тарихи, ўзбек тилининг тарихий грамматикаси каби предмет ва махсус курсларнинг ўтилишини тўғри ташкил этиш, уларнинг мақсад ва вазифаларини таълим-тарбия тизимини яхшилаш талабидан келиб чиқиб ёритиш фойдадан холи бўлмайди, албатта. Айниқса, мутахассислар манбашунос ва матншунос сифатида қадимий қўлёзма асарларнинг тил хусусиятларини кенг халқ оммасига ва ёш тадқиқотчиларга етказиб беришлари лозим. Хусусан, тил ва адабиёт соҳаларини уйғунлаштирувчи манбашунослик ва матншунослик билимларини талаб доирасида эгаллаш зарур. Ана шу зарурият ва эҳтиёж назаридан келиб чиқиб, «Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методик анжуманнинг тўртинчи йигинида (11—12 арпель 1997 йил.) «Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари» мавзуси кенг муҳокама қилинган эди.

Сўнгги йилларда, Президентимиз ташаббуси билан қўлёзмаларни ўқий оладиган ёш олимлар иқтидорига алоҳида эътибор бериш жиҳати кучайди. Дарҳақиқат, доимо мозийга қайтиб иш кўриш бобокалонларимизнинг қон-қонига сингиб кетган бир одатдир. Ўтмишда яратилган ҳар бир қўлёзма асарларнинг ишончли нусхаларини аниқлаш, қўлёзмаларни ишончсиз манбаалардан фарқлай олиш малакасига бўлган талаб кучая бориши табиий. Бу борада дастлабки йўлланма сифатида профессор Нажмиддин Комилов муҳаррирлигида филология фанлари номзоди, доцент Алимудда Ҳабибуллаев томонидан университет ва педагогика институти филология факультетлари учун (70 соатлик) тузилган «Адабий манбашунослик ва матншунослик» курси ҳамда Афғондил Эркиновнинг «Матншуносликка кириш» тавсиянома-қўлланмаси олий ўқув юрти мутахассис-муаллимларни ҳам хушнуд этди. Бироқ, тавсиянома-қўлланмаларни мукамал ва камчиликлардан холи деб бўлмайди. Хусусан, Афғондил Эркинов томонидан тузилган «Матншуносликка кириш» рисоласида кўпроқ нашр ишлари, матнларнинг имло хусусиятларига эътибор берилди. Аслида, ўтмишда яратилган ҳар бир асарнинг шаклий-маънавий таҳлили хусусида қилинган қатор номзодлик, докторлик ишлари ҳам матн таҳлили билан боғлиқ тадқиқотлардир. Шундан келиб чиқиб, матншуносликка оид мавжуд манбаларни ўрганиб, матншунослик билан боғлиқ муаммо ва ахборотларни вақтли матбуотга йўллаш, шунингдек, шу пайтгача матншунослик ва манбашуносликка доир тадқиқотларнинг ютуқ ва камчиликларини рўйи-рост таҳлил қилиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, матншунослик курсларини талабаларга ўтиш икки босқичда амалга оширилмоғи лозим, яъни, тарихий матншунослик ва ҳозирги матншунослик сифатида ўтилиши керак. Негаки, матншунослик билимлари деганда, талабанинг ўтмишда яратилган матн билан ҳозирги матнни ўзига хос хусусиятларини теран фарқлай олиш ва уларни мустақил таҳлил қила билиш салоҳияти назарда тутилади. Шу ўринда, шуни ҳам айтиш жоизки, қўлёзма асарларни ҳам адабий, ҳам лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш учун талаба ва ёш тадқиқотчи-

лар диний манбалардан ҳам яқиндан бохабар бўлишлари керак. Чунончи, тарихий аксарият қўлёзма асарларнинг мазмун ва моҳияти диний негиз асосида қурилган. Шу жиҳатдан қараганда, бугунги кунда ўзбек тилида ислом манбашунослиги ёки матншунослигига бағишланган қўлланмалар мавжуд эмас. Бунинг учун имконият даражасида илмий, адабий, тарихий йўналишдаги ёзма манбааларни ўрганиб, улар хусусида алоҳида қўлланма ва дастурлар тузиш керак бўлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан очилган Ислом университетининг кенг қамровли фаолияти бу борадаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратади, деган умиддамиз. Шундагина, хусусан, филолог талабалар қўлёзма тошбосма асарларни ўқиб таржима қила олиш қурбатига эга бўладилар. Эндиликда, талабалар ўз она тили дарсларини лотин-ўзбек ёзувида ўта бошлайдилар. Лотин-ўзбек ёзувини ўрганишда бир қатор муаммоли масалалар туғилмаслиги учун ҳам эски ўзбек ёзуви, ёзув тарихини ва қўлёзма асарларнинг хаттий хусусиятлари ҳақида ҳам етарлича ахборотга эга бўлишлари зарар қилмайди. Ёзувнинг пайдо бўлиши, ёзув қуроллари ва материаллари, жумладан тери, ёғоч, тош, қалам, давот, чиг, папирус ва пиктографик ёзувлар ҳақида маълумот олишлари лозим. Шунингдек, Ўрхун-Энасой руний, уйғур, бохтарий-юноний, авесто ёзув маданиятларига доир адабиётлардан ҳам хабардор бўлишлари она тили ва ёзувини ўқитиш йўсинига яқиндан ёрдам беради.

Ўтмишда яратилган ҳар бир қўлёзма асар ўша давр турмуш тарзидан, маданияти ва лисонининг қай даражада эканлигидан даракчи бўлиб келади. Кўринадики, адабий қўлёзма асарлар ва тарихий қўлёзма ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр қилиш билан боғлиқ ишларни ривожлантириш, хусусан матншунослик билан ёндош соҳа бўлган библиография, манбашунослик, полегорафия, археография, хаттотлик, герменевтика, қадимий луғатчилик, тарихий поэтика, услубшунослик соҳалари бўйича бир қатор қўлланмалар тузиш йўлидан бориш ҳам бугунги она тилимизнинг истиқбол сари одимлашида имконият яратади. Зеро, ҳозирги она тилимизда яратилган адабиётлардаги матний парчаларда парадигматик ва синтагматик муносабатни ўрганиш ҳам бир қатор мушкулотларни туғдиради. Бунга боис, қадимги матн парчалари, қўлёзмалардаги матнларни таҳлил қилиш то ҳануз ўрганилмаётганилигидадир. Бундан ташқари, баъзи ёш тадқиқотчиларнинг илмий тадқиқотларда муайян таҳлилларнинг етишмаслиги ҳам бирламчи манбалардаги матн таҳлилларини пухта ўзшатирилмаётганликларини билдиради. Аён бўладиги, она тилида қай даражада саводхон бўлиш ва равон гапириш нафақат ўзбек тилининг ички тил хусусиятлари, луғат бойликларини ўрганиш билан, балки унинг тарихан шаклланиши, қадим маънавиятидан ҳам тўла-тўқис баҳраманда бўлиш билан белгиланади. Демак, бунга соф тил билимлари мажмуигина кифоя қилмас экан. Бунинг учун нутқ маданияти, муомала маданияти билимларини пухта эгаллаш керак бўлади.

Шундай қилиб, олий ва ўрта ўқув юртларида ҳамда мактабларда таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар, талабалар она тилини мукамал ўрганишлари билан бирга сўзга масъуллик сезишлари, муомала маданиятига кўникма ҳосил қилишлари бугунги куннинг энг муҳим талабларидан биридир. Зеро, «тилнинг ширинлиги кўнгулга ёқимлидир, мулойимлиги эса фойдали. Ширин сўз соф кўнгуллар учун асал каби тотлидир», дейди Алишер Навоий. Умид қиламизки, ўқувчи ёшлар ва талабалар ўз она тилларида беқусур ва равон сўзлашишлари учун, тегишли мутасадди, мутахассис олимлар томонидан тез кунларда, манбашунослик ва матншуносликка оид қўлланмалар, янги, мукамал она тили дарсликлари яратилади.

БУ КУННИНГ ГАПИ

Абдулла Орипов. Фикримиз ва зикримиз 3

НАЗМ

Шаҳрибону. Кўзларинг эсласам кўнглумда чакин 5
 Гулчеҳра Раҳимова. Бир-бировга биз ўнгдаги туш 6
 Икром Отамурод. Ёбондаги ёлғиз дарахт. *Достон* 42
 Тўра Жуман. Яхшилар чироқ ёқса 68
 Садриддин Салим Бухорий. Бухорога Бухоро келди 69
 Вафо Файзулло. Оразинг фикрат ери 71
 Сирожиддин Рауф. Чечаклар анбарин йўлларга тараб 73

НАСР

Шойим Бўтаев. Бир кунлик меҳмон. *Қисса* 8
 Наби Жалолiddин. Ковак. *Қисса* 53
 Асад Дилмурод. Фано даштидаги куш. *Роман* 75
 Эрвин Умеров. *Ҳикоялар* 124

МУШОИРА

Камалак бошимдан нурлар сочади 120

АДАБИЙ ТАНҚИД

Нилуфар Мухаммадиева. Навоий ва Бобур 148
 Зокир Худойшукур. «Нури ҳақдин кимё топсам керак» 150
 Тозагул Матёкубова. «Ки, бу зулмат ичра неча Искандар адошибдур...» . . 155
 Манзар Абдулхайров. Ўзбек тилини ўқитиш муаммолари 157

Безовчи rassom **Р. Қўнғирова**

Мусаҳҳиҳ **М. Йўлдошева**

● Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. ● Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. ● Обунага монъелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темура тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 12.06.2000 й. Босишга рухсат этилди 25.06.2000 й. Қоғоз формати 70x108¹/₁₆. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 3150 нусха. Буюртма № 629.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ ҚЕЛИШИЛГАН НАРХДА
 «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
 700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.